ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

# ИРФОН ФАЛСАФАСИ

2022

**УДК:**
**ББК:**
**И 84**

**Масъул муҳаррир**

фалсафа фанлари доктори, профессор **Гулчеҳрахон Наврўзова**

**Тақризчилар**

фалсафа фанлари доктори, профессор **Рустамжон Шодиев**

фалсафа фанлари доктори, профессор **Шаҳнозахон Мадаева**

фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор **Қодирқул Рўзматзода**

*Наманган давлат университети Илмий кенгашининг 2022 йил  октябридаги -сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.*

Исақова Замирахон
Ирфон фалсафаси / З.Исақова; Масъул муҳаррир Г.Наврўзова. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Наманган давлат университети. – Тошкент: Фан, 2022. – 236 бет.

Шарқ фалсафасининг ўрганилмаган томонлари, ечимини топмаган жумбоқли масалаларидан бири, мазмуни ва кўлами жиҳатидан серқирра бўлган Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ирфоний билимларнинг ўрни аждодлар маънавий меросига янгича ёндашув – X-XIII асрларда яшаган ирфон аҳлининг асарлари ҳамда ирфонга оид танланган янги назарий манбалар асосида тадқиқ этилган.

Монография ирфон фалсафасига янги ўлчовлар, танқидий ёндашувлар, илмий мушоҳада ва мантиқий хулосалар асосида ёндашиш, уни ўрганишнинг янги аспектлари очиб берилгани билан ҳам фалсафа, ҳам диншунослик, ҳам тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан муҳим, ирфон ва фалсафа ўртасидаги муносабатларни ўрганиш жиҳатидан илмий қимматга эгадир.

**УДК:**
**ББК:**

**ISBN** **Фан, 2022 й.**

## МУНДАРИЖА

**Сўз боши** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3

**Кириш** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 8

**I БОБ. X-XIII АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИДА ИРФОН ИЛМИ РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ** . . . . . . . 10

1.1-§. "Ирфон" тушунчасининг мазмун-моҳияти . . . . . . . . . . . . 20

1.2-§. Ирфоний билишнинг интровертив хусусиятлари . . . . . . 26

1.3-§. Ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 50

1.4-§. Ирфон илми таркибий қисмлари классификацияси . . . 89

**II БОБ. ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИ ФАЛСАФАСИ БИЛИШ НАЗАРИЯСИДА ИРФОННИНГ МОҲИЯТИ** . . . . . 111

2.1-§. Рационал ва иррационал билиш усулларининг қиёсий таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 133

2.2-§. Ирфоний билиш гносеологияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 152

2.3-§. Ирфоний билиш усуллари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 185

**III БОБ. МУСУЛМОН ШАРҚИ ФАЛСАФАСИДА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА ДИНИЙ-ТАСАВВУФИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 200

3.1-§. Ирфоний билиш концепциясида набийлик ва валийлик муносабати диалектикаси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 200

3.2-§. Тасаввуфда ориф, ирфон ва маърифат талқини . . . . . . 200

III. 3-§. Ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси . . . . . . . . . . . 200

**ХУЛОСА** . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 200

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** . . . . . . . . . 200

## Сўзбоши

Тасаввуф диний-фалсафий таълимот сифатида Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида кенг тарқалган ва чуқур из қолдирган, мустаҳкам онтологик, гносеологик, аксиологик, ахлоқий-руҳий илдизларига эга. Улардан бири тасаввуфнинг билиш масалаларини мужассам этган **ирфон фалсафаси**дир.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожида X асрдан ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида барча илмларни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф шаклланиб, тараққий этган ҳамда XII-XIII асрларда ривожланиш чўққисига етган ва Шарқ фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Ирфон илми ривожида аввал ўз-ўзини тарбиялаш орқали, кейинчалик шайх ёки пир воситасида ахлоқий фазилатларга эришилган. Ҳозирга қадар аҳамиятли бўлган, илм ва ахлоқ уйғунлиги мужассамлашган ирфоний адабиётлар айнан шу даврда ижод қилинган. Уларда илгари сурилган ирфоний-фалсафий ғоялар бугунги давр учун ҳам, келажак учун ҳам бирдек қимматли ва аҳамиятлидир.

Истеъдодли олима, Шарқ фалсафий меросининг толмас тадқиқотчиси ва зукко билимдони Замирахон Исақова Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ирфон илмининг ўрнини илк бор уч аспектда тадқиқ этган:

а) ирфон зоҳирий ва ботиний илмлар шариат, тариқат илми билан бирга, фалсафа ва ҳикматни ҳам қамраб олиб, рационал ва иррационал билиш усулларини детерминик боғлаган, бу жараён инсоннинг тафаккури сарҳадларини кенгайтирган. Бундан ирфон, маърифат ва ихлос, поклик, тўғрилик, саховатпешалик каби истилоҳларнинг ўзаро диалектик муштараклиги келиб чиқади;

б) ирфон аҳли ахлоқий талаб ва меъёрларни худосеварлик ва баркамоллик тушунчалари билан уйғунлаштириб, амалиётда қўллаш билан бирга юксак ахлоқий тамойил ва меъёрларни ўз фаолиятларида намоён этишган. Ирфоний билимлар моҳияти

инсон бўлиб, яшашдан мақсад ўзликни англаш ва Аллоҳни танишда акс этган. Аллоҳга сидқидиллик билан интилиш руҳни юксалтирган ва унга ҳуррият бағишлаб, ҳар қандай салбий кайфият ўрнига позитив руҳоний ҳолатни вужудга келтирган;

в) эришилган илм-фан ютуқлари Яратувчи ва инсоннинг маънавий бирлиги ҳақидаги шарқона ғоя билан синтезлашса, илм-фан инсониятнинг барқарорлиги, тараққиёти ва фаровонлигига эришиш воситасига айланади. Ирфон илмини янги усул ва услуб орқали фалсафий тадқиқ этиш нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон фалсафий фикрлар тараққиёти ҳақидаги мулоҳазаларга янгича илмий хулоса бериш билан бирга келажакда маънавий меросни янгича тафаккур орқали қабул қилишга замин ҳозирлайди.

Монографияда ирфон илми ҳақидаги диний-фалсафий концепциялар ретроспектив кетма-кетликда умумлаштирилиб, тизимли хулосалаш орқали ирфон илмини бир давлат ёки бир тариқат ёки шайх ёки ориф шахси билан унинг моҳиятини тўлиқ баён қилиб бўлмаслиги, ирфон нафақат ислом дунёсининг барча диёрлари, шунингдек, ноосферани гўзал ахлоқ, маънавий қадрият, пок ишқ ва ирфоний адабиёт билан қамраб олиши, орифона асарлар асрлар оша башариятнинг маънавий мулки бўлиб, келажак авлодлар учун ҳам юксак маънавий қадрият эканлиги бирламчи манбалар асосида исботлаб берилган. Ирфон илмини ночизиқли тафаккур асосида қайта таҳлил қилишдан ҳосил бўлган хулосалар асосида ирфон илмининг жамият келажаги, ижтимоий барқарорлиги, ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда “калит” вазифасини ўташи исботланган.

Монографияда муаллиф томонидан илк бор ирфоний билимларнинг илмий классификацияси ишлаб чиқилган. Бу зарурият ғарб олимларининг тадқиқотларида ирфонга доир билимлар “мистицизм” деб тор доирада талқин этилгани, турлича маъно ва шаклда чалкаш ифода этилиши билан изоҳланган бўлса ҳам, бу классификация ҳам тасаввуф, ҳам

ирфон илми соҳасининг илмий нуқтаи назардан диапазонини кенгайтиришга ҳамда ирфоний асарлар тадқиқида асосий тасаввуфий истилоҳ сифатида қўлланиш учун истифода этиш имконини беради.

Монографияда бугунги кунда иррационал билиш муаммоларига қизиқиш кучайиб, рационал билиш усуллари билан билиш мумкин бўлмаган ақл чегарасидан ташқарида нима борлиги масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани рационал ва иррационал билиш усулларини мантиқий аргументация орқали қиёсий таҳлил этишни тақозо этиши, ирфоний билишнинг зарурлиги инсон ақли билиш қобилиятининг чекланишидан келиб чиқиши, ақл-идрок фаҳмлай, пайқай олмайдиган, ақл-идрок андозасига сиғмайдиган, ақл-идрок мезони билан ўлчанмайдиган ҳодисалар иррационал билиш бўлиб, “ғайбий”, ботиний сезгига асосланишини қайд этган ҳолда рационал ва иррационал билиш, билим ва ишонч, умуман, фан ва дин муносабатлари турли аспектдаги муҳокама доирасида муштарак бўлса, илм-фан тараққиётида бутунлай ўзгача манзара вужудга келиб, ақл бовар қилмас янгилик ва кашфиётга йўл очилишига олиб келиши илмий далилланган.

Муаллиф борлиқнинг кичик нусхаси бўлган инсон абадийлик ва ўткинчилик, мавжудлик ва йўқлик, руҳонийлик ва моддийлик бирлигининг ифодаси сифатида инсон ҳаётининг мазмунини ифода этиши, Қуръонда инсон тафаккури, ақлига берилган улуғ баҳо эпистемология, билиш масалаларининг Шарқ фалсафий тафаккурида етакчи ўринни эгаллаши билан изоҳланиши, ирфоний билиш жараёнини ўрганиш ва илмий-фалсафий тадқиқ этиш инсоният олдида турган глобал муаммоларга самарали ечим топишга имкон яратишини функционал ёндашув асосида тўғри кўрсатиб берган.

Монографияда ирфоний билишда набийлик ва валийлик ҳақидаги қарашлар парадигмаси атрибутив категория (зоҳирий ва ботиний билим)лар асосида белгиланиб, глобал жараёнлар таъсирида инсониятнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти

жараёнида шаклланган, инсон акл-заковатининг маҳсули бўлган ирфоний билиш ва унда набийлик ва валийлик парадигмаси масаласига янгича ёндашув тақозо этиши, мутасаввифларнинг Аллоҳ, олам, унинг бирлиги ва яхлитлиги, билиш унинг имкониятлари ва чегаралари, йўл ва усуллари ҳақидаги қарашлари бир-биридан фарқланса ҳам, айнан Мутлақ вужуд Аллоҳ, олам ҳақидаги ҳақиқатни англаш, тушунишда якдиллиги эътироф этилиб, уларнинг оламни билишга қаратилган илоҳий тафаккур тизими ўша замонга мос янгича қарашлар, жумладан, Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ” асарига таянган ҳолда набий билан валий муносабати парадигмал таҳлил қилиниб, улар орасидаги фарқ ва ўхшашликка мантиқий далил асосида ечим берилган: ҳамма набий валийдир, бироқ ҳеч бир валий набий эмас.

Олима ориф, ирфон ва маърифат муштараклигини таҳлил қилиб, ориф тушунчаси маънавий-ахлоқий ва ирфоний маънони ифода этиши, орифнинг тавҳид ҳақидаги қарашлари оддий кишиларнинг тавҳидга муносабати билан фарқланиши, ориф учун “тавҳид” комилликнинг энг юқори чўққиси эканини очиб берган, орифлик мақоми, “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб”нинг ирфоннинг моҳиятини теран тушунтиришда Ҳаким Термизийнинг “Маърифат ул-асрор”, “Илм ул-авлиё”, Абу Али ибн Синонинг “Донишнома”, “Ал-ишорот ват-танбеҳот”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ар-рисола ал-ладунийййа”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” каби бирламчи манбаларга таянган. Ҳақиқатнинг ирфоний интерпретациясини тавсифлашда ҳақиқатни тафаккурнинг бирор нарса ёки ҳодисага нисбатан фалсафий-гносеологик тавсифи деб билиб, ҳақиқатни фикр, билимнинг объектив реалликка мос келиши билан белгиланишини қайд этиб, ҳақиқат кенг қамровли истилоҳ бўлгани учун, уни фалсафий-ирфоний талқин этишда интерпретация, ҳақиқатни англашнинг асосий усуллари бўйича фикрларнинг хилма-хиллиги, ирфоний билиш хусусиятларининг ўзига хослиги, ҳақиқат муаммосининг барча

масалаларида тушунмовчиликларнинг мавжудлиги юзасидан айнан битта назарияни татбиқ этиш иложсиз экани, ҳақиқатни англаш мушкул бўлмаганида, одамлар ўртасида ҳақиқат талашиш, динлар, мазҳаблар, оқимлар ўртасида ихтилоф, тарафкашлик, муросасизликларга ўрин қолмаган бўлар эди, деган якдил хулоса ясаган.

Мазкур монография тасаввуф, ирфон ва бевосита тасаввуф билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам, ислом фалсафаси, тасаввуфшунослик муаммоларини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан ҳам, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда белгиланган илм-фан, тафаккур тараққиётини юксалтириш нуқтаи назаридан ҳам бирдек аҳамиятли. Олиманинг танлаган услуби, қўллаган тадқиқот усулларига кўра, эмпирик материаллар республикамиз ва хорижда тасаввуфшунослик, ирфон таълимоти бўйича олиб борилаётган тадқиқотчилик фаолиятини конструктив-рационал ташкил қилиш ва оптималлаштириш учун илмий манба вазифасини ўтайди. Монография келгусида тасаввуф таълимоти ва ирфон илмига доир янги-янги ижтимоий-фалсафий ва илмий тадқиқотлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Шодиев Рустам Тохирович**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори, фалсафа фанлари доктори**

# КИРИШ

Инсоннинг ақлий кашфиёти, интеллектуал салоҳияти беҳисоб ва ҳайратланарли даражага етган ҳозирги даврни рақамлашган дунё бошқармоқда. Аммо башарият онг, тафаккур, дунёқараш, маънавий камолот, ахлоқий етуклик нуқтаи назаридан рақамлашган дунё билан тенглаша олмаяпти. Масалага тасаввуф таълимотининг юксалган даври – X-XIII асрлар призмасидан қараладиган бўлса, инсоният анчагина орқага қараб кетаётгани, агар бу жараён шундай давом этса, маънавий қашшоқлик, тафаккурсизлик, ахлоқий ахлоқий тубанлик, геноцид каби хатарли оқибатлар билан якунланиши муқаррарлиги англашилади. Шу нуқтаи назардан, глобаллашув жараёнида умумбашарий характерга эга бўлган иллатларга қарши курашда ворисийлик ва замонавийлик анъаналарини қайта таҳлил қилиш, илм, ахлоқ ва маънавиятни уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш, тасаввуф ва ирфоннинг маънавий-руҳий соғломлаштирувчи таъсирини ҳозирги давр янгиликлари билан синтезлаш, билимларнинг ворисийлигини таъминлаш, буюк мутафаккирларнинг борлиқ, коинот, табиат, инсон тафаккури, ахлоқи ва маънавиятига оид қарашларини ҳозирги давр илмий янгиликлари билан қиёсий таҳлил этиш, тасаввуфнинг руҳий тарбия усулларини янгидан кашф этиш учун аждодлар меросини ўрганиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида Шарқ фалсафасининг онтологик, гносеологик, аксиологик, фалсафий-ирфоний, хусусан, инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти концепцияси доирасида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, мутасаввифлар маънавий меросида илгари сурилган Яратувчи, борлиқ ва инсоннинг моҳияти ҳақидаги қарашларни тадқиқ қилиш асосида умуминсоний маданиятлар контекстида консенсус ва толерантлик каби тамойилларнинг маърифатли жамият тараққиётидаги альтруистик мазмунини илмий-назарий асослаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода, ирфоннинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожидаги ўрнини аниқлаш, ирфоннинг таркибий қисмларини таснифлаш, инсон

руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқларни ирфон аҳлининг асарларига мурожаат қилиш орқали тўлдириш, инсон руҳиятининг инновацион тадқиқи бугунги илм-фанининг зарур тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий таъсирини ошириш, альтруистик ахлоқий меъёрларни тузатиш, деструктив таъсир кўрсатувчи ижтимоий хавфларнинг олдини олиш, глобал муаммолар ечимига маърифат билан ёндашиш, ахлоқий етуклик ва маънавий камолотга чорлайдиган ғояларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, "оммавий маданият" хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш муаммоси юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда"[1]. Шу жиҳатдан олганда, ирфон фалсафасида муҳим дилемма сифатида қаралган инсон онги, тафаккури, дунёқараши, ахлоқи ва фаолиятини тўғри шакллантириш, комил инсонни тарбиялашда ижобий таъсир этувчи фалсафий, тасаввуфий ва гуманистик ғояларнинг моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккурнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш муҳимдир.

Монографияда X-XIII асрларда яшаган ирфон аҳлининг асарлари ҳамда ирфонга оид янги назарий манбалар асосида Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ирфон муаммосининг фалсафий асослари онтологик, эпистемологик, антропологик, аксиологик қиёсий тадқиқ этилган. Тадқиқотда ворисийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, мавҳумликдан аниқликка юксалиш, интенционал-теологик, ретроспектив, диалектик, синергетик, герменевтик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Монографиянинг илмий-назарий аҳамияти қуйидагича:

---

[1] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 29.

X-XIII асрлар Шарқ фалсафий тафаккури ривожида "басират", "илҳом", "кашф", "фаросат", "қалб" истилоҳлари ирфон илмининг моҳиятини акс эттиришда бирламчи омил бўлиб хизмат қилгани Абу Али ибн Синонинг "Ал-ишорот ват-танбеҳот" (Ишоралар ва танбеҳлар), Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Ар-рисола ал-ладуния" (Ладун ҳақида рисола), Ҳаким Термизийнинг "Илм ул-авлиё" (Авлиёлик илми), "Маърифат ул-асрор" (Сирлар маърифати) каби асарлари мисолида исботланган;

фалсафий билимлар тизимида ирфон (гўзал ахлоқ, пок ишқ ва ирфоний адабиёт)нинг ночизиқли маънавий-руҳий ҳодиса сифатида жамият келажаги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш ва мураккаб илмий-концептуал муаммолар (ҳар қандай зулм ва адолатсизлик, жаҳолат ва нодонликка қарши илм-маърифат билан курашиш)ни ҳал этишда субстанционал асос вазифасини бажаргани аниқлаштирилган;

ориф, ўзининг акмеологик даражасига кўра, башарият учун юксак идеал эканлиги ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини вужудга келтирадиган шукроналик, бағрикенглик, соғлом тафаккур, руҳий хотиржамлик, кечиримлилик, муросасозлик, миннатдорлик каби ирфоний билиш хусусиятлари воситасида исботланган;

плюралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниқтириш, тафаккурни юксалтириш, дунё халқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш каби ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтирилиши соғлом муҳит яратишга хизмат қилиши далилланган;

жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш, инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқни орифларнинг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларига мурожаат қилиш орқали инсоннинг танаси, жони ва руҳининг бир бутунлигига эришиш мумкинлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

# I БОБ. X-XIII АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИДА ИРФОН ИЛМИ РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

IX-XIII асрларда рўй берган оламшумул маданий юксалиш замирида дунёвий ва диний илмларнинг параллел ҳолда тараққий этиши, маънавий бир-бирини тўлдириши ва бойитиши мужассамдир. Бу даврда аниқ, табиий, ижтимоий фанлар, диний илмлар билан бирга тасаввуф ҳам ривожланган. Ислом дини ҳукмрон мафкурага айланиб, маънавий тараққиётга жиддий таъсир кўрсатган. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий-маданий алоқалар ўрнатилган. Сомонийлар, хоразмшоҳлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар давлати вужудга келган. Шаҳарлар юксалиб, Бағдод (IX аср), Хоразм (IX-XI аср), Бухоро (X аср), Самарқанд (XII аср)да илмий марказлар фаолият олиб борган. Араб, форс, туркий тил, араб ёзуви истифода этилиб, қадимги лотин, юнон ва ҳинд тилидаги асарлар араб тилига таржима қилинган. Бу даврда ижтимоий, тарихий, маданий ва диний ҳодиса сифатида вужудга келган тасаввуфнинг билишга оид масалаларини қамраб олган ирфон жамият элитар қатлами маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган. Инсоннинг илм-маърифат, ҳақиқат, маънавий-ахлоқий камолотга эришиши каби масалалар фалсафий, тасаввуфий-ирфоний асарларнинг тадқиқот мавзусига айланган.

Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-тасаввуфий қарашларини замонавий тенденциялар асосида тадқиқ этиш орқали тасаввуф Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий юксалишида муҳим компонент бўлгани[2] теран англашилди.

Ирфонга оид манбаларни кўриб чиқиш ва ўзаро солиштириш орқали ирфон йўлининг ўзига хослиги намоён

---

[2] Қаранг: Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (X-XII вв.). – Самарканд, 2018. – С. 3.

бўлади: фалсафий таълимотлар истиқболи тарихий ривожланиш жараёнида ўзгарар экан, айни вақтда тасаввуф идеаллари ўзгаришсиз, шу билан бирга, парагенетик, умумий диалектик боғлиқликда қолади, уни тушунишда ҳеч қандай чеклов йўқ. Шу нуқтаи назардан, ирфон соҳасидаги тадқиқотларни ҳам ижтимоий, ҳам маданий ҳодиса сифатида кўриш мумкин.

## 1.1-§. "Ирфон" тушунчасининг моҳияти

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг ўрганилмаган томонлари, ечимини топмаган жумбоқли масалаларидан бири мазмуни ва кўлами жиҳатидан сермаҳсул бўлган Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ирфоннинг ўрнидир. Ирфоннинг моҳиятини илмий асосда ўрганишда плюралистик ва ретроспектив методология орқали кенг йўл очилади.

Илм – маълум соҳага оид билим, таълимот, малака, ўқиш-ўрганиш, таҳлил этиш билан эришиладиган билим, кўникма, маълумот, иш-фаолиятнинг илм билан боғлиқ соҳаси, табиат ва жамият ҳақидаги универсал билимлар тизими бўлса, ирфон билиш, таниш, англаш деган маънони англатади. Илм ақлга асосланса, ирфон тасаввуфдаги билиш илмидир.

Ирфон манбаи ақлдан юқори бўлган, билишнинг олий даражаси бўлиб, ҳақиқат, қалб сифатлари, руҳий ҳолатлари билан боғлиқ илмларнинг моҳияти тасаввуф терминологиясидаги "ладун", "ботин", "асрор", "қалб кўзи", "ҳол", "мақом", "фанойи бақо", "мукошафа", "мушоҳада" каби атамалар орқали изоҳланган.

Ислом маданиятининг узвий қисмини ташкил этувчи илмлар тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган фақиҳ, мутакаллим, муҳаддис, файласуф, мутафаккир ва ирфон аҳли (валий, ориф, авлиё, хожа – З.И.) ўртасида муайян фарқ бор, яъни улар алоҳида қатлам сифатида қаралмайди. Аҳли ирфон элитар

мусулмон аристократиясининг юқори даражасидаги “хос ул-хос” қатламига мансубдир.

Тасаввуф ва ирфон истилоҳлари бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлгани учун кўпинча бир маънода истифода этилган. Тасаввуф ирфонга нисбатан умумий тушунча бўлиб, “илм”, “амал” ва “ҳол” бирлигидан ташкил топган яхлит системадир. Тасаввуфнинг кўлами кенг, яъни бир киши сўфий бўлиб, ориф бўлиб шаклланмаслиги, бир киши тариқатга кириб, ирфондан баҳра олмаслиги табиий. “Ориф” сўзи “сўфий” терминига нисбатан юксак, олий даражадаги маънода қўлланилади, яъни ориф Аллоҳнинг исми ва сифатларини идрок этган, ўз (нафс) борлиғидан кечиб, Ҳақ борлиғи (Аллоҳ) билан бор бўлган кишидир.

Ориф ирфон соҳиби, ҳақшуносдир. Демак, ирфон тасаввуфнинг илмий ва зеҳний (билиш) томонини ифодаласа, тасаввуф ва тариқат ирфон илмининг амалий кўриниши, Аллоҳни англаш, борлиқни танишнинг илоҳиёт билан боғлиқ усулидир. Тасаввуф тарихига ретроспектив ёндашилса, унинг мусулмон Шарқи халқларининг тафаккур тарзи ва ахлоқий меъёрларини белгилайдиган ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Ирфон ақл билан англаб бўлмайдиган, иррационал, қалб, учинчи кўз, ботиний “ҳол” орқали ҳосил бўладиган илм бўлиб, “маърифат”, “ҳикмат”, “ладун”, “маъни”, “сир-асрор”, “фаросат”, “мукошафа” деб аталган.

Ирфон бир нарсани аниқ ва ҳар томонлама билишнинг ифодасидир. Айнан аҳлуллоҳлар танлаган йўл ирфон йўли бўлиб, “Худони қидирувчилар йўли”, “Ҳақни таниб олиш учун танланган йўл”, “Ишқ йўли” деб аталган.

Абдулқодир Гийлоний (ваф. 1166 й.) ирфоннинг моҳиятини Қуръон оятлари билан ҳамоҳанг таъвил қилган: “Ирфон ... маърифат туйғуси, бу туйғу сенинг ботиний оламингни қуршаган самодирки, ундан чиқажак бир эмас, бир неча қуёш бор. Йўл ёруғ бўлиши учун маърифат самосида

қуёш туғилиши лозим. Бунинг учун эса ҳолингни камолга етказишинг даркор. “Бугун сизларга динингизни комил қилдим”[3] ояти каримаси ила тасбит этилгандир”[4]. Бундан англашиладики, ирфоннинг мағзини Аллоҳнинг зоти, феъли, исми ва сифатини кўнгил ёруғлиги орқали билишга қаратилган илм ташкил этади.

“Ҳикмат ул-ишроқ” (Порлашнинг ҳикмати) асарининг муаллифи Шиҳобуддин Суҳравардий (ваф. 1191 й.) борлиқни хилма хил тезликдаги ранглар мужассами деб қараб, “ишроқ” (порлаш) ҳақидаги ғояни илгари сурган[5]. Аллома “ишроқ” фалсафасини мукаммал баён этиб, онг парадигмасида Шарқ фалсафий тафаккурини янгича англаш поғонасига кўтарган. Кўҳна фалсафага жон бахш этиб, исломий руҳият билан бойитган.

Ирфон истилоҳи илоҳий илм сифатида “инсоннинг ўз нафсини поклаши, риёзат чекиши, ибодат қилиши, зикр қилиши, хилватда ўтириши ва жазбага берилиши билан сайру сулук босқичидан ўтиши, Аллоҳ билан илоҳий робита ўрнатиши, қалби илҳом ва “ишроқ” манбаига айлангандан кейин ҳақиқатга эришиши”[6]нинг ифодасидир.

Ирфон илмининг мазмуни акс этган адабиётларда ирфонга берилган иккита бир хил таъриф учрамаса ҳам, умумий шаклда, моҳиятан идентифик тушунтирилган. Ирфоннинг моҳияти “татиб кўрган билади” ҳикматида яширинганки, бундан кўзланган мақсад илоҳий маърифат ва маънавий етукликка эришишдир. Ирфон руҳий-маънавий

---

[3] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Моида сураси, 3-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 107.

[4] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 59.

[5] Бу ҳақда қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – С. 225.

[6] Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 12.

покликни талаб этадиган маънавий-руҳий ҳодисадир. Зеро, "Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг"[7].

Ирфон, бир тарафдан, диний билимларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, диннинг моҳиятини ифодалайди. Дин билан ирфон фалсафадаги моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл муносабатлари каби ўзаро диалектик боғлиқ ҳодисадир, яъни ислом дини минг йилдан ортиқ ривожи давомида мусулмон халқларининг иймон-эътиқоди билан бирга ҳаёти, тафаккур тарзи ва маънавиятининг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга, ирфон асрлар оша динни фаоллаштирувчи, бирлаштирувчи, жипслаштирувчи, жон бахш этувчи, руҳлантирувчи функцияни бажарган.

Ирфон илми қадимдан турли шакл ва номлар билан аталиб, илоҳиётшунослик ва диний манбаларда турлича талқин этилган. Теизм тизимида ирфон орифнинг Худо билан васли тарзида намоён бўлади ва бу боғланиш объект (Аллоҳ)нинг иродаси билан амалга ошади.

Ирфон мусулмон Шарқи фалсафий тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлиб, номусулмон (япон, хитой, ҳинд) Шарқ фалсафасининг тадқиқот объектига кирмайди. Номусулмон Шарқ фалсафасида ирфон йўқ. Шундай бўлса ҳам, тадқиқотда ирфоннинг генезисини бошқа динлар ва оқимлардан келиб чиққани, шаклан ўхшашлиги масаласи номусулмон Шарқ фалсафаси кесимида, ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлилида махсус кўриб чиқилган.

Шарқ фалсафий тафаккури тарихида тасаввуф ва ирфоннинг тадрижий (эволюцион) ривожи қуйидагича акс этган:

VII-VIII асрлар тасаввуф тарихида ривожланишнинг дастлабки босқичи бўлиб, "зоҳид", "сўфий" атамалари кенг тарқалган. Сўфийлар Хуросон ва Ўрта Осиёда "ҳаким" деб

---

[7] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 75.

аталган. Эрон олими Р.Биринжкар[8], турк олимлари У.Турар ва К.Йилмаз[9] бу босқични "зуҳд" (зоҳидлик) даври деб аташган. Инглиз шарқшуноси Р.Никольсон "сўфийлик исломдан олдинги даврда ҳам мавжуд бўлган"[10] деган фикрни илгари сурган.

IX-X асрларда ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида "барча илмни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф шаклланиб, тараққий этган. Е.Бертельс тасаввуфнинг IX-X асрларда яхлит таълимотга айланганини эътироф этган[11]. Бу даврда тасаввуфнинг амалий асоси мутасаввифларнинг назарий ғоялари билан мустаҳкамланиб, тасаввуфнинг илм сифатида қарор топишига замин бўлган тариқат, маърифат, ҳақиқат тушунчаларига оид қарашлар жамланган. Натижада янги ғоя ва қарашлар билан бойитилган ирфоний рисолалар вужудга келган.

Ирфон илми ривожида аввал ўз-ўзини тарбиялаш орқали, кейинчалик шайх воситасида ахлоқий фазилатга эришилган[12]. О.Акимушкин бу даврни "тариқатнинг "ҳол" ва "мақом" билан боғлиқ даври"[13] деб атаган. Бу даврда тасаввуф таълимотида кенг ўрин олган ҳикмат ва фалсафага бой маънавий-ахлоқий фикрлар, умуминсоний қадриятлар, футувват, жавонмардлик, инсонпарварлик масалалари асосий йўналиш сифатида қайд этилган.

XI-XII асрларда мусулмон Шарқида қодирия, мавлавия, хожагон, яссавия, кубровия каби тариқатлар вужудга келиб,

---

[8] Қаранг: Биринджкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / Пер. с перс. С.Хаджаниязова. предисл. коммент. и общ. ред. И.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С. 7-8.

[9] Қаранг: Eraydın Selçük. Tesevvuf ve tarıkatlar. – Istanbul: Marmara üniversitesi Ilahıyat fakültesi vakfı yayınları. 1994. – S. 25.

[10] Қаранг: Nıcholson R. İslam süfileri (The mystıcs of ıslam). – Ankara: Kültür bakanlığı, 1978. – S. 58-60.

[11] Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 38-39.

[12] Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 22.

[13] Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Тримингэм Дж. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с англ. А.Ставицкой, под ред. и с предисл. О.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 9.

жамият маънавий ҳаёти ривожи учун хизмат қилган. Бу даврларда ирфоний тафаккур ривожланиш чўққисига етиб[14], Шарқ фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Бу даврни академик М.Хайруллаев "дунё цивилизацияси тараққиётининг зарур ва муҳим халқасини ташкил этган давр"[15] деб баҳолаган. Бу даврда кучли мушоҳада юритиш тарзи қатъий (императив) ахлоқийликни келтириб чиқариши натижасида сўфиёна одоб-ахлоқ концепцияси шаклланган[16].

Бу даврнинг ўзига хослиги яна бир жиҳат билан белгиланадики, ўрта аср жамияти ҳаётида футувват ва жавонмардлик ҳаракати оммавий тус олиб, жамиятнинг турли тоифа вакилларини бирлаштирган биродарлик ташкилотлари вужудга келган. Бу даврни Р.Биринжкар "ирфоннинг шаклланиш даври"[17] деб, Ж.Тримингэм "хонақоҳ даври"[18] деб белгилашган. О.Акимушкин "муршид ва мурид мактаби анъаналари шаклланган давр"[19] деб қайд этган.

XIII асрнинг ўзига хослиги тасаввуфнинг фалсафий таълимот даражасига олиб чиққан асарларда мужассам бўлиб, инсоннинг энг муҳим вазифаси илм эгаллаш, илм, тафаккур, маърифатни улуғлаш, жамиятни ахлоқий мезонлар асосида тузатиш, "комил инсон" концепциясини илгари суриш, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстлик, ўзаро ёрдам, футувват асосида яхшилаш, ахлоқий етук жамият қуриш ҳақидаги ғояларда акс этган. Бу даврда мўғуллар истилоси мусулмон Шарқининг маданий тараққиётига кучли зарба берган бўлса ҳам, асрлар оша шаклланган ахлоқий

---

[14] Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. – Москва: Наука, 1960. – С. 19.

[15] Хайруллаев М. Фараби (Эпоха и учение). – Ташкент: Узбекистан, 1975. – С. 167.

[16] Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 9.

[17] Биринжкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / пер. с перс. С.Ходжаниёзова; предисл., коммент. и общ. ред. И.А.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С. 12.

[18] Тримингэм Дж. Суфийские ордены в Исламе / Перевод с английского А.Ставицкой. Под ред. и с пред. О.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 83.

[19] Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 10.

фазилатлар – инсонийлик, ўзаро ёрдам, биродарлик, жавонмардлик сақланиб қолган. Тарихда илк бор истилочилар босиб олинган давлатларнинг моддий бойликлари билан бирга ислом динини ҳам ўз юртларига олиб кетганлар.

XIV-XV асрлар Марказий Осиёда марказлашган давлат барпо этилиши билан катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, жамият тараққиётининг динамик ғоявий кучига айланган тасаввуфий-ирфоний маслакнинг мавқеи пасайган. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги номутаносиблик натижасида мумтоз тасаввуф анъаналарига путур етиб, янги тариқат шоҳобчалари, оқим ва йўналишлари вужудга келган[20]. Бу даврда яссавия, хожагон-нақшбандия тариқатларининг жамият маънавий ҳаётига таъсири юқори бўлган.

XV асрда маноқибларга эътибор кучайган. Кишилардаги ихлос ва эътиқодни собит қилиш учун ёзилган асарлардаги воқеа-ҳодисалар ўз даврида тасаввуфга кучли иштиёқ уйғотган. Жамиятдаги парокандалик тасаввуфнинг мўътадил ривожланишига тўсқинлик қилган бўлса ҳам, тариқатнинг йирик арбоблари Муҳаммад Порсо (ваф. 1419 й.), Хожа Аҳрор Валий (ваф. 1490 й.) жамият маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатишган.

XV асрдан кейин тасаввуф таълимотида назарий ва фалсафий нуқтаи назардан деярли янгиланиш рўй бермаган бўлса ҳам, асрлар давомида тўпланган ирфоний тажрибани ўзлаштириш, тасаввуфий-ирфоний асарларни шарҳлаш, тафсир қилиш, таржима қилиш, шарҳ ёзиш ва тарғиб этишга рағбат кучайган.

XVI-XVII асрларда Машраб (ваф. 1711 й.), Сўфи Оллоҳёр (ваф. 1721 й.), Бедил (ваф. 1721 й.) каби ўз даврининг етук мутасаввифлари яшаб, ижод қилган бўлсалар ҳам, жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий парокандалик

---

[20] Mustafa Kara. Tasevvuf ve tarıkatlar. – Istanbul: Yeni Yuzyıl kitaplıgı. Emlak Bank'ın katkılarıyla Iletişim Yayınları, 1995. – S. 103.

натижасида тасаввуф таълимоти таназзулга юз бурган. Ахлоқдаги бузилиш, тафаккурдаги эврилиш жамиятнинг инқирозга юз тутишига олиб келган.

XVIII аср бошларида Амир Умархон ҳукмронлиги (1809-1822) даврида адабиёт, санъат ва тарихшуносликда жонланиш рўй берган бўлса ҳам, бу давр "парда" ортида бўлиб, тарих саҳифаларида энг кам из қолдирган. Бу давр жамият маданий ривожи ва маънавий ҳаётидаги эврилишлар моддий қашшоқлик ва руҳий тушкунлик билан изоҳланади.

XIX асрда тасаввуф ва ирфон хурофот ва қолоқлик, тараққиёт ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги тўсиқ, "реакцион", "эскилик сарқити" деб баҳоланиб, кескин танқид қилинган. Шу билан бирга, тариқатлар фаолияти қонун йўли билан бутунлай ман этилган.

XX асрда мустамлакачилик сиёсати кучайиб, жамиятнинг зиёли қатлами, жумладан, тасаввуф намояндалари таъқиб остига олиниб, қатағон қилинган. Айрим ҳудудлар (Туркия, Жазоир, Қоҳира)да янги сулукларга асос солинган бўлса ҳам, тариқатларнинг аввалги мавқеи тикланмаган. Бу даврда Туркия мамлакатидан бошқа қолган аксарият Шарқ мамлакатлари мустамлакага айлантирилган эди. Шўролар томонидан илгари сурилган "коммунизм" ғоясининг замирида инсоннинг экстравертлиги мужассам бўлиб, инсонни "ишлаб чиқариш кучи" деб ҳисоблаш, инсоннинг маънавий оламини тўлдирадиган, бойитадиган диний, ахлоқий, фалсафий, тасаввуфий билимларга эҳтиёжни сўндириш, моддий ва маънавий бойликлардан маҳрум қилиш, зиёли қатламни қатағон қилиш билан ҳурфикрли кишиларни бутунлай йўқ қилиш мақсад қилинган эди.

Мустақиллик йилларида ўтмиш қадриятларга муносабат тубдан ўзгариб, ислом дини, хусусан, тасаввуф таълимотига доир тадқиқотларга кенг йўл очилди. Глобал ўзгаришлар, маънавий-ахлоқий муаммоларни келтириб чиқариши

самарали маънавий тараққиёт йўлини излаб топишни тақозо этди. Бу эса асрлар оша башариятнинг маънавиятини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилган ислом дини ва тасаввуфга эҳтиёж туғдирдики, маънавият ва маърифат, илм ва ахлоқ уйғунлиги мужассамлашган диний, фалсафий, ирфоний асарларда илгари сурилган ғоялар бугунги давр учун ҳам, келажак учун ҳам бирдек қимматли ва аҳамиятлидир.

Ирфон диний-фалсафий тушунча сифатида Ҳақ йўлчисининг завқу шавқ, шуҳуд (Ҳақни қалб кўзи билан кўриш, Ҳақ билан Ҳақни кўриш) воситасида Аллоҳ ва Унинг моҳиятини ҳис этишини ифодалайди.

Ирфонни тадқиқ этишда экстравертив далиллар ва тарихий позитивизм[21] нуқтаи назаридан ечим бериш асосли натижа бермайди, яъни улар рационал хусусиятларни такомиллаштиришга қаратилгани учун ирфоннинг асл моҳияти очилмай қолади. Ирфон орифнинг "илоҳий васл" (етишиш, висол)га бўлган иштиёқи, Аллоҳ билан воситасиз, яъни тўғридан тўғри боғланиш усулидирки, француз файласуфи А.Бергсон (ваф. 1941 й.) бу боғланишнинг ўзига хослиги, ўз-ўзини интеграциялаши, диалектикаси, янгиланиши, яъни динамик ҳаракатини эътироф этган[22].

Ирфон Аллоҳни Унинг илми билан билиш ва Унинг маърифати билан англашни ифодалайдиган диний-фалсафий истилоҳ (тушунча)дир. Инсон руҳи илоҳий моҳият билан бевосита боғланиб, унда яшайди. Бу жараёнда онг иштирок этмайди, яъни англанмаган ҳолат учун далил-исбот фойда бермайди. Илоҳий моҳиятни англаш борлиқни турли шакл (тасвир, образ, символ, модел, ғоя, ҳиссий инъикос, тушунча орқали)да ўзлаштириш концепцияси (қарашлар, фикрлар

---

[21] Позитивизм – фалсафий йўналиш, чинакам ижобий билимнинг махсус фанлар йиғиндиси, натижаси. Бу ҳақда қаранг: ЎзМЭ. 7-жилд. Парчин – Солиқ. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 107.

[22] Қаранг: Бергсон А. Два источника морали и религии / Перевод с французского, послесловие, примечания А.Гофмана. – 2-е издание., исправленное. – Москва: КДУ, 2010. – С. 13.

йўналиши тизими, фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули)ни инкор этади.

Ирфон аҳлининг борлиқ, билиш, ахлоқ, маънавият ва маърифат ҳақидаги қарашлари Шарқ фалсафий тафаккури ривожида салмоқли ўрин эгаллаган мутафаккирларнинг қарашлари билан муштарак бўлиш билан бирга, ҳозирга қадар ўзининг таъсири ва аҳамиятига эгадир. А.Ш.Жузжоний тасаввуфнинг ислом дини билан муштарак жиҳатларини изоҳлаб, “ислом тасаввуфи шундай боблар ва материалларни ўз ичига оладики, улар кенг маънода исломнинг асоси ва таълимоти билан йўғрилиб кетган”[23] деган қарашни илгари сурган.

Ирфоннинг уч даражаси бўлиб, “ирфони омма” (умумийлик), “ирфони хосса” (хусусийлик), “ирфони хоссатан хосса” (алоҳидалик)[24]да акс этади. Бу даражалар шаклан бир-бирига ўхшаса ҳам, мазмунан фарқ қилади. Бу даражаларни боғлаб турувчи умумий жиҳат уларнинг тараққиёт занжирининг ўзаро боғлиқ ҳалқалари эканлиги, ягона низомга бўйсунишлари ва нисбий тафовутга эга эканликлари билан изоҳланади.

Ирфон илми ривожида борлиқ ҳақидаги қарашлар икки кўринишга эга бўлиб, биринчиси, “ваҳдат уш-шуҳуд”, яъни идеал (Аллоҳ) бу оламда ўзининг белгиси (шуҳуд)ни намоён қилади. Борлиқнинг бу белгилари асосида инсон вужудида У (Аллоҳ)нинг мукаммаллик белгиси борлиги билинади. Инсон вужудини ўрганиш билан Борлиқ (Ваҳдат) тасаввур қилинади. Бундай қараш Абу Бакр Колободий (ваф. 995 й.), Юсуф Хос Ҳожиб, Азизиддин Насафий (ваф. 1300 й.)нинг асарларида акс этган[25].

---

[23] Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 19.

[24] Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 156.

[25] Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 76.

Иккинчиси, “ваҳдат ул-вужуд” деб аталиб, унга кўра, бутун Борлиқ Идеал (Аллоҳ)нинг вужудидан иборат[26]. Унинг файзу таровати борлиқни ҳаракатлантириб туради. Бу каби қарашлар Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1167 й.), Сулаймон Боқирғоний (ваф. XII аср), Шайх Нажмиддин Кубро (ваф. 1221 й.) ва Ибн Арабий (ваф. 1240 й.)нинг қарашларида мужассам бўлган.

“Ваҳдат ул-вужуд”нинг манбаи уч асосга эга бўлиб, биринчиси, Қуръон оятлари ва ҳадислар бўлса, иккинчиси, Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.)нинг теологик қарашлари, учинчиси, Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синонинг фалсафий ғоялари, шунингдек, Шайх Колободий фалсафий-ирфоний таълимотлари ва Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳи ат-Таъарруф” каби асарларидир. Кўпинча тадқиқотчилар бу назарияни Ибн Арабий шахси билан боғлайдилар. Ваҳоланки, “ваҳдат ул-вужуд” фалсафасида истифода этилган “нур”, “тажаллий” каби тушунчалар Ибн Арабийдан уч  юз йил аввал олдинроқ Ҳаким Термизийнинг асарларида таҳлил этилган бўлса, Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб” асарида тасаввуф истилоҳи сифатида таҳлил этилган.

Тавҳид Аллоҳнинг Ягона Борлиқ экани ва шу сабабли Аллоҳнинг зот, феъл ва сифатда оламу инсондан фарқланишидир. Инсон Аллоҳнинг Зоти, яъни субстанция ҳақида фикр юритмайди, аксинча, Аллоҳнинг сифатида ўзида акс эттирган инсон моҳияти, яъни акциденция тўғрисида фикр юритади. Бунинг маъноси шуки, барча яратиқлар жисмдан иборат бўлиб, замон ва маконда мавжуд бўлади. Аллоҳнинг Зоти замон ва макондан холидир. Барча яралишнинг аввали ва

[26] Смирнов А. Три решения проблемы трансцендентности и имманентности божественной сущности в философии Ибн Араби. Рационалистическая традиция и современность. Ближный и Средний Восток. – Москва, 1990. – С. 15.

охири бор. Аллоҳнинг борлиғида ибтидо ва интиҳо йўқ”[27], яъни Аллоҳ Ўзи яратган олам ва инсонни “тажалли” (илоҳий файзнинг зуҳурланиши) воситасида қувватлантиради.

Борлиқнинг сир-асрори, илму ҳикмати, хусусияти ва қонуниятлари Аллоҳ сифатларининг инъикосидирки, бу сифатларнинг ҳар бири (тафриқа)ни билиб олган ориф “жамъ” мартабасида Аллоҳнинг зотини танийди. Сифатлардаги алоҳида хусусиятлар (“жузъ”) жамланиб, трансцендентал (чегарага сиғмайдиган), универсал (“кулл”) хусусиятларга кўтарилади ва ягоналик, бирлик (“тавҳид”) юз беради. Бу жараёнларни Ҳақ йўлчиси бутун вужуди, ақл-идроки билан қамраб олган руҳида мужассам этади.

Олий инсоний фазилатлар “ҳамида ахлоқ”[28] деб аталиб, ирфон (илм) ва ахлоқ (амал) ўзаро бир-бирини тўлдирган. Ирфон илми ахлоқ билан бевосита боғлиқлиги учун уни ахлоқий фан сифатида баҳолаш бир тарафлама қараш бўлиб қолади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ирфон инсоннинг Аллоҳ билан боғланишини устувор билган ҳолда инсоннинг ўз-ўзи, борлиқ ва Яратувчи билан алоқасини маърифий-руҳий, диний-ахлоқий тизим асосида таҳлил этади. Бунда ахлоқий тизимнинг Яратувчи билан муносабати эътиборга олинмайди: дин ахлоқнинг асоси бўлиб, ундан қадрият, фазилат ва ахлоқнинг намунаси келиб чиқади. Иккинчидан, ахлоқий қоидалар муайян мувозанатга бўйсунади (ахлоқий меъёр, ахлоқий танлов, идеал).

Ирфон ҳам зоҳиран, ҳам ботинан илоҳий ахлоқни мужассам этади. Бу эса инсондан кўнгил уйини ораста қилиш, мақомларни тадрижий забт этиш, яъни “кўмир”дан “олмос”га айланишни талаб этади. Ирфон юксак тафаккур, яъни ўзликни англашдир. Ана шу субстанционал асос орқали ўз

---

[27] Абу Иброҳим Исмоил Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳи ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф / Матнни тайёрловчи, изоҳлар ва сўзбоши муаллифи Муҳаммад Равшан. – Теҳрон, 1366. I жилд. – Б. 8.

[28] Комилов Н. Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш // Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. Масъул муҳаррир Э.Юсупов. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 27.

Яратувчисини англаш, барча яратиқларни қадрлаш (табиат, ҳайвонот, набобат ва инсон олами) ақл-заковат ҳосиласидирки, Абу Бакр Колободий "Китоб ат-таъарруф би мазҳабит-тасаввуф" (Тасаввуф йўлини таништириш) асарида бу концепцияни ботин аҳлининг қарашлари билан бойитган ҳолда тақдим этган.

Ирфоннинг иерархик таснифи қуйидагича: илм Аллоҳда; илм Аллоҳдан; илм Аллоҳ билан[29]. "Илм Аллоҳда" дейилганда Аллоҳнинг сифатларини билиш тушунилса, "илм Аллоҳдан" дейилганда зоҳир, ботин илми, ҳалол-ҳаромни англаш, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш назарда тутилган. "Илм Аллоҳ билан" дейилганда илмни Аллоҳдан деб кўриш, ниятни тўғрилаш, муҳаббат ва шавқ эътиборга олинган.

Ислом цивилизацияси ривожида ирфоннинг моҳияти Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 1111 й.)нинг шариат ва тасаввуф илмини ўзаро диалектик боғлиқлиги ва муносабати таҳлилида акс этиб, уларнинг муштарак жиҳатлари кўрсатилган. Бу ирфон илмининг афкор омма ўртасида кенг ёйилиб, илм сифатида тан олиниши, кейинчалик эса диний ҳаёт тарзининг етакчи, ҳаракатлантирувчи кучига айланишига олиб келган. М.Ходсон[30] бу масалани систематик асосда таҳлил қилган.

Ирфон аҳли турли табақа ва тоифага тегишли бўлса ҳам, уларни бирлаштирган ягона куч – илоҳий ҳақиқат йўли эди. Айрим сўфийлар илм орқали илоҳий моҳиятга етишган бўлсалар, бошқалари Аллоҳни Аллоҳдан излаш йўлидан борганлар. Орифлар орасида ишқ йўлини танлаган, узлатни ихтиёр қилган "ушшоқ" ва "зуҳҳод"лар бўлган.

Тасаввуф кенг кўламли ижтимоий фаолликка эга бўлиб, ирфон аҳлининг аксарияти ижтимоий фаол ҳаёт тарзини афзал кўришган, ирфоний суҳбатлар уюштиришган,

---

[29] Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти сўфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 74.

[30] Hodgson G. The venture of Islam: Consciense and History in a World Sivilisation. V.2 . The Expansion of Islam in the Middle Periods. – Chicago – London, 1974. – P. 438-440.

кишиларни ўз-ўзи билан, оиласи билан, жамият билан, султонлар билан муросага келтиришган. Илоҳий дастур асосида инсон ахлоқидаги қусурларни фазилатга айлантириш йўлларини кўрсатишган. Ёмон хулқли кишиларни жазолашдан кўра, ҳидоятга чорлашни афзал билишган. Маънавий ҳол соҳибларининг бағрикенглиги халқ меҳрини қозонган. Уламолар ўзларини халқдан юқори санаб, халқнинг дарди ва шикоятига бефарқ ёхуд раъиятга эътиборсиз бўлсалар, Ҳақ сирларининг кашшофлари кишиларга уларнинг дини, миллати ва насли-насабидан қатъий назар ҳурмат-эътибор билан қараб, уларга ҳамдард, ҳаммаслак бўлишган. Шу тариқа ориф ва валийларнинг бағрикенглиги ва ҳиммати ҳақидаги ривоятлар вужудга келган. Илму одоб истаганлар ўз хоҳишлари билан хонақоҳларга келишган, шайхга боғланиб, маънавий озуқа олишган, муршиднинг сўзларидан қалблари нурга тўлган, иймон-эътиқодлари собит, иродалари мустаҳкам бўлган. Сўфиёна ҳаёт тарзига қарши чиққан айрим шариат аҳли уларни қаттиқ танқид қилишган бўлса ҳам, кейинчалик энг тўғри йўл орифлар танлаган йўл эканига амин бўлиб, Ҳақ йўлига киришган.

"Аҳли ҳол"лар танлаган йўл тасаввуфга улкан устунлик бўлиб, хонақоҳлар маърифат майдонига айланган. Мустаҳкам асосга эга бўлган тариқат мактаблари шаклланган, руҳий тарбия методологияси, муайян ахлоқий меъёрлар, тартиб-қоидалар ва махсус вазифалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган[31].

Сўфиёна ҳаёт тарзи султонлар, ҳокимлар, амалдорлар ва бошқа дин вакилларини ҳам жалб этган. Ирфон аҳлининг ҳаёт тарзи барчага ибрат, намуна бўлиб, муршид ва мурид муносабатлари ирфон илмининг ривожи, диний қадриятларнинг бус-бутунлиги ва интеграциясига йўл очган.

---

[31] Бу ҳақда яна қаранг: Шодиев Р.Т. Критический анализ нравственных норм Среднеазиатского суфизма. Дисс. канд. филос. наук. – Самарканд, 1983. – 164 с.

Тасаввуфнинг ижтимоий бирдамликни вужудга келтириши, тариқат аҳли ўртасидаги биродарлик, альтруизм, жавонмардлик, бирдамлик каби фазилатлар аввалига ҳукмдорларни “чўчитган” бўлса ҳам, тасаввуф аҳлининг давлат ишларига аралашмаслиги, мол-мулкка бефарқлиги, ўзлари билан ўзлари овoралиги, сабр-тоқати, муросасозлигини амалда кўрган ҳукмдорлар тасаввуфга мойил бўлиб, хонақоҳларга ташриф буюришган, давлат бошқарувида шайхларнинг панд-ўгитига амал қилишган. Шариат аҳли ижтимоий воқеликнинг зоҳирий тарафини тартибга солишган бўлсалар, маърифат аҳли инсонларнинг қалбларини бошқаришган. Шу маънода, шариат ва тариқат ўзаро муштарак ҳодиса бўлиб, жамият равнақига хизмат қилган. Шариат аҳли ислом дини ҳукми йўл-йўриқларини ўргатган бўлсалар, тариқат аҳли сўфиёна ҳаёт тарзини тарғиб қилганлар. Улар ўзларини “дўстлар”, “жонлар”, “дил аҳли” деб аташган. Улар бир-бирларини ботиний нигоҳ билан таниб, валоятдаги мақомлари (даражаси)ни фаросат билан англашган.

Сўфийлар маърифат сирларидан огоҳ бўлганлари ҳолда эгаллаган илмларини силсила занжири орқали Аллоҳнинг Расули (ваф. 632 й.) билан боғлашган. Илм-маърифат ўчоқлари кўпайгани сари, шариат илми билан бир қаторда тариқат илми ҳам ўқув дастурларидан жой олган. Мадраса ва хонақоҳларда таълим олиш учун узоқ юртдан келган илм толиблари тариқатнинг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшишган. Жумладан, кубровия тариқати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда “Усули ашара”[32] (ўнта талаб) асосида мурид тарбиялаш усули (тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжуҳ, сабр, муроқаба, ризо)ни ишлаб чиққан[33].

---

[32] Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 264.
[33] Исҳоқова З. Шайх Нажмиддин Кубро. Рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 9.

“Қалби софларнинг йўли”[34] бўлган қодирия тариқати ҳушёрлик концепциясига асосланган. Тариқат мақомлари саховат, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, саёҳат, фақр бўлиб, зикр тартиби “Зикри даврон” шаклида бўлган. Сўфийлар ўтирган, тик турган ва гир айланган ҳолда овоз чиқариб, Аллоҳ исмларини такрорлашган. Зикрга алоҳида (зикри хафий) ва жамоа бўлиб (зикри жаҳрий) тушишган[35].

Юсуф Ҳамадоний (ваф. 1140 й.) яссавия ва хожагон тариқати шайхларининг пири бўлиб, тариқатнинг тўртта – хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман қоидасини ишлаб чиққан.

Яссавия тариқати шимолда Қозонгача, ғарбда Болқон ярим оролигача етиб борган[36]. Тариқатнинг ахлоқий қоидалари Сўфий Муҳаммад Дониш (ваф. XII аср.)нинг “Миръот ул-қулуб”[37] (Қалбларнинг кўзгуси) асарида мухтасар баён қилинган.

Хожагон тариқатида “сукр” (беҳудлик, Боязид Бистомий йўли) ва “саҳв” (хушёрлик, Жўнайд Бағдодий йўли) ғоялари синтезлашган бўлиб, тариқат асосчиси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (ваф. 1179 й.) сўфийлик таълимотини “зикри хуфия” билан бойитган ва тариқатнинг тўрт қоидаси (ёд кард, боз гашт, нигоҳ дошт, ёд дошт)ни шакллантирган[38]. Хожагон тариқати, кейинчалик, хожагон-нақшбандия тариқати деб юритилган.

“Даст ба кору дил ба ёр” (қўл ишда, кўнгил эса Аллоҳда) тамойили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб

---

[34] Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б. 20.

[35] Ислом. Энциклопедия. З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 293.

[36] Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Н.Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул муҳ. С.Рафиддин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 106.

[37] Сўфий Муҳаммад Дониш. Миръот ул-қулуб / Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат (Янги топилган намуналар). Нашрга тайёрловчи: Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 139.

[38] Қаранг: М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи М.Хайруллаев. – Т, 2003.

чиқилган. “Хожа Абдулхолиқ айтадиларки, халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб билан “даст ба кору дил ба ёр” деган сўз хожагон тариқатиға амру муқаррар турур”[39].

Тадқиқот жараёнида яна бир масалага ойдинлик киритилдики, асрлар оша барча динлар ва илғор фалсафий ғоялар ўша даврнинг сиёсати, ҳукмдори ва мафкурасига хизмат қилган ва бу вазифани адо этиш “шараф” ҳисобланган. Тарих диннинг сиёсатга, фалсафанинг мафкурага хизмат қилиши нечоғли мудҳиш оқибатлар келтирганини унутмайди (инквизиция, репрессия, инқироз, турғунлик, ақидапарастлик, экстремизм, шаккоклик...).

Тасаввуф аҳлининг эркин фаолият кўрсатиши, легитимлиги халқнинг ҳурмати, ишончи, эътирофи ва муҳаббатига сазовор бўлган. Улар ҳамиша халқ манфаатини ҳимоя қилган, мустабид тузум, мафкура, золим ҳукмдор, зулмни ёқламаган, ҳукмдорни оташин сўзлар билан олқишламаган, аксинча, маърифат билан жаҳолатни бартараф этган, ҳукмдорга ўгит, насиҳат ва ҳикмат билан маънавий озуқа берган. Тасаввуфий қарашлар мусулмонлар билан ғайридинлар, турли ижтимоий қатламлар ўртасида ўзига хос ҳамжиҳатлик ва бирдамликни шакллантирган. Ҳол соҳиблари ҳокимиятни олишга эмас, аксинча, мавжуд жамиятни соғломлаштириш ва ахлоқий етукликка даъват этишган[40]. Жумладан, Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089 й.) амалдорлар адолатсизлигига чек қўйиш мақсадида салжуқийлар давлати вазири Низомулмулкка (ваф. 1092 й.) “Насиҳатномаи вазир” номли мактуб ёзган[41].

Бошқарувчилик ва комбинациялаш маҳоратига эга бўлган муршидлар сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиб,

---

[39] Бу ҳақда қаранг: Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Тошкент, 2019.– Б. 88.

[40] Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Тошкент: Abu matbuoт-konsalt, 2011. – Б. 178.

[41] Ёқубов А. Тасаввуф ва давлатчилик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 23.

саросимага тушган халқни осойишталикка чақирганлар. Мамлакат хавф остида қолганида Ватан ҳимояси учун жонларини фидо қилганлар. Кубровия тариқатидаги ватанпарварлик, халққа хизмат қилиш, инсонпарварлик ғоялари Шайх Нажмиддин Кубронинг муридлари билан Хоразмни мўғул босқинчиларига қарши халқ билан бирдамликдаги курашида амалий ифодасини топган. Тасаввуфий қарашлар мусулмон ва бошқа дин вакиллари, оддий кишилар билан бирга зоҳид, обид, ирфон аҳли ва шариат аҳли ўртасидаги ўзаро уйғун жиҳатларни шакллантирган.

Тасаввуф аҳлининг инсоният маънавий камолоти ва баркамоллиги учун хизмат қиладиган бебаҳо ирфоний асарлари бу таълимотнинг яшовчанлиги ва умрбоқийлиги тимсоли бўлган. Ирфоннинг моҳияти ўша даврда ёзилган асарларда акс этган. Турк олими У.Турар ирфоний-фалсафий манбаларни қуйидагича тасниф қилган: а) тасаввуфий-фалсафий асарлар; б) тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар; в) табақоти суфия асарлар; г) маноқиб асарлар; д) одоб ва арконга оид асарлар; е) тасаввуфга доир назмий асарлар; ж) тасаввуфий тафсирлар[42].

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида ирфон илмининг моҳияти мавзу доирасида X-XIII асрларда ёзилган тасаввуфий-ирфоний манбаларни янгича тасниф қилиш орқали теран англашилди ва қуйидаги тартибга солинди:

а) Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, махлуқотнинг яратилиши ва моҳияти, Аллоҳ-инсон муносабати, билиш, маърифат, ориф, ирфон, ҳақиқат масаласи акс этган ирфоний-фалсафий асарлар;

б) Аллоҳ Расулининг сўзлари, ҳадислари, ахлоқлари ва маънавий ҳаёт тарзлари акс этган асарлар;

[42] Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул муҳ. С.Рафиддин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 12-15.

в) “тариқат”, “маърифат”, “ҳақиқат”, “набий”, “валий”, “қалб”, “ҳол”, “вақт”, “самоъ”, “тамкин”, “талвин”, “мукошафа”, “муроқаба”, “мушоҳада” каби тасаввуф илмининг фундаментал мавзулари изоҳланган асарлар;

г) мутасаввиф ва тариқат шайхларининг ҳаёти, силсиласи, шажараси, мақомоти, кашф-кароматн, ҳикматли сўзлари акс этган табақот китоблар;

д) ирфон аҳли, тариқат шайхи (пир)нинг ҳаёти, яшаш тарзи, орифона сўзлари, сулуки, ҳақ йўлидаги соликларга ўгитлари акс этган маноқиблар;

е) ахлоқий тамойиллар, сайру сулук, мурид ва шайхнинг вазифалари, зикр пайтида ўқиладиган дуолар, тариқат одоби ва панд-насиҳат китоблар;

ж) ирфон аҳлининг “илоҳий ишқ” ва “илҳом” таъсирида ёзган лирик фалсафий-ирфоний, тасаввуфий-ахлоқий, диний-маърифий асарлари;

и) ирфон аҳлининг “Қуръон”га ёзган тасаввуфий-ирфоний тафсирлари;

й) ирфон аҳли ёзган ирфоний-тасаввуфий асарларининг таржималари;

к) ирфон аҳли ёзган ирфоний-тасаввуфий асарларига шарҳлар ва ҳ.к.[43]

Ирфоний адабиётлар Шарқ халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, илм-фан, маданият, адабиёт ривожига позитив таъсир кўрсатган ҳамда умуминсоний маданиятнинг юксак намунаси сифатида тан олинган. Айнан маданият ва маърифат инсоният тараққиётининг идеали ифодаси бўлган. Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар.

---

[43] X-XIII асрларда ёзилган тасаввуфий-ирфоний манбаларнинг рўйхати 1-иловада берилган.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда ирфон илмининг моҳияти ва Шарқ фалсафий тафаккури ривожидаги ўрни ҳақида мухтасар хулоса ясалди:

Биринчидан, ирфон шариат, тариқат илми билан бирга, фалсафа ва ҳикматни ҳам қамраб олиб, ақлий ва ботиний билишни детерминик бирлаштирган. Бу жараён инсон тафаккури сарҳадини янада кенгайтирган.

Иккинчидан, ирфон илоҳий маърифатни ахлоқий покланиш, риёзат билан боғлаган. Инсон зоҳири ва ботинини қанчалик покласа, ахлоқий фазилатлар эгаси бўлса, ирфоний файзга эришади. Ахлоқий фазилат эгаси бўлмай туриб, маърифат ва билим эгаси бўлиш мушкул. Бу каби қарашлар замирида нафақат инсон, балки бутун инсоният йўлини ахлоқийлашув сари буришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Учинчидан, ирфоннинг маърифат, ихлос, поклик, тўғрилик, саховатпешалик билан ўзаро диалектик боғлиқлиги англашилди. Ирфон Аллоҳ маърифатидан баҳраманддлик бўлса, маърифат Аллоҳни таниш, ихлос риё ва юзакилик, манфаатпарастлик каби салбий иллатдан халос бўлиш, покланиш, Аллоҳга яқинлашиш, тўғрилик, сидқ, химматлиликдир. Бу каби ахлоқий меъёрлар ирфоний маърифат ривожига қадар ҳам мавжуд бўлган муқаддас китоблар “Таврот”, “Забур”, “Инжил”, “Қуръон”, шунингдек, ҳадислар ва Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий меросида акс этган талаб ва қоидалар намунаси бўлган. Бу талаб ва қоидалар авлоддан авлодга ўтиб, бойитилиб борган. Абу Наср Форобий (ваф. 950 й.)нинг ахлоқий тамойил ва меъёрларга эга бўлган давлат бошқарувчиси ҳақидаги қарашлари ҳозирга қадар нима учун жамият ҳаётида акс этмагани кўпчилик қатори диссертантнинг ҳам назаридан четда қолмадики, яхшилик ва

ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик диалектикаси ирфоний тафаккурда теран ифодаланган[44].

Тўртинчидан, ирфон илмининг моҳияти инсон бўлиб, яшащдан мақсад ўзликни англаш ва Аллоҳни танишда акс этади. Аллоҳга сидқидиллик билан интилиш руҳни юксалтиради ва унга ҳуррият бағишлаб, ҳар қандай салбий кайфият ўрнига позитив руҳоний ҳолатни вужудга келтиради.

Бешинчидан, ислом тасаввуфи ва цивилизациясининг келиб чиқиши Шарқ менталлиги билан боғлиқ бўлиб, ирфон Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий юксалишига кучли таъсир кўрсатган. Зеро, эришилган илм-фан ютуқлари Яратувчи ва инсоннинг маънавий бирлиги ҳақидаги шарқона ғоя билан синтезлашса, илм-фан инсоният фаровонлигига эришиш воситасига айланади.

Олтинчидан, ирфон ҳикматдир. “Қуръон”да қалб орқали қўлга киритиладиган илмлар “ҳикмат” маъносида ҳам келади. Аллоҳнинг оятларини ҳикмат билан, Аллоҳнинг марҳамати ва неъматларини маърифат билан, Аллоҳнинг ваъдаларини муҳаббат билан, Аллоҳнинг раҳматини хавф ва умид билан тафаккур қилинса, инсон руҳиятида улкан шижоат ва ғайрат ҳосил бўлади.

Еттинчидан, ирфон илмига янги усул ва услуб орқали ёндашиб, таҳлил этиш нафақат Марказий Осиё, шунингдек, жаҳон фалсафаси тарихи, фалсафий фикрлар ривожи ҳақидаги турли мулоҳазалар ва қарашларга янгича илмий хулосалар беришга, аждодлар маънавий меросини янгича тафаккур билан қабул қилишга замин яратади.

Ирфон аҳлининг ҳаётини инсониятнинг ҳаёти билан ҳамоҳанглиги эътиборга олинса, ўзида соф шарқона системани мужассам этган ирфон нафақат Шарқ, шунингдек, Ғарб цивилизациясининг туб асосларига кучли таъсир кўрсатади.

---

[44] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри / Масъул муҳаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 161.

Ирфон илми ҳаётбахш ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий мавқеини тиклаш, ирфон аҳлининг ибратли ҳаёт тарзи, ҳикматлари, улар қолдирган маънавий меросини тарғиб қилиш орқали бугунги кунда жамият учун қадрли эҳтиёжга айланган меҳр-оқибат, саховат, ростгўйлик, адолат, камтарлик каби ахлоқий меъёрларни жамиятни тузатиш, ҳар тарафдан бостириб келаётган ижтимоий зарарли хавфларнинг олдини олиш, глобал жараёнларга маърифат билан ёндашиш, бунинг ортидан башариятни, шу орқали дунёни ворисийлик мезони асосида такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

## 1.2-§. Ирфоний билишнинг интровертив хусусиятлари

Инсонни унинг онг, жон, руҳият, инстинкт каби хусусиятларини таҳлил этишда инсонни "ботиний" тушуниш ва англаш муҳимдир. Инсоннинг маънавий-руҳий моҳияти интровертив аспект бўлса, инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини инсондан "ташқари"да таҳлил қилиш, унинг ижтимоий-табиий моҳиятини ташқи олам билан муносабати экстравертив жиҳатдир. Ирфоний билишда асосий эътибор интровертив хусусиятлар инсоннинг Яратувчи, борлиқ, универсум билан алоқасини имманентликда ("ичдан") тушуниш, синтезлаштирувчи моҳиятни англашга қаратилиши билан изоҳланади.

"Руҳ" сўзининг луғавий маъноси "кенглик", "роҳатли", "тартиб", "жойлашув" бўлиб, "руҳ"нинг имконияти (тасаввур, хаёл ва идрок) чексиздир. "Руҳ" ирфоний билишнинг бирламчи асосини ташкил этади. Ҳақ йўлчиси билишда қалбга таяниб, мушоҳада ва мантиқ қолипидан чиқади, яхшилик ва ёмонликни бирдек қабул қилади.

"Жон" инсон руҳи, раҳмоний нафс ва Ҳақ "тажаллийсидир. "Жон" бирламчи борлиқ бўлиб, жисм тўрт унсур (элемент)дан таркиб топган қолипдир. "Жон" бўлмаса,

вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу "вайрона"ни "жон" обод қилади. "Ошиқнинг дили дўст (Аллоҳ)га мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм жонга муштоқ ва муҳтождир"[45]. Демак, дил чироғини жон нури билан равшан этган ҳам, жонга бадан бахш этган ҳам Аллоҳнинг ўзидир. "Идрок қилувчи (ориф)нинг идрок қилинган ҳодиса (борлиқ) билан муштараклиги (Аллоҳ)" асосида ирфон (маърифат) ҳосил бўлади, яъни сўзлар "ишора", яъни ишқ манбаи ҳақидаги илмни сўз билан эмас, тимсол ва мажозлар орқали англатиш воситасида англашилади. Трансцендентал маълумотлар кумулятив билимлар йиғиндиси бўлиб, илмда ақл (тушунча, ҳукм, хулоса), нақл (оғзаки ҳикоя, қисса, ривоят) ва тажриба (уқув, кўникма, малака, билим)га таянилади.

Ирфоний билишнинг ўзига хос хусусиятлари инсоннинг ўз ички оламига мурожаат қилиши, ўз ички оламини илоҳий олам билан боғлашга интилиш орқали жавобни тўғридан тўғри Асл (Аллоҳ)дан олишидадир.

Ирфоний билишда индивидуал ботиний тажрибага таянилган, яъни ирфон бир-бири билан боғлиқ горизонтал (маънавий қадрият, мафкура оралиғи) ва вертикал (маънавий камолот, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишни ифодаловчи маънавий етуклик) идентификацияси орқали акс этган.

Илм Аллоҳнинг сифати бўлиб, инсон Аллоҳ берган илм туфайли (ирфон – илоҳий эҳсон) ориф ҳолига келган. Ҳаким Термизий илм бобида исмларнинг аввали "Аллоҳ" бўлиб, "Аллоҳ"дан қаттиқ ҳайратда қолиш ориф ҳолининг бошланиши[46] деб баҳолаган.

---

[45] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 248.

[46] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018. – Б. 40.

Ирфон битмас-туганмас, интиҳосиз олий илоҳий илмдир. “Раҳмон” сурасининг 60-оятида “Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир” дейилганки, бу илм Аллоҳнинг эҳсони ва лутфига сазовор бўлган Ҳақ йўлчисига насиб этган. Ирфон онг билан англаб бўлмайдиган, яъни онгдан ташқари ва онг остининг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Ирфон илмининг таркибий қисмларини классификация қилишда онгнинг фазовий ўзгаришдаги, яъни онгнинг қотиб қолиш, тўхташ, бир нуқтага қадалишдаги жараёнини эътиборга олиш жоиз. Бу ҳолат уч босқичда амалга оширилади:

а) ирфоний билишгача бўлган босқич: маънавий-ахлоқий камолот, дунё матоҳларидан холилик, онгнинг ҳар қандай “сиқуви” (қоида, қонун, структура, шарт, стереотип)дан халос бўлиш, маънавий-руҳий ҳолатга эришиш, яъни трансценденталлик (онг ости билан ишлашнинг қатъий илмий усули)[47];

б) ирфон (“ҳол” мақоми) босқичи: ўз “мен”лигида ўлиб, Ҳақ “мен”лигида тирилиш (янгича тафаккур), илоҳий ҳақиқат (ирфон)дан насибадор бўлиш, Аллоҳга яқинлашиш (васл);

в) ирфоний билишдан сўнгги босқич, “кулл” ва “жузь” муносабати, узлат (хилват)га чекиниш, фикр фароғатига эришиш (тафаккур), ирфон соҳиби бўлиш (ориф), аввалги ҳолига маънавий юксалган даражада қайтиш (маъруф), етуклик. Бу босқичда илоҳий моҳият кашф этилади, яъни ориф қалби билан илоҳий ҳақиқатни англайди. Орифнинг нарсалар ҳақиқатини идрок этиши худди Мажнуннинг илоҳий Жамол аксини илоҳий ишқ нури орқали Лайли сиймосида мушоҳада қилиши кабидир. Бошқалар Лайли (тун, зулмат)ни қорачадан келган, паст бўйли аёл деб кўрган:

Лайлини кўрди Халифа, деди: “Хой,
Сенмисан Мажнунни ёндирган чирой?

[47] Али-Заде А. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. – Москва, 1991. – С. 28.

Лек чиройинг ўзгадин афзун эмас!"
Қиз деди: "Бас, чунки сен Мажнун эмас!"[48]

Ирфоний билиш тенденцияси "ҳол" мақомидаги орифнинг табиати ҳақидаги юзаки, кўр-кўрона қарашларни ўзгартиришни талаб этади. Чунки орифнинг ҳақиқат йўлидаги "инсайт"лик ва эришган маънавий даражаси унинг ақлдан ташқари, онг сарҳадига сиғмайдиган "қалб кўзи" орқали билишини тасдиқлайди. Юсуф Ҳамадоний талқинига кўра, саодатга эришган тариқат пирларига "Ҳақ даргоҳидан ҳар куни янги бир манзил ва нузур, ҳар куни янги бир марҳала ва туҳфа, ҳар куни янги бир мақом ва қурбат етишади"[49].

Ҳаким Термизий нубувватнинг қирқ олти жузъдан иборатлиги, унинг анбиёларга хослиги, кимдаки ундан бир ёки икки жузъ бўлса, валийлик мақомига етишини таъкидлаган[50] ҳамда "Набийнинг пайғамбарлиги ва мақоми туфайли набийдан ҳеч бир валий афзал бўла олмайди"[51] деган қарашни илгари сурган.

Пайғамбарликнинг қирқ олти жузьи ҳақидаги фикрни ойдинлаштириш масаласи ҳозирга қадар аниқ ечимини топмаган. Тадқиқот жараёнида қирқ олти жуз ҳақидаги ҳадисларга мурожаат қилиниши натижасида масалага ойдинлик киритилди. Ҳаким Термизий пайғамбарлик жузъларини қуйидагича белгилаган: ҳадис, сиддиқлик, илҳом, фаросат, ақл), фаҳм, фасоҳат, яқин, таваккул, баён, саломатлик, шижоат, саховат, ҳиммат, насиҳат, омонат, ризо, таслим, ҳидоя, жуд (жидду жаҳд), карам, тафвиз (қисмат), фитнат (зийраклик), инобат, одоб, хушуъ, виқор, унс, шавқ, муҳаббат, ҳидоятга

---

[48] Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. I китоб. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 20.

[49] Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт) / Таржимон ва сўзбоши муаллифлари С.Сайфуллоҳ ва Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир И.Ҳаққул. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 34.

[50] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. 14-фасл. Башорат / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 49.

[51] Зарринкўб А. Хуросон сўфийси / Форс тилидан Р.Абдуллаев таржимаси // Сино (Теҳрон), 2003. – № 10. – Б. 33.

чорлаш, истиқомат, фазл, вафо, ихлос, тавозеъ, ҳилм, қўрқув, исмат (поклик), рўё, туш, мўъжиза, заковат, хавф, ражо, иймон, ислом[52]. Бу жузъларнинг муайян мақоми бўлиб, бир қисм жузълар фақат Пайғамбарларга тегишли бўлса, жузъларнинг бир қисми орифлар, бир қисми валийлар, бир қисми мажзубларга насиб этади, яъни "ижтиноб аҳли улдурки, фақат Ҳақ таологa инобати (тавба ва қайтуви) бўлгай, инобати бўлган зот мажзуби Ҳақ бўлгай. Буларнинг қанчаси пайғамбарлик манзилининг ярмига етарлар, баъзилари сулъсига, яъни учдан бирига ва рубъига (тўртдан бирига) етарлар ва қанчалари рубъининг ёки сульсининг озроқ қисмига ноил бўлурлар, аммо охирига етмаслар. Буни шундоқ билиб эътиқод қилмоқ керак. Солиҳ мўминларда нубувват нишони бордир. Нечукким, ҳадисда "Кимки Қуръонни ўқиса, буйруғини бажарса, пайғамбарлик унинг икки қоши ўртасида тебранар" деб марҳамат қилинган"[53].

Пайғамбарликнинг ҳар бир жузьи ҳақида ҳадисларда эслатилган. Жумладан, Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, "Солиҳ кишининг чиройли туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан биридир" ёки "Тежамкорлик, нуроний қиёфа, солиҳлик ҳам пайғамбарликнинг йигирма уч жузъидан бир жузъдир" дейилган.

Маълумки, ваҳий йигирма уч йил давом этган. Пайғамбарликка тегишли ишлар қирқ олти бўлак деб, улардан бир бўлаги солиҳ туш деб, яна бир жузъи ҳадис деб, шу тариқа ҳар бир жузъ олти ойлик муддатда олинган. Олти ой эса йигирма уч йилнинг қирқ олти жузъидан бир жузъ бўлади.

---

[52] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 51.

[53] Қаранг: Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 115.

Пайғамбарликнинг энг олий жузъи "ҳадис" бўлиб, у бевосита Аллоҳдан тўғридан тўғри воқе бўлади. Сиддиқлик ҳукми далилга муҳтож бўлмаган ҳолда вужудга келади. Бу даражага етишган орифларнинг исмига "сиддиқ" қўшиб айтилган. Пайғамбарликнинг яна бир жузъи сакинат бўлиб, Аллоҳнинг қалбга соладиган хотиржамлик туйғусидир. Сакинат қалбни бир маромда ушлаб тургани учун қалбга озор ва қийинчилик таъсир этмайди. Бу эса, ўз навбатида инсонга виқор ва ҳайбат беради. Сакинатнинг илоҳий инъом, тортиқ эканлиги инсоннинг ўзи эгаллай оладиган даража эмаслиги "Фатҳ" сурасининг 26-оятида "Аллоҳ ўз сокинлигини Пайғамбарига ва мўминларга туширди" ояти билан билан изоҳланади. Ҳикмат ҳам пайғамбарликнинг бир жузъи бўлиб, донишмандлик, оқилоналик, фаҳм ва топқирликда намоён бўлади. Ҳикмат орқали нарсаларнинг ҳақиқати инсоннинг ақли етадиган даражада асл ҳолида билинади. "Луқмон" сурасининг 12-оятида Луқмонга ҳикмат неъмати берилгани, суранинг номини ҳам ҳикмат эгаси бўлган Луқмоннинг исми билан аталиши ҳикматнинг юксак эътиборга эгалигини кўрсатади. Аллоҳнинг Расулининг вазифаларидан асосийси ҳам одамларга ҳикматни ўргатиш, суннатга ҳикматни уйғунлаштириш, сўзда ҳам, амалда ҳам, сукутда ҳам ҳикматни кўрсатиш бўлган. Инсоннинг қалби ҳикмат булоғи бўлса, ундай қалб эгаси ҳаким деб аталган. Шу каби, пайғамбарликнинг қолган жузъларида ҳам ҳақ билан ботилни ажратиш, гуноҳлардан пок бўлиш, илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлиш каби кўплаб фазилатлар мужассамдир.

Ирфоний билишнинг тўртта ҳолати орқали моҳият теран англашилади.

Биринчи ҳолат. Инсон "фоний" дунёдан "боқий" оламга ўтар чоғи, яъни инсон руҳи танани тарк этиш жараёнида дунёвий ҳаётга алоқадор барча алойиқ (бу дунёга хос турли алоқалардан ўзини четда тутиш), шу билан бирга, бешта сезги

аъзолари (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш, тери сезгиси), ақл-идрокдан ажралади ва ўша "лаҳза"лик вақтда илоҳий олам билан боғланади. Жўнайд Бағдодий (ваф. 910 й.) "лаҳза"нинг қадрини юксак баҳолайди: "инсон йиллаб Аллоҳга қараб, бир "лаҳза" юзини ўгирса, бу "лаҳза"да йўқотгани топганидан кўп бўлади"[54].

Иккинчи ҳолат инсон руҳиятининг энг жумбоқли қирраларидан бири бўлган туш кўриш билан боғлиқ. Туш[55] ғайритабиий ва ғайришуурий, онг билан бошқариб бўлмайдиган жараён бўлиб, тушдаги воқеликнинг аломати тимсол ва рамз орқали намоён бўлади. Туш кўриш вақтида инсон ташқи оламдан узилади. Онг туш кўришни идрок эта олмайдиган ҳолатида дунёвий ҳаётдан узилган қалб руҳий дунё билан бир неча сониялик алоқага киришади. Илоҳий олам билан боғланиш "дарча"си пайдо бўлади. Руҳ ойнасида инсон аввал дуч келган ёки ҳали реал ҳаётида рўй бермаган ёки рўй бериши кутилган батамом янги ва бир-биридан принципиал фарқ қилувчи ахборот оқими гавдаланади. Рамзий маънода қалб худди чашма кабидирки, унинг беш ирмоғи бор. Ирмоқлар бирлашиб, чашмага қуйилади. Ирмоқдан оқиб келаётган сувга лойқа ёки чўкма қўшилиб, шаффофлигини йўқотади. Инсон фақатгина ўлим ёки уйқу ҳолатида беш сезги органидан келаётган лойқадан маълумот йўли беркитилади ва чашма шаффоф сув билан тўлади. Туш орифнинг қалбига "сакинат" билан ўрнашади, уйғоқ ҳолатида у англаб етадиган сўзлар, тушида эса руҳига билдирилган сўз ва калом (ҳадис) бўлади. Ҳадисга кўра, тушдаги руҳларга гапирилгани

[54] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 58.

[55] Туш – бандани ҳиссиёт олами мушоҳадасидан барзаҳ (абадий дунё) олами мушоҳадасига боғлайдиган ҳолат. Бу ҳақда қаранг: Ибн Араби. Мекканские откровения / Введение, перевод с арабского и комментарии А.В.Смирнова // Средневековая арабская философия: проблемы и решения. – Москва: Издательская фирма Восточная литература РАН, 1998. – С. 318.

пайғамбарликнинг қирқ олтитадан бир "жузъ"ига тенг бўлади[56].

Илмий нуқтаи назарга кўра, уйқу ва ўлим ўртасидаги фарқ икки жиҳатда акс этади: уйқу модус (муваффақ, вақтинчалик жараён)дир, маълум вақтдан сўнг инсон уйғонади. Жисмоний ўлим ҳолатининг охири йўқ, ухлаш эса уйғониш билан тугайди. Ориф назарида уйқу, ўлим ва бедорлик қуйидагича талқин этилади: инсон ғафлат уйқусида, ўлгач уйғонади. Бошқа тарафдан қараганда, ухлаб ётган одамни бешта сезги органларининг бевосита таъсиридан уйқу ҳимоя қилса ҳам, тасаввур олами ўзи ишини давом эттиради ва илоҳий оламдан келаётган маълумотлар тасаввур "призма"си орқали қабул қилинади. Бу вақтда руҳнинг бошқа оламлар билан "қисқа туташуви" натижасида боғланиши содир бўлади (туш бир неча сонияли жараён, туш кўрувчи уни узоқ вақт тасвирлайди), руҳ уйқу вақтида ўтмиш, ҳозир ва келажакка сайр қилади, инсон уйғоқлигида эриша олмайдиган ва муяссар бўлмайдиган оламларга уйқусида эришади. Бунинг исботи "Набаъ" сурасининг 9-оятида мужассамки, "Уйқуларингизни (бадан ва асабларингиз учун) ором қилдик" дейилган. Шунинг учун илоҳий оламдан олинган илм бевосита, яъни тўғридан тўғри англанади ва инсон уйғонгач, кўрган тушининг таъсирида шодлик, ҳаяжон ёки қўрқув пайдо бўлади.

Тушни таъбирлаш эҳтиёжи туғилганида тасаввурда ҳосил бўлган рамзий тасвир орқали яхши ёки ёмон, бўлиб ўтган ёки бўлиши кутилаётган воқеа-ҳодиса инсонни безовта қилмайди. "Юсуф" сурасидаги туш воқеасидан англашиладики[57], қадимдан тушлар таъбир қилинган ва бу жараён ҳозирга қадар аҳамиятга эга. Эндиликда тушларга эътибор қаратилиб,

---

[56] Орифлар тасаллиси / Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. Туш кўриш ҳақиқати ҳамда шайтон тушда набий (алайҳиссалом)ни тамсил қила олмаслиги ҳақида. – Тошкент: Movarounnahr, 2018. – Б. 78-83.

[57] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф сураси, 5-49-оятлар / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 235-240.

тушнинг инсон руҳияти, ҳиссиёти, ўтмиши, келажаги, саломатлиги, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, бошқаларга муносабати, зиддиятли вазиятлари ва шунга ўхшаш кўплаб масалалар билан боғлиқлиги тадқиқ этилмоқда.

Учинчи ҳолат. Пайғамбар ва у зотнинг маънавий меросхўрлари бўлган ориф ва валийлар учун илоҳий моҳият билан боғланиш ёки тиклаш учун уйқу ёки ўлимни кутишга ҳожат йўқ. Аллоҳ Ўзининг илмидан Ўзи танлаб олган пайғамбарларга мўъжизани, ориф ва валийларга илҳомни, даҳоларга кашфни насибадор қилган. Илоҳий нур пайғамбарлар қалбида порлаб туради. Пайғамбарликнинг Аллоҳ томонидан берилган илоҳий неъмат экани "Ҳаж" сурасининг 75-оятида "Аллоҳ элчиларни фаришталардан танлайди, инсонлардан ҳам"[58] деб айтилган. Ориф нубувват зиёсидан ботиний "ҳол"га эришади. Шунинг учун Пайғамбар ва унинг маънавий меросхўрлари оддий кишилар каби яшашмаган. Халқ дунё моли учун қайғурса, Ҳақ йўлчисининг назари оламлар Яратувчисига қаратилган.

Орифларнинг ҳаёт-фаолиятини ўргана туриб, уларнинг бу оламдан эмас, ўзга оламдан эканликлари, уларнинг ҳаёти ўзгача борлиқ, безавол қадриятлар, жозибадор илоҳий тушунчалар билан тўлиқлиги, уларнинг яшаш тарзларида "Қуръон"да кўрсатилган талабларнинг мужассамлиги ҳайратга солиши аниқ. Аслида ҳам шундай. Орифларнинг қалблари илоҳий илм билан тўлиқлиги, уларнинг ҳаёти илм-маърифат билан чароғонлиги инглиз тасаввуфшуноси Идрис Шоҳнинг эътиборини жалб этган. Унинг фикрича, ориф "бу оламда бўлиши, аммо оламга мансуб бўлмаслиги, манманлик, шуҳратпарастлик, интеллектуал димоғдорликдан ҳоли бўлиши, урф-одатга кўр-кўрона бўйсунувчи ёки амалдор

---

[58] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ҳаж сураси, 75-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 341.

ҳузурида қўрқувдан бош эгувчи бўлмаслиги керак. Бу унинг идеалидир”[59].

Тўртинчи ҳолат ирфон илми билан боғлиқ бўлиб, оддий сўзларда равон ифодаланган: “Ўзингни англасанг Худони англайсан”, “Каъба тош уй эмас, ҳақиқий Каъба инсоннинг қалбидир”. Масалага чуқурроқ ёндашилса, ирфоний билиш йўли асрлар давомида ишлаб чиқилгани, амалиётда синалгани, авлоддан авлодга етказилгани, уларни амалда қўллашда улуғвор натижаларга эришилгани замирида улкан матонат, ирода ва собитлик мужассам.

Риёзат орифнинг маънавий-руҳоний покланиш йўлидаги бажарган амаллари ҳосиласи бўлиб, уни илоҳий моҳиятга олиб боради. Ҳар бир риёзат натижаси орифнинг қалбида нур каби жило беради. Риёзат кучайиб борган сари нур ҳам катталашиб, қалбни қоплайди ва бутун вужудни ўраб олади. Қалб мусаффо бўлгани учун ойнага қиёс қилиб, Ҳақ “назаргоҳи” дейилади. Қалб ойнаси борлиқдаги нарса-ҳодисаларни моҳияти билан кўра олади, шунингдек, инсон тушида ҳам макон ва замондан ташқарида барча воқеа-ҳодисаларни кўра олади. Инсон уйғонганда тушини эслашга ҳаракат қилади, баъзан тушининг ипидан игнасигача айтиб бера олади, айрим ҳолатларда тушини эслай олмайди, унинг хотираси худди тозалаб артилган ойна каби ҳеч нарсани кўрсатмайди.

Ориф “Лавҳ ул-маҳфуз” (муҳофазаланган лавҳ) билан маънавий ришта боғлаган чоғида узоқ масофадаги, ҳали бўлмаган ёки содир бўлиши кутилаётган воқеа-ҳодисани қалб кўзи билан кўра олади. “Буруж” сурасидаги “Қуръони Мажиддир. Лавҳ ул-Маҳфуздадир” дейилган 21-22-оятлардан англашиладики, барча ишлар, тақдир ва қазо хам лавҳга битилган. “Лавҳ ул-маҳфуз”ни ўзида ашёларни акс эттирувчи “абадий маълумот макони” деб қабул қилиш масалани ойдинлаштиради. Орифлар қалб кўзгуси орқали дунёдаги

[59] Грейвс Р. Введение / Идрис Шах. Суфизм. – Москва: Калашников. Комаров и К, 1994. – С. 5.

бўлаётган жараёнлардан тортиб, инсон руҳияти, фикрлари, хатти-ҳаракати, бошқа нарсаларга муносабатини худди кўз билан кўраётгандек маънавий ҳол билан сезадилар. Масаланинг синергетик таҳлили юқоридаги фикрни тасдиқлайди: "Аслида содда туюлган ҳар қандай нарса мураккаб ички тузилишга эгадир"[60].

Орифларнинг қалб кўзининг кўриш даражаси уларнинг поклиги, ҳалоллиги, тўғрилиги, қалбларининг қанчалик сайқаллангани билан боғлиқ:

Ҳар икки жаҳон тамом бўлди бизга аён,
Ҳеч қолмади бизда айбу ордан-да нишон.
Бу қоп-қора нур, гарчи гуноҳ белгисимас,
Кечдик баридан – қолди на ошкор, на ниҳон[61].

Ҳаким Термизий "Ал-масоил ал-макнуна" (Яширилган масалалар) рисоласида "Қийинчилик ва ғамларни кўтаришда қалбнинг покланиши бор[62] деб таъкидлаган. Қалб поклигининг энг юқори даражаси "Ҳақ" ва "мен" (объект ва субъект) ўртасидаги муносабатни англаш идрокининг йўқлиги билан белгиланади, яъни орифлар бутун дунёни Аллоҳнинг Ўзида, уни ўраб турган нарсада сочилган ҳолда қабул қиладилар. Орифларнинг фоний оламга бефарқлиги илмларининг меваси бўлади. Бу даража "фано", яъни ўзликда йўқ бўлиш, дифференциация (парчаланиш)дир. Шу ўринда яна бир тасаввуфий истилоҳ "фано – бақо" муносабатига эътибор қаратиш ўринли.

"Фано" ўзликдан кечиш, ирфоний йўл кўрсаткичи, яъни соликнинг маънавий камолотининг янги тараққиёт босқичининг бошланиши, унинг Худо тарафига сайрининг

---

[60] Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши Монография / Масъул муҳаррир Б.Каримов. Муаллифлар жамоаси Б.Тураев, М.Эргашева, Б.Раҳмонов, З.Муминова, Ж.Очилов. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 7.

[61] Абулҳасан Бустий / Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 65.

[62] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Яширин масалалар (Ал-масоил ул-макнуна) / Араб тилидан таржима ва сўзбоши муаллифи М.Исмоилов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. – Б. 62.

ниҳояси, Ҳақ жамоли мушоҳадасига шўнғиш, шу ҳолатда хавф-хатарни ҳам, очликни ҳам, таъсирни ҳам сезмасликдир. Шунга кўра, Ҳақ йўлчиси бошидан ўтказганларини яна бир бор мукаммал қараб чиқиш имконига эга бўлади. Ориф “фано”нинг олий босқичига илоҳий фазл- раҳмат орқали эришади. Бу қараш “Қуръон”нинг “Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз”[63] ояти билан далилланади.

“Фано” мақоми “бақо” мақомининг ибтидоси, яъни бу ҳолатда ориф “ўз”лигида ўлиб, Ҳақ “мен”лигида тирилади, Худога руҳан боғланади. Инсоний сифатлари илоҳийлашиб, энг олий сифат (авсофи маҳмуда)га эришади. Ҳаким Термизий “фано” мақомини “Аллоҳни буюклик сифати билан таниш”[64] деб таърифлаган. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний бу даражани қуйидагича шарҳлаган: “соликда нафс “фано”си ҳосил бўлгач, ҳеч нарсадан ғазабланмайди, ҳар бир ишида ғайратли бўлади. Ҳақ йўлига бир қўлида “Қуръон”ни, иккинчи қўлида Аллоҳ Расулининг суннатини тутиб, бу икки ёруғлик ичра маърифатга йўл олади”[65].

“Фано”нинг туб моҳияти орифнинг ёмон феъл ва сифатларни тарк қилиши, Аллоҳнинг гўзал сифати ва феълларини жам этиши, инсоний “ирода”дан раббоний “ирода”га ўтиши, “тавҳид” асрорига етишида намоён бўлади. “Фано”дан “бақо”га ўтган, ботинини дунёвий алоқалардан узган, қалби мусаффо, ақли юксак, фазли дарё, кўнгли муҳаббат аҳди билан тўлган Ҳақ муҳибининг ҳиммат кўзи олдида олтин билан тупроқ тенг бўлади. У “дам” (нафас, вақтнинг энг қисқа даражаси) билан топган нарсасига қадам

---

[63] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф сураси, 56-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 242.

[64] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 25.

[65] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 255.

билан эришади[66]. Бундан ҳимматнинг Аллоҳнинг ишорати экани англашилади. Ориф "бақо"да башарий иродадан олий, яъни илоҳий иродага юксалади.

"Фано" концепциясининг моҳияти хокисорликда теран намоён бўлади, яъни Хожа Аҳмад Яссавий сўзи билан айтганда, "тупроқ бўлғил, олам сени босиб ўтсин"[67] принципида акс этади. Демак, "фано"нинг "фано"лигини билиш учун инсон ўзликдан кечиши, ўзлигини йўқ (мавҳ) қилиши лозим. Бу эса ирфоний билишнинг ўзига хос сирини теран англаш, илоҳий сирлар соҳибининг маънавий-руҳий камолоти даражаларини ҳар томонлама таҳлилини тақозо этади. Жумладан, Абу Ҳомид Ғаззолий укаси Аҳмад Ғаззолий (ваф. 1123 й.)нинг танбеҳи билан тасаввуф йўлига кирган:

Тамомий кўрди маҳдин то ба моҳий,
Бўлиб раҳбар анча лутфи Илоҳий[68].

Абу Ҳомид Ғаззолий ўн бир йиллик мужоҳададан сўнг дин илмларига ҳаёт бахш этиб, ўз асрининг "ҳужжат ул-ислом" (исломнинг далили) деб танилган. Аллома ирфон аҳлининг шариат чизиғидан четга чиқмаслиги, уларнинг сўзлари ва амаллари "Қуръон" ақидалари ва Аллоҳ Расулининг ҳадисларига мувофиқ бўлишини ёқлаган. Шу билан бирга, барча илмларнинг исломий тафаккур тараққиётидаги ўрнини тўғри баҳолаган. Абу Ҳомид Ғаззолий илмларни рационал тадқиқот усули асосида таҳлил қилиб, борлиқни билиш масаласида иррационал йўлни танлаган. Бу хулосалардан ирфон илми билишнинг энг юксак, олий даражаси экани англашилади.

Ҳақ йўлчиси ирфон илмига эришиш учун муайян талабларни бажариши, ўзининг ботиний олами, қалбини ҳар

---

[66] Исҳоқова З. Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – Б. 30.

[67] Қаранг: Namiq Kemal Zeybek. Khoja Ahmet Yasavi. – Ankara: Boyut-Tan, 2003. – S. 19-20.

[68] Сайийд Қосимий. Ҳақиқатнома / Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 162.

хил дунёвий қусурлардан фориғ этиши, маънавий босқич ёки мақомдан ўтиши даркор. Улардан муҳими нафс муолажасидир. Нафс инсоннинг ўзлиги, ботинида идора этувчи, жисми, моддий борлиғи, ҳаёти учун фойдали манфаатини қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи "мен"лигидир[69].

Нафсга қарши кураш, нафсни енгиш, "ҳол" ва "мақом" ("иқом" – маънавий мавқе)дан бирма-бир ўтиш худди "сирот кўприги"дан ўтиш кабидир. Бу йўл шуниси билан аҳамиятлики, "мақом"лардан бирини забт этмасдан иккинчи "мақом"га ўтиш ёхуд битта "мақом"да узлуксиз қолиш кўзланган мақсадга олиб бормайди. Хуросонлик Абулқосим Абдулкарим Қушайрий (ваф. 1072 й.) "мақом"ларнинг ҳақиқатини тафаккур қилиб, "банданинг такрор асосида сифат ҳолига етказгани одоб ва ахлоқдирки, унга риёзат, мужоҳада билан эришилади"[70] деб таърифлаган. Шайх Нажмиддин Кубро "мақом йўлчилик юрғинлигидан қутулиш учун истироҳат ва "қўноқ" бўлишдир, яъни "ҳол" қушнинг икки қаноти бўлса, "мақом" унинг уяси янглиғдир"[71] деб изоҳлаган.

Мақомотнинг одобига кўра, маънавий юксалиш фақат нафсни енгиш орқали қўлга киритилган. Сайру сулук (саёҳат) муттасил изланиш мақомидирки, ирфон ва ахлоқ ўртасидаги фарқ шу ерда англашилади, яъни ахлоқий қоидалар (меъёрлар) қатъий, моҳиятан ўзгармайди. Мақомот босқичининг ҳар биридан ўтиш натижасида Ҳақ йўлчиси ахлоқий-маънавий юксалади. Ахлоқий нуқтаи назарга кўра, инсон руҳи гўзал фазилат ва сифатлар билан безатилган бўлса, ирфонда ахлоқий меъёрлар диалектик тарзда, яъни воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур методологияси сифатида тақдим этилади. Бу қуйидагича изоҳланади: маънавий-ахлоқий

---

[69] Жўшон. М. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – Б. 13.

[70] Абдулкарим ибн Абулкасим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Баку: Дергях йайыны, 1999. – С. 67.

[71] Gökbulut, Süleyman. Necmeddîn Kübrâ ve Kübrevîlik. Dokuz eylül universitesi. Doktora Tezi. – Ankara, 2009. – S. 36.

меъёрларда айрим чегаралар бўлиб, омма бу чегаралар ҳақида ахлоқий қоидалар ёзилган китоблар орқали билади ва шунга амал қилади. Ҳақ йўлчиси эса ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалар (яхши ва ёмонни, эгри ва тўғрини “бир” деб кўриш)га бирдек бўйсунади.

Ақл Ҳақни билишда восита бўла олмайди. Ирфон илмини ўзлаштириш учун онг ва қалбни ҳар қандай боғланишлардан “бўшатиш” шарт. Борлиқ ҳақиқатига эришиш, Аллоҳга яқинлик қилиш, тавҳид сирига етиш. Бунинг учун тан ва тўн кирлиги, кўнгил кирлиги, тубан, ёмон ахлоқдан халос бўлиши, сирларни пок тутиши шарт. Ана шунда ориф (инсон) Маъруф (Аллоҳ)нинг васлига эришади[72].

Васлни шундай тушуниш керакки, Аллоҳ билан инсонни тўсиб турган етмиш минг “парда” (тўсиқ, ёпқич)дан биттасининг очилиши инсонда бутунлай ўзга бир ҳолат, кайфиятни пайдо қилади. Қолган “парда”ларнинг очилишига инсон зотининг тоқати етмайди. Бунинг далилини “мажзуб” мисолида кўриш мумкинки, “парда”лардан бирининг очилмасдан, ногаҳон тебраниб кетиши мажзубнинг “ўзидан кетиши”, яъни “ўзлигини” унутиши, ақлининг ҳайрон қолиши, бу кашфга ақлнинг “ақли ноқислиги” натижасида ақлдан мосуво бўлиши, ҳатто сўзлаётган сўзлари заминий эмаслиги билан изоҳланади.

Ирфон аҳлининг мақсади “Ал-Ҳақ ал-Аввал (Аллоҳ)”га интилиш ва ирфон ҳақидаги илмдан бошқа ҳеч нарсани афзал кўрмасликда намоён бўлади. Ибн Сино орифнинг икки ҳолати унинг юксак камолотидан дарак беришини таъкидлаган. Бири унинг руҳи билан диалектик боғлиқ мукаммалликка интилиши (ирода) бўлса, иккинчиси, унинг руҳи ва танасига тегишли бўлиб, бўйсуниш (такаббуд) ҳолатидир[73].

---

[72] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 37.

[73] Ибн Сина. Указания и наставления. Часть пятая. Раздел по метафизике / Перевод с арабского, предисловие и комментарии Т.Ибрагима и Н.Ефремовой. – Москва: Orientalistica, 2019. – С. 45.

Ирфоний билишнинг йўли шариат ва тариқат талабларини адо этиш, руҳий-ахлоқий покланиш ва маърифий юксалиш, маънавий камолотни риёзат орқали мустаҳкамлашда намоён бўлади. Ҳаким Термизий Ҳақ йўлига кирган соликнинг етти манзил (мақом)дан иборат тарбия жараёнини ўташини уқтирган[74].

Ирфон аҳли руҳий-маънавий камолотининг мақомлари тавба (гуноҳдан қайтиш), ризо (розилик), хавф (нафснинг макр-ҳийласидан қўрқиш), жиҳод (нафсни ислоҳ қилиш), сабр (тоқат, чидам) бўлиб, нафсини риёзат билан покламаган соликка мақомот одобларининг йўли очилмайди, яъни тариқат мақомлари бўйлаб юксалиш нафсни енгиш орқали қўлга киритилади.

Мақомот одоб ва аркон жиҳатидан фарқланса ҳам, туб моҳияти бир, яъни мақсад Аллоҳнинг розилигидир. Аллоҳнинг ўз бандасидан розилигининг аломати унинг ҳар бир ҳодисада Аллоҳдан рози бўлиши ва ўз нафсидан рози бўлмаслиги билан изоҳланади. Ҳақ дўстларининг руҳий-ахлоқий камолот йўли мақомот манзили орқали туташиб, илоҳий маърифат сари интилган "қалблар Аллоҳни эслаш билан ором олган"[75].

Ҳақ йўлчисининг руҳий-маънавий камолот босқичлари тасаввуфга доир қарийб барча илмий тадқиқот ишларида акс этгани учун бу масалага алоҳида тўхталишга зарурият сезилмай, "маъно аҳли"нинг қалби ва руҳининг камолга етиши даражаларини инобатга олиш билан чекланилди:

1) қалбнинг нурланиши сабабли унда Аллоҳнинг маърифати жой олгач, нафсоний иллат ва ақлий ноқислик барҳам топади. Маърифат нурларининг порлашидан илоҳий исмлар мазҳарининг маркази, моддий оламнинг гавҳари

---

[74] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Китаб ал-манозил ул-ибод мин ал-ибадати (Бандаларнинг бандачиликдаги минзиллари ёхуд Аллоҳга интилувчиларнинг минзиллари ҳақида китоб) / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 8-19.

[75] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Раъд сураси, 28-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 252.

кўнгил экани англашилади. Бу ишққа эҳтиёж сезган кўнгилнинг илк даражаси бўлиб, кўнгил ишқ орқали юксак даражаларга эришади. Камолот сари илк қадам пири муршидга эргашишдан бошланади;

2) Аллоҳ дўстларига яқинлашиш ва муршид билан суҳбат ишқ йўлига кирган ошиқнинг маънавий камолотини тезлаштиради. Нафсга қарши курашиб, ишқ дардида куйган кўнгилнинг иккинчи даражасида ҳиммати баланд, Аллоҳ учун жонини фидо қилишга тайёр ошиқ намоён бўлади. Муршид билан суҳбатда бўлиш Аллоҳга олиб борадиган йўлга олиб чиқади.

3) қалбнинг "фуъод" даражасида ишқ ва кўнгилнинг ҳақиқий қудрати намоён бўлиб, маърифат сирлари очилади, яъни ўзликдан кечиб, Аллоҳваслига интилган қалб ишқ ўтида поклангач, унинг қалби маърифат хазинасига айланади. Ориф учун басират, ботиний нигоҳ, ҳақиқатни қалб билан ҳис қилиш "фуъод" [76] мақомида очилади;

4) қалбнинг "илми ладун"га етишиб, илоҳий моҳиятга интилиши қалбнинг "сувайдо" даражаси бўлиб, унда илоҳий ишқ кўнгилни батамом забт этиб, ўткинчи эҳтиёжга ўрин қолмайди. Бу орифнинг "ҳоли"ни жилолантирувчи ва зоҳир этувчи даражадир;

5) қалбнинг "ҳайрат" мақоми бўлган "муҳжат ул-қалб" даражасида руҳий-маънавий юксалган ориф кўнглида олам ва инсонни бирлаштириб турувчи илоҳий мўъжизанинг туб моҳияти "чеҳрайи мақсуд" (Аллоҳ) "тажалли", яъни илоҳий файз зуҳурланади.

Мақомотни босиб ўтишдан мақсад (ҳамма солик ҳам тариқат мақомини тўла босиб ўта олган эмас) нафсни маҳв этиш ва шу асосда кўнгил софлигига эришиш, руҳий-маънавий мартабага кўтарилиш, риёзат билан қалбни Аллоҳ висолига

---

[76] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 40.

тайёрлаш, энг асосийси, ҳамида ахлоқ эгаси бўлиш, эзгу ишларга чоғланиш эди. Бу жараённи миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиши, ва аксинча, бир сифат ичкарисида содир бўладиган ҳодисалар мисолида кўриш мумкин.

Мақомотнинг туб моҳиятини тизимлилик принципи асосида таҳлил қилиш орқали орифнинг асл мақсади Ҳақ ризоси, юксак иймон ва илоҳий сифатларни касб этиш экани англашилади. Ориф учун шариат “сўз”, тариқат “йўл”, маърифат “ишқ”, ҳақиқат “ҳол”дир. Мақомотни босиб ўтган ва руҳий-маънавий юксалган орифда илм (маърифат), ҳилм (юмшоқлик, тавозеъ), тақво (парҳезкорлик), саҳв (хатоларни англаш), шукр (Аллоҳнинг марҳамати ва  неъматига рози бўлиш), сидқ (ростгўйлик, вафо (аҳдга содиқлик), ризо (Аллоҳнинг тақдирига рози бўлиш), сафо (кўнгилни соф этиш), ишқ (муҳаббат) каби гўзал сифатлар мужассам бўлади[77].

Ирфон Аллоҳга яқинлашиш, “мен”ликни йўқ қилиш, нафсга қарши курашиш, ўз борлиғида йўқ бўлиб (фанофиллоҳ) Аллоҳ борлиғига сингиш, башарий иродада илоҳий ирода ва сифатнинг намоён бўлиш (бақобиллоҳ) йўлидир. Ирфон аҳлининг Аллоҳга томон “юриши” аввалида ёмон феъл, қалб муолажаси (қалбнинг илоҳий илмга яқинлиги)га ўтилади. Мақомот даражасидан юқори поғонага кўтарилиш орифлик даражасининг ошиб, “қурбат” ҳосил қилингани билан изоҳланади.

Ирфон илми ривожининг ўзига хос хусусияти яна бир масалада теран англашилади: маънавият ижтимоий тараққиётнинг имконият ва истиқболини белгиловчи позитив руҳий омилдир[78]. Маънавият ва иқтисодиёт ўзаро равнақ топган жамиятнинг келажаги фаровондир. Аслида тасаввуф мол-дунё, бойликка қарши бўлмаган, ирфон аҳли ичида бой

---

[77] Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Тошкент: Abu matbuот-konsalt, 2011. – Б. 186.

[78] Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 3.

ҳам, камбағал ҳам бўлган. Илм аҳли савдо-сотиқ ишлари билан машғул бўлса ҳам, асл мақсади бойликка кўнгил қўйиш, дунё йиғиш бўлмаган, аксинча, бойликнинг моҳиятини тўғри англаб, дунё молини эзгу ишларга йўналтирган.

Бойликнинг ирфоний моҳияти шундаки, дилдан бойликка меҳр кўрсатмаслик орқали бутун олам бойлиги қўлда йиғилган ҳолда ҳам унинг илоҳий сир (ишқнинг яширин манзили) учун йўл бўла олмаслигини англашдир: "Ҳақ (с.т.) ўзининг хос бандалари, атқиё ва анбиёга фақрни ихтиёр этиб, фақир қалбини ўз асрори нуридан мунаввар қилди. Ҳақ (с.т.) халқни фақирлар воситасида кўриб, уларнинг баракасидан банданинг ризқини зиёда қилди"[79].

Аллоҳнинг маърифатига бойлик ва мол-дунё билан эришилганида эди, ундан фақат бадавлат кишилар баҳраманд бўлган бўлар эди. Инсон қалби дунё неъматлари билан тўлиқ бўлса, илоҳий маърифатдан бебаҳра қолади. Ҳар ким бой бўлса, унга йўқлиги хуш кўринмайди, "яна бой бўлсам" деб ҳаракат қилиб, бир умр дунё ташвишида яшайди. Бундай киши "на дунёда роҳат кўради, на охиратда"[80].

Қалб озод ва огоҳ бўлсагина, илоҳий маърифатга йўл очилиб, Ҳақ йўлчиси Аллоҳ ҳузуридаги маънолар уммонига ғарқ бўлади. Ирфон аҳли учун моддий дунё ашёлари сифатида бойлик, мол-дунёнинг аҳамияти арзимасдир. Кўпчилик назарида пул унга эга бўлмаганларнинг муаммосини ҳал эта олади. Бу хато қарашдир. Фақирлик банданинг, бойлик Яратувчининг сифатидир. Фақирлик орифнинг Аллоҳнинг қудрати олдида ўзини ожиз, ғариб ва хақир ҳис этиш бўлиб, унинг моддий етишмовчилик ёки тиланчилик билан алоқаси йўқ. Фақирлик Аллоҳдан ўзга барчасидан халос бўлиш ҳамда Аллоҳ Расулининг "Фақирлик фахримдир" деган ҳадисларига риоя этишдир: "Аллоҳ фақирга улуғ мартаба ва даража ато

---

[79] Абдулкарим ибн Абулкасим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Баку: Дергях йайыны, 1999. – С. 401.
[80] Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир З.Исҳоқова. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 45.

этди, у зоҳирий ва ботиний асбоб (яралмиш, ҳосила)ни тарк этиб ўз назарини мусаббиб (Аллоҳ)га қаратди, натижада унинг фақри фахрга айланди"[81].

Фақирлик ҳар қандай танловдан холилик, бандалик сифатини йўқотиш (руҳоний оламда яшаш)дир. Фақир учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди. Фақирлик таркидунё қилиш, меҳнатдан узилиш, ҳаётга қўл силташ эмас, аксинча, ўз ботиний оламини поклаш, қалбни сафолаш, ҳар на бўлса, фақир бўлиш[82]дир. Хуллас, илоҳий илм соҳиби фикр, сўз ва амал (хатти-ҳаракат)да мўътадил бўлади, динда мўътадил (ўртача) йўл тутади ва ижтимоий фаолиятда барчани тенгликда кўради, диний ишларни деб дунёвийликни, дунёвий ишларни деб, динни унутмайди. Ирфоний билишнинг ўзига хос хусусияти орифнинг динамик тарзда шариат ва тариқат талабларини адо этиш, руҳий-ахлоқий покланиш, маърифий юксалиш, маънавий камолотга эришиш каби даражаларга кўтарилишида намоён бўлади.

## 1.3-§. Ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлили

Шарқ тафаккури тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни жамлаган, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмини бирлаштирган, илоҳий ва дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилган тасаввуф[83] таълимотини бошқа динлардаги "мистицизм" (сирли) билан айнийлаштириш, ислом тасаввуфи шаклланишига мистик ва эзотерик илмларнинг таъсири, генезиси, ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги айрим қарашлар масалага ойдинлик

---

[81] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 186.

[82] Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти / Нашрга тайёрловчилар Т.Қораев., А.Бозоров. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 88.

[83] Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 13.

киритишни тақозо этади. Аслида бу ғоя ва қарашлар тасаввуф билан муайян даражада шаклан ўхшаш бўлса ҳам, мазмунан ва моҳиятан ҳамоҳанг эмас. Масалан, эронлик олим Саййид Муҳаммад Хотамий тасаввуфнинг моҳиятини билишга ислом цивилизацияси нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқлиги, ислом цивилизацияси ва тасаввуф Аллоҳнинг Расулига "Қуръон" оятлари нозил бўлган кун ва соатдан бошланганини таъкидлаб, масалага диний ва илмий ёндашишдаги бирёқламаликни бартараф этиш лозим[84] деб ҳисоблаган.

Айрим тадқиқотчилар тасаввуф таълимотининг генезисини бошқа дин ва фалсафий қарашлардан қидиришган[85]. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Ж.Тримингэм "тасаввуф мусулмон манбаларидан деярли ҳеч нарса олмасдан, ислом ичида ривожланди, шу билан бирга, шарқий христианликнинг аскетик ва мистик амалиёти ҳамда фалсафасини ўзлаштирди"[86] деган қарашни илгари сурган. Эронлик олим Р.Биринжкар фикрича, "тасаввуф исломдан асосий тушунчаларини олган, аммо назарий ва амалий жиҳати учун аниқ тизим ва қоидалар ишлаб чиқиш асносида бошқа халқлар мистик ва фалсафий қарашларидан ҳам фойдаланган"[87]. А.Исо эса бу қарашларга асосли раддия[88] билдириб, тасаввуфнинг ислом руҳияти билан уйғунлиги, тасаввуф мусулмон дунёсидан ташқаридан олиб кирилмагани ҳақидаги фикрни қатъий ҳимоя қилган.

Ирфон илми шаклланишини ўрганишга доир тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, тасаввуф алломалари, ирфон аҳли томонидан ёзилган асарлар; иккинчиси, мутасаввифлар, шарқшунослар, тасаввуф

---

[84] Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. Таржимон Н.Қодирзода. – Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 133.

[85] Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 39-40.

[86] Тримингэм Дж. Суфийские ордены в Исламе / Перевод с английского А.Ставицкой. Под ред и с пред. О.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 26-27.

[87] Биринжкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / Пер. с перс. С.Ходжаниёзова; предисл., коммент. и общ. ред. И.А.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С. 205-206.

[88] Абдуль-Кадыр Иса. Истина суфизма / Пер. с араб. М.Садуева. – Москва: Ансар, 2004. – С. 15-16.

назариётчиларининг тасаввуф таълимотини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари.

Мавзуга алоқадор адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида иккинчи гуруҳ – тасаввуф илмини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни яна шартли равишда икки гуруҳга ажратиш эҳтиёжи туғилди. Биринчи гуруҳ – араб, турк, эрон ва ўзбек олимларининг тадқиқотларида тасаввуф ва ирфон илми ислом дини билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Иккинчи гуруҳ – Ғарб, айрим эрон олимларининг тадқиқотларида тасаввуфнинг келиб чиқиши ва генезиси бошқа динлар, диний эътиқодлар, қадимги юнон, ҳинд фалсафий таълимотлари билан боғлаб тадқиқ этилган[89].

Мавзу доирасидаги адабиётларни таҳлил қилиш орқали улардаги фикрларнинг талқин қилиниши, қарашлардаги қарама-қаршиликларни тўғри ва ҳаққоний ёритилиши креатив ёндашув асосида кўриб чиқилди. Ирфон илмининг моҳияти, унинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёслаш учун плюралистик метод самарали натижа бериб, ҳар икки илмларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ўрганиш учун кенг йўл очди. Асл илдизи исломий анъаналарга бориб тақалувчи ирфон илмининг бошқа дин ва фалсафий таълимотлардан келиб чиққани ҳақидаги хулосалар жиддий тадқиқ этилиши заруriят, деб топилди.

Ирфон илми учун бу илмга мутлақо алоқаси йўқ ва дунёқараши тескари билим “ҳужжат” деб асос қилиниши тасаввуфий-ирфоний қадриятлар ҳақидаги бир ёқлама қарашни ислом цивилизацияси билан узвий боғлиқликда ўрганиш натижасида олиб борилган бир неча йиллик тадқиқотлар масалага танқидий ёндашиш ва қуйидагича раддиялар билдиришни тақозо этади:

биринчи масала, тасаввуфнинг генезиси масаласидаги қарашларнинг шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат

[89] Бартольд В. Мистицизм в исламе / Бартольд В. Соч. Том VI. Ислам. – Москва: Наука, 1966. – С. 115.

муносабатлари, муаммонинг моҳиятини билишга турлича ёндашувлари билан боғлиқ. Рус шарқшуноси Е.Бертельс тасаввуфнинг яхлит таълимот сифатида XIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, диний-ирфоний ғоя ва таълимот замирида шаклланиб, қарор топгани, бу даврда оташпарастлик, буддавийлик, қадимги юнон фалсафаси ва христианликдаги диний ғоялар таъсирида шаклланган тасаввуф яхлит таълимот сифатида ривожланиши ислом таълимоти ва ғоялари билан уйғунлашиши заруриятга айланганини даъво қилган[90].

Немис шарқшуноси Ф.Толук тасаввуфнинг келиб чиқишини ислом динининг пайдо бўлиш вақти ва ҳатто Аллоҳнинг Расули билан боғлаш лозимлигини таъкидлаган[91].

Инсоннинг Худога қўшилиши ёки бирлашиши илгари сурилган "йога"да инсон руҳининг мутлақ руҳ билан синкретлашуви олий мақсаддир. Тасаввуф илмида ҳеч бир ориф юксак даражага эришган бўлса ҳам "Аллоҳнинг таркибий қисми" бўла олмайди. Йогада ўз-ўзини чеклаш ва медитация орқали кўзланган стратегик мақсадга эришилади. Медитация фикр сокинлиги, ички хотиржамликка эришишга қаратилган. Инсоннинг руҳий камолотга эришиш йўли унинг барча эҳтиёжлардан воз кечиши, ҳиссиёт ва фикрларини назорат қилишдан иборатдир.

Ориф нафсининг ҳукмронлигидан халос бўлиш туфайли ўз ички моҳиятини "жонлантириб", ривожлантиради ва маънавий-руҳий камолотга эришади. Тасаввуф ва буддавийликдаги руҳий ҳолатлар, жумладан, "фано" мақоми "нирвана" ҳолатидан тамоман фарқ қилади[92]. Шунингдек, "нирвана" ҳолати, яъни инсоннинг руҳга айланиши ва моддий

---

[90] Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 39.

[91] Қаранг: Петрушевский И. Ислам в Иране в VII-XV вв. Курс лекций. – Ленинград: ЛГУ, 1966. – С. 312.

[92] Бу ҳақда қаранг: Ebu'I-Ala Afifi. Tasavvuf: İslamda manevi devrim. – Istanbul: Basın yayın LTD, 1996. – S. 70.

дунёда Аллоҳ билан бирлашиши ёки Аллоҳга қовушиши каби буддавийлик қараши чуқур изоҳ талаб этади[93].

"Қуръон" ёки ҳадисда нафсини поклаган, "нирвана" даражасига етган, "муҳсин" банданинг Аллоҳга қовушиши, масалан, Аллоҳ билан қўшилиб кетиши ёки Аллоҳга сингиб кетиши ҳақида маълумот йўқ. А.Кныш ҳам "фано" тушунчасини "нирвана" билан тубдан фарқланишини таъкидлаган[94]. Демак, "фано"ни буддавийликдаги "олий саодат ҳолати", яъни инсоннинг Худога иттиҳоди, қўшилиши ёки худонинг Исо қиёфасида кўриниши ҳақидаги христианлик таълимоти (ҳулул) билан синтези сифатида талқин қилиш тўғри эмас;

иккинчи масала, эзотеризм инсон руҳини тарбиялашга йўналтирилган маънавий қоидалар тизимини тушуниш фактори эканлиги билан боғлиқ бўлиб, бу қараш айрим динлар ва диний таълимотлардан олинган абстракт тушунчалар жамланмаси бўлгани учун маълум вақт ўтгач, ўз аҳамиятини йўқотиши ёки қалбнинг Аллоҳ билан боғланмагани ёхуд нафс тарбияси камолотга етмагани учун кўзланган натижа бермайди. Илк эзотерик қарашлар қадимги ҳинд фалсафасининг "жайнизм" оқими ва ҳиндуийликдаги диний маросим ва урф-одатларида акс этган. Қадимги юнон файласуфи Суқрот (ваф. мил. авв. 399 й.), Арасту (ваф. мил. авв. 322 й.), Афлотун (ваф. мил. авв. 547 й.)нинг қарашларида эзотерик илмлар муҳаббат ва ҳақиқатга эришишнинг ўзига хос билим шакли сифатида талқин қилинган. Афлотун борлиқ "ғоялар дунёси", яъни ҳақиқий борлиқнинг сояси бўлиб, фазо ва вақтга нисбатан абадий ва ўзгармас, уни фақат соф тафаккур эгалари англаши мумкин[95] деган қарашни илгари сурган.

---

[93] Бу ҳақда қаранг: Мистицизм: теория и история / Отв. ред. Е.Балагушкин, А.Фокин. – Москва: Ифран, 2008. – С. 26.

[94] Кныш А. Мусульманский мистицизм. Краткая история. – Москва, 2004. – С. 359-360.

[95] Қаранг: Абдуллаев Е.В. Платон и Древний Восток: проблемы анализа кросскультурного взаимовлияния // Восток. № 6. – Москва, 2004. – С. 77.

Ўрта асрларда эзотеризм диний ва ботиний-фалсафий ғоялар “афсунгарлик” (жодугарлик) деб эълон қилинган. Уйғониш даврида эзотеризмга шахсий тажрибага асосланган билимлар сифатида қаралган бўлса, янги давр фалсафаси, хусусан, И.Кант (ваф. 1804 й.)нинг трансцендентал фалсафасида эзотерика ақл воситасида билиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида эътироф этилган: “Гарчи бутун табиат бизга аён бўлган тақдирда ҳам, биз табиатдан ташқарига чиқувчи трансцендентал саволларга ҳеч қачон жавоб бера олмаган бўлар эдик”[96].

Шарқ эзотеризми Чандра Мохан Ошонинг “эзотерик илм кундалик амалиёт маҳсули”[97] ва Шри Ауробиндо Гхошнинг “дунёни интуитив идрок этиш воситаси”[98] деган қарашларида акс этган. Рус олимларидан Т.Лешкевич Миср герметизмининг эзотерик атрибутини таҳлил этган бўлса, П.Флоренский ва О.Иванова Ғарб эзотеризмининг ўзига хос интровертив хусусиятларини тадқиқ этган. Ф.Капра эзотеризмни “руҳий энергия” деб атаган. Тожикистонлик олим М.Диноршоев Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сионинг илоҳий куч ҳақидаги қарашларини “эзотеризмнинг бир кўриниши”[99] деб баҳо беришган. Ўзбекистон олимлари О.Файзуллаев, И.Рахимов, Ш.Қаҳҳорова, Б.Тўраев, Ш.Қўшоқов, Н.Шермуҳамедова[100]нинг тадқиқотларида ҳам эзотерик олам ҳақидаги қарашлар тадқиқ этилган.

Эзотерик тафаккур илоҳий ҳодисаларга табиий фанлар қонун-қоидалари билан ёндашиб, уларни моддий жараёнлар

---

[96] Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н.Лосского. Примеч. Ц.Арзаканяна. – Москва: Мысль, 1994. – С. 23-24.

[97] Чандра Мохан Джеин. Наука медитации. – Москва: Весь, 2016. – С. 21.

[98] Қаранг: Ауробиндо Шри. Идеал человеческого единства. – Санкт-Петербург: Мирра, 1998. – С. 215.

[99] Қаранг: Диноршоев М. Философская онтология Ибн Сины. – Душанбе: Дониш, 1985. – С. 19-33.

[100] Файзуллаев О. Табиат ва фалсафа. – Тошкент, 1996; Рахимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2000; Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Маънавият, 2009; Шермуҳамедова Н. Фан фалсафаси. – Тошкент: Ношир, 2013.

нуқтаи назаридан изоҳлайди[101]. Демак, эзотерика инсон онгининг рационаллашуви маҳсули бўлиб, эзотеризмни тавсифлаш, яъни номаълумликни маълумлик орқали изоҳлашнинг аниқ тизими йўқ, бу эса унинг асоси бўш эканига далолатдир. Ирфон илми қалбнинг Аллоҳга боғланиши билан эзотеризмдан тубдан фарқланадики, бунинг сабаби ирфон аҳлининг ишонч-эътиқоди, сўфиёна ҳаёт тарзи, тавҳид, ҳол, риёзат ва ҳикмат билан муштарак эканлигидадир;

учинчи масала, "мистик" ва "тасаввуф" терминлари масаласи. Шарқ ва Ғарб мистицизми билан ислом тасаввуфини қиёсий ўрганиш орқали тасаввуфнинг мистицизмдан фарқланадиган муҳим томонлар кўрсатилган[102]. Шунга қарамай, ғарб олимлари, айрим мусулмон олимлари тадқиқотларида тасаввуфни ҳозирга қадар "мистика", "ислом мистикаси", "тасаввуф мистикаси", "мусулмон мистикаси" деб номланмоқда.

Мистицизм ва тасаввуф ўртасидаги тафовут умумийлик ва алоҳидалик категорияси орқали теран англашилади, яъни мистицизм диндорнинг индивидуал руҳий тажриба жараёнида экстаз ҳолатга тушиши, ички маънавий-руҳий оламининг "эманацияси", илоҳиёт билан бевосита мулоқоти ва илоҳий ҳақиқатни кашф этишидир. Мистика, масалан, насронийликда муқаддас Худога бағишланган "сакрал мулоқот"га йўналган онгнинг ўзига хос ҳолати билан боғлиқ амалиёт тури бўлиб, "мистицизм" тушунчасининг моҳияти ва унинг бошқа динларга хослиги билан боғлиқ. Христиан мистиклари учун Худо билан бирлашиш диннинг энг юксак ютуғидир[103].

Тасаввуф, жумладан, ирфон илмини "ислом мистицизми" ёки "мусулмон мистицизми" деб аталиши ирфон илмининг

---

[101] Қаранг: Фесенкова Л. Дискурсы эзотерики (философский анализ). – Москва, 2001. – С. 10-35.

[102] Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул муҳ. С.Рафиддин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 33.

[103] Бу ҳақда қаранг: Исақова З.Р. Ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлили. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2021. – № 3. – Б. 82.

мазмунига зид, чунки мистицизм нарса-ҳодисанинг “сакрал” ибтидо билан воситасиз боғлиқлиги, теологик ва дунёқараш характерига эга бўлган рационалистик таълимот шаклидаги тасаввурлардир. Бу масаланинг ташқи томони бўлиб, аслида ирфон ва ориф тўғрисидаги зоҳирий тасаввурлар ирфон илмининг ботиний жиҳатини очиб бера олмайди, яъни масалага “юзаки ёндашиш хато”[104]дир.

Рус шарқшуноси И.Петрушевский тасаввуф таълимотига “мистика” тушунчаси асосида ёндашиб, дин ва тасаввуфнинг “реакцион” таълимот эканига урғу берган: “Мистика ёки мистицизм замирида одатда “тажалли”, ички “тажриба”, экстаз (жазба) кўмагида Худо билан бевосита мулоқотда бўлиш имконияти борлигини тан олувчи дунёқараш тушунилади. Мистик оқимлар мистицизм билан суғорилган идеалистик фалсафий тизимлар каби турли динлар қобиғи остида пайдо бўлган. Феодализм даврида мусулмон давлатларида мистик ҳаракат “суфизм” деган умумий ном билан маълум”[105]. Эътироф этиш керакки, шўролар тузуми даврида тасаввуфга мистик ва реакцион таълимот сифатида баҳо берилган[106].

Инсоният маданий ҳаётида мистицизмнинг ўзига хос ўрни[107] бўлса ҳам, масалага юзаки ёндашиш янглиш қараш ва хулосаларни юзага келтиради. Мистицизмнинг моҳиятига фалсафа ва онг орқали етиб бўлмаслиги, қалб кечинмалари билан боғлиқ руҳий тушунча бўлгани учун унга узоқ муддатли покланиш давридан ўтиб, маърифат ҳосил қилиш орқали эришилиши иддао қилинган қарашлар мистицизмнинг тасаввуф илми билан боғлиқлигини асослашга замин бўла олмайди. Тасаввуф турли шарт-шароит ва давр нуқтаи

---

[104] Қаранг: Жиртуева Н. Творчество в мистических традициях мира // Вопросы философии. – Москва, 2017. – № 9. – С. 141.

[105] Петрушевский И. Ислам в Иране в VII-XV вв. Курс лекций. – Ленинград: ЛГУ, 1966. – С. 312.

[106] Қаранг: Сагадеев А. Абд-ар Рахман Бадави и экзистенциализм в арабских странах // Современная философия и социологическая мысль стран Востока. – Москва, 1965. – С. 98.

[107] Қаранг: Балагушкин Е. Аналитическая теория мистики и мистицизма / Мистицизм: теория и история / Под ред. Е.Балагушкина, А.Фокина. – Москва, 2008. – С. 3-4.

назаридан тавсифланса ҳам, ворисийлик маъносида ягона таълимотдир. Айрим тадқиқотларда фалсафанинг илдизи, унинг ҳаётий асоси дин ва мистика[108] деб талқин этилган бўлиб, масаланинг бу жиҳати ретроспектив тадқиқотни талаб этади;

тўртинчи масала, медитациядан кўзланган мақсад, хотиржамликка эришиш, дунё ташвишларидан узилиш, стресслардан қутулиш, енгиллик, қўрқув ва ҳис-ҳаяжонни қўлга олишдир. Ислом динида инсон ибодат ва зикр орқали хотиржамлик, қалб таскини, етуклик, зиёлилик, покланиш ва руҳий мувозанатга медитациядан кўра бир неча ҳисса ортиқ эришади. Вужуд ва қалбни покламай, медитация орқали Худонинг назарига тушиб бўлмайди;

бешинчи масала, онг билан бошқариб бўлмайдиган ва тўсатдан мияга келиб қоладиган интуиция (лотинча "синчиклаб қарайман")дир. Интуиция ҳақиқатни пайқашнинг оддий йўлларидан принципиал оғиш эмас, у оддий йўлларнинг юз беришининг мантиқий шакли ва амалиёти билан воситаланган қонуниятли шаклидир[109]. Демак, инсон миясида рўй берадиган жараёнлар ўзаро мураккаб сабаб-оқибатли занжир боғланишларга эга ва улар бир-бири билан туташиб кетади. Ана шу туташув жараёнида айрим ҳолларда инсон миясида янги "фикр" ярқ этади. Кутилмаган фикрнинг бехосдан мияга келиши муайян руҳий жараёнлар, инсон миясида рўй берадиган ўз-ўзини созлаш, ўз-ўзини мувофиқлаштириш каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Бу эса интуицияни илоҳий ва ғайритабиий моҳиятга боғлаб тушунтириш, мистик билиш қобилияти деб изоҳлашни рад этади. Интуицияга қадимги юнон файласуфлари Пифагор (ваф. мил.авв. 500 й.), Афлотун ва Арасту бевосита билиш

---

[108] Қаранг: Бердяев Н. Философия свободы. – Москва, 1989. – С. 30.

[109] Бу ҳақда қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир ф.ф.д. Қ.Назаров. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 170.

жараёни сифатида қарашган[110] бўлса, кейинчалик инсоннинг ботиний олами билан боғлиқ иррационал билиш жараёни сифатида талқин этилган. Илмий нуқтаи назарга кўра, интуитив (ғайришуурий) билиш жараёни тажриба, кузатиш, эксперимент, мантиқий мулоҳаза (хулоса) орқали амалга ошади[111]. Бунда фикрнинг умумийликдан яккаликка томон ҳаракати намоён бўлади. Шарқ мутафаккирларининг қарашларида интуицияга иррационал ёндашилган. Абу Наср Форобий мантиқий ва интуитив билишни муштарак ҳолда тадқиқ этган[112] бўлса, Абу Али ибн Сино (ваф. 1037 й.) интуитив билишни инсон руҳияти билан боғлаб, "илоҳий илҳом" ("илоҳий зеҳн")[113] деб тушунтирган.

Интуиция билишнинг мураккаб феномени, ҳақиқатни мантиқий далилсиз англаш[114]дир. Интуициянинг ҳиссий, интеллектуал ва мистик турлари фарқланган. Ҳиссий интуиция ақлий мушоҳада ва сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш бўлса, ҳодисаларнинг моҳиятини фавқулодда ақл билан илғаб олиш интеллектуал интуициядир. Интуициянинг онгсизлик билан боғлиқ жиҳати "мистик интуиция" деб баҳоланиб, интеллект ва интуиция бир-бирига қарама-қарши қўйилган ва "субъектнинг объект билан бевосита қўшилиб кетиши оқибати"[115] сифатида қаралган. Интуицияни ижод билан

---

[110] Симаков М. Пифагорейцы. – Москва, 2004; Платон. Сочинения. В 4-х т. – Санкт-Петербург, 2007; Платон. Сочинения. Т.3. – Москва: АСТ, 2000; Аристотель. О памяти и воспоминании / Пер. и коммент. С.Месяц // Вопр. философии. – Москва, 2004. № 7.; Мареева Е. О бессмертии души (Аристотель и современность) // Вопр. философии. – Москва, 2002. № 12. 167-178; Аристотель. Метафизика. Переводы, комментарии, толкования. – Санкт Петербург: Алетейя. 2002.

[111] Бу ҳақда яна тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Бунге М. Интуиция и наука / Пер. с англ. ред. В.Виноградова. – Москва: Прогресс, 1967. – С. 19, 113-114.

[112] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри / Масъул муҳаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 84.

[113] Ибн Сина. Даниш-намэ. – Душанбе, 1957.

[114] Қаранг: Лук А. Интуиция и научное творчество // Философские науки. – Москва: 1981. № 5. – С. 119-120.

[115] Қаранг: Бергсон А. Творческая эволюция. – Москва, 1994. – Б. 5.

боғлаш[116], интуицияга интеллектуал ёндашиш[117], интуицияга “субстанция” сифатида қараш[118], интуицияни иррационал талқин этиш[119], интуицияга “соф” пассион[120] ҳаракат деб ёндашиш, интуицияни ички жараён[121] деб баҳолаш, интуицияни эвристик фаолият[122] сифатида асослаш, интуицияни билишнинг олий шакли[123] деб билиш, интуицияни объект ва субъектнинг узвийлиги тарзида кўриш[124], интуицияни эпистемологик таҳлил этиш[125], интуицияни илмий ижод[126]га боғлаб изоҳлаш, интуиция билан ақлни ўзаро алоқадорлик[127]да таҳлил қилиш, фанлар тизимида интеллектуал интуицияга ажратиш[128], интуицияни глобал инқироз ечими деб кўрсатиш[129], интуицияни илоҳий оламни кашф этиш[130] йўли деб тушунтириш, интуицияни инсон имкониятининг чексизлиги[131] сифатида кўриш, интуицияга

---

[116] Қаранг: Самохвалова В. Творчество: Божественный дар, космический принцип, родовая идентичность человека. – Москва: РУДН, 2007.

[117] Қаранг: Глядешкина З. Рене Декарт и его время. – Москва, 2001. – Б. 31; Фишер К. История новой философии: Рене Декарт / Пер. с нем. – Москва: АСТ, 2004. – Б. 28-29.

[118] Қаранг: Спиноза Б. Этика, доказанная в геометрическом порядке. – Ростов-на-Дону: 2001. Спиноза Б. Трактат об усовершенствовании разума. Этика / Пер. с голл. и лат. – Москва: Мир книги, 2007;

[119] Қаранг: Майерс Дэвид. Интуиция. – Санкт-Петербург: Питер, 2009.

[120] Қаранг: Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н.Лосского. Примеч. Ц.Арзаканяна. – Москва: Мысль, 1994.; Виндельбанд В. История новой философии в ее связи с общей культурой и отдельными науками. В 2-х т. Т. 2. От Канта до Ницше / Пер. с нем. – Москва: Гиперборея, 2007.

[121] Бу ҳақда қаранг: Соляник К.О. Подсознание и интуиция: что подсказывает ваш внутренний голос. – Харьков – Белгород, 2011.

[122] Қаранг: Тибодо Л. Врожденная интуиция. Пер с англ. Серия. Ваша тайна. – Москва: Рипол-Классик, 2007. – С. 32.

[123] Қаранг: Бергсон А. Творческая эволюция. – Москва, 1994. – Б. 21.

[124] Тўраев Б. Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. – Б. 106.

[125] Қаранг: Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. – Москва, 1994; Шермухаммедова Н. Эпистемология – тафаккур мезони // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 63-66.

[126] Қаранг: Кармин А.С., Хайкин Е.П. Творческая интуиция в науке. – Москва, 1971.

[127] Қаранг: Симонов П. Сознание, подсознание, сверхсознание // Популярная психология. Хрестоматия. – Москва: Просвещение, 1990.

[128] Қаранг: Бунге М. Интуиция и наука. – Москва: Прогресс, 1967. – Б. 111.

[129] Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Tafakkur, 2009.

[130] Бу ҳақда қаранг: Норбеков М. Интуиция – это прорыв в будущее. Тайна тайн вселенной / Путь внутрь себя. – Москва: Диля, 2011.

[131] Қаранг: Робинсон Л. Интуиция может все / Перевод с анг. Борич С.Э. – Минск: Попури, 2007.

инстинктив билиш[132] сифатида кўрсатиш, интуицияни "илоҳий илҳом"[133] деб турли диапазонда талқин этилса ҳам, интуиция ирфоний билишнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Бунинг далили А.Бергсоннинг "интуиция Ер юзида минг йиллар давомида бўлиниб кетган руҳий энергия оқимидан бири бўлиб, инсонни мавжудот билан бирлаштирадиган туйғу, холос"[134] деган фикрларида мужассамдир.

Интуитив тафаккур тарзини илмий асосда ўрганиш илм-фаннинг янги қирраларини эвристик кашф қилишга имкон яратади. Тасаввур, хотира, диққат, фаҳм-фаросат, онг, онг ости соҳасидаги "уйғониш", тафаккур, туш кўриш каби жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги интуитив тафаккур кашфига олиб келади. Инсоннинг интуитив қобилияти (масаланинг кутилмаган ечими, уни ечишнинг англанмаган йўллари ва усуллари, муайян масалада ҳақиқатга эришишнинг бевоситалиги)га хос[135] бўлиб, интуицияда инсоннинг руҳий қувватини уйғунлаштириши, ғайришуурий боғланишларни амалга ошириши, интеллектуал камолотга элтиш йўллари акс этган. Айрим тадқиқотларда интуицияни ғайбий илм билан адаштириб, интуицияни унга бегона бўлган манбалардан иқтибос олиш, шу билан бирга, Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий (ваф. 1273 й.)нинг қарашларига интуиция атамасини зўрлаб тиқиштиришга уринилган. Худонинг маърифатини англашда интуиция ирфоннинг олдида ип эша олмайди. Интуиция "олтинчи" ҳис-туйғу, "ноёб ақл", "ички куч" бўлса, ғайб Аллоҳнинг ўзига хос илмидир;

олтинчи масала, веданта, даосизм, пифагорчилар, платонизм, теософия ва антропософия, насронийлик, гностика, манихейлик, каббала, исавийлик таълимотлари билан

---

[132] Қаранг: Рассел Б. Почему я не христианин: Избранные произведения / Пер. с англ.; сост., авт. предисл. и примеч. А.Яковлев. – Москва: Политиздат, 1987. – С. 45.

[133] Ибн-Сина. Даниш-намэ. – Душанбе, 1957.

[134] Қаранг: Бергсон А. Творческая эволюция. – Москва, 1998. – С. 97.

[135] Бу ҳақда қаранг: Билиш фалсафаси (Гносеология) / Тузувчи ва таржимон Қ.Назаров. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 146.

тасаввуфий-ирфоний билиш ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Веданта Ҳиндистонда тарқалган диний-фалсафий оқим бўлиб, унга кўра, брахман руҳан мутлақлик даражасига етиш учун дунёвий алоқа ва моддий боғланишдан узилиши, фоний бўлиши талаб этилади. Тасаввуфда "фано" ўзликда йўқ бўлишдир. Келиб чиқиш илдизи ва боғланиш объекти бир-биридан тамомила фарқ қилувчи йўналишларни айрим ўхшашлик воситасида бир-бирига боғлаш мантиқан тўғри эмас.

Олмон шарқшуноси А.Шиммель "Мир исламского мистицизма" асарида Ҳаким Термизийни неоплатоник-гностик файласуф эканини исботламоқчи бўлган[136]. Далил сифатида қадимги юнон файласуфи Плотин (ваф. мил авв. 269 й.) илгари сурган "борлиқнинг асли ва манбаи битта. Худо ягона борлиқ. Қуёш ўзидан нур таратгани каби Худо ҳам оламни нурлантиради. Барча нарса илк манбадан сизиб чиқади ва унга қайтади, босқичма-босқич ақл, руҳ кейин табиат нурланади. Бу илоҳий жилоланиш, эманация"[137] деган қарашга асосланган. Эманациянинг ирфонга алоқаси йўқлиги қуйидагича изоҳланади: мавжудлик асосини ақлдан устун турувчи ғайритабиий, илоҳий тамойиллар ташкил этади. Инсон руҳи илоҳий руҳга қайтиши учун моддий манфаатлардан воз кечиши, ахлоқий ҳаёт кечириши лозим. Мутлақ борлиқ "ботин" орқали билинади. Плотиннинг бу қарашлари айрим тариқатларда "хос" тушунча сифатида қабул қилинган. Али ибн Усмон Ҳужвирий (ваф. 1073 й.) ўша давр нуқтаи назаридан "ҳулулия", "ҳолия", "авлиёия", "шамурония", "ҳуббия", "ҳурия", "ибоҳия", "мутақосимия", "мутажоҳилия", "вофиқия", "илҳомия" ва "ҳалложия"

---

[136] Қаранг: Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетейа; Энигма, 2000. – С. 65.

[137] Фалсафа. Энциклопедик луғат / ЎзРФА. И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – 199.

сўфийлик тоифаларини ботил деб атаган[138]. Жумладан, дамашқлик Абу Ҳулмон (ваф. 950 й.) йўлдан адашиб, "ҳулул", яъни "бу дунёдаги гўзалликнинг ҳар қандай кўриниши Аллоҳнинг тимсолидир" деб Аллоҳни муайян нарсалар ва шахсларга ўхшатиб, шариат амалларига беписандлик билан қараган. Жоннинг кўчиб юриши ҳақидаги ақидани илгари сурган. Саййид Муҳаммад Ҳотамий ҳам айрим тариқат маросимларида неоплатонизмнинг таъсири бўлганига ишора қилган[139].

Каббала (ибронийча – қабул қилиш) XII асрда вужудга келган оқим бўлиб, яҳудий муқаддас китоби Тавротда кодланган яширин билимлар жамланган таълимотдир. Каббала Худо, борлиқ, яратилиш, инсон ва унинг тақдири ҳақидаги масалаларни ўрганади[140]. Инсон каббала ёрдамида ўз-ўзини билиши, буюк куч-қудратга эга бўлиши, мўъжизалар яратиши, ахлоқий меъёрларга бўйсунмаган ҳолда нимани хоҳласа, ўшанга эришиши тарғиб этилади. Иудей ва христианлар каббалани қадимий иудей таълимотининг асл моҳияти, "ҳақиқий ва қадимий таълимот"[141] деб янглишадилар. Каббала сирли таълимотлар мужассами деб қабул қилинган бўлса ҳам, иудей таълимотида илгари сурилган ғоялар ўзгартирилган, айримлари замонга мослаштирилган, қадриятлардан воз кечилган, қайта ишланган. Ғарб дунёсида каббала оккульт мактаблар, ароматерапия, таро, медиум, телекинез ёки модерн диний марказларга жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда[142]. Каббала сеҳргарлари ўз тарафдорларини

---

138 Бу ҳақда қаранг: Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 157; Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: О.Жўрабоев. Масъул муҳ: С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 149.

139 Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. Таржимон Н.Қодирзода. – Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 51-52.

140 Философский энциклопедический словарь. – Москва, 1983. – С. 238.

141 Фесенкова Л. Дискурсы эзотерики (философский анализ). – Москва, 2001. – С. 26.

142 Бу ҳақда яна қаранг: Чандра Мохан Джеин. Наука медитации. – Москва: Весь, 2016; Золотухина-Аболина Е. Эзотерика для непосвященных, или Нерасколдованный мир. – Пенза, 2009; Дюпрель К.

“тумор, белги ва турли рамз-шакллар шифобахш хусусиятга эга”[143] деб ишонтирадилар.

Гностика тарафдорлари насронийлик ақидаларини қадимги Шарқ мифологик ва диний қарашлари билан қориштириб, Худонинг Исо тимсолида инсонга айланиши ва инсонга қўшилишини тарғиб этишган. Гностиклар фикрича, ҳар бир инсоннинг жони яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш майдони, Худонинг Исога айланиши христианликнинг буюк сирларидан биридир.

Милоддан аввалги II асрда дин сифатида шаклланган даосизмнинг урф-одатлари анимизм ва сеҳргарликка ишонишга асосланган. Қадимги хитой мутафаккири Лао Цзи (ваф. мил. авв. 499 й.)нинг “Дао цэ-цзин” (Эзгулик йўли) китобида инсоннинг ахлоқий етуклиги масалаларига эътибор қаратилган[144]. Унга кўра, эҳтирослардан озод бўлган инсон “дао”нинг мўъжизавий сирига эришиб, “дао”нинг шаклий ифодасини кўради. Унда айтилишича, одамларнинг қалбини бўш, қорнини тўқ қилган ҳукмдор уларнинг иродасини заифлаштириб, суягини мустаҳкамлайди. Одамларнинг билимсизлиги уларнинг журъатсиз бўлишига сабаб бўлади. Меъёрни билмаган, сўзамол киши муваффақиятсизликка учрайди. Инсон сув каби бўлиши керак. Сув ўз оқими бўйлаб юради ва ҳеч бир нарса билан курашмайди, хато қилмайди[145]. Бундан кўринадики, инсон “дао” мақомига эзгу ишлар қилиш билан эмас, медитация ва ўзининг ички дунёсига ғарқ бўлиб, ўзини тинглаган, ўзи орқали дунёнинг тузилишини тинглаш ва унга эришишга ҳаракат қилиб етишади.

---

Загадочность человеческого существа. Введение в изучение оккультических наук / Перевод М.Аксенова. – Москва: Либроком, 2010.

143 Фалсафа. Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 187.

144 Бу ҳақда қаранг: Дао дэ-цзин: опыт русского перевода / Пер. с китайского К.Петросян. – Рига, 2019. – С. 11-29.

145 Қаранг: Антология даосской философии / Сост. В.Малявин и Б.Виноградский. – Москва, 1994. – С. 24-27.

Теософия (юнонча худо ва донишмандлик) илоҳий моҳият сирларини очишга қаратилган таълимот бўлиб, унинг тарафдорлари ғайритабиий ва нариги дунёдаги илоҳий кучлар билан бевосита алоқа боғлашни тарғиб этишган. Рус ёзувчиси Е.Блаватская  (ваф. 1891 й.) илгари сурган бу қарашда буддавийлик, мистика, оккультизм ва спиритизм каби таълимотлар қоришиб кетган. Унинг "Тайная доктрина"[146] (Сирли таълимот) асари дунё халқларининг эзотерик қарашларини ўрганиш натижасида вужудга келган ноортодоксал хулосалар мажмуидир. Теософия дин ҳам эмас, динлар мажмуи ҳам эмас, аксинча, "замонавий дунёнинг диний анъаналарининг кўринишларидан бири"[147] бўлиб, уни динларнинг "эклектик резонанси", яъни ўз таълимотига эга бўлмаган, лекин бир қатор диний таълимотлар баён этилган қоришиқ диний атамалар мажмуаси, "гибрид" жамланма дейиш тўғрироқ бўлади.

Антропософия (юнонча инсон ва донишмандлик) эса худо ўрнида илоҳийлаштирилган инсонга эътиқод қилишни тарғиб этадиган теософиядан ажралиб чиққан оқим бўлиб, унга немис олими Р.Штейнер (ваф. 1925 й.) асос солган. Инсон буюк учлик, яъни олий (руҳий), ўрта (астрал) ва қуйи (табиий) оламни жамлаган бўлиб, инсондан бошқа илоҳий кучни излашнинг кераги йўқ. Антропософиянинг ғоялари И.В.Гёте (ваф. 1832 й.)нинг қарашларига асосланган. "Фауст" фалсафий драмасида Фауст ва Мефистофель ўртасидаги инсон қалби учун кураш орқали инсон ҳаётининг мазмуни, шунингдек, ўз-ўзини ахлоқий такомиллаштириши, фидойиликнинг кўзланган мақсадга олиб бориши ассоциацияланган чуқур рамзий ва сирли тамсилларда акс этган[148];

---

[146] Блаватская Е. Тайная доктрина. Синтез науки, религии и философии. Том I. Космогенезис / Пер. с английского Е.Рерих. – Москва: Эксмо, 2020. 880-с.

[147] Бу ҳақда қаранг: Теософия / Алексеев А., Васильев Г. Краткий философский словарь. Под ред. А.Алексеева. – Москва: Проспект, 2004. – С. 34-35.

[148] Бу ҳақда қаранг: Гёте И.В. Фауст / Немис тилидан Э.Воҳидов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 4-5.

Еттинчи масала, ҳозирги замон фани оккульт (сирли) билимларни "паранормал эътиқод" сифатида қарайди. Эзотеризмнинг амалий кўриниши бўлган оккультизм ҳодиса ва жараёнларнинг асл сабабчиси "номаълум табиий кучлар" деган ғояга асосланган[149] бўлиб, астрология, магия, алкимё каби амалиёт мажмуидир. Асосан, инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳодисалар, келажак (тақдир, фойда, бахт, муҳаббат, бойлик)ни башорат қилишга йўналтирилган оккультизм замонавий фанлар орқали ҳеч бир параметр билан ўлчаб бўлмайдиган табиат ёки коинот кучларини тушунтирувчи билимлар, воқеалар, жараёнларни эмпирик тушуниш ёки уни ўзгартиришни кўзловчи мақсадли ҳаракат, усул ва услубларни қамраб олган. Қуръондаги "Дарҳақиқат, Биз (Ерга) энг яқин осмонга чироқлар (юлдузлар) ила зийнат бердик[150] оятининг таъвилига кўра, "Аллоҳ таоло юлдузларни уч мақсадда – осмонга зийнат, шайтонга отиладиган тош ҳамда бандаларга йўл кўрсатувчи аломат бўлиши учун яратган. Кимки бу оятни бундан бўлакча талқин қилса, янглишган, охират насибасини бой берган ва ўзи билмаган (ақли етмаган) нарса хусусида ўзбошимчалик билан фикр юритиб, ўзини ўзи кулфатга қолдирган бўлади"[151].

Ҳозирги замон физика ва кимё фанлари нуқтаи назаридан тушунтириш имкони бўлмаган табиий жараёнлар оккульт назария[152], яъни воқеа-ҳодисалар герменевтикасининг умумий қонунларини асословчи илмий қонун-қоидалар мажмуи доираси (сирли кучлар)да изоҳланиши бу фанлар олдига жиддий масъулият юклайди;

---

149 Қаранг: Энциклопедия оккультизма. – Москва: AVERS, 1992. – С. 15.

150 Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Мулк сураси, 5-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 562.

151 Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. 2-жилд. / Профессор Н.Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 268.

152 Қаранг: Дюпрель К. Введение в изучение оккультических наук. – Москва, 2010. – Б. 119.

тўққизинчи масала, айрим тадқиқотларда “яссавия тариқати шомонизм ва қадимги мистик худолар тўғрисидаги тасаввурлар қўшилиб кетган”[153] деган қараш илгари сурилган. Шомонлик, шунингдек, магия, руҳларни чақириш, амулет (тумор)лар ва сеҳрли қуроллар, хушбўй дамламалар, гиёҳлар, тошлар, сайёралар, буржлар билан боғлиқ, жонсиз нарсаларнинг сеҳрли хусусиятларини ишонтиришга қаратилган бўлиб, сеҳргарлик барча динлар, шунингдек, ислом динида ҳам “куфр” деб айтилган[154]. Шундай бўлса ҳам, ҳозирга қадар сеҳр ва сеҳргарлик билан боғлиқ фириб-алдовларга ишониш, ҳатто тасаввуф билан боғлиқлигини рўкач қилиш (ҳавода муаллақ туриш, сув устида юриш, келажакни олдиндан айтиб бериш ва ҳоказо) орқали ҳимоя қилишга уринишлар мавжуд.

Сохта илмлар қаторига экстрасенсорика, телепатия ва башоратни ҳам киритиш ўринли. Мустақилликнинг илк йилларида экстрасенслик амалиёти (А.Кашпировский, Ж.Давиташвили, А.Чумак, Ю.Лонго ва бошқалар) фавқулодда “феномен”[155] деб қабул қилинган. Аслида экстрасенсларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, ўз-ўзини “ғайритабиий куч эгасиман” деб алдаш; иккинчиси, машҳурлик ва фирибгарликка қасддан интилиш. АҚШ Миллий фанлар академиясининг 1988 йилдаги хулосасига кўра, академия мутахассислари 130 йил мобайнида ўтказган илмий изланишлари натижасида парапсихологик ҳодисаларнинг мавжудлиги тасдиқланмаган[156].

---

[153] Арипов М. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 88-89.

[154] Бу ҳақда қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва ноанъанавий даволаш каби ишларнинг ҳақиқати. – Тошкент: Ҳилол нашр нашриёти, 2013. – Б. 102-105.

[155] Қаранг: Enhancing Human Performance: issues, theories and techniques / Druckman D., Swrts J. – Washington: National Akademy Press, 1988. – P. 22.

[156] Бу ҳақда қаранг: Stuart J.R., Richard W., Christopher C.F. Failing the Future: Three Unsuccessful Attemts to Replicate Bem’s Retroactive Facilitation of Rejall’ Effect // PloS ONE. 2012. – T. 7. – P. 3.

Сеҳргарлик анимизм, фетишизм, аждодлар руҳига сиғиниш билан боғлиқ бўлиб, христианлик динида сеҳргарлик "иблиснинг хатти-ҳаракати"[157] деб қораланган. "Жодугарлик" билан айбланган кишилар тириклайин ўтда куйдирилган.

Сеҳр бор, бунинг далили "Қуръон" ва ҳадисда мавжуд. Сеҳргарликнинг тасаввуф билан ҳам, ориф билан ҳам боғлиқлиги йўқ. Сеҳрнинг ҳеч бир тури ҳам фан, ҳам ислом дини нуқтаи назаридан маъқулланмаган. Жумладан, андалусиялик Ибн Рушд (ваф. 1198 й.) сеҳргарлик, башорат қилишнинг асосини пуч деб баҳолаган[158]. Шунга қарамай, кўплаб инсонларнинг ўзларини муайян динга эътиқод қилишларини тасдиқлаган ҳолда, фолбин, башоратчи, "эмчи", экстрасенслардан ёрдам сўрашлари уларнинг диний эътиқодлари сустлиги ва Худодан кўра, ёлғончи, фирибгарларнинг алдовларига кўпроқ ишонишлари билан изоҳланади.

Сеҳргарлик тасаввуфий тизимнинг бузилган ва бидъатга айланган шаклидир. Тасаввуф билан сеҳргарликни бир қолипга солиб бўлмайди, чунки сеҳрда ёлғон бор, тасаввуфнинг билиш илмида Ҳақ ҳақиқати бор. Сеҳргарлик илмини тўлиқ ўзлаштирган киши, Аллоҳ хоҳламаса, илоҳий билимдан баҳраманд бўла олмайди. Шунинг учун сеҳр ва сеҳргарлик билан боғлиқ масалага Аллоҳ Расулининг ҳаётлигидаёқ нуқта қўйилган. Орифнинг мақсади илоҳий маърифатга эришиш бўлса, башоратчи ёки сеҳргар бу маърифатдан бебаҳра ва нафси устидан устунликка эриша олмаган кишидир.

Ғарб адабиётида энг кўп тарқалган ва кўп ўқиладиган туркум китоблар айнан мистик илмлар билан боғлиқлиги шундан далолат берадики, сеҳргар мистикага интилгани билан ирфоннинг моҳиятини, орифнинг борлиқ билан мувозанатли

---

[157] Бу ҳақда қаранг: Маслова Н. Ведовство в Европе. Бич и молот. Охота на ведьм в XVI-XVIII вв / Под. ред. Н.Горелова. – Москва: Азбука-классика, 2005. – С. 23-25.

[158] Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 68.

муносабатини англашга қурби етмайди. Сеҳргарликнинг айрим элементларини ўқиб, ўзлаштириш мумкин, лекин илоҳий илмни ўқиб, ўзлаштириб бўлмайди.

Ирфон илми фалсафий маъно берилган тушунчалар қоришиғидан иборат абстракт қоидалар мажмуидан фарқланади. Бугунги кунда трендга айланган парапсихология, яъни ташқи таъсир ва воситалар билан инсон фитрати бошқа нарсалардир. Психология инсоннинг хулқ-атворини тавсифласа, ирфон илми учун инсоннинг асл моҳияти аҳамиятли. Тасаввуф ва психологиянинг ўзига хослиги ва фарқли жиҳатлари файласуф олим Л.Вилкокснинг тадқиқотларида атрофлича таҳлил этилган[159].

"Қуръон"даги "Ғайб очқичлари У (Аллоҳ)нинг наздидадир. Уларни фақат У (Аллоҳ) билур"[160] дейилган оятга асосланган ҳолда таъкидлаш ўринлики, ирфон "сир" ва ғайб оламидан хабар беришни ваъда қилган бахшилик илми, медитация, гипноз, диагностика, энергетик блокларни очиш, чакра, "гвоздитерапия" ҳам эмас. Ҳозирги замон психотерапиясининг юзакилик ва прагматизм (манфаат)га асосланган, тасаввуф амалиётининг айрим нуқталарига урғу берилиб, қолган қисми эътибордан четлатилган (моддий манфаатни ҳамма нарсадан устун кўриш, меҳнатсиз кўп бойликка эга бўлиш, барча орзу-истакларни дафтарга ёзиш) хулосалари ирфон илмининг асл моҳиятини билиш учун етарли эмас. Ижтимоий иллатлар (стресс, депрессия, ўз жонига қасд қилиш, руҳий беқарорлик, ҳаётдан безиш, бефарқлик, ёлғончилик, бировнинг ҳаққидан қўрқмаслик ва ҳоказо)нинг ечимини психология фани орқали ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, жумладан, ҳукумат миқёсида қарорлар билан мустаҳкамланиб, мактабгача таълим, таълим

---

[159] Вилкокс Л. Суфизм и психология. Москва – Санкт-Петербург: Диля, 2005.

[160] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Анъом сураси, 59-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 134.

муассасаларига психолог штати киритилиши бюджет маблағларининг ҳавога совурилишига сабаб бўляпти, холос.

Ирфон илмининг реал моҳиятини аниқ билмаслик иккиланишларга олиб келади. Торфикрлилик, ўз қобиғига ўралиб қолиш, ўзи билан ўзини овутиш, эътиқоднинг сустлиги, фирибгарлик билан асл ҳақиқатнинг фарқига бормаслик, ёлғонни "ҳақиқат" деб қабул қилиш инсонни тўғри йўлдан чалғитади. Ирфон илми билан бошқа метафизик системалар ўртасидаги келиб чиққан тафовутларнинг асл сабаби ёлғонга кўр-кўрона ишониш, нодонлик, жаҳолат ва илмсизликдир.

Кўпчилик тасаввуф илмини "яхлит психологик система" деб тасаввур қилиб, шунга асосан "психология фанини мукаммал ўзлаштириб, сўфийликка эришиш мумкин"[161] деб ҳисоблашади. Бу фикрнинг янглишлиги шундаки, асоси мустаҳкам бўлмаган илм бошқа илм учун замин бўла олмайди.

Бугунги кунда аксарият аёлларнинг эътиборини тортган психогенетиканинг асоси насронийликнинг муқаддас китоби инжил бўлиб, исавий сўзлар муҳаббат ғояси асосида сингдирилмоқда. Ҳаттоки Қуръон оятлари ва ҳадислар билан хашпўшлашга интилган психогенетикларнинг ғоялари Аллоҳнинг тақдиротига ошкора душманликдир. Ўзларини оқила деб таништирган психогенетиклар бирон касаллик ёки фарзандсизлик ёхуд бошқа сабабларни Аллоҳнинг синови сифатида эмас, аксинча, инсоннинг айби билан содир бўлади, деган ғайридиний қарашларни айбдорлик ҳисси деб тушунтириб, Аллоҳга нисбатан нафрат уйғотмоқдалар. Мусулмонга инжил "муҳаббат" қабилида яширин муқаддаслаштирилмоқда. Психогенетикларнинг асл мақсади фириб, алдов орқали осон пул топишдир. Мусулмонларнинг эътиқоди сустлиги Қуръонга эмас, инжилга ишонишлари,

---

[161] Қаранг: Симонов П. Сознание, подсознание, сверхсознание // Популярная психология. Хрестоматия. – Москва: Просвещение, 1990.

Аллоҳнинг тақдирига эмас, фирибгарларнинг ёлғон сўзларига амал қилишлари, суннатни эмас, исавийлик эътиқодига суянишларига олиб келмоқда. Инжилни қуръонлаштириш инсонни бошқа динга рағбатини кучайтиради.

Миграция жараёнларининг кучайиши, ахборот алмашинувининг тезлашуви натижасида инсонга оддий буюм каби муносабатда бўлиб муомала қилиш, ишонтириш орқали инсон онгини манипуляциялаш[162], инсон онгига у хоҳламаган ғайриинсоний ғоя ва назарияларни сингдиришни босқичма-босқич амалга оширишнинг машҳур концепцияси бўлган "Овертон ойнаси"[163]ни қўллаш каби хавф-хатарларнинг оқилона ечими ҳам ирфоний тафаккур билан боғлиқдир. Тасаввуфнинг алоҳида эътироф этиладиган жиҳати ҳам шундаки, тасаввуф ҳозирги пайтда Ғарбда кучли ривожланган ҳар қандай психологик системага қараганда ундан ҳам кучли ривожланган яхлит системадир. Бу система умумбашарий аҳамиятга эга бўлиб, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Швейцариялик аналитик психология асосчиси К.Юнг (ваф. 1961 й.) Ғарб психоанализини Шарқ психоанализи билан қиёслаганда, унинг куртак ҳолида эканлигини эътироф этган: "Ҳозирги Ғарб психоанализи ва у яратган тафаккур йўналишлари Шарқнинг қадимги санъати билан таққослаганда янги бошловчининг уринишларидан бошқа нарса эмас"[164]. Бунинг сабаби оддий: ориф масалага қалби билан, мистик ёки оккульт ақли билан ёндашади. "Психолог" инсон руҳияти билан ишлайди ва бу қолиплаш жараёни вақтинчалик бўлиб, руҳий барқарорлик бера олмайди. Шунинг учун маълум вақт

---

[162] Бу ҳақда қаранг: Кара М.С. Манипуляция сознанием. XXI век. – Москва: Алгоритм, 2015. – С. 11.

[163] Овертон ойнаси – жамиятга бутунлай ёт бўлган, жамоатчилик томонидан кескин рад этиладиган ғоя ва назарияларнинг босқичма-босқич муайян стреотип ва тактикалар асосида жамият онгига сингдириш ва жамиятнинг қадриятларини буткул йўқ қилишнинг олти босқичли технологияси. Бу концепцияни ишлаб чиққан америкалик юрист Ж.Овертон (ваф. 2003 й.) хотирасига шундай аталган. Бу ҳақда қаранг: Верещагин О., Белова Н. Фрейманалитика: опыт эпистемологического исследования // Ученые записи Орловского государственного университета – Scientifik notes of Orel State University. – Орел, 2015. № 6 (69). – С. 302-305.

[164] Юнг К. Проблемы души нашего времени. – Москва: Прогресс, 1994. – С. 250-251.

ўтгач, руҳий безовталик бошланади ва яна “психолог” ҳузурига бориш эҳтиёжи туғилади. Айрим минтақаларда табиблар “суфий” деб қаралади. Аслида табиб асрлар оша сақланиб келаётган табобат илмининг давомчиси, тасаввуф эса фақат тиб илмидан иборат эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда урфга кирган парапсихология, эзотерика илмларининг асоси (манбаи) Ғарб психологиясидан олинган[165]. Жалолиддин Румий XIII асрдаёқ кашф этган инсон руҳияти диалектикаси бугунги кунда турли ном билан аталаётган эзотерик ва парапсихологлар томонидан ўзгача ном, ўзгача мотив ва янгича стреотиплар билан халққа етказилмоқда. Бу, бир тарафдан фойдали (тренинг инсоннинг асл моҳиятини топишга илк уриниш, мотивация, моддий манфаатдорлик, мақтов, ишонч). Масаланинг иккинчи тарафи борки, ўзгача мотив ҳам, янгича стреотип ҳам покланмаган қалб билан ўз аслини йўқотади (қулоқ эшитади, қалб маъқуллайди, онг қабул қилмайди). Психологик тренинглар кўп ҳолатда исталган ва аниқ натижа бермаслигининг сабаби соддалашган тасаввуфнинг йўқлиги, бўлиши ҳам мумкин эмаслигидадир. Тасаввуф ирфон илмидан бехабар кишилар фойдаланадиган, мустақил қўллайдиган, “онгнинг концентрациялашуви” деб аталадиган  онг фрагменти эмас. Тасаввуф инсоннинг маънавий-руҳий камолотга эришишига ёрдам беради. Айрим кишилар “олдиндан билиш” деб атайдиган “авлиёлик” даъвосидаги ҳодисаларни невроз, ваҳима, галлюцинация, хаёлнинг кучли ишлаши натижаси, деб баҳолаш ўринли.

Ирфон “тақлид” қилиш илми эмас. Унинг ҳақиқий ибтидоси ва манбаи инсон қалбининг Худога абадий интилишида мужассамдир. Абу Ҳомид Ғаззолий илмларни тақлидий (ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан

---

[165] Бу ҳақда қаранг: Дубров А.П., Пушкин В.Н. Парапсихология и современное естествознание. – М, 1989; Золотухина-Аболина Е. Эзотерика для непосвященных или нерасколдованный мир. – Пенза, 2009.

олинадиган билим) ва кашф этилган илмларга ажратиб, ҳар икки илмнинг моҳиятини таҳлил қилган. Тақлидий илмга кўр-кўрона эргашиш орқали эришилади. Кашф этилган илм ҳар бир инсоннинг ўзига хос қобилияти, истеъдоди, шуурий изланиши орқали қўлга киритилади.

Инсоннинг айни пайтдаги ҳаёти ўтмишдан техника ва технология жиҳатдан одимлаб кетган бўлса ҳам, онг парадигмаси, инсон омили, ахлоқ, маънавият, иқтисодий муносабатлар призмасидан олиб қаралса, ҳали ҳам тараққиёт даражаси энг қуйи даражада, онг ва ахлоқ даражаси параллел экани англашилади, яъни юқорига силжиш суст даражада. Ҳаттоки айрим маънавий ва ахлоқий масалаларда оқсоқликлар юзага чиқмоқда. Шаклнинг ўзгариши билан мазмун бутунлай янгича қолипга тушиб қолмайди. Бозор иқтисодиётининг ҳосиласи "ҳамма нарсани сотиш мумкин, маънавиятни ҳам" деган томойилнинг фаҳш ва ҳаром ишларнинг авж олишига олиб келди. Маънавият, одоб-ахлоқ ҳақида қанча кўп ташвиқ қилинса ҳам, жамиятда маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик, порахўрлик каби иллатлар очиқ қолмоқда.

Инсоният ҳар жабҳада унга тўғри йўл кўрсатадиган орифга кучли эҳтиёж сезаётган, ҳақ билан ботилни ажратиш зарурияти лозим бўлган айни вақтда нима қилиш керак? деган савол кўндаланг бўлади. Бунинг йўли битта. Аллоҳни таниш ва севиш, маърифат орқали илоҳий моҳиятни англаш ва нафсни тарбиялашдир.

Ирфон орқали қалб уммонидан сўз гавҳарлари отилиб чиқади. "Қуръон" оятлари, ҳадис ҳикматлари ва тасаввуфий ғоялари сингдирилган, ҳозирга қадар башарият учун маънавий озуқа бўлиб келаётган асарлар орифларнинг қалбига нур каби қуюлиб келган "илоҳийлар" бўлиб, ирфондан ташқари бирор илмда бу каби ҳодиса кузатилмаган. Ирфон илмининг сирлилиги, жозибадорлиги ҳам ана шу жараён билан боғлиқ. Ирфон аҳлининг зоҳирий (ташқи) дунё билан ботиний (ички)

оламни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибаси ҳамма замонлар учун қўл келади.

Ирфон бошқа дин ва турли фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўлалиги билан ҳозирга қадар асллигини йўқотмаган. Бунинг тасдиғи Ибн Халдун (ваф. 1404 й.)нинг "Муқаддима" асарида акс этган: "Бу илм, ислом жамиятида пайдо бўлган шаръий илмдандир. Унинг асли будир: тасаввуф аҳлининг йўли, саҳоба ва тобеъиндан бўлган салафлар назарида ҳақ ва ҳидоят йўли эди"[166].

Юқоридаги фикрлардан ўтмишни идеаллаштириш ёки диний ва илмий дунёқарашни айнанлаштириш келиб чиқмайди. Маънавият ва ахлоқ идеаллари инсоният яшаб ўтган барча даврларга жавоб бера олган. Диннинг функцияси бўлганидек, фаннинг ўз тадқиқот доираси, фалсафанинг тадқиқот объекти бўлгани ҳолда, дин, фан ва фалсафани бирлаштириб турувчи умумийлик инсонда мужассамдир. Тасаввуф билан генетик боғлиқ бўлмаган маросимлар кишилар эътиборини муайян ҳодисаларга жалб этади, аммо руҳиятни мувозанатга келтирувчи омилнинг вужудга келишига имкон бермайди. Ислом ахлоқи, иймон ҳақиқати ва ирфоний маърифат бирлашсагина инсон руҳиятининг барқарорлиги учун кучли омил бўлади.

Ирфон илмининг мистик ва эзотерик илмлардан муҳим фарқи унинг илоҳий моҳиятни кашф этиш, ахлоқ, ишқ, ҳикмат ва илм уйғунлигини мужассам этган Аллоҳни таниш, билиш, англаш ва Аллоҳни севиш илми эканлиги билан изоҳланади. Масаланинг моҳияти ирфон илмининг таркибий қисмлари таснифи орқали теран англашилади.

---

[166] Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул муҳ. С.Рафиддин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 23.

## 1.4-§. Ирфон илмининг таркибий қисмлари классификацияси

Ҳар бир илм муайян компонент, таркибий қисм, элементлардан таркиб топади. Ирфон ҳам бундан мустасно эмас. Ирфон илмининг компонентлари турли даврларда муайян асосга келтирилиб, ўзига хос тарзда баён этилган. Жумладан, Абу Бакр Колободий “ат-Таъарруф”да ирфон асосларини бирма-бир келтирган бўлса, Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний (ваф. 1070 й.) “Қутадғу билиг”да ирфоний билиш усулларини Ўзғурмиш ва Ўгдулмиш суҳбати орқали баён қилган. Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Фаридуддин Аттор (ваф. 1220 й.), Жалолиддин Румий, Маҳмуд Шабустарий (ваф. 1321 й.) ирфон фалсафасини бадиий тасвирлаган бўлсалар, Азизиддин Насафий ва Шайх Нажмиддин Кубро ирфоний билиш назариясини илмий асослашган. Носириддин Рабғузий (ваф. 1330 й.), кейинчалик, Абдураҳмон Жомий (ваф. 1492 й.), Алишер Навоий (ваф. 1501 й.) ирфон аҳли ҳаётига доир нозик нукталарни мақомотларда муҳрлашган.

Абу Ҳомид Ғаззолий илмни нурга ўхшатиб, таҳсилий илм ва илоҳий илм ўртасида чуқурлик борлигини таъкидлаган. Таҳсилий илм билан илоҳий нурга эришиб, нарса-ҳодисаларнинг асл моҳияти, махсус “дастурланган” ва “шифрланган” борлиқ сирини билиб бўлмайди.

Боязид Бистомий (ваф. 874 й.) ирфон компонентларини Аллоҳнинг исмлари билан боғлаб тушунтирган: “Аллоҳнинг “Зоҳир” исми валийнинг “завоҳир ва ажойиб” (ошкора ва ғайриоддий)га, Аллоҳнинг “Ботин” исми валийнинг “анвор ва асрор” (нур ва сирлар)га нигорон бўлиши, Аллоҳнинг “Аввал” исми валийнинг “сабқат” (илгарилик, динамика)га, Аллоҳнинг

“Охир” исми валийнинг “мустақбала” (истиқбол)га интиқлигига боғлиқ бўлади”[167].

Тасаввуф терминологиясига келсак, IX-X асрларда ислом дини ва илми каломда мавжуд бўлган сўз ва ибораларга янгича маъно бериш, сўфиёна ғояларни юклаш асосида истилоҳий мазмуни кенгайтирилган бўлса, юксак фалсафий тафаккур, донишмандликни намоён этувчи фалсафий таҳлиллар, истилоҳларнинг чуқур моҳиятини тушунтиришда фалсафий терминлар ва рамз ва тамсилларга таянилган. Истилоҳлар тафаккурий идрокнинг ифодаси, тамсилларнинг ҳиссий тасвири учун истифода этилган.

Истилоҳларнинг келиб чиқиш генезиси қуйидагича белгиланди:

а) ислом дини ақидаларига тегишли тушунчалар: Ҳақ, ҳақиқат, тавҳид, аҳадият, шариат, танзиҳ, ломакон, абад, азал, руҳ, нафс, зоҳир, ботин, рўза, зуҳд, намоз, ибодат, тақво, фақр, зикр, ризқ, қаноат, сабр, ризо ва ҳоказо;

б) калом илмига тегишли атамалар: зот, сифат, исм, феъл, маволид ва ҳоказо;

в) фалсафадан олинган тушунчалар: жавҳар, сурат, араз, маъно, мазмун, касрат, ваҳдат, жузъ, кулл, жамъ, тафриқа, тадриж, кашф, фаросат, зеҳн, ақл ва ҳоказо;

г) тасаввуф билан параллел равишда пайдо бўлган сўзлар: сўфий, тариқат, дарвеш, қутб, аброр, автод, хонақоҳ, хирқа, самоъ, ҳол, мақомот, сир, саҳв, сукр, тажрид, талвин, тамкин, муроқаба, мукошафа, мушоҳада, робита, таважжуҳ, ирфон, ориф, маърифат, ҳақиқат, каромат ва ҳоказо;

д) тасаввуф адабиётидаги сўфиёна ғояларни тасвирлашда уларга жон бахш этиш, шу ҳолат орқали ошиқнинг ишқдаги ҳолати бўрттирилган мажозий ва рамзий тамсиллар: ошиқ,

---

[167] Фарididдин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 38.

маъшуқ, зулф, соч, қош, кўз, киприк, гул, сабо, қуёш, ой, юлдуз, кеча, ташна, маст, зуннор ва ҳоказо;

е) тасаввуф истилоҳлари ва рамзий тамсилларнинг бирикмалари: ваҳдат майи, қалб кўзи, бодаи ишқ, ғариби мажнун, тариқи шуттор ва ҳоказо;

ж) ислом, калом, фалсафа ва тасаввуф терминологиясида мавжуд бўлган, мазмуни ва маъносига кўра турлича истилоҳлар: аҳад, воҳид, ваҳдат, ваҳдоният, аҳадият, тавҳид. Бу ўзакдош сўзлар бир хил маънони англатса ҳам, Аҳад, воҳид – Аллоҳнинг исмлари, ваҳдоният, аҳадият – Аллоҳнинг сифатлари, тавҳид – Худонинг яккаю ягоналигини исботлаш илми бўлса, орифлар тавҳидни "иймоний", "илмий" ва "ҳол тавҳиди" даражасида кўрадилар. Ваҳдат – Аллоҳга хос ягоналик эътиборга олинган;

з) фалсафадаги категориялар каби тасаввуфий истилоҳлар ҳам жуфт, яъни антитеза (зид маъноли) бўлиб, бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар (ваҳдат ва касрат, борлиқ ва йўқлик, кулл ва жузъ, Ҳақ ва халқ, хос ва омма, фано ва бақо, огоҳлик ва ғафлат, ақл ва қалб, саҳв ва сукр, хилват ва анжуман, зоҳир ва ботин)ни ўзаро қиёслаш орқали теран мазмун келиб чиқади.

Истилоҳлар тасаввуфнинг бош ғояси бўлган дунё ва охират, моддий ва илоҳий оламни қиёслаш, инсоннинг руҳий оламини кашф этиш орқали илоҳий олам сир-асрорини тўла-тўкис англаш имконини берган. Кейинги асрларда тасаввуфдан четлашиш билан бирга, тасаввуфий тушунчаларнинг моҳияти жузъий ўзгаришларга учраган. Жумладан, X-XI асрларда "фано" истилоҳи (йўқлик) маъносида истифода этилган бўлса, XII асрдан "фано" инсоний сифатдан инсонийликдан ҳам юқори, илоҳий сифатга ўтишни англатган[168].

[168] Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Теҳрон: Пирўз, 1350. – Б. 219.

XXI асрга келиб, тасаввуфга доир тадқиқотларда тасаввуф истилоҳларининг маънолари ўзгартирилган, тасаввуфий тушунчалар замонавийлаштиришга, бузиб талқин этишга, унинг асл моҳиятидан “узиб” олиб, унга янгича, мафкуравий маъно бериш (“гностик” – “ориф”)га интилиш кучайди. Шу билан бирга, айрим тасаввуф истилоҳларини идеаллаштириш, битта истилоҳни орифнинг бош ғояси сифатида илгари суриш каби ҳолатлар ирфон компонентларининг соф мазмуни очилмай қолишига олиб келди.

Ирфоннинг таркибий қисми бўлган истилоҳларнинг асл маъносини англамаслик, X-XIII асрларда ёзилган ирфоний асарларнинг туб моҳиятини ўзгартириб талқин қилишни аждодлар маънавий меросига нописанд қараш, деб баҳолаш ўринли. Ирфоннинг турли маъно ва шаклда бир-биридан фарқли ва чалкаш ифода этилиши ирфоннинг таркибий қисмлари таснифини тўлиқ белгилашни тақозо этди.

Тадқиқотда илк бор ирфоний илм компонентлари қуйидаги тартибда илмий тасниф этилган:

| **Басират** | **Илҳом** | **Кашф** | **Фаросат** | **Қалб (кўнгил)** |
|---|---|---|---|---|
| Рўё | тажалли | аён | фаҳм | тасаввур |
| назар | завқ | баён | зеҳн | тахайюл |
| сезгирлик | шавқ | робита | идрок | тазаккур |
| зийраклик | жазба | сир | заковат | фикрат |
| кузатувчанлик | файз | хушъу | хотира | ибрат |
| таважжуҳ | ҳузур | мушоҳада | тафаккур | кайфият |
| зуҳур | ҳайрат | таъвил | ҳикмат | ҳол |

**Басират** “ич”дан кўриш, феноменал сезгирлик салоҳияти бўлиб, “Юсуф” сурасининг 108-ояти ҳамда “Қиёмат” сурасининг 14-оятида зикр этилган “басират” истилоҳи орифнинг басират қалб кўзининг очилиши, ботиний равшанлашувни англатади. Бунда қалб кенгаяди. Ҳаким

Термизийнинг сўзлари билан айтганда, “қалбнинг очилиши Аллоҳнинг нури ва инояти билан равшан бўлади”[169].

Ибн Арабий бу масалада Ҳаким Термизийнинг фикрларини тасдиқлаган: “Басират руҳнинг илоҳий қувват билан англаб, қалб кўзи билан кўриши, англаши, идрок этиши, нафси нотиқа билан руҳ орасида жой олган нуроний жавҳар”[170]дир. Басират қудсият нури билан ёритилган қалбнинг нарсалар моҳиятини рўё, назар, сезгирлик, зийраклик, кузатувчанлик, таважжуҳ, зуҳур орқали кўришидир. Ўзаро таъсир даражаси қанча юқори бўлса, орифнинг қалб кўзи ҳам шу даражада порлайди.

Басират “қудсий қувват”дир. Ирфон илми ривожида бу истилоҳнинг моҳияти чуқурлашиб, “қалб кўзи”, “ботиний нигоҳ” деб аталган. “Зумар” сурасининг 3-оятида “Аллоҳ мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён” дейилган. Бу оятдан маънавий илҳом олган Абу Ҳомид Ғаззолий басиратнинг дунёвий эҳтиросдан покланган, илоҳий дунё билан боғланадиган “қалб кўзи” эканлигини эътироф этиб, инсоннинг зоҳирий кўзига муқобил ботиний кўзни “басират” деб атаган: “ақлдан нарида ўзга давра бордурки, унда бошқа кўз, яъни басират очилур. Басират ила инсон воқе бўлажак синоат, ақл англашга ожиз бўлган айрим ҳодисаларни англай олур”[171].

Басират илоҳий оламни билишнинг асосий воситаси, у орқали илоҳий олам сирлари тўғридан-тўғри билинади, яъни Пайғамбарларда ваҳий, ориф ва валийларда илҳом, оддий инсонларда туш, ўлим билан боғлиқ ҳолатида намоён бўлади.

---

[169] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 26.

[170] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 59.

[171] Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби (араб тилидан таржима).
Таржимон Ғиёсиддин Жалол. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 187.

Бу эса Яратувчи билан пок қалб ўртасида боғланган илоҳий ришта орқали амалга ошади. Басират ғафлат ва ҳис-туйғуга берилмай, ҳақиқатни мукаммал идрок қилиш, ҳақиқатни кўриш салоҳияти, “қудсият” нуридан ёришган кўнгил қудратидир. “Рисолаи Қушайрий”да басират ҳадис орқали изоҳланган: “Аслида басират ва нур дейилмиш нарса маърифатдир. Аллоҳ Расулининг “Мўмин Аллоҳ нури ила назар айлар” ҳадиси худди шу маънода англашилиши керак”[172].

Ибн Арабий басиратни “нафси нотиқа билан руҳ орасида жой олган нуроний жавҳар”[173] деб таърифлаган. Кўнгил кўзи, басират (ботиний нигоҳ) очилиши учун кўнгил ҳар қандай боғланишдан пок бўлиши талаб этилади. Зоҳирий оламдаги оддий кўзлар билан кўриб бўлмайдиган илоҳий сирлар “сийрат кўзи”, кўнгил орқали кўрилади: зоҳирий “кўрлик” илоҳий маъшуқни ботиний, яъни қалб қуёши билан кўришга имкон беради, кўзлар “кўр” бўлгач, кўрувчи (ошиқ) билан кўрилувчи (маъшуқ) орасида “парда” йўқолади.

Аллоҳни басират, яъни қалб кўзи билан кўришни ёқлаган орифларга Аллоҳни кўришнинг йўллари (қалб кўзи), Аллоҳнинг намоён бўлиш шакли (нур, “тажалли”), Аллоҳни кўриш манзили ва вақти (туш, уйғоқлик, жон бериш, жаннат) каби жиддий ва ҳаттоки куфр тамғасини босишга олиб келадиган кескин саволлар берилган. Бу каби масалаларга аста-секинлик билан ойдинлик киритилиб, “басират” атамаси турли маъноларда (жисмоний – кўз, руҳий – қалб кўзи) истифода этиладиган бўлган.

Илоҳий оламни “қалб кўзи” билан кўриш масаласи тасаввуф намояндалари ўртасида кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлишининг яна бир сабаби шундаки, илоҳий оламни билишни инкор қилган сўфийлар Худони инсон қиёфасида

---

[172] Абдулкарим ибн Абулкасим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Баку: Дергях йайыны, 1999. – С. 127.

[173] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 59.

тасвирлаш, қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин Худони турли, гетероген шакл ва сифатлар билан ифодалашга қарши чиқиб, инсон Аллоҳнинг жамолини бу оламда кўра олмаслигини таъкидлашган. Бу "фано" ҳоли, ўзлик (мен)нинг "ҳалок бўлиши", йўқ бўлиш ҳолатидир.

**Илҳом.** Аллоҳ даргоҳидан келган илмнинг инсон қалбига тўғридан тўғри ўрнашишидир. Илҳом "бирдан ютмоқ", "юттирмоқ" деган маъноларни англатади. "Ол-и Имрон" сурасининг 31-оятида "Ва Аллоҳ одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди"дейилганки, бу илм Аллоҳ томонидан берилган завқу шавқ, илоҳий илм, ҳикмат, кашф-каромат, кўнгилга бирор нарсани солиш, кўнгилга нур бўлиб қуйиладиган илмда акс этган. Илҳомнинг манбаи файз бўлиб, завққа тўлган қалб жазба ҳолига тушади ва қалб кенгайиб худди дарё тошқини каби қалб ҳузурга келади. Бу ҳол "қабз" ҳолати бўлиб, ориф вақтининг ҳар лаҳзасини Аллоҳнинг ёди, зикри, муроқабаси билан ўтказади. Бу жараёнда маънавий ва руҳий олам онг билан ўлчаб бўлмайдиган даражада беҳудуд бўлиб, физика фанидаги негэнтропия, яъни маънавий оламнинг ортиши қоидасига мувофиқдир. Бу "сафойи вақт", яъни маънолар оламидаги вақтдир.

Илҳом шундай нурки, орифнинг қалби порлаб, илоҳий ҳақиқат сирлари ҳамда Қуръоннинг ботиний маънолари[174] кашф этилади.

Шавқ қалбни жунбушга келтириш, нотинчлик ва беҳудлик, сайёрлик ва сел бўлиб оқиш каби сифатларда намоён бўлади. Бу ҳолатда қалбда илҳом сифатида жўш уриб, завқу важд билан тўлиб-тошади. Орифнинг ҳайрат мақомидаги сакинатида "тажалли" юз беради. Ҳақ ва ҳақиқат, илоҳий ишқ, пок ахлоқ ҳақидаги эзгу ғоялар илҳом таъсирида ирфоний ғояларга айланиб, маърифат ва ҳақиқатнинг минг бир маъноси бир нукта (ҳикмат)да жамланади. Шунга қарамай, шариат

---

[174] Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная ред. восточной литературы, 1991. – С. 97.

масаласида илҳом илм манбаи бўла олмайди. Ориф фасоҳат ва илҳом орқали илоҳий маърифат ҳақиқатига эришади. “Ладун” вужуд ва борлиқ зулмати билан ўралган бўлади. Ориф вужуд (нафс)дан йироқлашиб, покланганда илҳом орқали “ладун” илмига эришади.

“Тазкират ул-авлиё”да келтирилишича, ладун илмидан насибадор бўлиш учун Ҳақ даргоҳидан изн талаб этилади. Токи “Исми Аъзам”га рухсат бўлмагунча, буюрилган вазифаларни адо этиш ва сабр қилиш керак бўлади[175]. Бу ерда изоҳланиши шарт бўлган масала шуки, ладун илмидан насибадор бўлган ориф Аллоҳ билдирган илмларни ўзлаштиради, ундан ортиғини эмас. Шунинг учун ҳар бир орифнинг даражаси унинг Аллоҳ унга насиб этган илми даражасида бўлиб, бир ориф насибадор бўлган илм иккинчи орифда айнан такрорланмайди, аксинча, уларнинг асарларида сўзларнинг бениҳоялиги ва илмларнинг чексизлигини кўриш мумкин. Айни вақтда орифлар илмини туташтириб турувчи ягона қутб “Қуръон”дир.

**Кашф.** Тафаккур қилиш, ёпиқ бўлган нарсаларни очиқ ҳолга келтириш, ҳис ва ақл билан идрок қилиб бўлмайдиган ҳақиқатларни ботиний нигоҳ билан кўриш, мукошафадир. Кашф орқали борлиқдаги нарсаларнинг яширин сирлари ошкор бўлади.

Кашф орифнинг “Аллоҳ ҳузурида бўлиш”[176] мақомидир. Ирфон кашф ҳосиласи бўлиб, етти босқични ўз ичига олади.

1. Кашфи хавотир. Ориф хаёлига келган ўй-фикр ва хотирадан фақат ҳақиқатга яқин бўлган фикрларни танлаб олиб, умумлаштиради. Уларни саралаб, ўзига тегишлисини жамлайди, чунки ҳамма хаёл ҳам “илҳом”нинг самараси бўлмайди. Бу жараён “робита” дейилади.

---

[175] Бу ҳақда қаранг: Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 81-82.

[176] Абдулкарим ибн Абулкасим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Баку: Дергях йайыны, 1999. – С. 12.

2. “Кашфи аён”. Орифнинг далил-исботсиз бевосита равшан аён бўлиб турган ҳақиқатни билишга интилишида намоён бўлади.

3. “Кашфи мужаррад”. Ориф воқеликни сезги аъзоларисиз соф, яъни “учинчи кўз”, қалб кўзи билан идрок этади. Баён кашф бўлган ҳолатларнинг изҳоридир. Баённинг зидди шубҳа ва чалкашликдир.

4. “Кашфи муҳаййид”. Орифга аён бўлган, бевосита идрок қилинаётган ҳодисалар тушида ва ўнгида содир бўлади. Бу орифнинг маънавий камолотига далолатдир.

5. “Кашфи назарий”. Илоҳий сирларни англашда бардавом бўлиш учун ориф ботиний оламини илоҳий ҳақиқатга тааллуқли бўлмаган нарсалардан тозалаб, “муроқаба” диққат билан нигоҳ ташлаш билан ҳақиқатни билишга интилади. Натижада “кашфи назарий” аён бўлиб, Ҳақ мушоҳадаси очилади.

6. “Кашфи сиррий”. Мусаффо қалб илоҳий мазҳар ҳисобланади. Ориф қалбига қулоқ солиб, маҳфий, яширин сирларни илғайди ва кашф мақомига етади. Физика қонунига кўра, ойда нур йўқ, унинг оппоқ, тўлин бўлиб туриши қуёш нурлари ҳисобига бўлганидек, инсон қалбидаги Аллоҳнинг зуҳуроти ҳам инсонни нурафшон даражага чиқарадики, унинг юзи ой каби ёришиб, порлаб туради[177]. Бу ғайб оламига етишган орифнинг қалбини ёриштирган “шамс ул-қалб”, яъни чароғон қалб мушоҳадаси мақомидир.

7. “Кашфи руҳоний”. Илоҳий оламни билишнинг энг юқори босқичи бўлиб, орифга Аллоҳнинг изни билан ва Аллоҳ билдирганича илоҳий сирлар маърифати ошкор бўлади. Орифнинг ўзи ҳам илоҳий сирларга қўшилиб, унинг заррасига айланади: “Аллоҳ сўзини эшитгач, ваҳдоният (Аллоҳдан ўзга

[177] Абдуль-Кадыр Иса. Истина суфизма / Пер. с араб. М.Садуева. – Москва: Ансар, 2004. – С. 180.

илоҳ йўқ) кўнглига кашф бўлди ва инсоният сифати маҳв бўлди"[178].

Кашфи руҳоний мартабасида "Қуръон" маъноларининг яширин сирлари орифларнинг англаш даражасида ошкор бўлиб, "таъвил"га йўл очган. "Қоф" сурасининг 22-ояти, "Ҳадид" сурасининг 8-оятидаги кашфнинг шарҳига кўра, орифнинг кўзидан "парда" кўтарилганида борлиқнинг сирлари кашф бўлади. Уни мантиқий ақл-идрок ёки сакрал китобларни ўқиш ва ўрганиш билан англаб бўлмайди. Кашф орқали ориф таҳсилий билимларга эҳтиёж сезмай, илоҳий моҳиятга тўғридан-тўғри боғланиш йўлига эга бўлади.

Тасаввуф адабиётларида кашф истилоҳи илоҳий моҳиятни билиш, инсон ва илоҳий моҳият ўртасидаги "парда"ларнинг кўтарилиши маъносида қўлланилган. Кашф "мукошафа"га олиб боради, яъни объект (Аллоҳ) ва субъект (инсон) орасидаги "парда"лар кўтарилиб, ориф илоҳий сирларни англашга муваффақ бўлади. Қайд этиш жоизки, "парда"ларнинг "сири"дан воқиф бўлмаган файласуфлар, калом аҳли ва уламоларнинг аксарияти кашф "сири"дан бебаҳра бўлишган ва токи кашф ҳосил бўлмагунча "сирлар сири"ни англай олишмаган. Буни Мансур Ҳаллож (ваф. 922 й.)нинг "Анал Ҳақ" деб айтган сўзи учун қатл этилгани билан изоҳлаш етарли.

Кашфнинг йўллари беҳисоб, яъни ориф қанча бўлса, шунчадир. Ориф ақл ва мантиқий тафаккур "парда"лари билан ўралган ҳолатда бўлса, "парда"лардан халос бўлиш йўли билан илоҳий ҳақиқатни кашф қилади. Бу ҳолатда ақлий ва мантиқий далиллар рад этиб бўлмайдиган "баён"га йўл беради. Орифнинг қалбига илоҳий илм нур каби оқиб кирган нарса-ҳодисалар "Санъаткор" (Аллоҳ)нинг "санъати"ни кўрсатади. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қирқта китобдан иборат "Иҳёу улум ид-дин", Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи

---

[178] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 48.

маънавий”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз”, Фаридуддин Атторнинг “Асрорнома”, “Илоҳийнома” каби асарлари айнан мукошафа ҳосиласидир.

**Фаросат** (ҳаракат) қалб кўзи нури билан чопиш, ҳаракат қилиш ҳолидир. Чавандоз от билан узоқ масофаларни босиб ўтгани каби ориф Аллоҳнинг фаросат нури билан Ер юзини кезиб чиқади. Фаросат яширин маъноларни зеҳн, фаҳм, идрок, заковат, хотира, тафаккур, маърифат орқали фаҳмлашдир.

Ҳадисда “Мўминнинг фаросатидан қўрқинг, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади” дейилганки, мўмин фаросати билан бошқаларнинг ҳолини бир қаращдаёқ билиб олади. Бунинг далили “Қуръон”да “Албатта, бу (ҳодисада) фаросатли кишилар учун аломатлар бордир”[179] оятида акс этган. Фаросат шундай маънавий даражаки, банданинг қалби Аллоҳнинг маърифат нури билан тўлса, унинг қалб кўзи Унинг нури билан боқиб, илоҳий неъматлардан насибадор бўлади.

Фаросатнинг “фаросати ақлия”, “фаросати кашфия” ва “фаросати илоҳия” даражаси бор. Фаросат илоҳий неъмат бўлгани учун, унда хато ёки янглишлик бўлмайди. Фаросат аҳлининг тўртта мартабаси бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи мартабаси касбий бўлиб, риёзат, жаҳд ва ғайрат билан қўлга киритилади. Бу идрок, зеҳн ва тафаккурда акс этади. Кейинги иккита мартаба “ваҳбий” (ато этилган), яъни Аллоҳнинг лутфидир: биринчи мартаба иймон (мўминларнинг ҳоли) мартабаси (қиёси: дарахтнинг барги); иккинчи мартаба валоят (валий ва орифларнинг ҳоли), эҳсон мартабаси (қиёси: дарахтнинг меваси); учинчи мартаба “ахвас ул-хос” (набийларнинг ҳоли) мартабаси (қиёси: меванинг айнан ўзи); тўртинчи мартаба “хулосаи ахвас” (расул, пайғамбарларнинг ҳоли) мартабаси (қиёси: ўзининг Ўзи).

---

[179] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ҳижр сураси, 75-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 266.

Аллоҳ Ўзининг маърифат даргоҳидан пайғамбарлар ва мажзубларнинг қалби ва руҳига ҳеч бир васила билан эришиб бўлмайдиган "ваҳбий" илмни юборади ва бу илм ташқи сабабларсиз, фасоҳат билан эгалланади. Ориф ирфоний маъноларни фаросат орқали фаҳмлайди. Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш "кўзи очиқ"лик ва англаш ҳикмат нури орқали равшан бўлиб, "ориф Аллоҳнинг нури орқали боқади"[180]. Зоҳири ва ботини бир бўлган орифнинг хотираси хато қилмайдики, фаросатни инсоннинг юксак ички ҳис-туйғулари маҳсули"[181] деб баҳолаш ўринли. Аллоҳнинг сифатлари ва исмлари билан таниган инсон "зукко" бўлиб, унинг қалбида "илоҳий табиат" вужудга келгач, қалби маърифат нури билан ёришади.

**Қалб.** Аллоҳ маърифатини идрок этиш жойи бўлган руҳдир. Қалб инсоннинг тасаввур олами, тахайюли, тазаккури, фикрати, ибрати, кайфияти, ҳолини ифодалагани учун ориф қалбни "пок ва бир бутун ҳолда" деб идрок этган. Улар жунбуш ("ишқ")га келиши натижасида инсонда билиш ва кашфиёт учун имконият пайдо бўлади: "кўнгил орифни Мутлақ борлиқ (универсум) ва оламни англаш сирлари билан таништиради"[182].

Майда-чуйда ташвишлар ва меъёридан ортиқ дабдаба, нафс хасталиги кўнгилни ўлдиради[183]. Ўлик "кўнгил"да ҳис-туйғу жунбушга келмайди. Зеро, қалбида Ҳаққа ишқи йўқнинг ишққа ҳаққи йўқ. Инсон биологик нуқтаи назардан "тирик", аммо қобилияти ва идроки нуқтаи назаридан "ўлик" бўлади, бу борада на мантиқ, на фалсафа унинг бу қобилиятга эга бўлиши учун ёрдам бера олмайди. Қалб инсонни инсон

[180] Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б. 91.

[181] Тибодо Л. Врожденная интуиция / Серия. Ваша тайна. – Москва: Рипол-Классик, 2007. – С. 34.

[182] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – Б. 284.

[183] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 391.

қилувчи моҳият бўлиб, инсонни ақлий, руҳий-маънавий ҳаётига тириклик бахш этади.

Қалб латиф жавҳардир. Шайх Абдулхолиқ Гийлоний илоҳий маърифатга эришишда қалб кўзининг аҳамиятини "кичик" ва "катта" қалб кўзи орқали тушунтирган: қалбнинг икки кўзи бор, "суғро" ва "кубро". "Суғро" қалб кўзи билан илоҳий сифат, исмнинг "тажалли"си мушоҳада этилади. Бу назар ва мушоҳада даражот оламига қадар узаяди. "Кубро" қалб кўзи билан тавҳид ва абадият нури соясида лоҳут оламидаги яқинлик ўлкасида мавжуд ҳоллар мушоҳада қилинади[184].

"Ҳикматга қулоқ берувчилар икки тоифа бўлади: оқил ва омил. Оқил ҳар бир ҳикматдан ҳайратга келади, ҳикматни эшитгани сари завқи ошиб боради. Омил ҳикмат таъсирида вужуди билан ўзгаради, гўёки қалби илондек тўлғанади"[185]. Бундан англашиладики, ориф ҳикматни ақлий фитрий кучига таяниб билгани учун оқилдир. Ақли фитратдан бебаҳра бўлган инсон нарса-ҳодисаларнинг ички моҳиятини била олмайди ва ҳақиқатни рад этади. Бунинг сабаби маърифат, яъни билишнинг идрок, ҳиссиёт, тасаввур ва тафаккур воситасида амалга ошиши[186], бу воситалар фақат ақлий фитратда бўлиши билан изоҳланади. Илоҳий маърифатнинг ҳақиқати ҳайрат бўлиб, бу даражада аслият, моҳият ва вужуд ҳақиқатини англаган ва ҳайратга тушган орифнинг кўнгли илоҳий оламга маънавий парвоз этади ва "ваҳдат" мақомига эришади. Қалбнинг Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланиши илоҳий маърифатнинг олий даражаси бўлиб, бунда қалб фақру фанога эришади. Энг шарафли қалб Аллоҳнинг фаҳм нурлари билан

[184] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 91.

[185] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 75.

[186] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 85.

ёритган, мунаввар этган, Аллоҳнинг зикри билан тирик бўлган қалбдир[187].

Маърифати юксалган орифнинг инсонийлик сифатлари илоҳийлик касб этиб, борлиқдаги барча нарсаларга илоҳиёт зарраси деб қараган. Ориф назарида Аллоҳнинг маърифатига вужуддаги ҳеч бир аъзо билан эришиб бўлмайди, фақат қалб орқали илоҳий маърифатга етишиш мумкин.

Қалб чироққа ўхшатилади, яъни чироқнинг порлаши нур билан бўлганидек, қалб ҳам тақво ва илм нури билан порлайди. Қалб бу нурдан маҳрум бўлса, ўчиб қолган чироқ каби бўлади: "Кимга Аллоҳ нур (иймон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур йўқдир"[188]. Бундан иймоннинг инсон қалбини ёритиб турувчи нур экани англашилади.

Мусаффо қалб илоҳий мазҳар бўлиб, пок қалбда "тажалли" этган Аллоҳнинг нурини кашф этиш учун орифнинг ботини ва зоҳири ҳар қандай боғланишдан озоддир. Бу Абулҳусайн Нурийнинг "Бир куни нурга боқдим ва ундан асло кўзимни узмадим, ҳатто шу нурга айландим, мукошиф бўлдим"[189] деган сўзларида теран ифодаланган. Бундан англашиладики, билишнинг олий даражасини нурга қиёс қилинса, бу нур орқали Аллоҳ хоҳлаган бандасининг қалбини мунаввар этади. Мунаввар қалб орқали кашфга йўл очилади.

Қалб етти марта ўралган "парда"ларнинг ҳимоясида бўлади. Жумладан, "қисмат" (қалб пардаси) васваса ва куфр ишлардан қалбни асраса, "қалб" (инсон танасининг чап томонида жойлашган юрак) орифнинг иймони ҳисобланади. Бу тасаввуф оламидир. "Шиқоқ" халққа бўлган шафқат бўлиб, тахайюлга тўғри келади. "Фуъод" кўз билан англаб кўриладиган вақт бўлиб, тазаккурни англатади. "Ҳуббат ул-

---

187 Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 56.

188 Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Нур сураси, 40-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 355.

189 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 60.

қалб” Аллоҳга бўлган муҳаббат асоси бўлиб, фикрат манбаидир. “Сувайдо” илоҳий сир маскани бўлиб, ибратда акс этади. “Муҳжат ул-қалб” Аллоҳ сифатларининг мазҳаридир[190]. Қалби итоатда бўлган орифнинг вужудидаги бошқа аъзолари ҳам қалбга бўйсуниб, итоат (таслим)да бўлади. Бу “ҳол” мақомидир.

Илмлар уч форматда (Аллоҳни таниш, Аллоҳ билан робита ва “ладун” илми) бўлади. Аллоҳни таниш илми орқали бажарилиш шарт бўлган шариат қонун-қоидалари билиб олинади. Шариат илмига манзилма-манзил, даражама-даража эришилади. Илоҳий илм (маърифат)га шариат аҳкомисиз эришиб бўлмайди[191].

Ирфон илмида уч мартабага эътибор қаратилади: а) илм манбаи Аллоҳдадир[192], яъни моддий дунёдаги барча илм, инсоният тўплаган ҳикмат, ҳали очилмаган сир-асрор Аллоҳга тегишли, инсон эришган барча илм Аллоҳ илмининг тафсири, яъни шарҳидир[193]; б) Раббоний илм орифга “илҳом” воситасида келади. “Илҳом” илоҳий илм, ҳикмат, кашф (маънавий ва ички олам ҳақиқатининг намоён бўлиши), завқу шавқнинг ифодасидир; в) Аллоҳдан берилган илм орифни “кашф” мақомига кўтаради. Кашф “парда”лар ортидаги нарсаларнинг қалбда зуҳур этиши, очилишидир[194].

Раббоний илмнинг ҳақиқати ва унга эришишнинг усуллари шуки, “Шамс” сурасининг 7-оятида “Нафс билан (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан (қасам)” дейилган. Фикримизча, илоҳий илм уч усул орқали инсон руҳига “нур” бўлиб сингади. Биринчиси, илм орқали. Иккинчиси, “Ўзи билган нарсасига мувофиқ иш тутган киши ўзи билмаган

[190] Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд: Суғдиёна, 1994. – Б. 90.
[191] Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980. – С. 19.
[192] Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон Миразиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 17.
[193] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 37.
[194] Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Теҳрон: Пирўз, 1350. – Б. 142.

илмни Аллоҳдан мерос қилиб олади" дейилган ҳадисга кўра, тақводорлик ва ҳалоллик, мужоҳада, ўз-ўзини тафтиш қилиш, Аллоҳ Расулининг Ҳақ йўлини мустаҳкам ушлаш орқали. Учинчиси, тафаккур орқали. Мушоҳид (тафаккур қилувчи) донишмандлик йўлини танлаб, ўзи учун ўзи йўл бошловчи бўлади. Унинг қалбида илоҳий оламга дарча очилади. Дарча орқали кирган нур туфайли қалб жилваланади. Илоҳий нурдан баҳраманд бўлмаган инсон "ладун" илмига эриша олмайди[195].

Илоҳий робита Аллоҳни "жон томири"дан ҳам яқин ҳис қилиш, ўйлаш ва ҳушёр тортишдир. "Ладун" илми Аллоҳнинг Ўзи танлаган пайғамбарлари ва азиз зотларига атосидир[196]. Бу илм шундай маърифатга етиш илмики, авлиёлик қуёши Хизр (а.с.)да мужассам. "Қуръон"да эслатилганидек, Аллоҳ Хизр (а.с.)га Ўз ҳузуридан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуридан илм берган[197].

"Ладун" илмининг ўзига хос хусусиятлари Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Ар-рисола ал-ладуния" (Ладун ҳақида рисола) асарида батафсил ёритилган. Мутафаккир асар муқаддимасида унинг ёзилиш тарихини қайд этган: дўстларимдан бири айрим олимларнинг сўфийлар тан олган илоҳий илмни инкор қилишлари, бундай илмнинг мавжудлигини ҳатто тасаввур қила олмасликларини айтди. Аслида Аллоҳдан келадиган сирли, яширин илмлар инсоннинг ҳаёти давомида ўзлаштирадиган билимларидан улуғвор ва ҳад-ҳудудсиздир[198].

Абу Ҳомид Ғаззолий "ладун" илмини инкор қилувчиларнинг даъволарини таҳлил қилиб, қуйидагича

---

[195] Абу Хамид Мухаммад аль-Газали ат-Туси. Ильм-и ладуни (Божественное знание) / Хисматулин А. Суфизм. – Санкт-Петербург: Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 192-193.

[196] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 5.

[197] Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Каҳф сураси, 60-82-оятлар / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 300-302.

[198] Абу Хамид Мухаммад аль-Газали ат-Туси. Ильм-и ладуни (Божественное знание) / Хисматулин А. Суфизм. – Санкт-Петербург: Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 156.

раддия берган: тасаввуф ва ирфонни ўрганмай туриб, фақат тасаввур ва тафаккур орқали олий ҳақиқатга эришадиган инсон бутун дунёда топилмайди[199]. Бундан англашиладики, инсон табиати, нафси ва унга оид нарсаларни фикридан чиқариб ташлаши, далилий тафаккурдан воз кечиши, қалбини бўшатиши натижасида борлиқ ҳақиқатини мушоҳада қилган ва ботиний нигоҳ билан кўргандан кейин "ладун" илмининг моҳиятини англайди. "Ладун"га ақлий тафаккур, мантиқий фикрлаш билан эришиб бўлмайди. Бу илм кашф ва илҳом воситасида, маънавий таълим йўли билан ўзлаштирилади. Аллоҳга яқинлик "ҳол"ларни талаб қилиш ва ҳозирлик кўриш бўлса, алиф ҳарфларнинг ечимидир[200]:

Қилди бу дилим "илми ладун"ни ҳавас,
"Ўргат деди, ҳар не сенга маълум бу нафас".
Дедим: "Алиф". Деди: "Оғиз очма бўлак,
Ҳақ бўлса кўнгилда, бир ҳарф етгуси, бас"[201].

"Ладун" илми илм "курд бўлиб ухладиму араб бўлиб уйғондим"[202] тенденциясига мос келади. Бунинг изоҳи "Насойим ул-муҳаббат"да (Муҳаббат насимлари) мухтасар баён этилган: Абу Абдуллоҳ Бобуний курд миллатига мансуб бўлиб, илм талаб қилиб Шероз шаҳрига келган. Қалби маърифатга ташна бўлгани учун илм аҳлининг суҳбатини завқ билан тинглаган. Унга валоятга эришиш учун "оёғини шифтга ип билан боғлаб, тонгга қадар "кўзбураҳ усфураҳ" (кашнич, чумчуқ) деб зикр қилиши лозимлиги, шунда ғайб илмининг йўллари очилиши"ни айтиб, деб масхара қилишади. Ҳар бир иш ниятга боғлиқ бўлади. Бобуний айтилган талабни пок ният, сидқ ва ҳусни одоб билан адо этган. Тонг отгач, кўнглида

---

199 Ўша асар. – С. 157.

200 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 21.

201 Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 212.

202 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 113.

“ладун” эшиклари очилиб, араб тилида равон сўзлаш билан бирга, оятларнинг ботиний маъноларини таъвил қилиб, шарҳлайдиган, ҳар қандай мушкул масалани “фаросат” билан ҳал этадиган ориф даражасига етган. Бундан англашиладики, илоҳий илм қаршисида “ақл билан ўзлаштирилган илмлар жонсиз ва яроқсиз”[203] кўринади.

Абубакр Шиблий (ваф. 945 й.)га “ладун” кашф бўлиб, Аллоҳни қалб кўзи билан танигандан кейин китобларга эҳтиёжи қолмаган. Абу Ҳомид Ғаззолий, Абдулқодир Гийлоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро (ваф. 1321 й.) зоҳирий илм сирларини мукаммал ўрганиб, сўнг илоҳий сир ва ҳақиқат илмидан насибадор бўлишган.

“Қуръон” дур-жавоҳирга тўла чексиз уммон, яширин хазинадир. Шундай бўлса ҳам, бу хазина ҳақидаги ҳақиқатлар барчага ошкор этилмаган. Ўз даврининг мутасаввифлари Кушайрий, Саълабий, Мовардийнинг “Қуръон” маъноларининг ирфоний талқини бундан мустасно бўлиб, бу асарлар “аҳли хос”лар учун ёзилган. Абдураҳмон Сулламий (ваф. 1021 й.) “Ҳақойиқ ат-тафсир” (Тафсир ҳақиқатлари) асарида ҳақиқат изловчиларнинг қарашларини синчиклаб ўрганиб, ўша пайтгача мавжуд бўлган “Қуръон “тафсирларининг ҳеч қайси бирида учрамайдиган муҳим ва аҳамиятли талқинларни жамлаган. Бу “Қуръон”нинг асл маъноларини англаш ҳамда тасаввуфий-ирфоний тафсирларга йўл очган. Шунга қарамай, “Қуръон”ни тафсир қилиш муфассирлардан жуда катта салоҳият талаб қилган. Муфассирлар “Қуръон” оятда назарда тутилган маъноларнинг ҳақиқатини очиб берганлар. “Ладун” илмидан насибадор орифлар “Қуръон”нинг ботиний маъноларини тафсир ва

[203] Рассел Б. Почему я не христианин: Избранные произведения / Пер. с англ.; сост., авт. предисл. и примеч. А.А.Яковлев. – Москва: Политиздат, 1987. – С. 37.

таъвил қилиш шарафига муяссар бўлишганки, тафсир "масаланинг энг юқори нуқтасини баён қилиб беришдир"[204].

Ҳақ ва ҳақиқат, илоҳий ишқ, пок ахлоқ, камолот ҳақидаги эзгу қарашлар "илҳом" таъсирида ирфоний ғояларга айланган[205]. Натижада маърифат ва ҳақиқатнинг турфа маънолари бир нуктада жамланган, илоҳий сир ва завқу ҳол ҳақиқати акс этган ирфоний шеърият вужудга келган. Тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақоми, рамз, тимсол, мажоз, тасаввуфий-ирфоний истилоҳ, руҳий камолот даражасининг назмий талқини Ҳаким Санойи (ваф. 1141 й.), Хожа Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий (ваф. 1292 й.), Маҳмуд Шабустарий, Ҳофиз Шерозий (ваф. 1390 й.) каби орифларнинг фалсафий-ирфоний асарларида акс этган. Бу ирфонга оид истилоҳий маъноларнинг чуқур англашилиши, тасаввуф ва тариқатларнинг кенг тарқалишига йўл очган. "Ошиқ" сўфий; "маъшуқ" ориф, валий маъносида; "мастлик" сўфийлик, риндлик маъносида; "шароб" ва у билан боғлиқ воситалар хонақоҳ; "соқий", шаробхона эгаси такка (хонақоҳ) шайхи, пир маъносида мажозий маъноларда истифода этилган[206].

Қалбий билиш "мушоҳада" дейиладики, ориф мушоҳада юритиш жараёнида "лаҳза"да кашф этадиган ҳақиқатга истеъдодли олим узоқ ва машаққатли изланиш, тажриба ва экспериментлар натижасида эриша олади.

Ирфон Аллоҳни қалб кўзи билан мушоҳада этишдир. Инсон қалб кўзи орқали Аллоҳнинг борлиғини ҳис этади, Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати, абадийлиги, дил чироғини ёритувчи ҳам, фикрат сабоғини берувчи ҳам, икки жаҳонни

---

[204] Бу ҳақда яна қаранг: Абу Мансур Мотуридий. Тафсир билан таъвил ўртасидаги фарқ / Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. 30-жуз. Таржимонлар Алоуддин Ҳофий ва бошқалар. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти, 2021. – 35-36.

[205] Маритен Ж. Творческая интуиция в искусстве и поэзии / Пер. с франц. Серия Книга света. – Москва: РОССПЭН, 2004. – С. 12.

[206] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 6.

фазли билан равшан этган ҳам, икки дунёни “коф” ва “нун”дан пайдо қилган ҳам, қудрат қалами билан лавҳи адамда сувврат чизган ҳам, жами махлуқот, инсон, унинг ақли, қалби ва руҳини гўзал яратган ҳам Аллоҳ эканини чуқур англайди. Ҳақ йўлчиси бу оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, сир-синоатда Яратувчининг аломатларини кўради, танийди. Ирфон Аллоҳни қалб билан англаш орқали вужудга келади. Бу маърифат аҳли, ориф ва валийларнинг Аллоҳни қанчалик англаш даражалари ҳамда руҳоний мақомлари акс этган маноқиб, тазкира, бадиҳа, талқин, ҳикоят, ривоят, одоб, дурдона асарлари бўлиб, улар орифларнинг қалб кўзлари орқали англаган ҳақиқатлари, ирфоннинг сўздаги ифодасидир.

X-XIII асрлардан кейин буюк асарлар яратилмаётганининг сабабини инсониятнинг ҳаётнинг олий мақсадини топа олмагани ва юксак идеаллардан йироқлашуви билан изоҳлаш ўринли. Маданият янги даврнинг намунаси, муаммоларнинг ҳал этишнинг изчил парадигмасини шакллантирмагунича, инсон мақсадсиз ва маъносиз ҳаёт кечиришда давом этади. Буни яна бошқача ифодалаш орқали фикр теран англашилади: мақсад бўлиши учун стратегия, яъни аниқ мақсад билан ташкил этилган барча хатти-ҳаракатлар тўғри белгиланиши керак.

## I боб юзасидан хулосалар

Шарқ фалсафий тафаккури тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган X-XIII асрлар ўз даврининг маърифий юксалиши, маънавий ривожланиш даражаси ва диалектик тараққиётини акс эттирган. Бу даврда диний ва дунёвий илмлар параллел ривожланган, ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган маънавий мерос бунёд этилган. Бу илмлар кейинги асрлар ижтимоий-фалсафий ва илмий тафаккури ривожига пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожида ақлий ва руҳий йўналиш ўзига хос бўлиб, ақлий йўналишда ирфон инсон билишининг олий даражаси сифатида қаралган. Руҳий йўналишда руҳий билиш, маънавий камолот, ахлоқий поклик масалалари етакчи бўлиб, фалсафий атамалар мушоҳада ва руҳият мезони, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, инсон ақл-заковати, хислатлари қиёсий тадқиқ этилган. Ҳар икки йўналиш ўртасида тубсиз жарлик бўлиб, билимга эга бўлиш билан уни бошдан кечириш бошқа-бошқа маъноларни англатади. Бу қарама-қаршиликнинг моҳияти шундаки, илм аҳли Аллоҳдан бевосита олинган билимларни тушунтиришда уларни сўз орқали ифодалашга, турли назария ва қоидаларнинг қолипига солишга, уларни изоҳлашда бу илмларга алоқаси бўлмаган иборалардан фойдаланишга, "тирик" билимларни "ўлик" ҳолга келтиришга ҳаракат қилишган. Буни кўрларнинг филни тасвирлашдаги турли таърифлари билан таққослаш ўринли бўлади. Илоҳий илмларнинг ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келганининг сабабларидан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Ирфон ўз моҳиятига кўра, ҳозир ҳам, келажакда ҳам жамиятга тўла қўллаш имкони бўлган трансцендентал фалсафадир. Ирфон илоҳий маърифат илми бўлса, ирфон аҳлининг мақсади илоҳий ҳақиқатга эришишдир. Ирфон орифга басират (ботиний нигоҳ), илҳом, кашф, фаросат, қалб (кўнгил) орқали тўғридан-тўғри Аллоҳнинг даргоҳидан берилган. Басират руҳнинг илоҳий қувват билан англаб, тафаккур этишдир. Ориф "вужд" ҳолатида ўз (ички) оламига кириб, унда тасаввур ва образлар орқали ботиний илмга эга бўлган, илоҳий ҳақиқатни мантиқий далилларсиз англаган. Ориф ирфоний маъноларни фаросат орқали фаҳмлаган бўлса, қалб инсоннинг тасаввур олами, хаёлот дунёси, ҳис-туйғулари, зикри ва фикратини қамраб олган. Қалб билан кўра олинадиган барча ҳодисалар (илҳом, кашф, туш ва ҳоказо)

орифнинг Ер юзининг ахборот ва энергия соҳаси билан ўзаро таъсири натижасидир. Ўзаро таъсир даражаси қанча юқори бўлса, орифнинг қалб кўзи ҳам шу даражада "порлайди".

Тасаввуф ва тавҳид илми, маърифат, тариқат, рамз, белги, тимсол, тасаввуфий-ирфоний истилоҳлар, руҳий камолот даражалари, тамсилий ҳикоятнинг назмий интерпретацияси фалсафий-ирфоний асарларда акс этган. Бу асарларнинг асрлар оша ўз қимматини йўқотмагани уларда акс этган ҳикматларнинг яшовчанлиги билан изоҳланади. Ирфон аҳли олдида ўз даврининг реакцион мафкурасига қарши тура олиш учун мақсадни аниқ ифодалашдан воз кечиш талаб этилган. Шунга кўра, ирфоний асарлар рамз, тимсол, мажозга ўралган. Бу асарларни ўқиб-ўрганиш, унинг мажозий маъноларини тушуниш ўзига яраша қийинчилик туғдирган. Бу оддий кишилар "араб эртаклари" деб билган "1001 кеча" мисолида теран англашилади. Ҳофиз Шерозийнинг тасаввуфий руҳ яширинган "Девони"и ирфон аҳли учун ҳақиқатни англашга доир қўлланма бўлса, оддий халқ "Девон"ни фол очиш китоби сифатида фойдаланган. Илмталаблар ўзларининг маънавий-интеллектуал салоҳиятлари ва жамиятда тутган ўрниларига кўра, "хос" ва "авом"га ажралган. Бу табақаланиш "Зумар" сурасининг 9-оятидаги "Билганлар билмаганлар билан тенг бўлурму?" сўзларда дилемматик тарзда ўз ифодасини топган.

Ирфон умумбашарий "қадрият" сифатида ислом дунёсининг барча диёрлари, шунингдек, ноосфера (ақл-идрок олами)ни гўзал ахлоқ, пок ишқ ва ирфоний адабиёт билан бойитган. Онг парадигмасини тарихдан тарихга қонуният асосида ўтиб, унинг ички хусусиятларини инсоннинг Худо, борлиқ, инсон, ҳаёт, руҳ, табиат, ўтмиш, бугун, келажак, мазмун, шакл, маъно, моҳият ҳақида тафаккур қилиш, оламни ақлан ва қалбан идрок этишга ундаш орқали очиб берган.

Ирфон илмини ночизиқли тафаккур асосида қайта таҳлил қилишдан ҳосил бўлган аксиома шуки, ирфон умумбашарий

қадрият сифатида жамият келажаги, ижтимоий барқарорлик, ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда беистисно субстанционал асос, калит вазифасини ўтайди, яъни муаммоларни ҳал этишда зўрлик, инқилоб, ҳукмронлик йўли эмас, балки ҳар бир инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш йўли танланади.

## II БОБ. ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИ ФАЛСАФАСИ БИЛИШ НАЗАРИЯСИДА ИРФОННИНГ МОҲИЯТИ

Билишнинг қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабати, билиш жараёнининг

босқичлари, даражалари, шакллари, билишнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги мезонлари билиш назариясида тадқиқ этилади. Тафаккур инсоннинг ақл-заковати, унинг воқеа-ҳодисалар ичида адашиб кетмаслиги учун йўл кўрсатувчи машъала бўлса, мавҳумлик (абстракция) нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини илғаш, уларни ғоя, фикр тарзида тасаввур қилишга кўмаклашади. Инсоннинг илм-фан орқали дунёни билиши шу усулда ҳосил бўлади. Аслида инсон борлиқни билишнинг калити бўлиб, моҳияти унинг ўз-ўзини билишида мужассамдир.

Борлиқнинг кичик нусхаси бўлган инсон абадийлик ва ўткинчилик, мавжудлик ва йўқлик, руҳонийлик ва моддийлик бирлигининг ифодасидир. "Қуръон"да инсон тафаккури, ақлига берилган улуғ баҳо эпистемология, билиш масалаларининг Шарқ фалсафий тафаккурида етакчи ўринни тутишини кўрсатади.

Ҳадисда "Илм излаш ҳар бир мўъмин ва мўъмина учун фарз" экани таъкидланган. Билимнинг қадр-қиммати билувчи ва ўрганилаётган билим даражаси билан белгиланади. Билимлар ичида энг қимматлиси Аллоҳ ҳақидаги илмлардир.

Бугунги кунда иррационал билиш муаммосига қизиқишнинг кучайиб, рационал билиш усуллари билан билиш имкони бўлмаган ақл чегарасидан ташқарида нима борлиги масаласига жиддий эътибор қаратилишининг жиддий сабаблари бор. Ирфон фалсафасида билишнинг олий даражаси деб қалбий билиш назарда тутилади, яъни "руҳнинг илоҳий қувват билан мулоҳаза ва тафаккурсиз сирли маънолар"[207]ни англаши эътиборга олинади.

Абу Ҳомид Ғаззолий илм, билиш ва англаш ҳақида тўхталиб, билимнинг инсон ақли шакл ва мазмун, сифат ва миқдор, нарсаларнинг ташқи тузилиши ва ички моҳиятини акс

---

[207] Насыров И. Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). – Москва: Языки славянских культур, 2009. – С. 11.

эттирувчи тасаввур ва тушунчалардан иборатлиги, билувчи нарса-ҳодисалар ҳақида муайян тушунчаларга эга бўлган инсон экани, англаш эса муайян тасаввур ва тушунчаларнинг қалбда муҳрланишини баён қилган[208].

Ақл интуициянинг натижаси бўлган кашфиётни рационал назарий ёки рамз, тимсол, мажоз воситасида тавсифлайди. Ақлнинг бошқа шакллари, даражалари эса кундалик амалий, жисмоний ва ўткинчи эҳтиёжни қондиришдан нарига ўтмайди. Ирфоний билишнинг зарурлиги инсоннинг ақлий билиш қобилиятининг чекланганлигидан келиб чиқади. Бу ирфоний билишнинг мутазилийлар, ашъарийлар, перипатетиклар каби исломдаги рационалистик йўналишлар билан муштарак, деган хулосани бермайди.

Айрим тадқиқотларда ирфон шартли равишда иккига ажратилган: биринчиси, назарий ирфон, иккинчиси, амалий ирфон (тасаввуфий турмуш тарзи)[209]. Фикримизча, ирфон шундай илмки, назарий илм илоҳий моҳиятни билишда восита бўлса ҳам, "қалб сири"ни ечиб бера олмайди. Ирфонни тўла-тўкис назарий тизимга солиш "илоҳий илм соҳиби бўлди", дегани эмас.

Ирфоний билиш традиционалистик иррационал ёндашув ҳамда оятларни мутлақлаштиришдан холи. Аксинча, ирфоний билишда бу масала илоҳий борлиқ билан диалектик боғлиқ ҳолда ўрганилади, яъни оятларнинг барҳаётлиги, барча замонлар учун параллел аҳамиятга эга экани ва кўплаб муаммоларнинг методологик ечими эканида англашилади. Шу билан бирга, ирфон аҳлининг ўз даври учун тўғри бўлган ғояларини бирёқлама идеаллаштириш ҳамда бугунги замонга

---

[208] Бу ҳақда қаранг: Абу Хамид Мухаммад аль-Газали ат-Туси. Ильм-и ладуни (Божественное знание) / Хисматулин А. Суфизм. – Санкт-Петербург: Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 158.

[209] Биринжкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / пер. с перс. С.Ходжаниёзова; предисл., коммент. и общ. ред. И.А.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С. 23.

мослаш масаланинг моҳиятини догматик тушуниш, илмий билишнинг фарқига бормаслик оқибати, деб баҳолаш ўринли.

## 2.1-§. Рационал ва иррационал билиш усулларининг қиёсий таҳлили

Шарқ фалсафий тафаккури тарихидаги мураккаб ҳодисалардан бири зоҳирий ва ботиний билиш дилеммасидир. Ақл инсонни борлиқнинг яккаю-ягона тасарруфчиси, оламшумул ихтиролар кашшофига айлантирди. Ақл “билим олишга яраган бир куч” ва “бу куч билан қўлга киритилган илм”дир. Ҳадисда “Ақл ҳақ билан ботилни ажратадиган қалбдаги нурдир” дейилган.

X-XIII асрларда Шарқ фалсафий тафаккурида билишга оид қарашлар икки йўналишда тараққий этган. Биринчиси, рационал, яъни ақл, идрок, билимга асосланган изоҳлаш усули, ақлни билиш ва инсон хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган йўналиш бўлиб, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Туфайл (ваф. 1185 й.), Фахриддин Розий (ваф. 1209 й.), Носириддин Тусий (ваф. 1274 й.) каби мутафаккирлар тасаввуфни ўрганиб, ирфон илмини инсон билишининг энг олий даражаси сифатида кўрсатишган.

Иккинчи, иррационал, яъни руҳий жабҳага Абу Бакр Колободий, Юсуф Хос Ҳожиб, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Яҳё Суҳравардий, Ибн Арабий, Садриддин Кўнявий (ваф. 1274 й.), Мавлоно Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий, Хожи Бектош Валий (ваф. 1271 й.), Юнус Эмро каби мутасаввифлар мансуб бўлиб, бу йўналишда руҳий билиш ва маънавий юксалиш, ахлоқий поклик масаласига эътибор қаратилган, фалсафий-ирфоний атамалар, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, мушоҳада ва руҳият муносабатлари, инсон ақл-заковати, ҳикмат-

хислатлари ўзаро мутаносибликда компаративистик таҳлил қилинган.

“Ақл” билишнинг асоси бўлиб, “ақли кулл” (мутлақ ақл) орқали борлиқнинг сири кашф этилади. Бу ақлни “Ақли аъзам” (Руҳи аъзам) ҳам дейилган. Имом Ғаззолий дейди: “Инсон вужудида ақлни пайдо қилибдурки, анинг ҳоҳиши фаришталар ишини қилмоқ. Бас, одам боласи ўзини яратган Аллоҳ азза ва жаллани шу ақл-идрок билан танур. Аллоҳ таолонинг ажойиб ва ғаройиб яратиш ва қудратларини тафаккур билан мушоҳада қилиб, ақл нури билан ўзини ғазаб илкидан халос қилур. Одамнинг ҳақиқати ул нимарсадурки, камоли ва шарофати анинг бирла бордир, яъни ақл биландир”[210]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ақлнинг қудрати ва аҳамиятини инкор этиш Аллоҳни инкор қилиш билан баробардир.

Инсоннинг қадр-қиммати унинг ақл-заковатдан фойдаланиш меъёри билан ўлчанади. Аллоҳ ақлни воқеа-ҳодисалар ҳақиқатини тадқиқ қилиш ва уни англашнинг муҳим омили деб, инсонни ақл-заковат юритишга даъват этиб, “Қасос” сурасининг 60-оятида “Сизларга берилган нарсалар фақат дунёнинг мато ва зийнатларидир. Аллоҳ ҳузуридаги (ажру мукофот) эса яхши ва боқийдир. Ахир, ақл юргизмайсизларми?!” деб огоҳлантирилган.

Рационал билишнинг асоси ақл ва идрок бўлиб, муайян тизим ва шакл доирасида бўлади. Рационал билишда тушунчалар устида баҳс юритилса ҳам, тушунчанинг мазмун-моҳиятига чуқур кирилмайди. Рационал билишда режалаштирилган мақсад бўлса ҳам, ақлий фаолият интровертив мақсадга эга бўлмайди. Рационал билишда нарсалар табиатини тадқиқ этишда гипотезага таянилади. Тафаккур ва идрок ақлий фаолиятнинг муҳим жиҳати бўлиб,

---

[210] Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон Миразиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 34.

бир билим шаклидан бошқа билим шаклига ўтишда мавжуд билим чегарасидан чиқиб кетадиган янги ғояни вужудга келтирадиган ақл мақсадга мувофиқ ва асосли бўлиши лозим. Ақл эски билим тизимини бузиш орқали ҳосил бўлган янги тизим асосини, унинг мантиқий ривожланиш структурасини вужудга келтирса ҳам, ақлнинг фаолияти нисбийдир.

Рационал билиш ва унинг борлиққа муносабати муаммоси ижтимоий-тарихий ривожланиш билан диалектик боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Рационал билишда мутлақ ҳақиқат далил-исбот билан асосланади. Ақлий фаолият натижасида вужудга келган ва экспериментал тажрибага асосланган интеллектуал интуиция нарсаларнинг моҳиятини билишда муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, ақлдан ташқари нарсани билишга қодир эмас. Борлиқ сир-асрорини англашга қаратилган илмий билишда "соф ақл"га таянилса, виждон, ишонч, муҳаббат, одоб-ахлоқ ақлнинг ёрдамчилари вазифасини ўтайди.

Ҳадисда "ақл юракда бўлади"[211] дейилган. Инсон ақли, руҳи ва кўнгли ирфон манбаидирки, ақлни камолга етказиш, руҳни тарбиялаш ва кўнгилни поклаш катта аҳамиятга эга. Аллоҳ "вужуди мутлақ"дир ва Унга фақат "нақл" ва "ахбор" орқали борилади[212].

Баъзи аҳли ирфон ақлнинг мантиқ ва мушоҳадага таянгани, имкониятда чекланганини қайд этишган: Ақлий билимлар ирфон илми олдида мукаммал эмас: "ақлнинг оёғи қабаргану йўл қоронғу, гўё қилдек ингичка. Агар тавфиқинг раҳнамо бўлмаса, бу тугун ақл билан ечилмайди. Ақл сенинг эшигингда нурга тўлади, агар ичкарига оёқ қўйса, куяди[213]. Айни пайтда, ирфоний билишда ақл бутунлай инкор

---

[211] Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад / Таржимон, муқаддима ва изоҳлар муал. Ш.Бобохонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б. 158.

[212] Зарринкўб. А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 369.

[213] Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 470.

қилинмай, инсоннинг дунёвий ҳаётида ақлнинг муҳим ўрин тутиши, фақат мушоҳада бобида ақл имконияти чекланганини эътироф этилган:

Кўнгилким, маърифат кўрмиш, сафо ул,
Кўрар ҳар нарсада нури Худо ул.
Кишиким, Ҳақ анга йўл очмамиш сал,
Қачон мантиқ-ла бўлгай мушкули ҳал?
Ажаб нодон ҳар ёна уриб бошин,
Ёқиб шам, дашт аро излар қуёшин[214].

Иррационаллик ақл-идрок фаҳмлай, пайқай олмайдиган, ақл-идрок андозасига сиғмайдиган, ақл-идрок мезони билан ўлчанмайдиган фалсафий тушунчадир. Иррационал билиш ақлнинг ўрни чегараланган ёки рад этилган ҳолда инсоннинг ақлий билиш қобилияти билан мос келмайдиган тасаввур, тахаййул, инстинкт, басират, фаҳм, фаросат, мушоҳада, мукошафа, илҳом, "қалб кўзи", ботиний билишга асосланади.

Ирфон ҳаётий жўшқинлик натижаси, муҳаббат жўшқин ҳаётнинг квинтэссенцияси (манба, асос)дир. Ирфон сари қадам инсон қалбида муҳаббат уруғини экиш учун иррационал билим шаклидан фойдаланади. Зуннун Мисрий (ваф. 859 й.) тили билан айтганда, аслида англаш инсон қалбининг илоҳий нур билан Аллоҳ азалдан белгилаб қўйган боғланишдир: "Дарҳақиқат, англаш руҳий нурни ички сезим қуввати билан олдиндан белгилаб қўйилган илоҳий робитадир"[215].

Муроқаба орифнинг Аллоҳнинг тафаккурига берилиб, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майлдан фориғ бўлишидир. Ориф ишқ жазбасида илоҳий сирни барча нарсаларда мушоҳада қилиб, Аллоҳдан ўзга барча ашёни эсдан чиқаради. Бу орифликнинг "муроқабаи хос" даражасидир. Абу Али ибн

---

[214] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 18.

[215] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 273.

Сино муроқаба, яъни фаҳм орқали билиш масаласида янгича қарашни илгари сурган: қадимги юнон Элей фалсафий мактаби вакиллари айтганларидек, фаҳм ҳақиқатни ҳислар ёрдамида бевосита билиш, ёхуд Демокрит уқтирганидек, "фаҳм ақл орқали билиш" эмас, балки қиёс силлогизмнинг марказий иборасини таълим ва тадқиқсиз тез топа олишдан иборат инсондаги олий даражали билиш қобилиятидир[216].

Билиш жараёнида илк ўрта асрлар фалсафасида дин ва диний аҳкомлар устун бўлса, уйғониш даври фалсафасида тажриба ва билим барча нарсаларнинг ўлчови сифатида қаралган. Кейинчалик вужудга келган янги йўналиш ва оқимлар уларни қарама-қарши қўйиш, ҳаттоки бир-биридан ажратиш йўлидан кетган. Рационал билиш туғма ғоялар, адолат, инсонийлик, мутаносиблик ғоялари ва тажрибадан олиниши имкони бўлмаган бошқа ғоялар мавжудлигидан келиб чиқади, яъни адолат, тўла-тўкис мавжуд эмас, дунёда гармония устидан хаос ҳукм суради.

Афлотун ва А.Августин (ваф. 430 й.) инсон ақлига хос туғма ғояни инсон фақат ўз ақлидан олишини қайд этишган бўлса, Г.Лейбниц (ваф. 1716 й.), Х.Вольф (ваф. 1754 й.), А.Баумгартен (ваф. 1762 й.) кафи файласуфлар ғояларнинг "априор", яъни инсон тажрибасидан ташқари, ақлга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги, улар фақат ақлда тафаккур ва фалсафий мушоҳада юритиш жараёнида туғилишини таъкидлашган. Ақл оламни мантиқий билишнинг асоси деб олиниб, фундаментал мезоний тушунча сифатида қабул қилинган.

Ирфоний билишнинг иррационал билиш усули орқали англашилиши барча оламлар Яратувчиси, Мутлақ борлиқ, Аллоҳнинг моҳиятини англаш билан боғлиқ. Мантиқий далил билан ҳал этилмаган масалаларга қалб орқали эришиладики,

---

[216] Рахматуллаев Н. Об отношении Ибн Сины к восточному мистицизму // Торжество разума. – Душанбе, 1988. – С. 45.

бу инсоннинг номукаммалликдан мукаммалликка, "жузъ"дан "кулл"га, илмдан Аслга кўтарилишига имкон яратади. Ақлнинг вазифаси моддий ва феноменал олам билан боғланишда ажратилган.

Рационал ва иррационал билиш усулларининг қиёсий таҳлили олим ва ориф мисолида теран англашилади: олим (аллома) тушунча ва ҳукмдан хулоса чиқарса, ориф қалби орқали бевосита илоҳий илмга эга бўлади.

Шарқ фалсафасида ақл уч йўналишда тадқиқ этилади:

а) калом ақл ва ақлиятчилик усулларига таянган ҳолда оят ва ҳадис, шариатга доир масалаларни талқин этган. Мутакаллимлар илоҳий қонуниятларни ақл ва ақида орқали билишган: Аллоҳнинг зоти ягона, бугун борлиқда Аллоҳнинг зоти эмас, балки феъли (амали) жорийдир, Аллоҳ ўз иродаси билан борлиқни ўз ҳукмига олган. Бу амал азалий ва абадийдир.

Мутакаллимлар муҳокама қилган муаммо, асосан, Аллоҳнинг илоҳий сифатлари, "Қуръон"нинг яратилганлиги ва азалийлиги, оламнинг яратилиши, унинг атомлардан тузилиши, табиат ва сабабий алоқадорлик, тақдир ва ирода эркинлиги масаласи бўлиб, бу муаммо таҳлили доирасида кўплаб янги мактаб ва йўналишлар вужудга келган[217]. Улардан бири муътазилий (ажралиб чиққанлар) оқими бўлиб, ақл-идрокни "илоҳиётнинг асоси" деб даъво қилишган[218].

б) фалсафа ақл орқали ҳақиқатни билишни танлаган. "Фаол ақл" сезги ва сезги аъзолари орқали қабул қилинувчи нарсалар ўртасидаги восита бўлган нурга, "имконий ақл"нинг "воқеий ақл"га айланиши "имконий сезги"нинг "воқеий сезги"га ўтишига, инсон ақлининг табиати унинг сезги қобилиятининг табиатига қиёс этилган. Камолотга эришган зотларга Аллоҳ "фаол ақл" орқали намоён бўлган. Аллоҳдан

---

217 Macit Fahrı. İslam felsefesi kelamı ve tasavvufuna kısa bir giriş. – Ankara: İnsan yayınları, 1997. – S. 75.

218 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. Имом Абу Мансур Мотуридий. – Тошкент: Hilol-nashr, 2019. – Б. 92.

“фаол ақл”га келган илм инсоний ақлга, сўнг тасаввурга бевосита қуйилган. Бу илмга пайғамбарлар, орифлар, валийлар, даҳолар эришган.

Абу Наср Форобий қарашларида дин фалсафага тобе қилинган[219] бўлса, ибн Рушд ўз таълимотини оятлар билан асослаб, зиддиятларни оятларни мажозий талқин қилиш орқали ечишга уринган[220].

в) тасаввуф ақлдан афзал топилган ботиний билим, яъни қалбга таянган. Қалб орқали илоҳий маърифатга етиш ва Аллоҳ жамолига эришишни ҳамма нарсадан устун қўйган. Ориф Аллоҳни қалб орқали билишга интилган[221].

Ақл ва қалб муносабатлари Абу Ҳомид Ғаззолий томонидан ўта нозиклик билан очиб берилган[222]ки, ўша даврда пайдо бўлган кўплаб тушунмовчилик ва мунозаралар баҳссиз ечим топган: ақлнинг худуди аниқ, муайян бир ердир, ақлсизликдир. Кўнгилнинг ҳудуди сўнгсизлик бўлиб, таскин нуқтаси “фанофиллоҳ”дир.

Мансур Ҳаллож ақлни қуйидагича таъвил қилган: Ақл У (Аллоҳ)ни тута олмайди. Инсонга ишлатиладиган таърифларни Ҳаққа нисбатан қўллаб бўлмайди[223].

Ибн Арабий ақлнинг қусурлиги, назария ҳақиқатни тўла-тўкис очиб бера олмаслиги, Аллоҳни ақл билан қидириш худди очиқ эшикни қайта очишга уриниш эканини таъкидлаган[224].

Абу Бакр Колободий фикрича, “ақл Аллоҳнинг сояси бўлса, Аллоҳ мисоли қуёш. Қуёш қаршисида соя қандай кучга

---

[219] Аль-Фараби. Отношение философии к религии / Аль Фараби. Естественно-научные трактаты. – Алма-ата, 1983. – С. 364.

[220] Ибн Рущд. Рассуждение, выносяшее решение относительно связи между религией и философией / Антология мировой философии. Т. I. Ч. 2. – Москва: Мысль, 1969. – С. 751-755.

[221] Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 31.

[222] Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. I китоб. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – Б. 92-94.

[223] Аль-Халладж аль-Хусайн ибн Мансур. Китаб ат-тавсин (Сад Знания) / Перевод с арабского В.Нечипуренко, И.Полонский. – Москва: Номос, 2010. – С. 11.

[224] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – Б. 100-101.

эга бўлсин?! Ҳар бир кўз билан кўрилган нарса илмга мансубдир ва ҳар бир қалб билан кўрилган нарса "яқин"га мансубдир"[225]. Бу ерда "яқин" дейилганда ирфон назарда тутилган. "Қуръон"да "яқин" сўзи йигирма саккиз марта турли маъноларда келган.

"Яқин" ҳақиқат нури билан кашф ҳолатида башарий парданинг кўтарилиши бўлиб, соф ақл ва нақл иштирокисиз, важд ва завқ орқали вужудга келади[226].

Ҳақ офтобу ҳар икки олам соя, бу сояга бўлган асли нур доя,
Оёғимиз остидан у чиқди бошга, биз ғойибу ундан, бизга у ҳамсоя[227].

Айрим файласуфлар қалб илмини тан олишмагани каби баъзи орифлар ҳам ақлнинг имкониятини инкор қилишган: "Ақл фақат Аллоҳ даргоҳига олиб келгунига қадар мақбул. Бу даргоҳга етиб келмасданоқ ақлни унут, ўзингни Аллоҳ измига топшир, энди нима деб сўраш беҳуда[228]. Ақл ёрдамида барча саволга жавоб топиб бўлмайди"[229], яъни илоҳий ҳақиқатга етиш учун ақлнинг ўзи кифоя қилмайди. Борлиқ моҳиятини кашф этиш учун бутунлай бошқа илм кифоя қилади. Борлиқ ҳақиқатининг ўзи инсон ақли ета олмайдиган ҳолдирки, бу инсоннинг билиш имконияти чеклангани билан изоҳланади. Абу Саъид Майҳоний (ваф. 1049 й.) талқинида борлиқнинг мазмуни Аллоҳнинг моҳиятида мужассамдир:

Жон дилдаги бир суврату маъно Сенсан,
Мақсуди ҳама дин ила дунё Сенсан,
Ҳам барча учун маъшуқи танҳо Сенсан,
Лек кимга ниҳон (яширин), кимга хувайдо (намоён) Сенсан[230].

---

[225] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 86.

[226] Намозов Б. Муҳаммад Порсо тасавуфий таълимотининг фалсафий асослари. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2021. – Б.24-25.

[227] Саъдиддин Ҳамавий / Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 168.

[228] Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 31-32.

[229] Аль-Газали. Избавляющий от заблуждения (Аль-мункиз мин ад-далал) / В книге Степанянц М. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – Москва, 2001. – С. 233.

[230] Абу Саъид Майхоний / Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 19.

Олам ўз-ўзича мавжуд эмас, Аллоҳнинг мавжудлигидир. Шунинг учун инсон Аллоҳни мукаммал била олмайди, яъни фоний боқийни қамрай олмайди. Аллоҳни билиш "Аллоҳни кўриш" дегани эмас, аксинча, Аллоҳни билиб бўлмаслигини англаб етиш, Аллоҳни исми, феъли, зоти, сифати билан билишга ожизлик қилишдир[231].

Ҳаким Санойи билишнинг шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эътироф этган ҳолда эмпирик билишдан кўра, рационал билишнинг аҳамиятини юқори қўяди. Унинг фикрича, "ақл фаол куч бўлса, сезгилар суст куч, яъни ақл уйнинг томи бўлса, сезгилар унга олиб чиқувчи нарвондир[232].

Абу Али ибн Сино фикрича, билим нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш орқали ҳосил бўлади. Билиш сезгилар ёрдамидаги ҳиссий ва тушунчалар ёрдамидаги фикрий билишдан ташкил топади[233]. Бу ерда мутафаккир ҳиссий билиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда билишда нарса-ҳодисанинг моҳияти ва пайдо бўлиш қонуниятини ўрганишда ақлнинг аҳамиятига эътибор қаратиб, ақлни ҳар қандай билиш ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида интерпретациялайди, яъни ақл бир неча босқични босиб ўтгач, маърифатга эришади ҳамда "оламий-фазовий" ақл билан боғланиш орқали ниҳоя топади.

Абу Али ибн Сино ҳиссий билиш жараёни инсон қалбида яширилган ботиний илмни билиш учун етарли эмаслигини эътироф этиб, ақлий билимни қалбдаги илмга боғлайди. Унинг фикрича, ақлий билимнинг икки шакли бор. Ақлий билимнинг қуйи шакли тана эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, унинг олий шакли инсон қалбидаги ботиний илм билан боғлиқдир. Рационал билишнинг бундай шакли

---

[231] Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. I китоб. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – Б. 91.

[232] Олимов К. Мировоззрение Санои. – Душанбе, 1973. – С. 81.

[233] Абу Али ибн Сина. Ал-ишарат ват-танбехат / Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980. – С. 193.

“фаол ақл” деб аталади. “Фаол ақл” “инсоний ақл”дан фарқланади. “Фаол ақл” орқали инсон руҳи оламий руҳга боғланса, инсон жони оламий жон висолига етишади[234]. Бундан “фаол ақл”нинг акс эттириш эмас, балки ирода кучи экани, “фаол ақл”нинг илоҳий ақл экани англашилади. Ибн Сино “фаол ақл” тимсолини “Ҳайй ибн Яқзон”[235] (Уйғоқ ўғли Тирик) асарида батафсил тушунтирган, яъни у онг ости ҳиссий ва ақлий билишни бошқаради.

Абу Али ибн Сино оламни билишда аввал пантеистик принципга асосланган: Аллоҳ ва борлиқ бир-бирига зид ва бир-бирини инкор этувчи эмас, аксинча, улар бир бутун ҳолда мавжудотни ташкил этади. Абадийлик Аллоҳга хос. Аллоҳ ва борлиқ маълум поғоналар ёрдамида боғланади. Узун ва яхлит занжирнинг бир томонида ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, қудратли Яратувчи Аллоҳ (зарурий вужуд), занжирнинг иккинчи томонида ундан келиб чиққан борлиқ (имконий вужуд)даги жами нарсалар ётади. Ақл ва нафс маҳсули бўлган пантеизмга кўра, кўра Худо билан табиат (ҳатто инсон ҳам) бир-бирига тамоман мос бўлиб тушади. Пантеизм қадимги ҳинд ва Миср диний ақидалари ва юнон файласуфларининг назарияларининг парадигмаси (намуна)дан иборат бўлиб, борлиқнинг моҳияти, унинг ибтидоси ҳақида баҳс юритади[236]. Бу таълимот Ғарб файласуфларининг метафизикага таянган концепцияси бўлиб, у борлиқ мутлақ ҳақиқатнинг эманацияси, жилоланиши деган креационал қарашга асосланган.

Абу Ҳомид Ғаззолий ўз давридаги турли ақидавий-фалсафий оқимлар ғояларига қарши чиқиб, тасаввуфни пантеизмдан буткул тозалаган ва тасаввуф билан пантеизм

---

[234] Абу Али ибн Сина. Ал-ишарат ват-танбехат / Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980. – С. 198.

[235] Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 35.

[236] Бу ҳақда қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир ф.ф.д. Қ.Назаров. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 320.

ўртасида мустаҳкам “хитой девори” ўрнатган: ҳар қандай софлик, маънавий юксалишдан қатъи назар, инсон ҳеч қачон Худога айлана олмайди, қўшила олмайди. Аллоҳ маърифатини эгаллашнинг (орифлик)нинг даражаси интиҳосиз, чунки Аллоҳнинг қудрати ва улуғлигини қамраб олиш имконсиз. Маърифат денгизи тубсиз ва ундаги ғаввослар (ориф)лар ҳиммати даражасида, азалда Аллоҳ тақдир этган манзилгача шўнғийдилар[237]. Ҳиммат деганда орифнинг барча қуввати ва ғайратини илоҳий маърифатга сарфлаши англашилади.

Шарқ аристотелизми асосчиларидан бири Абу Юсуф Киндий (ваф. 879 й.) ислом фалсафасига Арастунинг қарашларини олиб кирган. Бу эса кейинги давр араб-мусулмон тафаккурига кучли таъсир кўрсатган[238]. Мутафаккир Афлотун, Арасту ва Плотиннинг фалсафий қарашларини шарқона фалсафа билан синтезлаган ҳолда ғарб афкор оммасига тақдим этган. Абу Ҳомид Ғаззолий “Таҳофут ал-фалосифа” (Файласуфларнинг иҳтилофлари) асарида Абу Юсуф Киндийнинг пантеизм ғояларига асосланган фалсафий қарашлари хато эканини далиллар билан исботлаган. Бу йўналиш кейинчалик буткул йўқолиб кетган.

Абу Ғомид Ғаззолий оламни билиш масаласида файласуфларга раддия билдириб, теология ва метафизика масалаларидаги зиддиятни файласуфлар қўллаган усул, яъни мантиқий далил асосида кўрсатиб, илоҳий ҳақиқатни англаш учун ақлнинг ожизлиги, яъни ақлнинг нисбийлиги ва чеклангани, фақат ақлнинг ўзи кифоя қилмаслигини исботлаган: “инсон ақли ёрқин нурни кўрган заҳоти сўқирга айланадиган кўршапалакка жуда ўхшаб кетади”[239].

---

237 Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Тавба китоби / Араб тилидан таржима. Таржимон ва луғат тузувчи Р.Зоҳид. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – Б. 62.

238 Macit Fahrı. İslam felsefesi kelamı ve tasavvufuna kısa bir giriş. – Ankara: İnsan yayınlari, 1997. – S. 55.

239 Аль-Газали. Избавляющий от заблуждения (Аль-мункиз мин ад-далал) / В книге Степанянц М. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – Москва, 2001. – С. 434-436.

Дунёвий ва шариат илми зоҳирий илм (эмпирик ва назарий билиш) бўлса, инсон қалби, кўнгилда кечадиган ва ҳол мартабасида қабул қилинган билимлар ботиний (қалбий, ички) илмдир. Билишнинг ирфоний таҳлилида асосий ўринни Аллоҳ, илоҳий маърифатга эришиш ғоялари эгаллайди. Азизиддин Насафий[240] тасаввуфий ғоянинг омухта экани, яъни бир қисм фикр шариат аҳли, бир қисм ҳикмат аҳли, бир қисм ваҳдат аҳлидан олинганини эътироф этган.

Ирфон моддий оламни билиш инкор этмайди, аксинча, моддий борлиқ Мутлақ Борлиқ (универсум)нинг бир бўлаги (парчаси) сифатида қаралади[241]. Олам (борлиқ) Аллоҳнинг қудрати, жалоли ва жамолидан нишона беради, уни мукаррам билиш (эъзозлаш, асраб-авайлаш) инсоний бурчдир. Ориф оламга ана шундай муносабатда бўлган.

Аллоҳ ўз зотида қойим, борлиқ Аллоҳ сифатларининг зуҳуроти, сифатлар эса Аллоҳ “тажалли”сининг ҳосиласидир. Аллоҳ зотини рационал билишга уриниш бефойда экани Иброҳим Гозируний (ваф. 1029 й.)нинг “Ақлнинг энг пасти дунёни тарк қилиш, юқори даражаси Аллоҳнинг зоти хусусида тафаккур қилмаслик[242] деган фикрида акс этган.

Абу Али ибн Сино билиш босқичларини “ҳиссий”, “мантиқий” ва “нубувват” орқали билишга ажратган. Мутафаккир талқинига кўра, нубувват Аллоҳ билан набийнинг мулоқотидир. Бу мулоқот “ваҳий” орқали овоз, сурат ва ғайриоддий ҳолатда содир бўлади.

Ақлнинг “ақли кулл”, “ақли маош”, “ақли мустафид” каби уч тури мавжуд. “Ақли кулл” (умумий, универсал, трансцендентал) ақлнинг юқори ва мукаммал кўриниши, олий ақл бўлса, “ақли маош” ҳаётий, кундалик ақл, “ақли мустафид”

---

[240] Қаранг: Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 6.

[241] Степанянц М. Проблема познания в суфизме // Вопросы философии. – Москва, 1988. – № 4. – С. 118-127.

[242] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 179.

орттирилган ақлдир. Айнан орттирилган ақл инсоннинг хатти-ҳаракатини бошқаради[243].

“Ақли кулл” Аллоҳдан илк зуҳур этилган қудратдир. Аллоҳ аввал уни, сўнг бошқа мавжудотларни яратган. Адабиётшунос олим И.Ҳаққул “ақли кулл”ни илоҳий, қудратли ва мутлақ ақл, Аллоҳ қудратининг “тажалли”си[244] деб таърифлаган. Аллоҳнинг Расули ўқиш-ёзишни билмаган, “ақли кулл” туфайли илм қалбида жойлашган ва “истиғроқ” (инсоний сифатнинг оламий сифатга айланиши)да юзага чиққан.

“Ақли жуз” инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ва дунёқарашига тегишли бўлиб, унинг моҳияти “ақли маод” ва “ақли маош” орқали англашилади. “Ақли маод” ориф ва валийларга тегишли бўлса, ақл эгаси бўлган барча инсонлар “ақли маош”дан баҳраманд бўлган.

“Ақли маод” ирфон нури бўлиб, орифни охиратдан огоҳ қиладиган ақлдир. “Ақли маош”нинг манбаи китобий билимлар бўлиб, тафаккур ёрдамида мавжуд дунё, нарсаларнинг ташқи хусусияти ўрганилади. “Жузъий ақл”ни ифодалайдиган “ақли маош” инсондаги руҳий куч, инсон вужудини ҳаракатга келтирувчи фундаментал омилдир. “Ақли кулл”нинг “ақли маод”га “тажалли”си туфайли ирфон аҳли қалб билан кўриш ва эшитиш истеъдодига эга бўладилар.

Тасаввуф таълимотида “тажалли” тушунчасини дастлаб басралик Рабоҳ ибн Амр Қайсий (ваф. 810 й.) қўллаган[245] бўлса, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 896 й.) “тажалли”нинг уч турини фарқлаган: а) “тажалли” аз-Зот (илоҳий моҳиятнинг намоён бўлиши) б) “тажалли” сифати аз-Зот (илоҳий моҳиятнинг ўз сифатларида намоён бўлиши); в) “тажалли”

---

[243] Аль-Фараби. О разуме и науки. – Алма-Ата, 1975. – С. 18.

[244] Иброҳим Ҳаққул. Ақли кулл тупроқни гавҳар этгуси // Тафаккур. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 44.

[245] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С.112.

ҳукми аз-Зот (илоҳий ҳукмнинг намоён бўлиши). Бундан англашиладики, Зотнинг "тажалли"си мукошафа, яъни инсонлик "парда"сининг кўтарилиши бўлса, Зот сифатларининг "тажалли"сида Зотнинг қудрати аён бўлиб, Ҳақни таниш жараёни намоён бўлган. Зот ҳукмининг "тажалли"си охиратга тегишли бўлиб, инсон фоний дунёда қилган амалларига кўра тақдирланади. Бу каби қарашлар Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳам акс этган. Жумладан, Абу Наср Форобий "ақл ёрдамида билинадиган нарсаларнинг моҳияти рацонал билишнинг қатор босқичларисиз бевосита хаёлда билинса ёки ифодаланса, авлиёлик вужудга келади"[246] деган қарашни илгари сурган. Мутафаккир қалбда тажриба ва кузатишларсиз ҳосил бўладиган илмларни "илоҳий илм" деб, шундай қобилияти бор кишиларни "орифлар" деб атаган.

Абу Носир Форобий "Китоб ъараъ аҳли ал-мадина ал-фозила" (Фозил одамлар шаҳри) асарида илк мавжуднинг иккинчи детерминик жиҳатини Унинг хакимлиги деб кўрсатган: "У (Худо)нинг ўз Зотига бўлган идроки бутунлай ниҳоясига етган, мукаммал  Унинг ўз жавҳари билан эгаллаган ўша илми... мутлақ энг афзал илмдандир"[247].

Фалсафий интерпретацияга кўра, фалсафий ҳақиқатни билишни мақсад қилган ақл ва сезги унга олиб борувчи йўл бўлиб, ақл сезгидан устувордир.  Бу Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушднинг ақлни сезгига, ақлий объектларни ҳиссий объектларга нисбат бериб таҳлил этишларида акс этади. Абу Наср Форобий инсон билиши, руҳий қобилиятларини мия бошқариши, юрак эса вужудни ҳайт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказ эканини таъкидлаган бўлса, Ибн Сино "ички кучнинг ўрни инсон миясида, улар беш сезгидан иборат" дейди. Бу трансцендентал сезги кучи (идрок) бўлиб, миянинг олдинги

---

[246] Хайруллаев М. Уйғониш даври  ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971. – Б. 241.

[247] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри / Масъул муҳаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 138.

қоринчасида жойлашган. Эслаш кучи олдинги мия қоринчасининг орқа томонида жойлашган. Тасаввур кучи олдинги мия қоринчасида, фаҳмлаш кучи ўртача мия қоринчасининг охирида, хотира кучи миянинг орқа қоринчасида жойлашган. "Ички куч", яъни рационал билишнинг шакллари барча маълумотларни моддий оламдаги нарса-ҳодисанинг инсон сезги аъзосига таъсири натижасида пайдо бўлган ҳиссий билиш шаклидан олади.

Ботиний илм инсон қалбида яширинган илоҳий илм бўлиб, бу илмга доимий зикр ҳолатида илоҳий эшитиш ва илоҳий кўриш орқали эришилади. Ботиний илм инсон руҳининг интилиши, ҳаётий жўшқинлиги натижасида юзага чиқади ва инсон ақлининг ривожи, асрлар давомида юзага келган илмий билимлардан тубдан фарқ қилса ҳам, уларни инкор этмай, янги билимлар билан тўлдириб бойитади.

Билиш жараёнида рационал ва иррационал билимлар тана ва руҳ каби ажралмас, улар бир-бирларини тўлдиради. Шарқ фалсафасида тилга олинган "бирламчи билим"лар инсон қалбида яширинган "куллий" билимлар бўлиб, айнан инсон руҳиятидаги ижодкорлик кучининг негизи "куллий" билимлар билан боғлиқдир. Илмий кашфиётлар, янгилик яратиш "куллий" билимларнинг "жузъий" билимларга турткиси натижасидир. Бу жараёнларни қалбнинг ботиний жилваланиши дейиладиган бўлса, "билим нурдир"[248] деган хулоса теран англашилади.

"Жузъий ақл"нинг инсон қалбидаги зиё кучи билан равшанлашиб, ботиний нурланиши натижасида кашф ҳосил бўлади. Илмий нуқтаи назарга кўра, интуитив билиш жараёни тажриба, эксперимент, мантиқий мулоҳаза орқали амалга ошади. Интуитив билиш фикрнинг ижодий ривожида эски фикрдан янги фикрга ўтиш, яъни сакраш жараёнидир. Кўплаб

[248] Роузентал Ф. Торжество знания в средневековом Исламе / Пер. с английского. – Москва: Наука, 1978. – С. 158-192.

олимлар кашфиётларини интеллектуал интуиция орқали амалга оширганлар. Фаннинг маълум соҳаси бўйича илмий-тадқиқот олиб борган олимнинг борлиғини қамраб олган ғоя ижодий бойиб, янги ғояга йўл очган. Бу саъй-ҳаракат натижаси кашф орқали намоён бўлган.

Тасаввуф тарихида ақл ва кўнгил муносабатларига кўп мурожаат қилинган бўлиб, бу икки тушунча ўзаро боғлиқ ҳолда талқин этилган. Чунки ориф учун кўнгилдан ақлга ва ақлдан кўнгилга қараб бориш моҳиятан бир маънога эга. Айрим тадқиқотлардаги ақлни юракка, юракни ақлга қарши қўйиш даъвоси пучдир. Чунки ақлнинг қудрати ва бирламчилигини инкор этиш "Аллоҳни инкор қилиш[249] билан баробар.

Сезги ва ақлий мулоҳазаларнинг нарса-ҳодисалар ҳақида хато хулосага олиб келишининг сабаби инсоннинг нарсаларнинг белги (сояси)ни кўришга қодирлигидир. Шунга қарамай, айрим ирфон аҳли илоҳий моҳият кашфида ақлий билимларнинг мукаммал эмаслигини таъкидлашган. Жумладан, Абулҳусайн Нурий (ваф. 907 й.) фикрича, "Ақл ожиздур, йўл кўрсатмас, магар ожизға. Ким Ҳақдин ўзини яширса, ҳар қандай далил ва хабар уни ҳидоят қила олмайди"[250]. Демак, Аллоҳнинг қудрати олдида ожиз бўлган инсоннинг ақли ҳам ожиздир. Шунинг учун ақлнинг ўзи Ҳақ ва ҳақиқат йўлини кўрсатишга қодир бўла олмайди. Ҳаққа интилмаган ва Аллоҳга яқинлашиш истаги бўлмаган инсонни ҳар қандай ишончли далил ҳам ҳидоятга етаклай олмайди. Буни "Аъроф" сураси, 178-ояти тўлиқ тасдиқлайди: "Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топувчидир"[251].

---

[249] Иброҳим Ҳаққул. Ақли кулл тупроқни гавҳар этгуси // Тафаккур. – Тошкент, 1997. № 1. – Б. 42.

[250] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 60.

[251] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Аъроф сураси, 178-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 173.

Билиш жараёнида ақл қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга кўтарилса, “фаол ақл” билишни энг мукаммалликдан бошлайди, яъни “инсоний ақл” билишни қуйидан, “фаол ақл” эса юқоридан бошлайди. Жалолиддин Румийнинг халифаларидан бири Садруддин Кўнявийдан “Қаердан қаёққа борасиз ва ўртада нима ҳосил бўлади” деб сўрашганда, “Илмдан Аслга борамиз, ўртада ҳосил бўлгани дунёвийлик ва илоҳийлик ҳукми билан зоҳир бўлган икки тарафни бирлаштирувчи нисбатни янгилаш”[252] деб, ақлий ва қалбий билишнинг туб моҳиятини очиб берган. Садриддин Кўнявий “илмдан Аслга борамиз” деганда орифнинг дунёвий илмларни эгаллаш воситасида асл манба Аллоҳ томон бориши, Уни таниб, англаши, шунингдек, дунёвий илмларсиз илоҳий илмларни эгаллай олмаслигини назарда тутган. Бу онгнинг зоҳирдан ботинга, маълум (аён)дан номаълум (сир)га саёҳати бўлиб, буни ўзини Ҳақ илмига бахш этган орифлар англайди.

Ориф учун билишнинг фундаментал таянчи “Қуръон” бўлиб, борлиқ сезгилар, тасаввур, ақл ва қалб билан билинади. Ақл онгдаги билимлар бўлса, илоҳий илмлар қалбда бўлади. Ҳақни билиш, англаш учун инсоннинг ақли ожизлик қилади. Бундан ақлни инкор қилиш келиб чиқмайди. Ориф мантиқий, тафаккурий далиллар билан фикрлаш ва исботлашдан кўра, қалб илмига таянади. Орифга хос бўлган хусусиятлардан яна бири орифнинг муаммога турли манбалардаги фикр-ғоя ва назариялардан кўра, ўзининг тажрибаси, ҳолати, вазияти, қалб кечинмаси билан ёндашишида намоён бўлади.

Ҳозирги даврда ноосферада рўй бераётган зиддиятларнинг сабаби “ақлни руҳдан муросасиз ажратиш оқибати”дир. Иррационал билишга ақлий интуиция нуқтаи назаридан қараш билан муаммонинг ечими топилмади.

---

[252] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 397.

Рационал ва иррационал билишни бир-бирига қарши қўйиш ёки уларни бир-биридан "ажратиш"нинг натижаси ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, мафкуравий конфликтларнинг глобал миқёсга кўтарилишига олиб келди. Инсон тафаккурнинг сохта тизими қолипига тушиб, фикрий "схема" (матрица, догма)лар таъсирида реалликдан узоқлашди, "моддий дунё" асирига айланди. Рационалликка бурканиш ва фақат ақл-идрокка суяниш, динни тан олмаслик, иймон масалаларига бефарқлик, ақлдан ташқари воқеа-ҳодисалар (ваҳий, илҳом)ни инкор қилиш, инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни, инсоннинг ўлими, ўлимдан кейинги ҳаёти, ҳайвоний инстинктларнинг инсон ақли устидан ғалабаси (нафси аммора), моддийлик деб маънавийликдан (шаклпарастлик, усти ялтироқ, ички олами бўшлиқдан иборат оломонча қатламларнинг пайдо бўлиши) воз кечиш оқибатида ечими чигал муаммоларнинг юзага келиши ақлнинг ҳар доим ҳам ҳақ эмаслигини кўрсатмоқда[253].

Инсоният фақат интеллектга таяниб, ёки мунтазам ҳиссиётга берилиб яшай олмайди. Ғарб рационал тафаккур (интеллект ва реализм) рамзи бўлса, Шарқ ғайришуурий иррационализм (ҳиссиёт ва романтизм) тимсолидир. Ҳинд файласуфи А.Гхош (ваф. 1950 й.) борлиқни билишда ақлпарастлик иддаоси пучлигини "психоанализ" мисолида изоҳлаган: ақл ҳақиқатни англашга қодир эмас. Лекин Ҳақни билишга кучли майли бор ақл (рационал тафаккур) ўрнини ўз хоҳиши билан қалбга бўшатиб бера олади[254]. Бу қарашлар О.Файзуллаевнинг фикрлари билан ҳамоҳангдир[255]. Демак, инсоннинг ақли ва тафаккури Худо, олам ва инсоннинг туб фалсафий моҳиятини билишга ожиз бўлиб, инсон қалби

---

[253] Бу ҳақда яна қаранг: Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Tafakkur, 2009.

[254] Сатпрем. Шри Ауробиндо или путушествие сознания / Перевод с французского и английского А. Шевченко, В. Баранова. Издание 3е, переработанное и дополненное. – Москва, 2005. – С. 16.

[255] Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ / Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари. – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 124.

орқали Аллоҳга яқинлашади, ҳол илми ва амалиёти натижасида илоҳий сирларни англайди.

Хуллас, рационализм ва иррационализмни бир-биридан айрича тадқиқ этиш ёки улардан бирини инкор қилиш натижасида илмий холисликка эришиб бўлмайди. Назария билан амалиётнинг бир бутунлиги, объект ва субъектнинг ўзаро алоқадорлиги, онг ва руҳиятнинг бирлиги, рационал ва иррационал билиш, билим ва ишонч, умуман, фан ва дин муносабатлари турли аспектдаги муҳокама доирасида якдил бўлса, илм-фан тараққиётида ўзгача бурилиш ясалиши, бу эса ақл бовар қилмас янгиликлар ва кашфиётларга йўл очишига замин бўлади.

## 2.2-§. Ирфоний билиш гносеологияси

"Олам ва одам" тизимида дунёни англаш, инсон ва борлиқ ўртасидаги муносабатлар диалектикаси билиш назариясида ирфоннинг ўрни масаласига тарихийлик ва замонавийлик, ворисийлик ва янгиланиш нуқтаи назаридан ёндашиш орқали унинг моҳиятини тўғри англашга йўл очади.

Тасаввуф тарихига назар солинса, маърифат, "ҳол" ва "мақом", илоҳий ҳақиқатга эришиш йўли тасаввуф тараққиётининг илк босқичларидан бошланган. Жумладан, Зуннун Мисрий "ҳол" ва "мақом" йўлларини ишлаб чиққан[256] бўлса, Ҳорис Муҳосибий (ваф. 857 й.) қалб ва унинг маърифати йўлидаги хатардан сақланиш илмини асослаган. Абдуллоҳ Тустарий Аллоҳнинг маърифатига ирфон соҳиблари эришишлари, ўзларининг икки оламда шарафли мақомда эканликлари, икки олам фарқини билишларини қайд этган.

Ақлий мушоҳада мантиқ ва мантиқий фикрлашга асосланган бўлса, ирфон мантиқ доирасидан чиқади, унинг

[256] Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 97.

имконияти кенг, яъни мантиқ фикр-мулоҳазанинг эволюцион (тадрижий) ривожида яширинган ва у “ҳиссий мантиқ”дир. Абу Ҳомид Ғаззолий ақлнинг моҳиятига кўра, инсоний ва илоҳий ақлга, ақлнинг даражасига кўра, Олий ақл (Аллоҳ) ва Олий ақлга тобе ақл (инсон)га, ақлнинг келиб чиқиши, вазифаси ва мақсадига кўра, назарий ва амалий ақлга ажратган. Бу классификация Абу Али ибн Синонинг ақл ҳақидаги қарашлари билан мос келади[257].

Инсон табиатан “имконий” ақлга эга ва “фаол” ақл таъсирида “воқеий” ақл, ундан “орттирилган” ақлга айланиб, “фаол” ақлга яқинлашади ва шу тариқа боқий бўлади. Бу ҳолатда ҳар бир инсон ақли алоҳида эмас, ўзига ўхшаган ақллар билан бирлашиб, абадий бўлади. Инсон руҳи бошқа жонзот руҳидан ақлий камолоти билан фарқ қилади.

Инсоний ақл юқори даражага кўтарилгач, “фаол ақл” билан бирлашиб, умуминсоний (куллий) ақл сифатида абадийликка эришади. Бу борада Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд якдил бўлишган. Абу Ҳомид Ғаззолий мутафаккирлар, жумладан, Абу Наср Форобийнинг “Инсон ақли туфайли инсондир” деган фикрига қўшилган ҳолда, инсоннинг ақли билан бошқа жонзотдан юксаклиги, инсоннинг ақл-заковатини юқори баҳолаган.

Яхши ишлари ва кароматлари билан машҳур[258] бўлган Ҳаким Термизий ақл ўзлаштира оладиган энг олий илм бўлган маърифат ва ҳикмат (фалсафа) қалбни ёритувчи илоҳий нур[259] экани, турфа илмни ўқиб-ўрганиш жараёнида инсон маърифат ва ҳикматдан хабардор бўла олиши, лекин асл

---

[257] Бу ҳақда қаранг: Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. – Душанбе: Ирфон, 1966.

[258] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С.140.

[259] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Яширин масалалар (Ал-масоил ул-макнуна) / Араб тилидан таржима ва сўзбоши муаллифи М.Исмоилов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. – Б. 35.

маърифат Аллоҳнинг ўзи ярлақаган зотларга насиб бўлишини эътироф этган. Айрим ирфон аҳлининг қарашларида илм фақат шариат илми сифатида идрок этилса, айримларида шариат илми билан бирга, уларнинг кузатишлари, дунёвий ҳикмат, тажриба орқали жамланган илми назарда тутилган. Ҳикмат доираси кўп ўлчамлилиги сабабли, уни ҳар ким ўз тафаккур даражасида тушунган.

Ҳаким Термизийда шариат ва тариқат илми антропософия, яъни донишмандлик билан қўшилиб кетган. Ҳаким Термизий ирфонни "ҳикмат" истилоҳи орқали тушунтирган: илм шариатнинг баёни, илм Аллоҳнинг бандаларига ҳужжатидир. Ҳикмат ҳақиқат баёнидир[260].

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси тадқиқотчиси Б.Радтке "Ҳаким Термизийнинг ўз даври фалсафасининг силлогистик тафаккур ва ақлий мавҳумлик жараёнидан кўра ўз ички тажрибаси асосида олам ва одам ҳақида кўп қиррали ғояларни ишлаб чиққан ақл изловчи сўфий экани, теолог ва фақих сифатида асарларида илоҳиёт, ҳадис, фиқҳ ва араб тилини мужассам этгани"[261] ҳақида холис баҳо берган. Бундан англашиладики, Ҳаким Термизий билишда идрок, илм, ахлоқ, қалбнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини қайд этиб, унинг биргаликда инсон руҳонияти ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатишини таъкидлаган: "Авлиёнинг энг яхшиси илм усулида сўз айта олганидир. Илм ибтидодир, илм мақодир (миқдор – ўлчов) ва илм мийсоқ" (эртанги кун учун йўл очилиши)дир, илм ҳарфлардир. Ва бу ҳикмат (фалсафа) усулидир ва олимнинг ҳикмати будир. Машойих улуғидан илм зоҳир бўлади"[262]. Бундан сўзнинг таъсири сўзловчининг хулқи ва фикратига боғлиқ бўлса, машойихнинг сўзлари ҳозирга

---

260 Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 67.

261 Radtke B. The consept sainthood in early Islamic mysticism. – Richmond: Curson Press, 1996. – P. 6.

262 Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 289.

қадар аҳамиятини йўқотмагани ўз-ўзидан аён бўлади. Демак, ҳар бир сўзнинг уруғи, ўзаги, таъми, ҳиди, меваси бўлади. Шу каби илмнинг уруғи, яъни моҳияти ўзаги  илоҳий маърифат ва борлиқ ҳақиқати бўлса, илмнинг таъми жидду жаҳд ва иштиёқ, илмнинг ҳиди одоб, фасоҳат ва ҳикмат бўлса, илмнинг меваси Аллоҳни ва ўзликни англашдир.

Илмлар қалбда махсус тартибга кўра жамланиб, бир-бирига мос тушса, бутунлай янги, когнитив ва мукаммал илмларни келтириб чиқаради, яъни илмдан илм туғилиб, илм илмнинг дояси бўлади. Инсоннинг Аллоҳни таниши учун Аллоҳ илмни далил қилган. Шунга кўра, илм Аллоҳга итоат этишни йўл кўрсатувчи далили, илм орқали ҳақ билан ботил фарқланади.

Мансур Ҳаллож "Ал-китоб ат-тавасин" (Илмлар боғи китоби) асарида "Аллоҳни билдим" деганларни танқид қилган: "Аллоҳга олиб борувчи йўлнинг ўзи йўқдир" деб, "Қандай қилиб чекланган (мавжудотлар) Унга етиб боради?" деган саволга "Биладиган Ўзини Ўзи танийди" деган кишига раддия билдирган: бу оралиқда билувчи асоссиз даъво қилишини тасдиқлайди, зеро, билинадиган Ўзи Ўзида биладиган бўлишдан тўхтатмайди. Баданидаги туклар қандай ўсиши, туклар оқ ёки қора бўлишини билмаган, нарсалар қандай пайдо бўлгани, бутун, қисм, аввал, охир, тақдир, сабаб, оқибат, ҳақиқат, ёлғонни билмаган ҳамиша мавжуд бўлган Зот (Аллоҳ)ни ҳам била олмайди[263].

Айрим файласуфлар инсон тафаккури кучини юқори баҳолашган: инсон тафаккури ақлий чегарани билмайди, мантиқий тафаккур орқали ҳамма нарса, ҳаттоки илоҳий моҳият билиб олинади[264], яъни тафаккур ақлнинг илигидир[265].

---

[263] Аль-Халладж аль-Хусайн ибн Мансур. Китаб ат-тавсин (Сад Знания) / Перевод с арабского В.Нечипуренко, И.Полонский. – Москва: Номос, 2010. – С. 41-42.

[264] Бертельс. Из истории персидско-таджикской литературы. – Москва, 1960. – С. 118.

[265] Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон Миразиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 225.

Бу масалада Ибн Арабийнинг билиш фалсафаси ўзига хос бўлиб, мутафаккир ҳар бир муҳокама қилинаётган муаммо ечимига билишнинг алоҳида усулини татбиқ этган. Билишнинг турлари бир-бириданамалга ошириш усули (билим олиш технологияси), воситаси (моддий аъзоси, билиш қуроли) ва натижалари (олинган билимнинг мазмуни)га кўра фарқланади.

Билишнинг объекти бир-бири билан ўзаро диалектик боғланган объект (Аллоҳ) ва субъект (инсон)дир. Объектнинг бундай хусусияти билишнинг ҳар учала турини ҳам фалсафий билишга киритиш имконини беради. Билиш турларининг ўзаро бирлиги орқали уларни таққослашга асос бўлиб, объектив мезон вазифасини бажарса, Ибн Арабий учун мантиқий билиш дунёни билишга хизмат қилади. Унинг назарида, мантиқан тўғри мулоҳаза юритиш учун исботлашнинг мантиқий усулларини қўллаш етарли, бунинг учун далил ва хулоса занжири изчил бўлиши лозим[266].

Абу Мансур Мотуридий (ваф. 945 й.)нинг "Китоб ат-тавҳид" (Аллоҳнинг ягоналиги ҳақида китоб) асари билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётининг илк асари[267] бўлиб, унда тавҳид, олам, Аллоҳ, Аллоҳнинг исми ва сифатлари, бу борада мухолифлар билан мунозаралар, раддиялар, пайғамбарлар, эътирозлар раддияси, Аллоҳ ва инсон амаллари, инсоннинг хатти-ҳаракати, гуноҳ ва жазо, катта гуноҳлар муаммоси, Пайғамбарнинг шафоати, иймон, иймоннинг моҳияти, иймон ва ислом ўртасидаги нисбат, оламнинг олти кунда яратилиши, Аллоҳнинг оламни нега яратгани ҳақидаги ихтилофли масалаларни ақлий ва нақлий далиллар асосида бирма-бир таҳлил этилган.

Аллоҳ ва қадар масалалари рад этиб бўлмас даражадаги а) Аллоҳ барча мавжудотларнинг яратувчиси эканини Қуръонда

---

[266] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 120-121.

[267] Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 163.

ваҳий қилгани; б) ҳеч бир инсон зоти ўзининг қадимдан мавжуд эканини даъво қилмагани; в) барча яратиқлар зарурат ва эҳтиёж юзасидан бошқа яратиққа тобеъ экани; г) тирик ва ўлик жон бир-бири билан боғлиқлиги, яъни улар бирини бирисиз тасаввур эта олмаслиги; д) нарсалар яратилгани ва вақтда чегаралангани; е) олам қисмлардан иборатлиги, улар бутун оламга тегишли экани; ё) қарама-қаршилик ўзгариш ва йўқ бўлишнинг белгиси экани; ж) ҳаракат ва ҳаракатсизлик галма-гал юзага келиши, бир вақтнинг ўзида содир бўлмаслиги; з) жонсиз жисмлар ҳаракатда бўла олмаслиги; и) жисмлар турли вақтда пайдо бўлиши; й) вақтда чекланганлик аввал йўқ бўлган нарса кейин пайдо бўлганини билдириши; к) нақл жисмларнинг вақтда чекланмаган мавжудлиги ҳақида хабар бериши; л) ибтидо ва интиҳо бўлиши кераклиги; м) ҳар бир ҳаракат ўзидан аввалги ҳаракат тугашини тақозо этиши; н) жисм абадий эмас, ҳодис экани; о) ҳар бир ҳодиса ортида унинг яратувчиси туради, олам сабабий боғлиқликда экани; п) ҳадис қадим эмас, ҳадас вақтда яратилгани[268] каби далиллар билан исботланган.

Ибн Арабийнинг таснифига кўра, илмга эришишнинг уч усули бўлиб, биринчи усули "ақлий-ҳиссий" илмлар (бирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, замон каби категориялар)дир. Ақллилик инсон танасини бошқарувчи инсон жонига керак: у жоннинг дунё ҳақидаги билимининг зарурий унсуридир. Илмга эришишнинг иккинчи усули "ҳол" илми (муҳаббат, интилиш, эҳтирос, шавқ, шуҳуд) муаммони мушоҳада юритиш йўли билан ечиш бўлиб, орифнинг қалбида "яширин маъно" мавжудлигига имконият яратади, яъни билиш объекти билан "ботиний моҳият" тарафидан бирикиш имконияти юзага келади, "зоҳирий моҳият"да субъект ва объектнинг алоҳидалиги сақланиб қолади. Илмга эришишнинг

[268] Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001. – Б. 267-269.

учинчи усули “сирр ул-асрор” илми (завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё) бўлиб, билишнинг “ҳиссий-ақлий” ва “ҳол илми” (мушоҳада) йўли билан билищдан мутлақ бошқа талабдан келиб чиқади. Бу билиш субъекти (ориф) ва объекти (Аллоҳ)нинг айнийлик шартидир. Билиш субъекти бу айнийликка эришгач, ўзининг субъектлик моҳияти йўқ бўлиб, субъект ва объект ўртасидаги тафовут йўқолади, билувчи билинувчига айланади, билувчи ҳам, билинувчи ҳам йўқ бўлиб, фақат ягона универсал (кулл) қолади.

Ибн Арабий “сирр ул-асрор” илмини билиш жараёнини “гирдоб” (хиро, саросималик, ҳамма нарсада Аллоҳни кўрувчи, Ягонани кўпликда, кўпликни Ягонада, “аниқни яширин, яширинни аниқ, шунингдек, зиддиятли нарсаларни” кўрувчи орифнинг саросималиги) тимсоли орқали тушунтирган, яъни “гирдоб”га тушган одам қутб атрофида айлана ҳаракат қилади ва ундан узоқлашмайди. Бу қутб Аллоҳдир[269].

Маҳмуд Шабустарий “Гулшани роз” (Сир-асрор гулзори) асарида нурнинг яхлит доираси тасаввурини берадиган айланувчи учқун ҳақида гапирар экан, муайян тасаввуфий кечинмани назарда тутган[270]. Гирдоб тимсолининг ирфоний маъноси шуки, гирдоб ҳаракатининг қайд этилган аниқ бошланиш жойи мавжуд эмас. Гирдоб исталган нуқтадан, дунёнинг ҳар қандай нарсадан бошланса ҳам, ўз ниҳояси бор. Бу қутб, борлиқ гирдобининг марказидир. Билиш доиралари муқаррар Аллоҳга олиб боради. Гирдоб бутун борлиқни ўз комига тортади. Унинг ичида, марказда туриб йўл мўлжалдан фарқ қилмайди, йўл қаерда бошланган бўлса, ўша ерда Худода ниҳоясига етказади[271].

---

[269] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Пер. А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 73.

[270] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 29.

[271] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 74.

Ибн Арабийнинг илоҳий моҳият (Аллоҳ)нинг дунёга нисбатан "трансцендент"лиги ва "имманент"лиги муаммоси ечимининг биринчи йўли "қисм"дан "бутун", "мантиқий мулоҳаза юритишдан бошланувчи йўли" деб белгиланса, иккинчи йўли "бутун"дан "қисм" сари ҳаракат деб олиш мумкин. Ечимнинг учинчи йўли "қисм" ва "бутун" бирлиги, мутлақ ва барча йўналишларда ўзаро мувофиқликда акс этган.

Абу Мансур Мотуридий фикрича, инсон сезги, нақл, ақл орқали маърифатнинг уч воситасига эга бўлади[272].

Тасаввуф фалсафа, калом илми билан айрим ўринларда уйғунлашиб кетганки, маърифат аҳли тасаввуф истилоҳларини шеър ва орифона сўзлар орқали ифодалаб, инсоннинг ақл-заковати, ҳиссиётларини акс эттирган бўлишса, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Носириддин Тусий, Фахриддин Розий каби файласуфлар фалсафа ва ҳикматни маданий жамиятни бошқариш учун шарт деб билишган. Аслида инсоннинг маърифати ва нафсидаги номутаносиблик унинг жаҳолат ва камолот пиллапоясининг ўртасида турганига ишорадир.

Ибн Сино "Ар-рисола аш-шифо" (Шифо рисоласи) ва "Ал-ишорот ват- танбеҳот" (Йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар) асарларида илоҳийликнинг моҳияти, ориф ва ирфон, руҳ ва ақл, ақл ва тананинг ўзаро боғлиқлиги масаласини тадқиқ этган бўлса, Абу Ҳомид Ғаззолий ирфоннинг фақат маърифат билан англанишини эътироф этиб, "Иҳёу улум ид-дин" (Дин илмларининг тирилтирилиши) асарида калом ақидаларини "зуҳд", "таваккул", "ризо", "сабр", "ишқ", "самоъ", "тақво" каби сўфиёна тушунчалар билан такомиллаштирган. Мутафаккир инсоннинг билиш жараёнида ҳиссий билиш, тафаккур ҳамда руҳий-эмоционал факторнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб, зоҳирий ва ботиний илмнинг

---

[272] Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001. – Б. 230.

диалектик боғлиқлиги ҳамда фарқли томонларини очиб берган: "зоҳир илми пўст ва ботин илми мағздур. Илми зоҳир ҳақиқат йўлида "парда"дир. Бас, дил мисоли ҳавзга ўхшашдур ва беш ҳиссиёт мисоли беш ариққа ўхшашдурким, бу ариқлар бирла кўнгилга сув кирар. Агар бу кўлнинг тубидан оби соф чиқсин десанг, тадбири улки, бу кўлга сув кирадурғон ариқларни маҳкам банд қилғил. Ва ҳавз ичидаги сувни тамом чиқариб, тубини чандон ковлагинки, тиниқ сув чиққай"[273].

Ҳар қандай мавжудликнинг асосий шакли макон ва вақт бўлиб, вақт ўз-ўзича моддий ўзгаришлардан айри ҳолда мавжуд бўлмайди, давомийлик касб этмайдиган, ўтмишдан келажакка ўзгармайдиган, моддий тизим ва жараён бўлмайди[274].

Вақтнинг трансцендентал атрибутидан унинг материянинг макон ва ҳаракати билан муносабати, моддий системадаги узунлик, асимметрия, қайтарилмаслик, ноцикллилик, узлуклилик билан узлуксизликнинг бирлиги, боғланганлик, структуравий муносабатга қарамлик қайд этилди[275]. Вақт бир ўлчовли бўлиб, фақат бир томонга, прогрессга, яъни илгарига қараб боради.

Вақтнинг бир томонлама йўналиши унинг фақат ўтмишдан келажакка қараб ҳаракатланишини кўрсатади. Вақт қайтарилмайди, аксинча, доимо илгари интилади, вақтда антиномик, яъни ўтмишга томон йўл йўқ. Вақтнинг чексизлиги "моддий дунёнинг яшаши ва ривожланишининг боши ҳам йўқ, охири ҳам бўлмайди" деган хулоса чиқаришга имкон беради. Шундай экан, ***ориф учун вақт (замон) борми?***

Замон (вақт) Аллоҳнинг ихтиёридаги василадир, вақтни Ўзи хоҳлагандек юргизади. "Талоқ" сурасининг 17-оятида "Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб

---

[273] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. I китоб / Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 44.

[274] Хайдеггер М. Бытие и время / Пер. с нем. 2-е изд., испр. – Санкт-Петербург, 2002. – С. 13.

[275] Тўраев Б. Вақт муаммолари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б. 5-6.

қуйгандир" дейилган. Вақт ўтмиш (мозий) билан келажак (истиқбол) ўртасидаги замон бирлиги бўлиб, Аллоҳнинг вақти билан инсоннинг вақти ўртасида фарқ катта. "Ҳаж" сурасининг 47-оятида инсон ҳисобидаги минг йил Аллоҳнинг вақти билан бир кун дейилган. Оятдаги эллик минг йиллик кун инсоннинг вақтига кўра эмас, Аллоҳнинг вақтига кўрадир. Бу "Меърож" сурасининг 4-оятида "Фариштталар ва Руҳ У (Аллоҳ)нинг ҳузурига миқдори эллик минг йил бўлган кунда кўтарилади" деб изоҳланган. Оятдан англашиладики, инсон эллик минг йил яшаса, Аллоҳ таолонинг наздида унинг умри бир кун бўлади.

Ирфоний билишда вақт истилоҳи вақтнинг ҳаракатини эмас, балки тилагувчи (талабгор) истаганини изловчи (мурид) учун "ҳол" пайти етганини англатади: "Тавҳид аҳлининг вақтлари иккидур. Бири фақат "фоқо", яъни муҳтожлик ҳолида, иккинчиси "важд", яъни ҳаяжон ҳолида. Бири васл маҳалидаги вақт, иккинчиси фироқ ва ҳижрон дамидаги вақт"[276]. Бундан англашиладики, ирфон аҳли учун физик вақтнинг аҳамияти йўқ, яъни улар учун ўтмиш ҳам келажак ҳам идрок этилмаслигининг сабаби уларнинг Аллоҳ билан ва Аллоҳнинг фироқи ва ҳижронида ўтказган дамидан завқлироқ замон йўқ. Бу вақтда замон ва макон "парда"лари кўтарилади.

Вақтга маънавий-руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият билан юзлашиш орқали вақтга нисбатан чегараланган, "палла", "замон", "фурсат", "маҳал", "чоғ", "кез", "маврид", "муддат", "он", "дам" ва "лаҳза"нинг мазмуни теран англашилади. "Муддат" ўлчанган, белгиланган вақтни билдирса, "фурсат" бирор иш-ҳаракат учун белгиланган вақтни кўрсатади. "Замон" бирор ҳодиса-воқеа билан боғлиқ бўлган вақт оралиғини белгилайди. "Лаҳза" ва "он", вақтнинг энг қисқа даражасини акс эттирадики, бу нуктада мақсад Ҳақ

[276] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 66.

“тажалли”си, Аллоҳнинг “зоҳир” исми мартабасида намоён бўлади.

Ориф ўтмиш, ҳозир, истиқбол, вақт, кеча, бугун, эртани рамзий маънода барчасини бирдек акс эттирувчи кўзгу каби тушунади, “дам” ва “лаҳза”нинг сири, маъноси, қудратини кашф қилиш учун “ҳол”нинг туб моҳиятини тафаккур қилади: инсон умри ўткинчи, инсон туғилади, яшайди ва бу дунёни тарк этади. Вақтнинг микроўлчамдаги бирлиги бўлган “дам” сўзи нафасдан нафасга ўтиш оралиғини ифодалайди. Ориф бу “дам”да сир ҳақиқатини кашф этади. Шунинг учун ориф “ҳаловат”, “ато” ва “каромат”га эътибор қаратмайди. Ориф ўз аҳволини яхши билгани учун Аллоҳдан ўзгага талпинмайди. Қилган амаллари учун Аллоҳдан бадал сўрамайди. Бу орифнинг энг буюк фазилатидир.

Ҳар қандай инсон вақтнинг ҳар бир сониясида абадийлик чегарасида туради. Ирфон илмнинг “реал” манбаи бўлишга даъво қилар экан, вақтнинг ҳозирги бир бўлаги, агар унга ичидан назар ташланса, ҳозир “мантиқий” деб ҳисобланадиган ҳақиқатни қабул қила олмайди. Борлиқнинг диалектик алоқадорлиги, табиат ва жамият қонунлари ўз қонунияти асосида алмашиниб, айланиш туриши Абдулқодир Гийлонийнинг “Тегирмон айланмоқда” [277] деган сўзларида акс этган.

Шайх Нажмиддин Кубро вақтнинг “нафас”, “лаҳза” билан боғлиқ нуктасига урғу берган: “Вақт кескир бир қиличдир. Агар кескир бўлмаганда эди, бир “ҳол”дан иккинчи “ҳол”га ўтгунингга қадар сени кутган бўлар эди. Ҳолбуки, “замон” ўткир қиличдек ҳаракатланади ва ўз ҳукмини ижро этади. Сўфий “ибн ул-вақт”, яъни вақтнинг ўғли, у билан баробар юради, ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламайди. Чунки унинг мозийга ёки келажакка боқиши ўтмиш ёки

---

[277] Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б. 24.

келажакни ўйлаб, айни "он"даги вақтни ҳавога совуришига тенгдир. Бунинг такрори эса вақтни исроф қилади. Соғлом муроқабанинг шарти ҳам муҳофазаи вақтдир"[278]. Шунинг учун ирфон аҳли "воқиф ул-вақт", яъни улар учун айни дам муҳимдир. Демак, вақтни бесамар ўтказган инсон Яратувчисидан буткул узилади. Ғафлат бой бериш ва мағлубиятдир. Бу ҳол "баст" деб аталади.

Ориф учун дунё уч кундан иборат: биринчиси, кечаги кун, у ўтиб кетди, уни ортга қайтариб бўлмайди, энди у ҳақида ўйлаш маъносиз. Иккинчиси, эртанги кун, унга етиш-етмаслик инсоннинг ихтиёрида эмас. Эртанги кун ҳали келмагани учун инсонга мавҳум, Аллоҳга аёндир. Учинчиси, бугунги кун, айни дам бўлиб, инсоннинг тасарруфида, яъни бугун инсон учун барча имконият эшигини очади. Ориф учун муҳими, ҳушёрлик, ғаниматдир. Орифда онгни покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз "юк"дан фориғ этувчи туганмас қувват (энергия) мужассамдир.

"Ҳол" вақти келганида ориф ўтмишни ҳам, келажакни ҳам ўйламай, ўша лаҳза, ўша дам билан яшайди, яъни бу вақтда ориф учун ўтган ҳаётининг ҳам, келажакдаги ҳаётининг ҳам аҳамияти йўқолади. Ориф вақт ҳақиқати ва шодликларини ўтмиш ва келажакдан эмас, нурли ирфоний маънилар қалбдан бош кўтарган "лаҳза", "нафас", "фурсат" ва "дам"да топади. Ирфоний ҳаётда ғанимат илоҳий файз ва илҳом бўлиб, "ҳол" етишган вақтни тўлдирадиган, жисмга жон бўлиб кирувчи неъматдир. Ориф риёзат чекиб, софликка интилаётган бўлса, "ҳол"га эришганида етишган вақти барқарор, топган мақоми "мутамаккин" бўлади. Демак, вақтини топган ориф "ҳол"ини ҳам топса, "мутамаккин", мустақим, барқарор бўлади ва ҳеч қандай таъсир ва ўзгариш унинг руҳиятига таъсир кўрсата олмайди.

---

[278] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 157-158.

Орифни икки вақтда бир ҳолатда кўриб бўлмайди. Ориф ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам боқмайди, чунки бу айни дамдаги вақтни беҳудага сарф қилиш билан баробар. Орифнинг вақти зулматдир. Ориф бир лаҳза ҳам маърифатдан тўхтамайди, ҳамиша Аллоҳга қалби ва руҳи билан юзланади. Вужуд учун руҳ қандай аҳамиятга эга бўлса, вақт учун ҳам "ҳол" худди шундайдир. Вақтниг мутлақ "ҳол"га муҳтожлиги вақтнинг сафоси "ҳол" билан қойим бўлиши, "ҳол" вақтга бирлашгач, замон вақтга айланиши, унинг учун завол жоиз бўлмаслиги билан изоҳланади.

Ориф ўз вақтидаги вазифасини адо этиш билан машғул бўлгани учун "соҳиб ул-вақт" (вақт соҳиби) дейилади. Вақт ўша вақт соҳиби (Аллоҳ)нинг сифатидир. Ҳар ким ўз сифати билан ором олса, бу орифлик мақоми эмас, ғофиллик (бехабарлик) бўлади. Руҳий камолотнинг мукаммал мақоми "бесифатлик" бўлиб, унда нафақат вақт, шунингдек, сифат, миқдор, меъёр каби боғланишлар бўлмайди, яъни ўша ҳолатда башарий белгилар ўрнини руҳият эгаллайди. Бу мақомга эришганлардан бири Ҳаким Термизий ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд (ваф. 1390 й.) "биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар"[279] деб таърифлаган. Демак, бесифатлик мартабасидаги орифни "тамкин" аҳли деб баҳоласа бўлади. Ўз ўрнида, "тамкин" соҳиби "абул-вақт", яъни вақтнинг отаси бўлади.

Инсон ўз вақтининг қадрига етиши, бошқалар эришган ютуққа ҳасад қилмаслиги, аксинча, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган неъматни ҳар бир инсон учун ўз вақти етганида ато этиши, Унинг ҳузурида ҳамма нарса, шу билан бирга, вақт ҳам ўлчовли экани, ҳар бир иш Аллоҳ белгилаган вақтида бўлишини англаши лозим. Бу эса инсондан илм, маърифат ва мушоҳадани талаб этади. Ирфон аҳли учун макон ва замоннинг

---

[279] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б. 32.

бир бутунлиги, ажралмаслиги, яхлитлиги, ўзаро диалектик алоқадорлиги нисбийлик назарияси ҳақидаги кашфиётлар очилмасдан аввал ҳам маълум бўлган.

Маърифат аҳлининг вақтга муносабати ёш авлод таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ибрат олса арзийдиган ўгит беради. Зеро, эртага бугунни қайтариб бўлмайди, ёшлар ихтиёридаги ҳозирги дамни ғанимат билиб, уни илм-маърифат, касб-ҳунар, ахлоқ-одоб ва эзгу ишлар учун истифода этиш орқали келажакка замин ҳозирлашади.

Ботиний тажриба (мақом ва "ҳол") ва фалсафий мушоҳада (илҳом, кашф)га асосланган билим ирфон (илоҳий маърифат)дир. Хуллас, ирфон Ҳақни билиш, инсоннинг ўзлиги, ўзининг моҳияти ва Аллоҳ маърифатини англашдир. Инсон кўнглида илоҳий маърифат чироғини ёқувчи Аллоҳнинг ўзидир. Зеро, асосий моҳият ниятда, инсон ўз мақсадига эришиши учун ҳар бир хатти-ҳаракати Аллоҳнинг иродасига мувофиқ бўлиши, сидқ ва ихлос билан Аллоҳ ризолигини тилаши билан ирфонга йўл очилади. Тажрибага кўра, инсон қирқ кун мобайнида амалларини холис Аллоҳ учун қилса, унинг қалбидаги ҳикмат чашмалари тилига отилиб чиқади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, гносеологияда ирфоннинг ўрни қуйидагича талқин этилди:

биринчидан, билишнинг қуйи даражаси ҳиссий (эмпирик) билиш бўлиб, инсон сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) воситасида амалга ошади. Билишнинг қуйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл орқали муайян билим ҳосил қилинади. Сезгилар фақат нарсаларнинг инъикоси, нарсанинг ўзига мос тушган ҳолда ҳақиқий бўлади;

иккинчидан, эмпирик билиш тарафдорлари (Ф.Бэкон, Ж.Локк, Т.Гоббс) инсон индивидуал ёки ижтимоий тажрибага эга бўлгунга қадар бирон-бир ғоя мавжуд бўлишини инкор этишган. Барча ғоялар инсон онги остида ёки ўз тажрибаси ёки

бошқалар тажрибаси, ёки инсоният тажрибасини умумлаштириш орқали туғилади: тажриба инсон онгида унинг сезгилари ва ўзини қуршаган дунёни идрок этиши орқали акс этади[280];

учинчидан, билишнинг юқори даражаси инсонга хос бўлган рационал билиш бўлиб, бунда тафаккур орқали нарса-ҳодисанинг ички моҳияти англашилади[281]: объект (Аллоҳ) субъект (инсон)га қадар мавжуд бўлган. Сезиладиган нарсалар сезгилардан олдин пайдо бўлганидек, билинадиган нарсалар ҳам билишдан олдин пайдо бўлган. Билиш билишдан билимга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга элтувчи йўл[282] бўлиб, инсон билимни ташқи дунёдаги ҳодисаларни билиш жараёнида ўзлаштиради. Бу жараён сезиш, идрок этиш хотира, тасаввур қилиш, мантиқий мулоҳаза, тафаккур каби билиш усулини қамраб олади. Воқеа-ҳодисанинг тўғри ёки хатолиги мантиқий қиёс ва таҳлил, умумлашма орқали билинади ҳамда хулоса орқали янги билим ҳосил қилинади. Конкретлилик, тажриба, кузатиш, умумлаштириш каби усуллар ёрдамида муайян тизимга солинади, тасниф қилинади ва жамланади;

тўртинчидан, ирфоний билиш ақл, қалб, далил (истидлол), калом илми, талаб, таслим (истилом), таътил, ўхшатиш (ташбеҳ), илҳом, ҳайрат, зарурият, “ҳол”, “мақом”, “тамкин”, “илм ул-яқин”, “айн ул-яқин”, “ҳақҳ ул-яқин”, “мукошафа” каби тушунчалар таҳлили орқали теран англашилади.

## 2.3-§. Ирфоний билиш усуллари

[280] Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. – Москва, 1991. – С. 59.
[281] Мухамедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе: Дониш, 1990. – С. 11.
[282] Фараби. Комментарии к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – Москва, 1961. – С. 191.

Ирфон мустақил тарихий-фалсафий феномен сифатида муаммолар доирасини тақдим этиш ва таҳлил қилишда ўзига хос билиш усулларини истифода этган. Ирфоний билиш усуллари муаммони ҳал этиш чегарасию тўғрилигига асосланиб, ўзига хос мезон билан тавсифланадики, ирфоний билиш ва тафаккур методологиясини ирфон илми амалиёти ҳамда тажрибасидан олинган ирфон аҳлига хос усул ва услуб ёрдамида тушуниш ва қалбдан англашни тақозо этади.

Ирфоний билиш усуллари "ваҳий" ва "илҳом" бўлиб, бу ерда сезгилар ва тафаккур ирфоний билиш воситаси бўла олмайди. Аллоҳни билишга фақат Ўзининг карами ва Ўзининг лутфи билан эришиладики, Зуннун Мисрийдан Аллоҳни қандай топганини сўрашганида: "Аллоҳни Аллоҳдан топдим. Зеро, Яратувчини фақат Яратувчи орқали топилади"[283] деб жавоб берган.

Умар Хайём (ваф. 1131 й.) "Дархостнома" (Ўтинчнома) асарининг "Худони билишга интилувчилар" бобида Аллоҳни билишга интилувчиларни тўрт тоифага ажратган: а) мутакаллимлар тоифаси традицион, яъни анъанага айланиб қолган исбот-далилга асосланган фикрлар билан қаноатланадилар; б) файласуфлар ва олимлар тоифаси мантиқ қонунларига асосланган соф илмий исбот ёрдамида билим ҳосил қиладилар; в) исмоилийлар ва таълимийлар тоифаси билимни исботлашда қийинчилик ва зиддиятлар кўп бўлгани учун ақлдан адашади ва заифлашади. Тақводорнинг Аллоҳ ҳақидаги, Унинг мавжудлиги ва сифатлари ҳақидаги берган хабари "Яратувчини билишнинг тўғри йўли" деб ҳисоблайдилар; г) сўфийлар ва орифлар тоифаси Аллоҳни билишга фикрлаш ва ўйлаш йўли билан интилмай, ахлоқий камолотга эришиш ёрдамида қалблари, табиатлари ва

[283] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 81.

жисмларини поклашга интиладилар. Ҳаммасидан афзали шу йўлдир[284].

Ирфоний билиш кўнгил билан амал қилиш бўлиб, "яқин" (ишонч, бирор нарсага қатъий ишониш, аниқлик, шубҳа-гумондан холилик) илмини ўз ичига оладиган мушоҳададир.

Сезги, идрок, тажриба, кузатиш билан эришиладиган билимлар "илм ул-яқин" бўлса, ақл, нақл ва хабар орқали олинган илмлар "айн ул-яқин" дейилади. Абу Мансур Мотуридий нақл, идрок ва ақлни қуйидагича баҳолаган: "Нақллар олам яратилгани ҳақида қатъий хабар берса, ҳиссий идрок уни тасдиқлайди, ақл эса уни рад этиб бўлмайдиган хулосалар воситасида кўрсатади[285].

Ботиний тажриба ва ишонч даражаси юқори бўлган илм "ҳаққ ул-яқин" бўлиб, Ҳаким Термизий уни қалбнинг Аллоҳ ва Унинг амрлари билан қарор топишидир"[286] дейди. Ҳақиқат шуки, "яқин" ирфоний билишнинг моҳиятини мужассам этади: "илм ул-яқин" оловга кўзни юмиб қараш бўлса, "айн ул-яқин" оловга кўзни очиб қараш, "ҳаққ ул-яқин" эса олов ичига кириш ва унда йўқ бўлишдир[287]. Бундан кўринадики, "илм ул-яқин"да ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим рутбасидан "айн ул-яқин", яъни илоҳий олам билан Ҳақ йўлчиси ўртасидаги "парда"ларнинг кўтарилиши туфайли ҳосил бўлган илмга, ақлий далилсиз, кашф ва шуҳуд билан кўриш рутбасига тараққий этган.

Аллоҳнинг Расули "ҳаққ ул-яқин" мақомига етгач, ҳақиқатга кириб унинг борини кўриб, сир (кўнгил) "меърож"ини қилган. "Аллоҳ бир кеча, ўз бандасини унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ул-

---

[284] Григорян С. Из истории философии народов Средней Азии и Ирана VII-XII вв. – Москва: Наука, 1960. – С. 116.

[285] Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001. – Б. 266.

[286] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 84.

[287] Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор / Форсийдан М.Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2006. – Б. 24.

Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир”[288] ояти тасдиқланди. Аллоҳнинг Расули “меърож”да “Рабб ул-иззат”га боргунча эллик мартабадан ўтди ва мақсадига эришди. Ҳақ таолодан барча иззат-икромларни кўрди, лутф ва шавқ яқинлиги билан Ҳаққа икки ёй масофасида яқинлашди, яъни “кўнгил ва кўнгил эгаси учун ҳеч қандай “парда” қолмади”[289]. Бу ҳақда Аллоҳнинг Расули “қалб кўзим билан Ҳақ жамолини мушоҳада қилдим”[290] дедилар. Борлиқ низомида инсон кўзи билан билан кўриш мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисалар борки, улар моддий ва энергетик кўринишга эгадирлар. Моддий кўринишга эга бўлган воқеа-ҳодисалар кўз билан, энергетик кўринишга эга бўлган ҳодисалар қалб кўзи билан кўрилади.

“Меърож” руҳоний ҳол бўлиб, “меърож” вақтини тасаввуфдаги қисман метафориклаштирилган “лаҳза” категорияси билан ҳам қиёслаб бўлмайди. “Лаҳза” ягона объект (Аллоҳ)га йўналган бўлса ҳам, “меърож” вақтидаги универсал қамров, реаллик, Ваҳдоният, якка-ягоналик олдида субъектив ҳодисадир. “Меърож” вақти бемисл, замин ва коинот ўлчовидан ташқарида бўлиб, юксаклиги, ғайриоддийлиги, ягоналиги билан “уч олам” замонидан ташқарида бўлган “хос” замондир.

Илмларнинг барчаси беистисно Худони билиш илмидир[291]ки, ирфоний билишда “ҳол”, “мақом”, “тамкин” каби ботиний-руҳий усул тасарруф этилади. “Ҳол” ориф маънавий-руҳий тараққиётининг натижаси, зикр ва риёзатдан ҳосил бўлган қалб сафоси, қисқа муддатли кайфият, порлаш

---

[288] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Исро сураси, 1-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 282.

[289] Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар. Нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – Б. 168.

[290] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 2. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – Б. 571.

[291] Шри Ауробиндо Гхош. Синтез йоги. – Москва: Никос, 1993. – С. 476.

(чақнаш), илоҳий раҳмат ва бараканинг ёғилишидир. Перманентлик (доимийлик) “ҳол”нинг юксак даражасидир[292].

“Ҳол” илми таҳсил билан қўлга киритиладиган кайфият эмас, “ҳол” илоҳий неъмат, лутф-иноятдир. “Ҳол” руҳ ва юракнинг қувватини ифодалагани сабабли тасаввуфга “илми ҳол” номи берилган. “Ҳол” ошиқ кўнглидаги фараҳ, завқ, севинч, ҳаяжон, кайфиятни ифодалайди. “Ҳол” Ҳақ аҳлига Аллоҳнинг лутфидир. Руҳи латиф, ахлоқи гўзал, кўнгли зариф, маънавий етук кишилар “ҳол соҳиби” бўлиб, айни пайтда улар “талвин” (маҳкум, “ҳол боласи”) ва “таквин” (ҳоким, “ҳол оталари”) соҳиби бўлишган. “Важд” ҳолида орифнинг руҳонияти юксалиб, бутун вужуди порлаб, нурафшон бўлган: “Шайх Нажмиддин Куброни валийтарош дебдурлар, онинг учунки, важду ҳол ғалаботида муборак назарлари ҳар кимга тушса валоят мартабасиға етар эмиш”[293].

“Ҳол” қул (Ҳақ ошиғи)нинг қасди: жалб айлаш ташаббуси, эришиш истагисиз қалбда пайдо этиладиган нашъа-ҳузун, шодлик-қайғу, ҳайбат-ҳаяжон зуҳуридир[294].

“Ҳол” маънавий-руҳий жараён сифатида турли шакл ва кўринишга эга. Ориф “важд” (экстаз) ҳолатида бўлганида борлиғидан қушнинг овози эшитилса унинг руҳий ҳолатини англамаган кишилар инкор қилиши табиий. “Ҳол” инсон руҳиятида илоҳий жазба завқ орқали рўй беради, бу мақомга зид бўлган ҳолда, яъни Ҳақ йўлчисининг ўз кучи, интилиши, иродаси билан амалга ошмайди. Шунга кўра, “ҳол”ни илоҳий жазба деб изоҳлаш ўринли.

“Ҳол”нинг доимий ва ўткинчи бўлиши, “ҳол” эгаси “ҳол” ичида тинимсиз юксалиш ҳолатида бўлиб, “ҳол” тили сукутда бўлади. Жимлик ва сукут орифнинг олий белгиси ҳисобланади.

---

[292] Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Теҳрон: Пирўз, 1350. – Б. 79.

[293] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 287.

[294] Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul: Marifat yayinlari, 1991. – S. 117.

“Ҳол” мартабасига эришган ориф қалби билан сирлашади. Орифнинг кечинма ва руҳий ҳолати феъл-атворида намоён бўлади. Буни узоқ юртга саёҳатга борган кишини йўқлаб келган меҳмонлар ўша юрт ҳақида сўзлаб беришни сўрашса, сайёҳ кўрганларини айтишга сўз топа олмай, таърифлашга ожиз қолгани билан таққослаш орқали “ҳол”нинг “ҳоли”ни англаш муҳим. Хожа Аҳмад Яссавий фикрича, “ориф Ҳақдин рухсат бўлмағунча сўзлай олмас”[295].

“Ҳол” қалбдаги ризо, таслим, шавқ, важд ва ҳузур сифатини муқимлаштиради. “Важд”нинг маъноси ҳаяжон, тўлқинланиш, ишқ ва муҳаббат, экстаз бўлиб, важд кайфиятини сўз билан ифодалаб бўлмайди, чунки у мўминлар наздида Аллоҳнинг сирридир. Важд ҳолининг энг мукаммал шакли Ҳаққа етишиш ва орифнинг башарий сифатлардан фоний бўлиб, Ҳақ вужудига руҳан ғарқ бўлишидир. Важднинг моҳиятини изоҳлаш имконсиздир. Зеро, “важд” ҳақиқий кўриш (кашф)даги аламдирки, “алам”ни “қалам” билан тасвирлашнинг имкони йўқ”[296].

Абу Ҳомид Ғаззолий фикрича, “важдий илм “яширин” илмлардан бўлиб, раббоний туртки натижасида содир бўлади”[297]. Мутафаккирнинг фикрига асосланган ҳолда, важдий илмни ҳеч бир воситасиз ҳосил бўладиган, нозиклашган ақл билан бирга, руҳий ёришиш рўй берадиган, мия қатламининг ҳали очилмаган қиррасини фаол ҳаракатга келтирадиган ҳамда тасаввурий-тамсилий, ифодавий билим, ғоя-англамлар намоён бўладиган илм деб баҳолаш ўринли. Ботиний илмларни ғайри илмий, ақл бовар қилмас, мантиқсиз, деб баҳолаб бўлмайди.

---

[295] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 75.

[296] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 417.

[297] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. I китоб / Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 71-72.

Аксинча, уни ақлий мушоҳаданинг юқори "олий зуҳуроти" деб айтиш ҳақиқатга яқиндир.

Ориф "важд" ҳолатида ўз оламига кириб, унда тасаввур ва ҳиссий идрок орқали ботиний илмга эга бўлади[298]. Демак, важд қалбнинг ҳайрат вақтида тўлқинланиши бўлиб, қалб билан англанадиган илм қалби пок инсонга ошкор бўлади:

Мағрибийни машриқий этмиш Худой,
Бахш этиб Мағрибга Машриқдек чирой.
Нури ул шамсу шамус андоқ эрур,
Хосу омлар бошида порлоқ эрур[299].

Важд[300] ҳолининг энг мукаммал шакли Ҳақ жамолига етиш умиди ва орифнинг башарий сифатлардан фоний бўлиб, барча хатти-ҳаракатини Аллоҳ учун ва Аллоҳ йўлида адо этиш ҳамда зикр ва "самоъ" пайтидаги Аллоҳга бўлган пок муҳаббати туфайли завқу шавққа тўлиш, Аллоҳ сирларидан воқиф бўлишдир. Ўз даврининг бузургларидан деб танилган нишопурлик мутасаввиф, Абдуллоҳ Маҳдий Бовардий (ваф. X аср) мақомотнинг олий даражасига эришган. Унинг "важд" кайфияти масалани теран англаш имконини беради. Абдуллоҳ Бовардий темирчилик қилар ва темирни кўрада қиздирар эди. "Ўша кунда Ҳақ – собит ёлғиз Раҳмон учун бўлур"[301] деган оятни эшитгач, қалбида кучли ҳайбат ва ҳаяжон пайдо бўлиб, "важд" ҳолатига тушган ва қизиган темирни даст кўтарган, яъни Абдуллоҳ Бовардий учун ўша онда физика қонунларининг аҳамияти ўз кучини йўқотган, темирнинг иссиқ-совуқлиги аҳамиятсиз бўлган. Бундан кўринадики, "важд" кайфиятида инсон ўзидан соқит бўлади. Бу ҳолатни "ҳол" тилидан бошқача изоҳлаб бўлмайди, ҳатто сўз "ҳол" кайфиятини тўлиқ ифода эта олмайди.

---

[298] Лук А. Интуиция и научное творчество // Философские науки. – Москва: 1981. № 5. – С. 119-120.

[299] Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. I китоб. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 405.

[300] Важд – ҳаяжон, тўлқинланиш, ишқ ва муҳаббат, экстаз.

[301] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Фурқон сураси, 26-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 362.

Завқ (қалб қуввати) ориф қалбига Аллоҳнинг инояти туфайли ато этилган маърифат (ирфон) нуридир. Завқ ҳолатида айтилган сўзларда илоҳий ҳикмат мужассам бўлган. Хожа Аҳмад Яссавий завқни "жон ва иймоннинг ғизоси"[302] деб таърифлаган..

"Ҳол"нинг қурб, муҳаббат, шавқ, унс, мужоҳада, мушоҳада, мукошафа каби даражалари бўлиб, қурб (яқинлик) банданинг Аллоҳга яқинлиги, Унга иймон келтириб, Уни тил ва дил билан тасдиқлашидир. Қурб Аллоҳ Расулининг "меърож" кечаси Аллоҳ ҳузурига етганлари билан қиёсланади. "Отганингда, сен отмадинг, балки Аллоҳ отди"[303], яъни ориф ўзини масъул, мутасадди, бирон иш бажарувчиси деб билмайди. Дамашқлик мутасаввиф, маърифат ва ҳақиқат илмларининг билимдони Абу Бакр Дуққий (ваф. 969 й.) қурбни "Аллоҳдан ўзга барча нарсадан узилишдир"[304] деб изоҳлаган.

Қурбат (Аллоҳга яқинлик) манзилида ориф Аллоҳга "ихлос билан таважжуҳ қилгани (юзлангани) учун Аллоҳ унга раҳмат назари билан қарайди, ўртадаги "парда"ларни кўтариб, унга "тажалли" этади ва маърифат ҳосил бўлади. Аллоҳнинг сифатлари, олам ва инсоннинг моҳияти очилиб, бу кашфиёт Аллоҳнинг пок Зот экани ва инсон зотининг Аллоҳнинг бандаси эканини англаб етиш билан ниҳояланади.

Қурб банданинг саодатига сабаб бўладиган ҳар иш билан Аллоҳга яқинлашуви, аммо Ҳақнинг бандага яқинлиги эмасдир, аввало унга иймон келтириши, уни тасдиқ айлашидир, тоат билан қиём айлаш, "қоба қавсайн" (икки ёй оралиғи) ҳақиқати, итоат, яъни орифнинг Аллоҳ орзусида Аллоҳга яқинлашувидир. Ҳаким Термизий қурбат манзилини

---

302 Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 245.

303 Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 90.

304 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 133.

иккиликдан бирлик ҳолатига ўтиш сифатида ифодалаган: "Илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлган ориф "Аллоҳнинг кибриёсидан баҳра олиб кучга тўлади, фазлу карамидан симириб "жунун" ҳолига келади, "талаввун" (иккилик) ҳолатидан "фардоният" (бирлик) ҳолатига ўтади. Фардониятлик сифатидан Аллоҳнинг Ердаги "кўзи"га, унинг қудрати тимсолига айланади"[305].

Муҳаббат маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кучли туғённинг кўтарилиши, кўнгилнинг безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талпинишидир. Муҳаббатнинг ҳақиқати лутф билан ортмаслиги, жафо билан камаймаслигида, яъни қаерда иродат камол топиб охирига етса, жабр ҳар қанча кўп бўлса, муҳаббат зиёда (руҳий нурланиш, қалб ёришувининг кучайиши) бўлади. Аллоҳнинг бандасига бўлган муҳаббати уни балолар билан синаши, банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббати унга таслим ва таъзим қилиши билан изоҳланади. Муҳаббатнинг ҳақиқати унинг барча ҳолатларда келишмоғи, Аллоҳнинг зикрида давом этишлик орқали аён бўлади.

Эронлик мутасаввиф, ирфон илмининг нуктадони Изуддин Маҳмуд Коший (ваф. XIII аср) дейди: "Агар ўзлик ниқобидан кечсанг, ишқ, ошиқ, маъшуқ бирдир"[306], яъни ўзликдан кечган ва Аллоҳ ёди билан яшаган сўфий учун ишқ ҳам, ошиқ ҳам, маъшуқ ҳам Аллоҳдир. Халқнинг валийлар ва орифларга беқиёс ихлос ва эътиқоди айнан Аллоҳга бўлган муҳаббатлари ҳосиласидир. Валийлар ва орифларнинг таърифини ҳам бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, зеро, уларнинг донишмандлиги китоблардан олинган эмас, уларни муҳаббат, ишқ, илоҳий ҳақиқат даҳо даражасига кўтарган.

---

305 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 18-19.

306 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 345.

Донишмандлик эса ички сезги, ишқ ва таъб билан уйғун бўлган.

Муҳаббатнинг аввали ёлғиз Ҳақ билан бўлиш учун нафсни поклаш бўлса, муҳаббатнинг ростлиги маҳбубга итоат қилишдир. Абу Абдураҳмон Сулламий илоҳий ҳақиқат сари интилувчи орифнинг итоати кун сайин кучайишини эътироф этган[307].

“Тазкират ул-авлиё”да келтирилишича, суннийликдаги ҳанбалия мазҳабининг асосчиси, илоҳиёт олими Имом Аҳмад Ҳанбал (ваф. 855 й.) марвлик мутасаввиф, замонасининг қутби, “ҳидоят коргоҳининг омили”, “иноят боргоҳининг комили” деб улуғланган Бишри Хофий (ваф. 841 й.)ни зиёрат қилган ва уни “Ахборуни аниллоҳ” деб атаган. Имом Аҳмад Ҳанбалдан муҳаббат ҳақида сўрашганида “Бунга Бишри Хофий ҳақлироқдир”[308] деган. Бундан англашиладики, муҳаббат Аллоҳга яқинликнинг олий даражаларидан бири бўлса, муҳаббат аҳли, яъни Ҳақ ошиқлари илоҳий маърифат эгаларидир.

Ҳаққа бўлган ишқ азалий ва абадийдир. Зеро, ишқ Одам атодан мерос қолган. Ишқ муҳибнинг вужудини қамраб олса, у фақат маъшуқа (Аллоҳ)ни ўйлайдиган, бошқа нарса кўнглига сиғмайдиган бўлади, нафақат ғайрни, балки ўзлигини ҳам унутади. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий ишқни борлиқни билишнинг, Аллоҳ маърифатини англашнинг энг мақбул йўли деб билиб: “Ҳар не қилсанг ошиқ қилғил Парвардигор”[309] дейди.

Немис олимаси А.Шиммель ягона Аллоҳни севиш тушунчаси ва сўфиёна муҳаббат тарихини Робийа Адавийайанинг номи билан боғлаган[310].

---

[307] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфийайа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 18.

[308] Бу ҳақда қаранг: Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 27.

[309] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 104-105.

[310] Шиммель А. Жонон мининг жонимда. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 14.

Абу Бакр Колободий муҳаббатни икки турини ажратган: биринчиси, "хос ва ом" (яъни хусусий ва умумий) ёки иқрорий муҳаббат. Иккинчиси, вужудий. Бу муҳаббат бало неъматини юбориш йўли билан бўлади. Балони неъмат дейилишининг сабаби инсонни Аллоҳга боғлашда илоҳий имтиҳондирки, балони бежиз "авлиёнинг либоси" деб таърифланмаган. Бало туфайли ошиқ қалбида шавқ ва қувончнинг ортиши ёки камайиши, ишқ соҳибида ўз нафсига, халойиққа, сабабларга, ҳолатларга эътибор бериш бўлмайди, балки у Аллоҳ учун ва Аллоҳдан бўлган нарсалар эътибори билан тўла машғул бўлади[311].

"Ишқ" сўзи "муҳаббат" истилоҳидан фарқланади. Мутасаввифларнинг тасаввуфга берган таърифлари қанчалик хилма хил бўлса, ишқ ва муҳаббатга берилган таъриф ва тавсиф ҳам ранг ба ранг. Жумладан, "Кашф ул-маҳжуб"да Аллоҳнинг ишқнинг объекти бўла олмаслиги, чунки ишқ бир-биридан маълум масофага узоқлашганларда бўлиши, Аллоҳда ҳеч қандай масофа йўқлиги "Авваллари сўфийлар Аллоҳга қаратилган ишқ бўлади, лекин Аллоҳда ишқ бўлмайди" деб ҳисоблар эдилар. Бундай ҳиссиёт севганидан ажралганларда бўлади. Инсон Аллоҳдан ажралган, бироқ Аллоҳ инсондан айриликда эмас, шунинг учун инсон Аллоҳга муҳаббат қўяди, бу сўзнинг Аллоҳга дахли йўқ[312] деб изоҳланса, Шайх Нажмиддин Кубро ишқнинг инсон ҳаётини жўшқинлаштириш, фаол ҳаракатга келтириш ва мақсадга йўналтириш функциясини бажаришини таъкидлаган: "Муҳаббатнинг аввали шавқ ноқислиги боис олдин таважжуҳ билан бирликда бўлади. Муҳаббат ва ишқ ҳолига юксалгач, таважжуҳдан ажралади ва ҳар ёндан ҳар ёнга парвоз этган қуш

---

311 Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 92.

312 Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 307.

ҳолига етади. Ишқ инсоннинг юрак бағрини ёндиргувчи отащдир. У ақлни шоширтириб, кўзни кўр, қулоқни кар қилади. Аммо у энг улкан қўрқувни ҳам кичрайтириб, диққатни маъшуқага жалб этади[313]. Хожа Аҳмад Яссавий эса ишқни маърифат майдонига айлантирган: "То тириксан ишқ дафтари адо бўлмас"[314].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, муҳаббатни уч мезонда кўриш мумкин. Инсонлар ўртасидаги бир-бирига нисбатан кучли иштиёқ ва ҳаваснинг барча ҳислардан юқори турувчи Аллоҳга бўлган муҳаббат билан алоқаси йўқ. Бу биринчи мезондир. Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган ва Ўзига "яқин" қилишни истаган кишиларига илоҳий неъматидан "имтиёз" қилиб берган инъоми иккинчи мезон бўлса, муҳаббатнинг учинчи мезони Аллоҳнинг орифга сидқ, ишонч ва ишқ эвазига мақтов ўрнида берадиган инъомидир.

Шавқ Аллоҳга ишқ-муҳаббат ва дўстлик натижасида кўнгилда пайдо бўлган илоҳий истак, майл, интилиш, фақат ғойибга мансубдир. Шавқ бир тарафдан идрок қилиниб, иккинчи томондан идрок қилинмаган нарсаларга нисбатан бўлади, аммо мутлақ идрок қилинмайдиган нарсаларга нисбатан шавқ бўлмайди. Идрокнинг камоли кўриш билан намоён бўлади.

Шавқ кайфияти Аллоҳнинг сири бўлиб, шавқнинг дунёда ҳам, охиратда ҳам ниҳояси йўқ, шавқ охиратда Аллоҳ жамолини кўриш билан ниҳояланади. Басралик мутасаввиф Абу Саид Аъробий (ваф. 933 й.)нинг фикрича, шавқ фақат ғойибга мансубдир[315]. Демак, шавқ маҳбубга (севилувчи) нисбатан талаб ва кучли истак бўлиб, мавжуд нарса талаб қилинмайди. Ёр ишқи билан дардга тўлган кўнгил ҳамиша

[313] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 157.

[314] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 74.

[315] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 157.

шавқа тўлиб, ёниб туради, яъни шавқ муҳаббатнинг самарасидир.

“Унс” дўстлик, яқинлик, севинч, қалб хурсандлиги бўлиб, бу ҳолатда “севувчи (ошиқ)нинг севилувчи (маъшуқ)дан рози бўлади”[316], яъни Аллоҳнинг жамоли идрок этилиб, қалб ҳурсандчилик ва шодликка тўлади. Қалбдаги севинчнинг таровати инсоннинг юзида акс этади. Қалбдаги хафалик асорати ҳам инсоннинг юзида кўринади. Қуръонда ҳам “Уларнинг юзларида неъматларнинг таровотини (бир қарашда) билиб оласиз”[317] дейилган. Ҳақ муҳаббатининг ҳақиқати “унс”нинг давоми бўлиб, валийда Аллоҳга дўстлик ҳолати ғолиб бўлса, унинг истаги ёлғизлик ва хилват бўлиб, қалб маҳбуб билан дўстлашувдан қувончга тўлган. Чунончи, “унс” аҳлининг муножоти шу қадар таъсирли бўлганки, халқ бу сўзларни англамай, кўп ҳолларда куфрга нисбат беришган. “Унс”нинг ҳақиқий маъноси илоҳий жамолдан қалбнинг шодланиши, ҳаттоки, агар “унс” ғолиб бўлса, ғойибдаги нарсанинг мулоҳазаси ҳамда йўқотиш хатаридан холи бўлса, унинг саодати ва завқи улуғ бўлади[318].

“Унс” ҳолида “сукр” ёки “жазба” ҳолида халқ тушунмайдиган ва қабул қилмайдиган сўзлар айтилган. Бу “шатҳия”, яъни тўлиб-тошиш, жазба ҳолатида кучли таъсирланиш ҳолатидаги илоҳий ишқ беҳушлиги деб баҳоланган. Жумладан, Аҳмад Абулҳаворийнинг хотини, дамашқлик Робиаи Шомия риёзату тақвода бениҳоя бўлган. Унинг “унс” ҳолидаги муножотларида илоҳий ишқ машраби экани “Сени (Аллоҳ) қалбимда сирдош ва суҳбатдош қилдим, кимки мен билан улфатчиликни хоҳласа, жисмимни топширдим. Жисмим суҳбатдош билан, қалбим жононим

[316] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 89.
[317] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Мутаффифин сураси, 24-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 588.
[318] Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби (араб тилидан таржима). Таржимон Ғиёсиддин Жалол. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 109.

(Аллоҳ) билан улфатдир”[319] деган сўзларида акс этган. Унинг илоҳийлари шу даражада таъсирли ва кўнгилга яқин бўлганидан замондошлари “Висол субҳи маъшуқи” деб улуғлашган.

Мужоҳада (жидду жаҳд) нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, ҳар қандай машаққатни ўзига раво кўриш, шиддатли руҳий риёзатдан кейин валийнинг ўз нафси устидан ғалабасидир. Мужоҳада орқали орифнинг муҳаббати яна бир бор синовдан ўтиб, Аллоҳга таслим этган. Таом вужуд, нафс ва шайтоннинг қувват манбаи бўлгани учун вужуд нафсининг истак, ирода ва ихтиёрини тарк этган, қалбни Аллоҳга боғланган.

Инсон руҳияти ва рангларнинг ўзаро диалектик таъсири, этимологияси (келиб чиқиши), орифнинг мужоҳадага берилган эмоционал ҳолатида теран ифодаланган. Мужоҳада чоғида нафс зуҳур этганида вужуд (аура) кўк рангда бўлган бўлса, мужоҳада орқали покланган вужуд оқ тусга кирган. Нафс қурбони бўлган инсоннинг вужуди қирмизи, фисқ-фужур, гуноҳ билан тўлган вужуд қора, муршид тарбиясига боғланган соликнинг вужуди мовий, сулукни охирига етказган соликнинг вужуди оқ, мужоҳада чоғида нафс зуҳур этганида вужуд кўк, мужоҳада орқали покланган вужуд оқ, мушоҳадага берилган орифнинг вужуди яшил рангда бўлган.

Ранглар орифнинг руҳий ҳолати, Аллоҳ томон сафаридаги даража-мақомини кўрсатган Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашиниб туриши соликнинг аҳволи, қалбий-шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, “талаввун”, яъни ботиний-тафаккурий туйғуларнинг турли-туманлигини англатган. Зангори ранг соликнинг тавба қилиб, тариқатга кириши ифодаси бўлса, сариқ ранг солик қалбида муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва Аллоҳ ёди билан яшашини

---

[319] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 486.

билдирган. Қизил ранг соликнинг руҳи вужуддан ажралиб, маърифатга яқинлашгани ва маънавий моҳиятни англашида акс этса, оқ ранг қалбнинг покланишига ишора бўлиб, ҳақиқатни англаш ана шундан бошланган. Яшил ранг қалбнинг ҳузури, кўнгилнинг фараҳи, ботиний гўзалликнинг руҳдаги завқу шавқи, кўзнинг равшанлиги ифодаси бўлган[320]. Яшил ранг валийликдан нишона бўлиб, "сирр ул-асрор" дейилган. Ҳаким Термизий инсон нима учун яшил рангни афзал билишини қуйидагича изоҳлаган: "Руҳ Арш яшиллигидан яратилган. Руҳ бошдаги яшил жойдадир. Инсон яшиллик ҳолатини дўст тутади. Юксаклик ва гўзалликни яхши кўради"[321].

Ранглар Ҳақ аҳлининг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарини англатган. Қора ранг валийнинг Аллоҳдан халқ сари қайта сафарини билдириб, "канз ул-асрор", яъни сирлар хазинасини эгаллаш, ҳайратни ифодалаган бўлса, маънавий камолотнинг олий даражасини эгаллаган орифда бир ранглилик ёхуд рангсизлик ҳолати пайдо бўлган.

Инсон танасининг кўкрак қафасида жойлашган беш жойи "қалб" (чап сийна ости), "руҳ" (ўнг сийна ости), "сирр" (чап сийна усти), "хафий" (ўнг сийна усти), "ахфо" (чап ва ўнг сийна устининг ўртасидаги нафас йўли)га хуфиёна зикр айтилган. Уларнинг ўз ранги бўлиб, "қалб" сариқ, "руҳ" қирмизи, "сирр" оқ, "хафий" қора, "ахфо" яшил рангдадир.

Шайх Нажмиддин Кубро етти ранг сифатини етти тасаввуфий истилоҳга адаптация қилиб, соликнинг ирфон йўлида эгаллаган мартабасини ранглар ва мақомлар билан мувофиқлигини кўрсатган. Жумладан, оқ ранг "ислом", яъни покланиш, муриднинг исмат, поклик, маъсумлик ва

---

[320] Бу ҳақда қаранг: Isaqova Z.R. Philosophical-epistemological interpretation of colors // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11, Issue 1. – India, 2021. – P. 255.

[321] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 26.

тўғриликни қўлга киритгандагина “тариқат” йўлига киришини акс эттирган. Сариқ ранг “иймон”, яъни Аллоҳга бўлган кучли муҳаббат, ҳаётнинг Аллоҳ номи билан бошланиши рамзини билдирган. Зангори ранг илоҳий марҳамат, яъни эҳсон, ўзига янги ҳаёт бағишлаш, инсоннинг ўзи ҳақида тафаккур қилиши, гуноҳдан покланиши, оддий ҳаёт тарзидан маънавий-руҳий камолотга интилишини англатган. Яшил ранг “итминон”, яъни ишонч, “тавба” мақомидан сўнг, “иймон” йўлига кириш жараёнини, ёмон фикрлар ва ёмон амаллар, “ҳаром”дан халос бўлиш ҳолатини, Аллоҳ томонидан ман этилган амалдан тийилишни, “ҳалол”га ўтиш рамзини ифодалаган. Мовий ранг “ийқон”, яъни хотиржамлик, ҳақиқий ишонч, мурид қалбининг Аллоҳга ҳақиқий иймон билан тўлиқ вақтидаги ҳолатини кўрсатган. Қизил ранг “ирфон”, яъни англаш, руҳнинг жисмдан ажралиб чиқиши, руҳ тарбияти, руҳият оламини идрок этиш рамзи бўлган. Қора ранг “ҳайрат”, яъни руҳнинг илоҳий оламнинг остонасигача яқинлашиши, Аллоҳни англаш, илоҳий оламдан завқланиш, ҳайратланиш, илоҳий ишқ рамзи)ни англатган[322].

Инсон руҳининг маънавий юксалиши, камолотга кўтарилиши ранглар орқали теран акс этганки, тубанликдан юксакликка кўтарилишда даставвал қора ранг бўлиб, йўл масофасида қизғишга айланиб, илоҳий васл вақтида яшил тусга кирган. Рангсизлик илоҳий ҳақиқатни англаш белгиси бўлиб, “латоиф” (қалбга нозик, латиф, маънавий-руҳий ҳиссиётнинг қуйилиши) назарияси бўйича, ориф қора ранг тасарруфидан чиқиб, мақсад “ҳақиқат”га эришган ва илоҳий оламнинг заррасига айланган. Шайх Нажмиддин Кубронинг ранг ва шакллар ҳақидаги қарашлари ирфон аҳли томонидан маъқулланган. Ранглар тартиби ўзгарган бўлса ҳам, айнан қора

[322] Қаранг: Исҳоқова З. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: O‘zbekiston, 2013. – Б. 108-109.

ранг ҳайрат белгиси ҳисобланиб, инсон руҳининг “фано” мақоми рамзига айланган[323].

Инсониятнинг бугунги кунгача эришган барча ютуқлари унинг тафаккури ва руҳий-маънавий оламида ўз ифодасини топганки, қарийб етти юз йилдан сўнг Оврўпада инсон ҳислари, ақлидан ташқари яна бир куч борлиги ҳамда у инсоннинг бехудлиги чоғида илҳом билан қўлга киритилиши ҳақидаги қарашлар илгари сурилиб, янги илмий ғоя ва қарашларнинг вужудга келишига замин яратган.

Мушоҳада Ҳақдан етадиган ирфон нури бўлиб, кўриш, томоша қилиш, шоҳидлик, Аллоҳнинг бирлиги ва борлигига тўлиқ ишонч деган маъноларни англатади. Бу ҳолатда ирфон соҳибининг “қалб парда”лари кўтарилиб, қалб кўзи ёришади. Бунинг фалсафий таҳлилини қуйидагича изоҳлаш мумкин: мушоҳада ибтидода сурат, яъни мавҳум нарсаларнинг ташқи кўриниши, шакллар ва хаёллар билан пайдо бўлади. Интиҳода эса юқорида тилга олинган омиллар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай, сийрат суратнинг, мазмун шаклнинг, фаҳм-фаросат хаёлнинг, сукут сўзнинг ўрнини эгаллайди. Бу сўзнинг қалбда экани, тил эса қалбга далил бўлиши, сўз қалбнинг амри билан айтилишини кўрсатади.

Мукошафа (тафаккур қилиш) орифнинг тафаккурга чўмиб турган пайтида хаёлида содир бўладиган кашфдир. Қалбда илоҳий сирлар мазҳари ботин кўзининг очилиши, кашф-кароматга йўл очган. Тасаввуф оламни “Карам” (Аллоҳ исмларидан бири) ичида кўришдирки, каромат (акром, шараф, карам, лутф ва эҳсон) руҳий-маънавий камолотга эришган валийда феноменал, фавқулодда ғайритабиий ҳолат зуҳури ва ҳайратланарли воқеа-ҳодисалар бўлиб, “Марям” ва “Асҳоби Каҳф” сураларида акс этган[324].

[323] Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Тошкент: Abu matbuoт-konsalt, 2011. – Б. 122.

[324] Қаранг: Isaqova Z.R. The problem of karamat in the teaching of sufism: philosophical and epistemological interpretation // ЎзМУ хабарлари. Вестник НУУз. Acta NUUz. – Тошкент, 2021. – № 1/5/2. – Б. 86.

Ирфон нуқтаи назаридан валоятда каромат энг қуйи даражададир, яъни бир валийнинг камида мингта мақоми бўлса, унинг аввали кароматдир. Кароматдан юқорироқ, ошкор-яширин олий мақом ва даражалар ҳам бор. Бунинг далили шундаки, ҳар ким солиҳлик даражасини топган бўлса, унинг мақоми каромат бисоти бўлади. Ҳар ким авлиёлик даражасига етишган бўлса, унинг даражаси унс, яъни Ҳақ дўстлиги бўлади. Ҳар ким орифлик даражасига етган бўлса, унинг мақоми маърифат (ирфон) бўлади. Ҳар ким нубувват даражасида бўлса, унга қурб (Ҳаққа яқинлик) мақоми муяссар бўлади[325].

Илоҳий каромат[326] Аллоҳ билан инсон орасидаги яширин "парда"ларни очишдир. Балки шунинг учун аксарият валийлар кароматни тан олишмаган, айримлари кароматни яшириб, риё бўлишидан қўрқишган, Аллоҳ ва ўзлари ўртасидаги сирни муҳофаза қилишган. Лекин бу валийлар ғайбни билади, ғайбдан ҳабардор дегани эмас. Акс ҳолда каромат хурофот ва бидъатга ўралиб қолган бўлар эди. "Қуръон"да ҳам "Осмонлар ва Ерда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмас"[327] деб огоҳлантирилган.

**Диққат** ирфоний билишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги концепцияга асосланади: намоз танани, кундалик вирдлар фикрни бошқариш учун, зикр қалбни, фикр (тафаккур) онгни тозалаш учун, касб руҳият соҳасига, машғуллик фориғлик соҳасига кириш учун, амал "фано" даражасига етиш учундир. Бу концепцияни амалиётда мунтазам қўллаш орқали камолотга эришилади.

**Узлат** (танҳолик, хилват, ёлғизликни ихтиёр қилиш) ҳеч нимага боғланмаслик, дунё ғавғоларидан фориғлик, қалб ва

---

[325] Бу ҳақда қаранг: Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 107.

[326] Илоҳий кароматлар / Тўпловчи ва таржимон Иброҳим Ҳаққул. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 5-26.

[327] Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Намл сураси, 65-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 383.

фикрнинг муҳофаза этилишидир. Аллоҳ Расулининг Ҳиро тоғида ўтказган узлатдаги ҳаёти сўфий учун намунадир. Узлат қалбнинг тафаккур қилиши, қалбнинг Аллоҳ билан ёлғиз қолишидир. Узлат шайх ёки муршиднинг раҳнамолиги ва кўрсатмалари асосида муриднинг "узлат"да ибодат ва зикр орқали Аллоҳ билан зоҳиран робитаси, руҳий камолотга эришиш воситасидир. Тасаввуфнинг амалий усули, яъни хилват "кўнгилни поклаш стационари" бўлган. Ҳақиқат талабидаги орифнинг қирқ кун ибодат билан "эътикоф"[328]да ўтириши ўнта шартда тизимли ифодаланган.

**Зикр** орифнинг таомидир[329]. Зикр ирфоний билишнинг усули сифатида уч мақомга эга. Биринчиси, қалб билан адо этиладиган зикр бўлиб, зикрда зикр қилинаётган сўз ёддан чиқарилмаган бўлса ҳам, давомли зикр қилинади. Иккинчиси, зикр этилаётган сўзнинг сифатларини зикр қилищдир. Учинчиси, зикр этилаётган нарсани кўриш. Зокир У (Аллоҳ)нинг сифатларини зикр этиш чоғида ўз инсоний сифатларини унутади ва У (Аллоҳ)нинг зикрида фоний бўлади[330].

Зикр аҳлининг "мойиллик", "иродат", "муҳаббат", "ишқ" каби тўрт мартабаси бўлиб, биринчи мартабага эришган зокир тўртинчи мартабани эгалламагунича, руҳига "уруж" (кўтарилиш) муяссар бўлмайди.

**Ҳуррият ва балоғат** ирфоний билишнинг ўзига хос усулларидирки, ҳар бир нарсанинг ниҳояти балоғатдир, ғояти ҳурриятдир. Ҳуррият орқали инсоннинг ҳою ҳаво бандларидан озод бўлиши англашилади. Мева дарахтда етилиб, ўз ниҳоясига етса, "болиғ" бўлди (пишди, етилди) дейилса, пишган мева шохидан узилиб, ерга тушса, "ҳур" (узилган)

---

[328] Ислом. Энциклопедия. З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 263.

[329] Исҳоқова З. Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – Б. 29.

[330] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 88.

дейилади. Шунинг учун ҳам инсоннинг ботини ҳуррият олами[331] деб таърифланган. Мана шу ҳуррият негизида руҳий шижоат, улуғворлик мужассамдир.

Ниҳоятнинг аломати ўз бошланиш нуқтасига етишидир. Ўз бошланиш нуқтасига етган нарса ниҳоятга етган бўлади. Эрта баҳорда буғдой уруғи ерга сочилса, униб-ўсиб, бўй чўзади. Бошоғи пишиб, етилади. Ворислик қонунига кўра, ҳар бир нарсанинг меваси унинг уруғидир. Ўз уруғини ҳосил қилганида ўз бошланишининг ниҳоясига етган бўлади. Шу ерда доира тугайди ва етуклик вужудга келади. Доира бошланғич нуқтасига етгач, тугал бўлади. Ақл оламида идрок ақл сурати бўлса, жисм руҳнинг қолипи, мулк олами малакут олами кўринишидир. Малакут оламининг уруғи ақл бўлиб, ақлдан келиб, яна ақлга қайтади, улар Аллоҳдан келиб, яна Аллоҳга қайтадилар. Орифнинг ниҳояти маънавий етукликда намоён бўлади.

**Тамкин** (қалб хотиржамлиги) ирфоний билиш усули сифатида "аҳли дил"нинг энг юқори, Ҳаққа етишиб, ором оладиган сўнгги манзилидир. Бу "Тоҳа" сурасининг 12-оятида келтирилган Мусо пайғамбарнинг "тамкин" манзилига етганида унга чориғини улоқтириши ва асо (таёқ)ини ташлашини амр қилиниши билан изоҳланади.

Ориф "тамкин" мақомига етишганида бу мақом билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир сифат (ҳолат)дан иккинчи сифат(ҳолат)га ўтиш ("талвин") рўй беради. Тамкин мақоми Аллоҳ Расулининг "меърож"га чиқиши ва бу мақомда ҳам "мутамаккин" даражасида қолиши, яъни барқарорликни англатса, "талвин" (талаввун) Мусо пайғамбарнинг Сино тоғида илоҳий улуғворликнинг шоҳиди бўлиб, бир ҳолат (ҳушёрлик)дан иккинчи ҳолат (беҳушлик)га ўтиши билан изоҳланади. "Тамкин" мақомига эришган ориф Ҳақ висолига лойиқ бўлгани сабабли "мутамаккин" бўлиб, қалб

[331] Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 113.

хотиржамлигига эришади ва ҳеч қандай “ҳол”лардаги ўзгаришларга учрамайди[332].

Ҳозирги даврда жамият онги ва ижтимоий воқелик тажрибасида ирфон илмининг альтруистик моҳиятини англаш муҳим бўлиб, инсоннинг ўз-ўзи билан муроса қилишга, ўз-ўзини инкор қилишдан тўхтаганидан сўнг табиатга, миллатга, жамиятга, борлиққа, оламлар Яратувчиси Аллоҳга, тақдирга нисбатан келишув, фаталистик конвенция шаклланади.

Инсоннинг нигоҳини билимсизлик пардаси тўсиб турар экан, у ўзини абадий борлиқ (Аллоҳ)дан алоҳида, ўзига хос, алоҳида олам деб ҳисоблайди. Қалб кўзи очилганда ботиний (ички) ва зоҳирий (ташки) тафовутлар йўқолиб, инсон абадий (Аллоҳ) борлиқнинг зарраларидан бири эканлигини тушуниб етади. Ирфоний билиш инсоннинг руҳий-маънавий юксалиши учун ички ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажаради. Ирфон Аллоҳни Унинг сифатлари орқали билиш, маънога етиш, Ҳаққа етишиш илмидирки, инсон маърифати билан яхши инсонлар зумрасига қўшилади, иймони қувват топади.

Аллоҳга яқинлашувнинг камолот пиллапоялари бўлиб, тариқат пири Ҳақ йўлчисининг ўз мақсадлари сари оғишмай интилишида ғоявий раҳнамо вазифасини ўтаган. Бундан ташқари, муроқаба (ўзини ўзи бошқариш), муҳосаба (ўзини ўзи тафтиш қилиш), маломат, зикр, тафаккур, таваккул, таслим, ризо, Яратганга ва махлуқотларга бўлган муҳаббат ҳам Аллоҳга яқинлик воситалари бўлган.

## II боб юзасидан хулосалар

X-XIII асрларда Шарқ фалсафий тафаккур ривожида руҳий-ҳиссий (ирфоний) билиш муҳим ўрин тутган. Ирфон аҳлининг ўз тафаккур услуби бўлиб, ирфон илмини ифодалаш

[332] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 372.

ва ўзлаштиришнинг интровертив механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи воситалари шакллантирилган. Бу давр тасаввуфнинг "илоҳий ишқ таранними"[333]га йўл очган. Ирфон идрок (хаёл, тазаккур, хотира (ҳифз), ёдлаш, таваҳҳум (эҳтиёткорлик)[334], илм, ахлоқ, қалб, ҳикмат истилоҳлари билан ўзаро диалектик боғлиқ ва улар бир-бирини тақозо этган.

Ирфон диний-ижтимоий ҳодиса сифатида борлиқ ва билишнинг моҳиятини ўрганишнинг рационал билишга "тескари" бўлган алоҳида шакли ва иррационал билиш усулидир. Рационал билишнинг асоси ақл ва идрок бўлиб, муайян тизим ва шакл доирасида бўлади. Ақл орқали ҳикматга эришилади. Ақл макрокосмик ҳақиқатнинг микрокосмик аксидир. Иррационал билишда ақлнинг ўрни чегараланган ёки рад этилган ҳолда ботиний сезгига асосланади, чунки пайғамбарга мўъжиза, валийга илҳом орқали намоён бўлган воқеа-ҳодисани бошидан кечирмаган инсон ҳис қила олмайди, англаб ета олмайди. Инсон фоний оламдаги энг мураккаб ва унга боғлиқ бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг аслида Аллоҳнинг марҳамати, неъмати эканини кейинроқ ва кечроқ тушунади.

Ирфоний билиш генезиси моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашиш орқали унинг фалсафий моҳияти тўғри англанади: ирфон илми ислом дини билан ҳамоҳанг вужудга келган. Аллоҳнинг Расули ва саҳобаларининг ҳаёти, турмуш тарзи, тафаккурида сўфийлар одоби ("аҳли суффа") ва маънавияти амалда мавжуд бўлган.

Ирфон фалсафасининг асосида оламни билишнинг объекти ва субъекти муаммоси, завқ, жазба, ботиний ва зоҳирий илм муштараклиги, эмпирик (ҳиссий) ва рационал (ақлий) билиш муносабати, ирфоний билиш даражаси, "ҳол"

---

[333] Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 18.

[334] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. I китоб / Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 35.

ва “мақом”, маърифатнинг орифона таҳлили, ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси мужассамдир.

Ирфоний билишнинг моҳиятига тарихийлик, мантиқийлик ва тизимлилик тамойиллари нуқтаи-назаридан ёндашиш орқали унинг билиш назариясидаги ўрнини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг интровертив хусусиятини детерминик аниқлашда унинг тушунча сифатидаги ўрни ва мазмунининг объектив этимологияси, диалектикаси ва унинг объектив ёки субъектив хусусиятини белгилаш, тадқиқот жараёнида йўл қўйиладиган хатоларни олдини олиш билан бирга, ўрганилаётган воқеа-ҳодисанинг аҳамиятини ҳар томонлама тадқиқ этиш талаб этилади. Бу талабдан келиб чиққан ҳолда, тасаввуфни уч тарихий босқичлар: тасаввуф илми генезисигача бўлган, тасаввуфдаги, тасаввуфдан кейинги босқичга ажратилди.

1. Тасаввуф илми генезиси (шакллангунга қадарли)гача бўлган босқич маънавий-ахлоқий етуклик, моддий қадриятлардан узилишни назарда тутадики, натижада онг тафаккур стреотип (мияда қаттиқ ўрнашиб қолган тор фикрлар, из, муҳр)лар ва хилма хил тасаввурлардан халос бўлиб, онг остининг энг чуқур қатламларига шўнғиш, ўзга оламлар билан муносабатга киришга тайёрланади.

2. Тасаввуфдаги босқич инсоннинг Яратувчи жамолини жаннатда кўриш умиди унинг “мен”ининг “йўқ бўлиши”, парчаланиб кетиши, “ўлиши” ва Аллоҳ “мен”лигида тирилиши билан изоҳланади.

3. Тасаввуфдан кейинги босқичда дифференциация (ажралиш) содир бўлади ва онг янгича тафаккур билан ўз ҳолатига қайтади. Ирфоний билиш усуллари моҳиятни тўлалагича англаш имконини беради, бунда ақлий далил ва таҳлилларга ўрин қолмайди. Ирфоний билиш усули “ваҳий” ва “илҳом” бўлиб, илк тасаввуф мактаблари намояндалари

ирфоний суҳбатларда “ишора”, “муомала”, “фикр”, “кашф”, “ҳол”, “хотир”, “нафс офатлари илми”дан фойдаланишган.

Ирфоний билиш усули “мақом” ва “ҳол” тизимида шакллантирилиб, онгнинг фазовий ўзгариши (таомилга мувофиқ бўлган уч ўлчамли оламдан бир неча ўлчамли оламларга маълумот узатиш ва маълумот қабул қилиш)га эришилган, яъни ориф илоҳий муҳаббат кучи орқали Ҳақни кашф этадики, илоҳий муҳаббат Аллоҳнинг ориф қалбидаги сири бўлади. Илоҳий муҳаббат замирида илоҳий баркамоллик мужассамдир.

Илм манбаи кашф бўлиб, ҳар бир орифнинг билими асллиги, ўзига хослиги, янгича интерпретацияси, оригиналлиги билан ажралиб туради. Борлиқ ва Аллоҳнинг бирлигини қалбан кўриш, дунёнинг Худога имманентлиги (унинг фаол табиатидан келиб чиқиши) унинг ботиний моҳиятга асосланган муносабатида англашилади. Сабаб (Аллоҳ) ва оқибатнинг (олам) ўзаро мавжудлиги масаласини мантиқий тафаккур билан ҳал этиб бўлмайди, аксинча, каузаллик (сабаб ва оқибат муштараклиги) ботиний билиш орқали ечим топади.

# III БОБ. МУСУЛМОН ШАРҚИ ФАЛСАФАСИДА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА ДИНИЙ-ТАСАВВУФИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

Шарқ фалсафаси ривожида ирфон илмининг ижтимоий тараққиёт иерархиясида тутган ўрни, ирфоний билишнинг ислом дини, хусусан, Аллоҳнинг Расули ва орифнинг маънавий камолотига таъсири, билишнинг олий даражасига етишнинг намунавийлик хусусияти қуйидаги аспектда намоён бўлади:

биринчидан, ирфоний билишнинг интровертлиги (ўзига хослиги) унинг борлиқнинг моҳиятини англаш билан белгиланадики, бунга билишнинг бошқа усуллари орқали эришиб бўлмайди. Зеро, рационал билиш, аввалги фаслда эътироф этилганидек, муаммонинг айрим томонини таҳлил қилишга қисман ёрдам берадики, тушуниш тажриба ва "фаросат" натижасидир;

иккинчидан, ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўз тадқиқот усули бўлганидек, маълум жисмни ўлчашга мосланган асбоб билан бошқа жисмни ўлчаш тўғри келмайди, яъни ҳар бир мавжудотнинг емиши турлича, асаларининг емиши ўргимчакка, пашшанинг емиши асаларига тўғри келмайди. Шу каби амалда ишлатилмаган илм кераксиз тош мисоли. Абу Ҳанифа дейди: "Билимингизни амалда ишлатинг, чунки амалиётсиз билим жонсиз тана кабидир"[335];

учинчидан, ирфоний билишда идеал (тимсол) ва "идея" (ғоя) тушунчалари асосий ўринни эгаллайди, яъни моддий олам ўз-ўзича мавжуд эмас, у Аллоҳ томонидан яратилган. Аллоҳ бошқаради. Худо Мутлақ руҳ, абадий ва азалий вужуд, яъни Ҳақ ҳам, ҳақиқат ҳам Унинг Ўзи. Аллоҳ яратган олам ўзгарувчан, фоний, ўткинчидир (ҳақиқий эмас);

тўртинчидан, инсон моддийлик ва руҳонийлик (илоҳийлик) уйғунлиги ифодаси бўлиб, у илоҳийликка

---

[335] Яковлев Л. Суфии: восхождение к истине. – Москва: Эксмо, 2003. – С. 459.

интилса улуғворликка эришади, ҳақиқатни топади ва абадий оламга ассоциациялашади (қўшилади).

Юқорида келтирилган мантиқий далилар асосида айтиш ўринлики, руҳонияти етук, илоҳий оламга восил бўлган ва унинг сирли ҳикматларини англаган зот (расул, набий, валий, ориф, муршид)лар улуғланган, уларга эргашилган. Халқ улар сиймосида Яратувчига хос илоҳийлик, сакраллик, нурлиликни кўрган. Улар идеаллаштирилиб (бўрттирилиб), барча учун ибрат, намуна деб қаралган. Қилган ишлари, айтган сўзлари, маърифатли суҳбатлари "ҳидоят" сифатида қабул қилинган. Шу тариқа орифлар ва валийлар етуклик тимсоли бўлишган. Халқ улар ортидан эргашиб, уларга тақлид қилиб яшашга интилган. Бунинг замирида руҳоний раҳбарга, таскин ва қалб осойишталигига эҳтиёж мужассам бўлиб, ижтимоий ҳаётда Аллоҳ ва Унинг пайғамбари, миллат учун одоб-ахлоқда намуна бўла оладиган ориф ва валий ана шу консьюмеризм (кучли маънавий эҳтиёж)ни қондирган. Бу эса поклик, адолат, ҳақиқатни қўмсаш ва унга интилиш натижаси, деб баҳоланади.

## 3.1-§. Ирфоний билиш концепциясида набийлик ва валийлик муносабати диалектикаси

Диний адабиётлар, айниқса, шариат ҳукмлари, ақида масалалари ёритилган асарларда, шунингдек, калом илми, файласуфлар, тасаввуф назариётчилари ёзган рисолаларда набийлик мақоми, пайғамбарлик даражалари, валий ва орифнинг набий билан қиёси, муштарак ва фарқли томонлар устида мулоҳазалар анча. Чунончи, набий "Аллоҳ томонидан инсониятни тўғри йўлга чорлаш учун элчи қилиб юборилган, танланган зот" дейилади. Аллоҳнинг пайғамбарлар юборишида улкан ҳикматлар бор, яъни улар Аллоҳни танишда халққа раҳнамо бўлганлар, моҳиятига етиш қийин баъзи яхши

ва ёмон ишлардан хабардор қилиш, гўзал ахлоқни ўргатиш учун юборилганлар.

Пайғамбарлар бир-биридан фазли ва даражаси билан ҳам фарқланади. Баъзи пайғамбарлар бир қабила ёки бир авлодга, яна бирлари бир умматга ва баъзилари барча уммат ва авлодга юборилган бўлади[336]. Улул азм пайғамбарлар – Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо (а.с.) бўлиб, иймон йўлида мусибатларга улкан сабр-матонат билан бардош берганлар.

Аллоҳ Ер юзига 124 минг пайғамбарни юборган бўлиб, улардан 313 нафари Расул мақомида бўлган. "Қуръон"да 25 нафар пайғамбар зикр қилинган. Набий (хабар келтирувчи) пайғамбар, расул сўзлари маънодош (синоним) сўзлар сифатида қўлланади. Аммо унинг маънолари орасида фарқ бор. "Қуръон"га кўра, набий Аллоҳ томонидан танланиб, халққа элчи қилиб юборилган ва ваҳий келтирувчи киши[337]. Пайғамбар ҳам шу маънода келади. Расул рисолат келтирган пайғамбар, яъни китоби бор набий. Шу маънода Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад пайғамбар ҳам набий, ҳам расул бўлиб, у зотларга "Таврот", "Забур", "Инжил", "Қуръон" каби илоҳий китоблар туширилган. Аллоҳнинг Расули (ваф. 632 й.) шариатни янгилаган, "набийликни охирига етказган" охир замон пайғамбаридир. Пайғамбар сўзи форсча бўлиб, "пайғом, яъни хабар етказувчи" деган маънони англатади. Расулни "пайғамбар" деб айтилса ҳам, набий бандалар ичидан танлаб олинган бўлиб, Аллоҳдан муҳим хабар унга "ваҳий" орқали етади. Расулнинг зиммасида ўзига келган пайғамбарликни инсонларга етказиш масъулияти бўлса, набийда бундай ваколат йўқ, яъни набий Аллоҳдан келган хабарни халққа етказиши ҳам, етказмаслиги ҳам мумкин бўлади. Масаланинг

---

[336] Қуръони Карим маъноларининг таржима в тафсири. Бақара сураси, 253-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 38.

[337] "Ана шу ғайб хабарларини Сенга (Аллоҳнинг Расули) ваҳий қилмоқдамиз". Бу ҳақда қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ҳуд сураси, 49 оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 227.

яна бир жиҳати бўлиб, расул янги шариат билан келса, набий ўзидан олдинги шариатга амал қилади, набийнинг зиммасида шариатни янгилаш вазифаси бўлмайди.

Нубувват мақоми улуғ даража бўлиб, набий Ҳақ таолодан тушган ваҳий-амрларни ҳаётга жорий этиш, шариат асосларини барпо этиб, илоҳий ҳукмларни жамият ичида қарор топтириш, одамларни чин инсонийлик йўлига ҳидоят этиб, уларга ҳар ишда ўрнак бўлиш ва эзгу ахлоқни сингдиришга масъул бўлган. "Қуръон"да Аллоҳнинг Расулига нисбатан набий сўзи ўттиз марта, жумладан, ўзаро муносабатлар, никоҳ, мерос, ўлжа тақсимлаш масалаларида қўшилиб кетган.

Аллоҳ Расулининг набийлик таърифига келганда, ҳар томонлама ва чуқур талқинга эҳтиёж туғилади. Набийлик Аллоҳнинг Расули ҳақиқатининг зоҳирий борлиғи, яъни набий ҳақиқати жиҳатидан барча пайғамбарлардан олдин, моддий борлиғи жиҳатидан улардан кейин яратилганки, "Ҳақиқати Муҳаммадия" борлиқнинг моҳият-мағзини ташкил этадики, у орифлар талқинида "Ақли кулл"дир. "Ҳақиқати Муҳаммадия" Аллоҳнинг мукаммал исмлари мазҳари (зуҳур этиши), яъни Аллоҳ "сакрал" (муқаддас) ҳақиқати ва мартабасида борлиқдаги барча исмларга зуҳур ва "тажалли" этганидек, барча исмларининг мазҳари бўлмиш комил инсон (Аллоҳнинг Расули)да бу зуҳурланиш юқори, аввал бўлиши керак[338].

"Комил инсон"нинг мукаммал тимсоли Аллоҳнинг Расули бўлиб, унинг нури-ҳақиқати Аллоҳ дастлаб яратган "ақли аввал" мартабасидадир. Шу маънода, авлиёуллоҳ Алоҳ Расулининг маънавий ворисларидир. Бундан англашиладиган ҳақиқат шуки, "комил инсон" Аллоҳнинг Расулидир ва ҳеч ким илмда ҳам, одобда ҳам, ҳилмда ҳам, зукколикда ҳам, ғайратда ҳам, маърифатда ҳам Аллоҳнинг Расулига тенг кела олмайди.

---

[338] Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Теҳрон: Пирўз, 1350. – Б. 325.

“Қуръон”да “Аллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир”[339] дейилган. “Нур” деганда илоҳий ҳақиқат назарда тутилади. Тасаввуф фалсафасига кўра, Аллоҳ таоло аввал Аллоҳ Расулининг нурини яратган. Сўнгра шу нур туфайли олам ва одамни яратган. Бу каби қарашлар Шайх Нажмиддин Кубронинг “Пайғамбар нури Аллоҳнинг иззат нуридан, валий ва мўминнинг нури пайғамбар нуридандир”[340] деган қарашлари билан далилланади. Демак, борлиқнинг асосида “Нури Муҳаммадий” ёки “Ҳақиқати Муҳаммадия” ётади. Ҳақиқий нур биттадан ортиқ эмас ва у илоҳий нурдир. Илоҳий нур ҳеч ким ва ҳеч нарсага мансуб эмас, чегараланмаган, интиҳосиздир. Борлиқ эса “минглаб сифат билан “тажалли” этган ва анвойи кўринишларда зуҳур этган илоҳий нур”[341]дан иборатдир.

Азизиддин Насафий “Зубдат ул-ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи) асарида борлиқ (Аллоҳ)нинг онтологик ҳақиқатини очиб берган: “Аллоҳ борлиқнинг туб асосини ташкил этади”[342]. Бу ирфоний билишда Ягоналик (Аҳадият) қисмларга ажралиш мутлақ йўқ бўлган яхлит системани ифодаласа, софлик тушунчаси на моддийлик, ва на руҳийлик хоссаларига эга бўлмаган индивидуал (ўзига хос) моҳият мавжудлигини англатади.

Азизиддин Насафийнинг борлиқни Аллоҳ билан бирбутунликда тушунтирган: “Жабарут Улуғ оламнинг (макрокосмнинг) уруғи (тухуми) бўлган бирламчи жавҳардир. Жабарут “жисм ва руҳнинг манбаи, Каломнинг боши, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ ва нарсаларнинг манбаидир. Мулк ва малакутда бор жамики ашё Жабарутда мавжуд. Мулк ва

---

[339] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Нур сураси, 35-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 354.

[340] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 140.

[341] Холмўминов Ж. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари (Шарҳи рубоиёт асари асосида). Фалс. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2003.

[342] Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 7.

малакутда Еру осмон ҳам, Аршу Курси ҳам бор"[343]. Бу қарашлардан Ваҳдат (Жабарут)нинг борлиқнинг дастлабки субтанционал моҳияти экани келиб чиқади.

Е.Э.Бертельс сўфийлар, Худонинг Мутлақ бирлик жиҳати бўлган Аҳадиятни унинг мусаффо кўпликнинг ажралмас яхлит бутунлигини ифодаловчи Воҳидият нуқтаи-назаридан фарқлаш кераклиги ҳақидаги фикрни илгари сурган[344]. Бундан "Мутлақ ҳеч нима" Аҳадият экани, Жабарут Воҳидият экани англашилади. Азизиддин Насафий буни "улуғ оламнинг уруғи" деб атаганки, фалсафада бу жавҳар "субстанция" деб номланади.

Материалистлар субстанциянинг моддийлигига, идеалистлар руҳий (номоддий, ғоявий)лигига алоҳида эътибор берадилар. Азизиддин Насафий талқинига кўра, Ваҳдат унинг ҳар иккисидан ҳам мусаффо ва айни замонда ҳар иккисининг манбаидир. Шундай манба сифатида борлиқдаги барча нарсалар унда мавжуд. Мазкур масала доирасида қилинган таҳлилдан материалистик қараш ҳам, идеалистик қараш ҳам бирёқлама концепция экани келиб чиқади. Зеро, унинг ҳар иккиси ҳам, ваҳдат аҳлининг аксари ҳам ҳақиқатни тўлиқ англаб етишмаганки, "унинг нигоҳи мулк ва малакут (моддий олам)ни илғаб, Жабарут (илоҳий олам)ни илғамагандир. Ҳолбуки, мулк билан малакут Жабарут олдида уммондан бир қатрадир"[345].

Пайғамбарлик илоҳий ҳақиқатнинг хабари бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш ўринли: а) Аллоҳнинг зот ва сифати, исмлари ва ҳукмлари ва маърифати; б) ўша барча хабарнинг шариат ҳукмига айланиши[346].

---

[343] Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 6.

[344] Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 133.

[345] Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 8.

[346] Доктор Саййид Жаъфар Саждодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Теҳрон: Пирўз, 1350. – Б. 792.

Илоҳиёт илмининг таркибий қисмига айланган набийлик ва валийлик тушунчаси илк сўфийлар Зуннун Мисрий, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Жўнайд Бағдодий, Абу Саид Харрознинг қарашларида акс этган. Бу тушунчани Ҳаким Термизий ривожлантириб, набийлик ва валийликнинг таърифи, набийлик сифатлари, валий инсон хусусиятлари, даражалари, валий ва набий орасидаги муносабатларни ўрганган ҳамда илмий-назарий хулосалар билан бойитган: "ҳақиқатга етишликда илм ва ақлдан бошқа яна бир учинчи, илоҳий моҳият – валийлик ҳам бор"[347].

Абу Бакр Колободий набийлик ва валийлик мақомини иерархик тасниф этган бўлса[348], ислом тафаккури ва фалсафасига кучли таъсир кўрсатган Абу Ҳомид Ғаззолий набийликни "хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдирки, шу ҳол ичида инсонда маънавий "кўз" очилади. Бу кўзда нур бўлиб, ўша нур билан ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга эришилади"[349] деб шарҳлаган. Аллома "Мишкот ул-анвор" (Нурларнинг чироғдони) асарида "Нур" сурасида келган "мишкот" (чироғдон), "зужож" (шиша), "мисбаҳ" (чироқ), "шажар" (дарахт), "зайт" (ёғ) келган ташбиҳларни тасаввуфий-ирфоний таҳлил қилган.

Шайх Нажмиддин Кубро талқинига кўра, "набий Аллоҳдан етган таблиғ, яъни етказиш, Ҳақдан келган хабар, малакдан келган илоҳий илм соҳибидир"[350], яъни набий юксак илоҳий камолот эгаси, Аллоҳ ва бандалар ўртасидаги восита ҳамда фаришталар орқали эришиладиган илоҳий илм эгасидир. Аллоҳнинг Расули дин ва дунё ишларини бирлаштирган ҳолда олиб борганки, ундан бошқа ҳеч бир

---

[347] Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 35.

[348] Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2002. – Б. 59.

[349] Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон Миразиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 27.

[350] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 231.

пайғамбар икки вазифани параллел бажармаган. Бу “Қуръон”даги “Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида гўзал намуна бордир”[351] ояти билан тасдиқланади.

Ҳадисга кўра, уйғоқлик ва сергаклик набийга хосдир, яъни кўзлар ухласа ҳам, қалблар уйғоқ бўлади[352], яъни ҳар кимнинг уйғоқлиги ҳолига яраша бўлади. Пайғамбарлик илҳоми тушда ҳам, уйғоқлик вақтида ҳам мавжуд бўлади. Аллоҳ Расулининг айтган сўзлари, қилган ишлари, барча уммат учун саодат ўлчови бўлиб, унинг маънавий меросхўри бўлган валийлар бу ўлчовни ҳаётида қўллаб, Ҳақ йўлдан борганлар. Зеро, “ҳидоятга эришган ва Ҳақ йўлга ишонганлар набий олиб келган эътиқодга эргашганлардир”[353].

Аллоҳ Расулининг пайғамбарлар улуғи экани, набийликнинг охирига етгани, авлиёлар набийнинг ўринбосарлари ва ҳақиқат йўлини кўрсатувчи зотлар экани “Ул Ҳазрат анбиёнинг хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди”[354] деган сўздан англашилади. Набий билан валий орасидаги асосий фарқ шундаки, набий илоҳий ваҳий орқали Аллоҳнинг зоти, сифати, исми, ҳукми ва муродларидан хабар беради, валийга ваҳий юборилмайди. Набий билан валий орасида умумийлик ва хусусийлик муносабати қуйидагича: ҳамма набий валийдир, бироқ ҳеч бир валий набий эмас. Авлиёнинг барчаси уммати Муҳаммаддир. Пайғамбарлик валоят ва расолати ўртасида кўприкдир.

Нубувват ва валоят, “хатм ул-анбиё” ва “хатм ул-авлиё” масаласи Ҳаким Термизийнинг “Хатм ал-авлиё” (Валийлик

---

[351] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Аҳзоб сураси, 21-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 420.

[352] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – Б. 310.

[353] Қуръони Каримда набийлар ва набийлик. Мусанниф Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 24.

[354] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

муҳри) асарида илк бор атрофлича таҳлил этилган бўлиб, валоятнинг хусусиятлари, авлиёлик аломатлари, ваҳий, илҳом, каромат, фаросат, қурб каби истилоҳлар Қуръон оятлари ва Аллоҳ Расулининг ҳадисларида келтирилган далиллар орқали асослаб берилган. А.Кныш Ҳаким Термизийнинг илмий мероси ва фаолиятига юксак баҳо берган[355] бўлса, немис шарқшуноси А.Мец "Ҳаким Термизий тасаввуф таълимотининг оталаридан бири"[356] деб эътироф этган.

Ҳаким Термизий "Аллоҳнинг валийлари Ернинг таянчидир"[357] дейди. Бундан англашиладики, валий Аллоҳ раҳматидан озуқаланган, Унинг метин қўрғонидан ҳимоя топган, паноҳида муҳофаза этилган, лутфи билан тарбият топган ва сирига хос қилинган. Шунга кўра, у "Ернинг таянчи" деган юксак мақомга сазовор бўлган.

Борлиқдаги мажудотлар орасида Аллоҳни идрок этиш фақат инсонга берилган буюк неъматдир. Инсонга берилган бу неъмат "парда"лар билан тўсиб қўйилганки, инсон ибодати, зикри ва солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсири ва ҳасадидан қутқариши натижасида "парда"лар очилиб, валийлик сифати юзага чиқади. Фаридуддин Аттор бу сифатларнинг "Аллоҳга эътиқод қилиш, Ундан бошқасидан беҳожат бўлиш ва қаноат"[358]да мужассам эканини қайд этган. Демак, валийлик сифати шундай сифатки, у ҳар бир нарсада Аллоҳга таваккул қилади, Аллоҳга ишонади, қазою қадарда Аллоҳга суянади, Аллоҳ йўлида боридан воз кечади:

Биз касбу ҳунар, молу дўкондан кечдик,
Шеър йўлига кирдигу жаҳондан кечдик.
Кўзу дилу жонимиз эди севгида ул,

---

[355] Кныш А. Мусульманский мистицизм. Краткая история. – Москва, 2004. – С. 118-127.
[356] Мец А. Мусульманский Ренессанс / Пер. с немец. пред. В.Бартольда. – Москва, 1966. – С.6.
[357] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 19.
[358] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 77.

Бас, кўйида кўзу дилу жондан кечдик[359].

Ҳаким Термизий "Илм ал-авлиё" ("Валийлар илми") асарида валийга хос сифатларини келтирган: "Аллоҳ таоло валийни Ўзига томон кўтарган ва умматларидан унга яширин каромат ато этган. Улар ўзларини ёмон ишлардан узоқ тутганлар ва ёмон хаёллардан ўзларини тийганлар. Валийлар Аллоҳ таолонинг Ердаги хос кишиларидир. Қиёмат куни пайғамбар ва шаҳидлар уларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мақомини кўриб ҳавас қиладилар"[360].

Азизиддин Насафий талқинига кўра, инсон ирфоний маърифат устига боз Ҳақ таоло уни ўзига қурб (яқин) килиб танлаган ва муҳаббатига мушарраф этиб, қалбини нури билан ёритган бўлса, уни "валий" деб, унинг руҳини "валий руҳи" деб аталади[361].

Фаридуддин Аттор авлиёлик нишонасини фикру зикрнинг Аллоҳда бўлиши, ҳар бир ишни Аллоҳ учун қилиниши, кўнглининг оройиши, тўлиши фақат Аллоҳ билан бўлиши[362] каби белгилар билан изоҳлаган.

Ҳаким Термизий валийни икки синфга – ҳаққуллоҳ валий, авлиёуллоҳ валийга ажратган. Унинг фикрича, ҳар икки тоифа ҳам Аллоҳнинг валийсидир. Ҳаққуллоҳ валий ўзининг беҳудлиги, "сукра" ҳолида офоқ бўлган кишидир. Ва у Аллоҳга тавба қилган. У барча ишларда шу аҳдига вафо қилади ва етти жавориҳи, яъни унинг аъзолари (тили, қулоғи, кўзи, қўли, оёғи, қорни, фаржи)га қўриқчидир. У буларни тўла тасарруф этган

---

[359] Жалолиддин Румий / Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 187.

[360] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 50.

[361] Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир З.Исҳоқова. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – Б. 275.

[362]Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 69.

ва барча фикрини ҳимматини бу қўриқчилигига жам эта олган[363].

Валоятнинг икки мақом бўлиб, биринчиси, бандани Аллоҳга адоват гирдобидан тортиб чиқарадиган "тавҳид" валоятидир. Иккинчиси, бандани хиёнат гирдобидан тортиб чиқарадиган "амин" валоят. Бу мақомда валий Аллоҳнинг амин, яъни ишончли бандаларидан бирига айланади. Бу банда Аллоҳ йўлида нафси билан курашади. Аллоҳ учун нафси ҳамда тана аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тияди. Фарзларни адо этади ва ўзида вараъ (художўйлик, парҳезкорлик)ни ҳосил этади[364].

Валийликдаги асллик унинг ботиний оламида яширинган. Валийлик одам боласига азалдан насибадир, чунки Аллоҳ одамга ақл ато қилган, ботиний нур берган, уни барча мавжудотдан афзал сифатли ва хислатли қилиб яратган[365]. Ҳаким Термизий "Наводир ал-усул фи-маърифат ахбор ар-расул" (Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар) асарида валийнинг аломатлари ҳақида алоҳида тўхталган[366] бўлса, "Маърифат ул-асрор" (Сирлар маърифати) асарида валийликнинг икки йўсинда бўлиши, яъни бири Аллоҳнинг саховати ва атоси билан ҳосил бўлган, иккинчиси, валийлиги саъй-ҳаракат ва меҳнат билан ҳосил бўлган валий[367] деб зикр қилган. Валийликнинг сийрати сифатидан мукаммал даражага етмагунча, валий даражасига ета олмайди. Валоят банданинг Ҳаққа бўлган қиёми бўлиб, бу мақомда ўз нафсидан "фано"

---

[363] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. 1-фасл. Валий Ҳаққуллоҳ / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 5.

[364] Ҳаким Термизий. Нодир масалалар. "Масоил аҳли Сарахс" асари асосида /Араб тилидан И.Усмонов таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. – Б. 29.

[365] Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – Б. 6.

[366] Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг "Наводир ал-усул" асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тар. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 76.

[367] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 26.

(йўқлик) бўлади. Валоятнинг икки мақоми бўлиб, биринчиси, барча мўминлар учун хос бўлган "валояти омма", иккинчиси, "фано" ва "бақо" мақомига етганлар учун хос бўлган "валояти хосса"га бўлинади[368].

"Хатм ул-авлиё"га асосланган ҳолда валийнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича белгилаш ўринли. Валий ўз ҳолида фоний, Ҳақ мушоҳадасида боқийдир. Агар ўз нафсидан хабардор бўлмаса ёки Ҳақдан ўзга билан бўлса, унинг аҳд ва қарори йўқдир. Пайғамбарликнинг ботини валоятдир. Унинг шамоили пайғамбарликдан олдиндир, чунки пайғамбарлик шамоили набийда бўлишлиги билан бирга унда валоят ҳам мавжуддир, тариқатнинг асоси бўлган тасаввуф ва маърифат валоятдандир. Валоят Аллоҳникидир. "Худонинг дўстлари борки, уларнинг дўстлиги туфайли уларга валоятни хос қилди. Улар мулк (дунё) валийларидир"[369].

Ҳаким Термизий валоят масалаларини таҳлил этишда набийлик ва валийлик даражаларига эътибор қаратиб, "ва хотам ун-набиййин" (пайғамбарнинг муҳридир)[370], яъни пайғамбарлар бир-биридан устунликлари бўлганидек, валийлар ҳам даражага эга, "хотам ул-авлиё" валийнинг энг устуни деб: "Аллоҳнинг Расули тўғрилик қадамини бошқа пайғамбарларга нисбатан ташлаган. У ҳамма пайғамбарнинг хотамидир. Унинг вафотидан сўнг, унинг умматидан қирқ киши унинг ўрнига ўтади ва Ер юзи улар билан қойим бўлади. Улар Аллоҳ Расулининг аҳли байтларидир. Насаб жиҳатидан эмас, зикр жиҳатидан унинг хонадонидандир. Бу қирқ кишидан бири вафот этса, унинг умматидан бири ўрнини босади. Уларнинг саноғи тугаб, дунёнинг завол вақти етгач,

---

[368] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Ал-масоил ал-макнуна / Муҳаммад Иброҳим Жуюший нашрга тайёрлаган. – Қоҳира, 1980. – Б. 27.

[369] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. 9-фасл. Нубувват ва валоят / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 32.

[370] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Аҳзоб сураси, 40-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 423.

Аллоҳ бир валий юборади. Унга “хатм ал-валоя”, яъни валоят муҳри берилгандир. У қиёматга қадар барча валийларга Аллоҳнинг ҳужжати бўлади. Аллоҳ Расулининг нубувват сидқи бўлганидек, унинг ҳам валоят сидқи бор. Аллоҳнинг Расули барча пайғамбарлар саййиди бўлганидек, “хотам ул-авлиё” ҳам валийлар саййиди, ҳар хусусда пешқадамдир”[371] изоҳлаган.

Ҳаким Термизий “Адн жаннати анбиёлар жойи, фирдавс жаннати валийлар жойи. Анбиё авлиёдан юқорида жойлашади, чунки набийлик даражаси валийликдан юқоридир”[372] деб набийнинг ҳар жиҳатдан валийдан устун қўйилишини тасдиқлаган.

Ҳаким Термизий валийга таъриф берар экан, унинг “озодлик” ва “мажзублик” хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган. Аллома “озодлик” деганда нафсдан озод бўлишни назарда тутган: “Кимда ким нафсоний сифатлардан бир сифат олган бўлса, у озод эмас, бундай одам шундай “мукотаб”, яъни маблағ тўлаб ўзини озод қилишга аҳд қилган қулга ўхшарки, агар унда хожасининг бир дирҳам ҳақи қолса ҳам, у озод эмас, бир дирҳамнинг қулидир. Аммо агар у қарздан батамом қутулиб, озод этилган бўлса, ундай киши “мажзуб”дир. Чунки Ҳақ таоло уни нафс бандилигидан озод этгандир, Худо уни ўзига жазб этиб (тортиб), буткул озод этган бўлади. Бас, у ҳақиқий озоддир. Улар ижтибоъ (танланган) қавм ва мажзубдирлар”[373].

Демак, муршид тарбиясида қалбини поклаган ҳамда Аллоҳ Ўзи тарбия қилган “мажзуб” валийлик мақомига етади. Аллоҳ валийни Ўзига жазб этади, тортади, яқин қилади, Ўз илмидан баҳраманд этади. Мажзубнинг даражаси

---

[371] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. 9-фасл. Нубувват ва валоят / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 33.

[372] Саййид Жамилий, Аҳмад Абдураҳим Сойиҳ. Ҳаким Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира: Дор ар-райййон лит-турос, 1988. – Б. 6.

[373] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 129.

набийликнинг учдан бирига эга, баъзиси унинг ярми даражасига эга, баъзиси ярмидан ортиқ даражада бўлади. Валоятнинг бошланиши шариат амалини тўкис адо этиш ва унга мувофиқ иш кўришда кўринса ҳам, валийда набийда бўлгани каби "меърож" ҳосил бўлмайди. Валоятнинг охирида валийнинг руҳи набийнинг руҳи билан мос келади, бу валийликнинг охири набийликнинг бошланишидир, чунки набий гуноҳдан пок бўлса, валий гуноҳ иш қилишдан сақланади.

Ҳаким Термизий яшаган даврда нубувват ва валоят масаласи долзарблик касб этиб, тасаввуфда марказий ўринни эгаллаган[374]. Бу таълимот кўплаб тасаввуф назариётчиларининг эътиборини тортиб, Хуросон, Термиз ва Балхда кенг тарқалган[375]. Баъзи уламолар алломанинг "анбиё ва шуҳадо авлиёга ҳавас қиладилар"[376] деган қарашини "валийликни набийликдан афзал кўрди" деб тушунганлар. Ҳаким Термизийнинг фикрлари унга қарши айбловга сабаб бўлган. Айниқса, унинг "хотам ул-анбиё" бўлганидек, "хотам ул-авлиё" ҳам бор, деган фикри шариат аҳлига ёқмаган[377].

Хуросонлик Абу Абдураҳмон Сулламий уламоларнинг Ҳаким Термизий илгари сурган қарашларини тўғри тушунмай, куфрга нисбат беришгани, аслида аллома валийликнинг қамрови кенгроқ эканини таъкидлаганини ёзиб қолдирган[378].

Ҳаким Термизий валоят наариясининг асосчиси экани алломанинг ҳар бир асарида валийликнинг у ёки бу аспектда таҳлил қилиниши орқали ҳам тасдиқлаш ўринли. Масалан мутасаввифнинг "Наводир ул-усул" асарида валийлик ҳадис билан боғланса, "Масоил аҳли Сарахс" асарида валийлик

---

374 Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетейа; Энигма, 2000. – С. 51.

375 Караматов Х. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 27.

376 Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 115.

377 Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная ред. восточной литературы, 1991. – С. 237.

378 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. Мусанниф таржимаи ҳоли / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 3.

борасидаги масалалар мантиқий савол-жавоб билан далилланган. "Илм ул-авлиё" асарида валийлик илм, маърифат билан муштарак олиб қаралса, "Хатм ул-авлиё"да набийлик ва валийлик муносабати илмий-назарий асосланган.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ва валоят ҳақидаги қарашлари кейинги давр мутасаввифларининг асарлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Валийлик тушунчаси ва унинг ахлоқий-ижтимоий таъсири, ислом ақидалари ва валийлар фаолияти орасидаги муносабатлар акс этган рисолалар ёзилган. Жумладан, испаниялик мутасаввиф Ибн Арабий нубувват ва валоят масаласини шарҳлашда Ҳаким Термизийнинг рисолаларидан фойдалангани, ҳаттоки, сўзма-сўз кўчириб, иқтибос келтирган[379]. Жумладан, Пайғамбарнинг валийлик мақоми унинг расуллиги ва набийлигидан баланд ва афзалдир[380]. Бундан набий бўлмаган валийнинг валояти набий ва расулнинг нубуввати ва валоятидан афзал ёки валий набий ва расулдан юқори эмаслиги келиб чиқади. Валоят улуғ мартаба бўлгани билан нубувватдан сарчашма олади.

Ибн Арабий набийлик ва валийлик муносабатини қуйидагича изоҳлаган: "набийлик ниҳоясига етган, яъни Аллоҳнинг Расули охирги пайғамбар, валийлик давом этмоқда, чунки Аллоҳ исмларидан бири Валийдир[381]. Бу ерда сўз набий мақомининг юқорилиги устида бормайди, балки халқ орасида набийдан кўра валийнинг таниқлиги, халққа яқинлиги боисдир. Юқорида таъкидланганидек, пайғамбарлик Аллоҳ Расули билан ниҳоясига етган бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмларидан бири "Валий" бўлгани боис, пайғамбарнинг маърифати, бурч ва масъулияти каби ўзига хос хусусиятлари валийда давом этади. Аллоҳнинг Расули ҳам набийлик, ҳам

---

379 Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная ред. восточной литературы, 1991. – С. 238.

380 Холмўминов Ж. Ибн ал-Арабий таълимотининг Марказий Осиёдаги тасаввуф тариқатларига таъсири (форс тилида) // Сино, Бунёд-э андиш-йэ эсломи нашриёти, 2006. – № 24. – Б. 61.

381 Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 58.

валийлик сифатларига эга. Унинг расуллик ва набийлик жиҳати шариат илмини намоён этади. Валийлик жиҳати боқий ва тугамайди, то қиёматгача давом этиб, тариқат илмини намоён этади. Ҳар бир валий – инсон ва уммат сифатида набийга бўйсунади ва дунёвий жиҳати билан ундан устун бўла олмайди. Валий ҳеч қачон набий мартабасига ета олмайди.

Абу Ҳомид Ғаззолий ҳам "ҳеч бир таълимсиз комилликка эришганлар пайғамбарлардир, чунки ботинларида тушунарсиз ишлар ҳеч бир таълим ва эшитишсиз маълум бўлаверади"[382] деб эътироф этган. Ҳақиқатдан ҳам, валийлик рутбаси пайғамбарлик рутбасига етмайди, валий Пайғамбарга қиёс бўла олмайди[383], яъни валийлик рутбаси ўз даври пайғамбарига эргашиш ва унинг йўлини нечоғли давом эттиришига кўра белгиланади.

Ҳар бир валий илоҳий амр ва ҳукмлар бажарилишига масъул "Аллоҳ кўзларидан бир кўз"[384] бўлиб, валийнинг ҳаётий маслаги Худони халққа танитиш учун дунёга келиши билан изоҳланади. Валий Ҳақнинг асроридир, яъни Аллоҳнинг сири, куч-қудрати, фазлу камолини тўлалигича англайди, Аллоҳнинг дўстларини дўст, душманларини душман деб билади. Аллоҳ валийларни ўз ҳимоясига олган ва уларни барча билишини хоҳламайди: "Авлиёлар менинг хос кишиларим, улар менинг рашк қаболарим ичида яшириндирлар"[385].

Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гийлоний валийларни "дин илмини тарқатувчи ва Аллоҳ Расулининг динини маҳкам ушлаган ёрдамчи, унга эргашган, набийнинг таом ва шаробидан насибадор бўлгани туфайли ортидаги

---

[382] Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. I китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 219.

[383] Муҳаммад Зоҳид Қутқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал жамоат ақоиди. Мутаржим М.Кенжабек. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1998. – Б. 35.

[384] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 127.

[385] Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1997. – Б. 87-88.

нарсани худди олдида кўргандек кўра олади"[386] деб таърифлаган. Бунинг далили яманлик Увайс Қараний (ваф. 657 й.) бўлиб, Аллоҳнинг Расулини кўрмаган, шунингдек, Аллоҳнинг Расули ҳам Увайс Қаранийни зоҳир кўзи билан кўрмаган бўлишса ҳам, уни "маъною руҳоният юзидин тарбият" қилган ва бу ришта "увайсийлик" дейилади[387].

Мўъжиза пайғамбарларга Аллоҳнинг ваҳий орқали ато этган илоҳий марҳамати бўлиб, Мусо пайғамбарнинг ҳассасининг аждарга айланиши, Исо пайғамбарнинг бир нафас билан касалларни тузатиши, мурдаларни тирилтира олиши, Аллоҳ Расулининг "меърож" қилганлари пайғамбарнинг мўъжизаларига мисолдир. Аллоҳ Расулининг энг улуғ мўъжизаси "уммий" бўлганидир. "Қуръон" назм ва мазмун жиҳатидан одамзотнинг имкониятида йўқ олий даражада Аллоҳнинг Расулига етказилган ваҳийдир.

Тасаввуф Аллоҳ хулқларидан бир хулқ бўлиб, валий ва орифлар Аллоҳ Расулининг "Аллоҳ хулқлари билан хулқланингиз"[388] ҳадисини ҳаётларининг мазмунига айлантиришган. Уларнинг ибратли сўзлари, хатти-ҳаракатини кўрган ёхуд эшитган киши қусур-камчиликларини тузатишга интилган. Халқ назарида алоҳида хислатли кишилар ҳисобланишгани учун ҳам барчага ахлоқий поклик, руҳий қудрат, закийлик, кишилар қалбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бажариш, ҳақгўйликда намуна кўрсатишган.

Маърифат босқичини ўтаб, муайян мартабага эришган ориф зотларда истеъдод чашмаларининг кўзи очилиб, илоҳий ҳикматларни мужассам этган рубоий, қитъа, илоҳийлар, маснавийлар ижод қилинган. Бу қарашлар мазмунида буюк

---

386 Абдулқодир Гийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 98.

387 Бу ҳақда қаранг: Исақова З.Р. Алишер Навоий юксак эҳтиром кўрсатган машойих улуғи // НамДУ илмий ахборотномаси – Научный вестник НамГУ. – Наманган, 2021. – № 1. – Б. 134.

388 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 4. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 251.

ҳақиқат яширинган, яъни пайғамбарлик Аллоҳ Расулининг вафоти билан охирига етган бўлса ҳам, аммо Муҳаммад пайғамбарнинг ҳолатлари, руҳониятига хос хислатлар унинг алоҳида умматлари сиймосида давом этиши керак. Исломда бунга зарурият бўлган ва ички эҳтиёж сезилган. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳланади: биринчидан, шариат аҳли (муфассирлар, муҳаддислар, муллалар) ислом манбаларини герменевтик интерпретациялаш, иерархик талқин этиш билан чегараланар эдилар. Бу "илми қол" бўлиб, "қол илми" эгалари сўзнинг асл маъно ва ҳақиқатини билмай, ўз ҳаёти, қисмати ва тажрибаси билан боғланмайдиган сўзни такрорлайдилар.

Инсоннинг туйғу-кайфиятлари Олий софлик ва Мутлақ муқаддаслик, Аллоҳ билан робита, ундан қониқиш ва руҳий суянчиқ, бардамлик топиш каби интилишларини шариат аҳли қаноатлантира олмас эди. Оддий кишилар Аллоҳ қудратининг давомийлигини, зуҳурини ўзларига ўхшаш, аммо айрича хислатли кишиларда кўришни, ҳис этишни хоҳлар эдилар. Зеро, инсон ҳар қандай абстракт (мавҳум)ликни конкрет (аниқ-равшан)ликда кўришни хоҳлайди. Иккинчидан, (шунинг давоми сифатида), бунда исломдан аввалги диний тасаввурлар таъсири бўлганини инкор этиб бўлмайди. Олий қудрат соҳиби бўлган Худодан ташқари, ёрдамчи илоҳ ва илоҳалар, коҳинлар, шомонларга сиғиниш, илоҳий кучларга ишониш, уларга таяниш, мадад олиш жаҳон динлари қарор топгунча мавжуд эди. Исломдаги тавҳид ғояси буларнинг барини рад этади. Валийлик ва орифликни айнан "тавҳид ғоясини чуқурлаштирувчи, ниҳоясига етказувчи ҳодиса" деб герменевтик талқин этиш тўғри бўладики, валий ва орифлар набийдан кейин алоҳида хислатли инсон сифатида халқ орасида обрў-эътиборга лойиқ бўлишган.

Набий ва валийга эргашишда Мутлақ Идеал (Аллоҳ)га интилиш, набий ва валий сиймосида ўзликни англаш, гўзал

ахлоқ, илоҳий фазилат ва сифатларни мукаррам деб ҳисоблаш, инсонни қадрлаш ва маънавиятини бойитишдек альтруистик ният мужассам. Аллоҳнинг Расулидан кейинда турувчи зотлар, восиллар мартабасига эришган "муқаррабин", яъни Аллоҳга яқинлик ҳосил қилганлар табақаси "акмали мукаммал"лар дейилади. Улар "айни жамъ"да ғарқ қилинган ва тавҳид лаҳзасидан сўнг халқни нажот сари етаклаш ва даражаларини ўстиришда далил бўлиш учун ортга қайтарилган, яъни халқни Аллоҳ Расулининг суннати асосида тарбиялаш улар зиммасига юкланган[389].

Ирфоний билишда набийлик ва валийлик намунаси масалага янгича ёндашувни тақозо этадики, тасаввуф аҳлининг Аллоҳ, олам, унинг бирлиги ва яхлитлиги, билиш, унинг имкониятлари ва чегаралари, йўл ва усуллари ҳақидаги қарашлари бир-биридан фарқланса ҳам, айнан Мутлақ вужуд Аллоҳ, олам ҳақидаги ҳақиқатни англаш, тушунишда якдилдир. Бу борада Аллоҳнинг Расули башариятни ҳақиқат йўлига чорласа, унинг маънавий меросхўрлари бўлган валий ва орифлар уларни набийнинг йўлига етаклайди.

Масалага ирфон нуқтаи назаридан ёндашилса, Аллоҳ зотини, фақат Аллоҳнинг ўзи билади, набий ва валий эса илоҳий сирларни Аллоҳ билдирганича билади, оддий кишилар буни тўла англашга, Аллоҳ (зоти, асл моҳият)га етиб боришга қодир бўлмайди, Аллоҳ ҳамиша сирли, мавҳум, номаълум бўлиб қолади. Валий ва ориф зотлар "Ернинг тузи" дейилганки, бугунги кундаги дунёга эгалик қилиш истаги, худди ўлмайдигандек бойликка берилиш, эгоизм, дистректив жараёнларнинг авж олиши "Ер тузи"га эҳтиёжни заруриятга айлантирмоқда. Инсон ақли шундайки, у бир томондан, ўзи дуч келган муайян таъсир туфайли ўзлигини кўрсатади. Иккинчи томондан, ана шу таъсирдан фойдалана олиш усули

---

389 Қаранг: Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс / Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кутубхонаси фонди. № 15-қўлёзма нусхаси. – Б. 4.

билан ўзини намоён этади. Таъсир ва ақл ўртасидаги ўзаро муносабат инсоннинг сифатларини белгилайди. Инсон изчил таълим-тарбия натижасида тобланиб, юксак фазилат эгасига айланади. Орифнинг ана шу ҳаёт ичида яшаши натижасида фазилат ва ҳикмат унинг ҳаёт тарзига муқим ўрнашади. Бу доимийлик замонга ҳам, даврга ҳам, тасодифга ҳам боғлиқ бўлмайди. Ҳақни англаш инсоннинг ўз-ўзини англаши бўлиб, инсон Аллоҳга илоҳий фазилати, маънавий поклиги ва илму ҳикмати билан етиши, заррадан улкан Галактикагача Аллоҳ тасарруфи остида экани, Ундан ўзга мутасарруф йўқлиги ва мутлақ бўлмаслигини англагач, илоҳий ҳақиқат сирларидан огоҳ бўладики, "Аллоҳнинг тасарруфотида ҳеч қандай шубҳа йўқдир"[390].

Набийлик ва валийлик муносабатини очиб бериш орқали набий ва валий тушунчалари бутун ("кулл") билан унинг қисмлари ("жузъ") ўртасидаги боғланиш орқали теран англашилади, яъни набий барча ахлоқий, маънавий, маърифий хусусиятларни мужассам этган бўлса, ҳар бир валийда набийнинг айрим хусусиятлари акс этган. Аллоҳнинг Расули охирги пайғамбар ва шу билан набийлик тугаган. Шунга кўра, набийликнинг охири валийликнинг бошланишидир, яъни валийлар Пайғамбарнинг маънавий ворислари сифатида унинг эзгу ишларини давом эттирадилар. Нубувват тамом бўлган бўлса ҳам, валийлик мартабаси қиёматга қадар боқийдир.

## 3.2-§. Тасаввуфда ориф, ирфон ва маърифат талқини

Инсон яралишининг мақсади, бир томондан, инсоннинг Аллоҳ жамолига эришиши бўлса, иккинчи томондан, ана шу муносабатнинг назарий асосларини англашдир. Зеро, оламда

---

[390] Абдулқодир Гийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 16.

ўзини ҳар жиҳатдан намоён этадиган “Ваҳдат”дан бошқа ҳеч нарса йўқ. Борлиқ (Аллоҳ) нафақат битта, балки яккаю ягона (Ваҳдат)дир. Илоҳий “нурланиш” орқали “парда”лар олиб ташланса, “нурланиш”нинг уч ҳолати орқали илоҳий моҳият ошкор бўлади: моҳият аввал исмлар, сўнг сифатлар ва охирида моҳиятнинг ўзида намоён бўлади.

Инсон токи ўзлиги ва илоҳий моҳиятни англамагунча, илоҳий нурланиш сари интилаверади. Ўзида илоҳий сифатларни мужассам этган ориф илоҳий “моҳият” касб этади ва оламнинг қутби (микрокосм)га айланади. Азизиддин Насафийнинг таърифига кўра, инсон нарса-ҳодисаларнинг ботиний моҳиятини англаса ва тақлид чегарасидан ирфон чегарасига қадам қўйган бўлса, уни “донишманд” (“ориф”) дейдилар ва унинг руҳини “донишманд (“ориф”) руҳи” деб айтадилар[391].

Ориф тушунчаси маънавий-ахлоқий ва ирфоний маънони ифода этадики, орифнинг тавҳид ҳақидаги қарашлари халқнинг тавҳидга муносабати билан фарқланади. Ориф учун “тавҳид” ҳақиқати камолотнинг энг юқори чўққисидир. Абу Али ибн Сино орифни қуйидагича таърифлаган: илоҳий қудрат (Аллоҳ)нинг қудрати ҳақида мушоҳада юритган ва қалбини ҳамиша илоҳий сирларнинг нури билан ёритишга интилган сўфий “ориф” деб аталади[392].

Орифнинг тавҳиди фалсафий нуқтаи назар (зарурият бирдир) билан мос келмайди. Ориф назарида ҳақиқий борлиқ Аллоҳ, қолган барча нарсалар Худонинг яратиғидир. Ориф учун тавҳид шундай мақомки, унда Яратувчидан бошқа ҳеч бир нарсани кўрмайди. Тавҳиднинг бу мақоми мухолифлар томонидан нафақат рад этилган, ҳатто, бу мақомга етган ориф “динсизлик ёки куфрнинг намоён бўлиши” деб эълон

---

[391] Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир З.Исҳоқова. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 275.

[392] Ибн Сина. Указания и наставления (Раздел по метафизике). Часть пятая / Перевод с арабского, предисловие и комментарии Т.Ибрагима и Н.В.Ефремовой. – Москва: Orientalistica, 2019. – С. 366.

қилинган. Шундай бўлса ҳам, ориф тавҳид борасида қатъий туради. Бунинг сабаби қуйидагича изоҳланади: тавҳид мақомига ақлий далиллар ва мантиқий мулоҳазалар билан эришиб бўлмайди. Ориф ҳар бир ҳаракатини Аллоҳ кўриб турганини аниқ ҳис қилади.

Қурбат, яъни Аллоҳга яқинлик манзилида ориф Аллоҳга ихлос билан таважжуҳ қилгани учун Аллоҳ унга раҳмат назари билан қарайди, ўртадаги "парда"ни кўтариб, унга тажаллий этади ва маърифат ҳосил бўлади. Аллоҳнинг сифатлари, олам ва одамнинг моҳияти очилиб, бу кашфиёт Аллоҳнинг пок Зот экани ва инсон зотининг Аллоҳнинг бандаси эканини англаб етиш билан ниҳоясига етади. Илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлган ориф "Аллоҳнинг кибриёсидан баҳра олиб кучга тўлади, фазлу карамидан симириб "жунун" ҳолга келади, фардониялик сифатидан Аллоҳнинг Ердаги "кўзи"га, унинг қудрати тимсолига айланади"[393].

Илоҳий маърифат орифни ҳар қандай тортишув, мунозара ва мушоҳададан беҳад баланд кўтаради. Шунинг учун ориф ҳамма нарсада Ҳақ сифатининг аксини кўради. Орифнинг ирфоний кечинмалар билан заковати, мушоҳадакорлик қуввати ортиб, фақат ўзи учун яшаш эмас, аксинча, ким бўлишидан қатъий назар, барчага яхшилик қилиш, ёмонликни ҳам яхшилик билан енгиш хислати пайдо бўлганки, бу орифнинг ботиний оламида тавҳид моҳиятини англаш завқини ҳосил қилган ва маърифат оламининг уммонига айланган. Бунда, албатта, ҳамма ирфон соҳиби бир хил қобилиятга эга бўлган эмас. Ҳар бир ориф ва валий Аллоҳ тоқат берган даражада илму ҳикмат ҳосил қилган.

Тавҳидга йўл нафсни енгиш ва қалбни поклаш билан очилади. Ориф тавҳид ("Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ") калимасини "Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқ" деб билиб, ҳақиқат

---

[393] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 19.

сари юз тутади, ўз “ҳоли”ни мукаммаллаштиришга интилади. Яратилган нарсаларни фақат “Аллоҳ вужудининг натижаси” деб билади. Ориф учун “тавҳид” қалбда Аллоҳдан ўзганинг ёр бўлмаслиги, Аллоҳнинг орифнинг кўнглидан кечган ва хаёлидан ўтган ҳар нарсадан холилигидир. Ориф билим, тажриба ва малакасидан фойдаланган ҳолда ҳимматини ишга солиши натижасида маърифат, шу билан бирга, зийраклик, заковат, латофат, юксак салоҳият, гўзал ахлоқ соҳибига айланади.

Аллоҳ кимга “ҳол” неъматини берса, унинг кўнгли ва фикратида турли кечинма, ўй-хаёл, хавотир, эртанги кун ташвишидан тортиб, дунё ғам-ташвишидан холи бўлади. Орифнинг эзгу амаллари унинг “ҳоли”дан дарак беради. Ориф бир “ҳол”да тургандек тасаввур берадики, “ҳол”нинг аҳволини бу ҳолатни бошидан кечирган “ҳол” кишиси англай олади, холос.

Валоят (муқаддаслик), тавҳид сиридан огоҳ бўлган, валий даражасига эришган орифлик даражаси. Бу мақомда билиш субъекти (ориф) объект (Аллоҳ) билан илоҳий боғланиши натижасида билишнинг олий даражасига етади. Ибн Арабий илгари сурган концепцияга кўра, мақомнинг бу даражасида ориф илоҳий илмга эришади[394].

Маърифат (илоҳий нур) Аллоҳнинг ҳақлиги белгиси бўлса, ориф ирфон соҳиби (пурнур)дир. Маърифат Аллоҳни танишлик илми илми бўлиб, Ҳақни танитади. Қалби тавҳид нури билан жилоланган ориф Аллоҳнинг шавқида яшайди. Маърифатнинг ҳақиқати Аллоҳга бўлган муҳаббатни қалбга жойлаш, тил билан Аллоҳ зикрида бардавом бўлиш ҳамда Аллоҳдан ўзга ҳеч бир нарсани истамасликда намоён бўлади. Маърифатнинг мақоми шундай манзилки, унда нафснинг қора “парда”сини қалб ойнасидан очиш ва уни тозалаш билан ҳосил

---

[394] Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-хикам). Перевод А.Смирнова / Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 16.

бўлади. Ўша замониёқ илоҳий жамолнинг махфий хазинаси кўрина бошлайдики, бу қалб сирларининг (ҳақиқатан ҳам) намоён бўлишидир[395].

Хожа Абдулхолиқ назарида, маърифатнинг чегараси нафсни бошқариш ва бунинг тадбири ҳалол нарсалардан баҳраманд бўлишни одат қилишдир[396].

Ибн Арабий маърифатга олиб борувчи илмларни "ақлий-ҳиссий", "ҳол" ва "сирр ул-асрор" илмига ажратган. "Ақлий-ҳиссий" илм зоҳирий илм билан шуғулланадиган тоифага тегишли бўлса, "ҳол" илми завқ ҳолатида кашф этилган илмдир. "Сирр ул-асрор" илми илоҳий маърифат илми бўлиб, маърифат аҳли илмни тўғридан-тўғри Аллоҳдан олган, яъни илм шуъла (нур) кўринишида қалбга жойлашган.

Назарий томондан қаралганда, ирфон йўли оддий бўлиши, ўзига жазб этиши табиий. Йўлдаги хатар, риёзат, машаққат, тафаккур "мен"ликни синдириш (нафс истагига қарши бориш) ва Аллоҳ "менлиги"ида яшаш, ҳар ишда таваккул қилиш (истаклардан воз кечиш), бало ва мусибатга сабр қилиш, ихтиёрни Аллоҳ қисматига топшириш орқали бартараф этилади: "Аллоҳ таолога маърифат ҳосил қилишнинг маъноси Аллоҳ таолони топмасдан илгари уни излашни билишдир. Илм "биллаҳ" бўлса, Аллоҳни топгандан кейиндир. Аллоҳни билмоқлик, Аллоҳнинг маърифат ҳосил қилишидан махфий ва нозикдир. Аллоҳни ҳақиқий таниш, танувчининг ўзидан воз кечмоқлигидир"[397].

Амалиётда ирфон йўли қалб муолажаси билан туташ жараён бўлиб, Ҳақ йўлчиси нафсини енгмагунича маърифат эшиклари очилмайди. Унинг қалбида заррача миқдорда шубҳа, кибр, ҳасад, кин, адоват, иккиланиш, шикоят бўлса,

---

[395] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 43.

[396] Шарипова О. Абдухолиқ Ғиждувоний. – Бухоро, 2020. – Б. 13.

[397] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 56.

риёзат бекор бўлади. Ҳақ йўлчиси қаерда хато қилганини англамагунича, бошлаган ишини яна қайтадан тикламагунича йўлнинг "нури" кўринмайди. Адашиш, алданиш, рўё, саробга маҳлиё бўлиш, ўтмишни қўмсаш, буюрилган вазифани бажаришда сусткашлик кучаяди. Ҳақ йўлчиси ҳаммага ҳақлигини исботлашга уринади, зеро, Ҳақ унинг ҳолидан хабардорлигини билмайди. Излаганини топа олмаган, топишга қийналган, топа олмаётган Ҳақ йўлчиси токи ўзини англамагунича "йўлсизлик" исканжасида қолади. Бунинг ечими эса оддий, яъни инсоннинг ўзлигида мужассам. Шунга кўра, Азизиддин Насафий дейди: "Эй дарвеш, сенда аввал бошдаги ва охирдаги маърифат яширинган, нимаики изласанг ўзингдан изла. Нега ташқаридан қидирасан?" Фикримизча, "дарвеш" дейилганда дунё неъматини тарк қилиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи назарда тутилган.

Қалб тириклигига нафснинг истак-хоҳишини енгиш билан эришилади. Жалолиддин Румий "Саййид Сирдон" Бурҳонуддин Термизийнинг ҳар бир кўрсатмасига сўзсиз бўйсуниб, вужудидаги ғурур, кибр, ҳасад, такаббурлик манманлик каби "либос"лардан халос бўлиш учун Кўниядаги ҳожатхоналарни тозалаши, бозорларда садақа сўраши, очликни жиловлаши натижасида нафс исканжасидан озод бўлиб, кўнгли пок ва беғубор "миръоти қалб" (қалб кўзгуси)га айланган, кишилар қалбини китобдек ўқийдиган бўлган[398]ки, унинг фазли, адли ва саховати султонлардан юксак, кўнгли эса барча махлуқотга муҳаббат тимсолига айланган.

Илоҳий маърифатга етиш улуғ илмдир[399]. Орифнинг қалбида илоҳий маърифат булоқдай қайнаб турадики, ҳадисда "Ҳар нарсани ўзида бирлаштирган бир ҳикмат бордир. У Ҳақ маърифатидир" дейилган. Бундан англашиладики, инсон Ҳақ маърифатини англаш орқали борлиқ ҳақиқатига эришади.

---

[398] Фиш Р. Жалолиддин Румий. Тарихий биографик роман / Русчадан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 141-154.
[399] Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 39.

Ирфон йўлидаги ошиқнинг ишқ жазбаси қанча кучли бўлса, унинг ҳоли тез ўзгаради. Айрим ҳолатларда ишқ йўлчилари маънавий-руҳий юксалмай, хонақоҳ хизматкори сифатида қолиб кетишганки, уларда хоҳиш бўлса ҳам, жазба ва ишқ сирини англашмаган. Жазба шундай илоҳий риштаки, муршид жазба орқали илоҳий оламни тасарруф этади ва "ҳол" мақомида бўлади. Жазба инсонни "сурат"дан "сийрат"га, "ҳодисадан"дан "моҳият"га етказади.

Нафсининг залолатидан қутулган ва руҳи жисмидан устун бўлган ориф "намоз", "рўза", "зикр" каби кундалик вазифани қалб ҳузури билан адо этади. Бўлажак воқеанинг тақдир экани ҳамда қисматни "Аллоҳнинг иродаси" деб билган ориф ризқига қаноат қилиб, ҳар бир ишда таваккул қилган ҳолда Аллоҳни ўзига таянч-мададкор деб биладики, таваккул қалб хотиржамлиги воситаси бўлади. Ҳаким Термизий ҳам қалб мақоми билан тариқат манзили ва нафс даражасини ўзаро боғлиқликда кўрган[400].

Инсонни қалб воситасида ўзлигини англашга қаратилган "қалб" концепциясига кўра, қалб тўрт қисмдан иборат бўлиб, "ас-садр" ислом нури, "ал-қалб" иймон нури, "ал-фуъод" ирфон нури, "ал-лубб" тавҳид нури билан боғланган. Ирфоний билишнинг ҳар бир даражасида орифнинг руҳий-маънавий ҳолати ўзгариб, нарсаларнинг зоҳирини билган оддий сўфий ўзини ҳамма нарсани билгандек ҳис этади. Орифга ҳақиқат эшиклари очилгач, илмнинг чексиз ва бепоёнлигидан ўзини йўқотади. Сўнгра таҳлил-тадқиққа ўтиб, илмнинг моҳиятан Ваҳдат (кулл)га олиб боришини англайди. Шундан сўнг ориф тамкин ҳолига ўтиб, хотиржам бўлади, иймони мустаҳкамланади.

Юқоридаги фикрлардан англашиладики, ориф ҳам моддий дунё фарзанди, дунё воқеа-ҳодисаларидан ташқари

---

[400] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Баян ал-фарқ байна ас-садр ва ал-қалб ва ал-фуъод ва ал-лубб / Николас Хир тадқиқ этган. Қоҳира, 1958. – Б. 5.

тура олмайди. Унинг бошқалардан фарқи шуки, унда ботиний мулоҳаза, фасоҳат ва тафаккур қудрати кучли бўлади. Ориф ҳар бир воқеа-ҳодиса, нарса-ашёга Аллоҳнинг мўъжизаси, Унинг исмининг мазҳари деб қарайди. "Ҳар бир нарсани "тавҳид"нинг исботи учун деб билади"[401].

Бутун олам макрокосм (олами кубро) бўлса, инсон микрокосм (олами суғро)дир. "Ваҳдат ул-вужуд" таълимотига эргашган ориф дунёни "Аллоҳ "тажалли"си, сифатлари инъикоси" деб қарайди[402]. "Тажалли"дан Аслга, сифатлардан Зотга интилиш, ҳис-туйғу, ақл-идрокни Унга йўналтириш, бутун борлиғи билан шу туйғуга шўнғиб, сингиб кетиш мустағриқ, муҳаққиқ орифларга хосдир.

Нажмиддин Розий маърифатнинг икки: ақлий ва шуҳудий (мушоҳадали билиш) шаклини кўрсатган[403], яъни ақлий билиш барча инсонларга хос бўлса, шуҳудий маърифат мушоҳада, кашф, илҳом орқали намоён бўлиб, танланган кишилар (валий, ориф, пир-муршид) мартабасидир. Пайғамбарларда содир бўлгани каби ориф зотларда ҳам илм баъзан илоҳий нур орқали қалбларига ўрнашса, баъзан мукаммал тартиб-қоида, таълим-тарбия, эътикоф, зикр орқали ўзлаштирилади.

Ирфон "виждоний амр" (бевосита қабул қилинадиган нур) бўлса ҳам, илоҳий маърифат унинг "муқаддима"сидир. Абдураҳмон Жомий ҳам "маърифатсиз илм зиёндир"[404] деб, илмсиз маърифат бўлиши мушкуллигига ишора қилган.

Ориф, ирфон ва маърифат ҳақидаги қарашлар ақл-идрок, илм, ахлоқ, қалб, ҳикмат орқали тўлиқ ифодаланади. Ҳаким

---

[401] Tosun N. Orta Asya'da Bazı Dinî-Tasavvufî Gelenekler. EKEV Akademi Dergisi, XII/35 (Bahar 2008). – S. 1-10.

[402] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс / Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кутубхонаси фонди. № 15-қўлёзма нусхаси. – Б. 324-325.

[403] Мухамедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе: Дониш, 1990. – С. 97.

[404] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс / Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кутубхонаси фонди. № 15-қўлёзма нусхаси. – Б. 6.

Термизий маърифат аҳлининг уч ҳолатда бўлишини айтган: убудият, ҳуррият ва рубубият[405].

Убудият бандалик ҳолати бўлса, ҳуррият қалб ҳолати, рубубият эса сафолик ҳолатидир. Ориф истиқомат, яъни фақат яшаш даражасини тасарруф этган ҳолда, кишиларни убудиятга, яъни бандалик қилишга даъват қилган.

Маърифатнинг минглаб сифат, белги ва даражалари бўлиб, ҳар бир сифат халқнинг кўз ўнгида орифнинг маърифати даражасида намоён бўлади. Орифнинг маърифати улуғлик сифати билан бўлса, ориф Аллоҳни шу сифат билан мушоҳада қилади. Ориф бу ҳолатда халққа улуғвор кўринади. Орифнинг маърифати муҳаббат сифати билан бўлса, ориф Аллоҳни ишқ билан мушоҳада қилади. Ориф бу ҳолатда халқ кўз ўнгида "мажнун" каби таассурот қолдиради. Орифнинг маърифати олимлик сифати билан бўлса, ориф Аллоҳни илм билан мушоҳада қилади. Ориф бу ҳолатда халқ кўз ўнгида донишманд қиёфасида намоён бўлади ва ҳоказо.

Илоҳий маърифат соҳиби бўлган ориф истеъдодини ишга солиши натижасида маърифат, зийраклик, латофат, зарофат, фаросат, гўзал ахлоқ каби фазилатга эришадики, орифнинг бу даражасини маънавий ҳокимлик[406], деб баҳоланса бўлади. Бундан Аллоҳнинг орифни бу ишга восил этгани англашилади, яъни Аллоҳ орифнинг қалбига илм-ирфон уруғини экмаса, ориф илоҳий маърифат сиридан воқиф бўлмай, яхши-ёмон, ҳақиқат ва ёлғоннинг фарқини билмаган бўлар эди.

Орифнинг Аллоҳнинг лутфи-иноятига муяссар бўлиши ва унинг қалбида намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар "зот" (илоҳий зотнинг зоти учун "тажалли"си), "сифат" (илоҳий сифатнинг ориф кўнглида зуҳур этиши), "исм" (Аллоҳ исмларидан бирининг ориф қалбида зоҳир бўлиши), феъл

---

[405] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳ. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 46.

[406] Субхан Ж. Суфизм. Его святые и святыни. – Москва: Диля, 2004. – С. 74-75.

(илоҳий феълнинг ориф қалбида юзага келиши)ни ифода этади. Иноятнинг нишони амал эшикларининг очилиб, фойдасиз сўз эшигининг ёпилишида намоён бўлади.

Маърифат "қадар илми", яъни Аллоҳнинг азалиятда тақдир этган илми бўлиб, маърифат соҳиби Аллоҳнинг тақдир этганидан бошқасига гувоҳлик бермайди. Ҳар бир инсоннинг маърифат борасидаги сўзи унинг эришган маърифати даражасида бўлиб, Аллоҳ "омма" учун илм (шариат ва дунёвий илм)ни, "хос"лар учун маърифат (қалб илми)ни хос қилган.

Аллоҳнинг маърифатини эгаллашнинг даражаси чегарасиздир, чунки Аллоҳнинг улуғлигини қамраб олиш имконсиз. Ирфоний маърифат денгизи тубсиз ва ундаги ғаввослар (орифлар) қувватлари даражасида, азалда Аллоҳ тақдир этган (маърифат) манзилигача шўнғийдилар[407].

Маърифат инсонни нодонлик ва жаҳолатдан қутқаради: "Илм қалъадир, жаҳл хатардир"[408]. Барча илм қалбида бўла туриб, кўп кишилар буни англамайди. Қалб Аллоҳ илмининг курсисидир, шу сабабли қалб Каъбадан улуғ туради. Аллоҳ қалбга назар ташлайдики, ориф ҳам Каъбага юзланади. Қалб кашфиёт, билиш ва идрок этиш манбаи бўлгани учун унга юзланган ориф ўз мақсадига етади.

Борлиқнинг яралишидан мақсад илоҳий маърифат (Ҳақни таниб олиш ва уни кўра билиш)дир. Илоҳий маърифат йўли "парда"лар билан тўсилгани учун барчага бирдек намоён бўлмайди. Маърифатга тўсқинлик қиладиган "парда"лар билганига амал қилмаслик, билмаганини бажариш, билмаганини ўрганмаслик, ўрганаман деганнинг йўлини тўсишдир. "Парда"ларнинг бири муҳрланган ("ҳижоби райн") бўлса, иккинчиси хиралаштирувчи, қоронғилаштирувчи ("ҳижоби ғайн"), яъни қалбдаги пардадир. Биринчиси ғайб

---

[407] Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Тавба китоби / Араб тилидан таржима. Таржимон ва луғат тузувчи Р.Зоҳид. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – Б. 62.
[408] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 74.

“парда”си бўлгани учун, унинг муҳрини очиб бўлмайди, иккинчи “парда” эса маърифат орқали очилади.

Бу “парда”лар ўртасида қуйидагича фарқ бор: бир инсон ўз тийнатига кўра, Аллоҳдан “парда”лар орқали тўсилган бўлади. Унинг назарида ҳақ билан ботилнинг, ҳалол билан ҳаромнинг, яхшилик билан ёмонликнинг фарқи йўқ. Унинг назарида диний ақидалар, мазҳаблараро тортишувлар, динлараро келишмовчиликлар унинг тўғри йўлда эканини исботлайди. Бошқа бир инсон эса Аллоҳдан “парда”лар орқали маълум сифатлар билан ажратилган бўлади. У ҳамиша ўзи билан Аллоҳ орасида тўсиқ бўлиб турган “парда”ларни кўтариш, олиб ташлаш йўлини излайди. Ахлоқий камолот йўлини тутиб, ҳақ билан ботилни ажратади. Борлиқдаги барча воқеа-ҳодисалар замирида Аллоҳнинг ҳикмати мужассамлигини қалби билан идрок этади. Ҳақ сари интилиб, ёлғон ва ботилдан қочади. Вақти келиб, Ҳақ ва нафс ўртасида “ҳижоб” кўтарилади, чунки инсондаги нафс сифати “нафси аммора”дан “нафси розиййа”га ўзгаради. Жўнайд Бағдодий фикрича, “райн доимий, қойим (ўзгармас) хатарлар жумласидан, “ғайн” ўзгарувчилар жумласидан[409], яъни ватан доимий, хатар ўткинчи. Масалан, тошга сайқал берилгани билан ойнага айланмайди. Асли маъдан бўлган, бирон сабаб билан хиралашган ойнани артиш билан яна ярқираган ҳолатига келтирилади.

“Парда”ларни бартараф этишнинг мукаммал йўли Аллоҳни ва Аллоҳ яратган моддий оламни, шу билан бирга, ўзликни билишдир. Аллоҳни таниган ориф Аллоҳнинг амрларини жидду жаҳд билан адо этиб, Аллоҳ Расулининг суннатларида кўрсатилган йўлдан собитлик билан юради. Абу Саъид Абулхайр “Асрор ут-тавҳид” (Тавҳид асрори) асарида инсонни Аллоҳдан тўсадиган “парда”лардан халос бўлиш

[409] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 57.

йўлини қуйидагича кўрсатган: "Банда ҳамда осмон ва Ернинг Парвардигори ўртасида "парда"лар мавжуд эмас. Аслида сенинг ўйларинг ва "мен"лигинг "парда" дир. Агар "парда"ни бартараф қила олсанг, Худога етасан"[410].

Илоҳий маърифат талабгорлик ва ишқ туфайли ҳосил бўлади. Ирфоний маърифат водийсида ориф тафаккур ва мушоҳадага "ғарқ" бўлади. Бу интровертив (ўзига хос) руҳоний ҳолат бўлиб, унда диққат бир нуқтага жамланади, инсоннинг бутун вужуди ғояга айлангандек бўлади, жисми бўшашиб, руҳи тийранлашади, гўё ташқи оламни унутади. Илоҳий маърифат водийсида инсон оламнинг бепоёнлиги, ихтилофу зиддиятга тўла экани, тараққиёт ва таназзул ўрин алмашиши, бир-бирига адекват, бир-биридан тубдан фарқланувчи антиномик интилиш, ният, орзу-армон мавжудлиги, ўзаро тўқнашуви, доно ва нодон, улуғ ва кичик, зулмату нур аралаш эканини англайди. Минглаб йўлларни мушоҳада этган инсон танлаган йўлининг энг тўғри, ҳақ йўл эканлигига иқрор бўлади.

Илоҳий маърифат чегара билмагани каби илоҳий манзил сари интилган Ҳақ йўлчиларининг мақомлари ҳам ҳадсиз-ҳудудсиз бўлиб, қалб ва ишқ ўртасида шундай маърифат риштаси мавжудки, абадийлик тугаса ҳам у тугамайди, орифнинг борлиғидаги муҳаббатдан ҳеч ким огоҳ бўлмайди.

Аллоҳ ва инсон ўртасидаги "парда"лар илоҳий маърифат нури орқали ёришади. Аллоҳ ўзи танлаган валийсига ўзини танитса, унга муҳаббатни ҳам, қўрқувни ҳам, йўқотишни ҳам, бойликни ҳам, камбағалликни ҳам сезмайдиган қилиб қўяди, ҳодиса унинг учун ҳеч бир маънога эга бўлмайди. Саъдий Шерозий талқинига кўра, дарахт барглари Аллоҳни таниган бандасига Ҳақ таолонинг маърифатидан хабар беради, ориф Аллоҳ яратган ҳар бир нарсадан ҳикмат излайди, уларга қалб кўзи билан қарайди:

Маърифат дафтарининг бир варағи аслида,

---

[410] Муҳаммад бин Мунаввар Миҳаний. Асрор ут-тавҳид. – Теҳрон, 1989. – Б. 127.

Кўҳна жаҳон саҳнида ҳар гулу япроққи бор![411].

Маърифатни Ҳақни таниш илми дейилишининг яна бир сабаби "Тоҳа" сурасининг 98-оятида мужассам бўлиб, Аллоҳ Ўз илми билан барча нарсаларни қамраб олган. Маърифат буюк Поклик олами (Аллоҳ) асрорини ўзлаштириб, билиб олиш босқичидир. Маърифат Аллоҳ томонидан лутф этилган илоҳий илҳом бўлиб, нарса-ҳодисаларнинг яширин моҳияти англашилган. Илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг Ўзи танлаган бандаларига марҳамати, инъомидир. "Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам танийди"[412], яъни инсон ўзининг тузилиши, таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини ўрганса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон Зот эканига ишонч ҳосил қилади. Зеро, "Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида чексиз ҳикмат ва сир-асрор бордир"[413].

Ориф ҳали кўрмаган, гаплашмаган инсоннинг ботинидаги, қалбидаги ҳали очилмаган, кашф бўлмаган "гавҳар"ни кўра олади, унинг келажаги учун масъул эканини англайди, пир-мурид тарбиясидан кўзланган мақсад ҳам шу ерда теран англашилади. Орифнинг қалби ойна каби ялтирагани учун унда ўзгалар қалбидаги ҳолатлар акс этади. Орифнинг мақсад ва маслаги, руҳий ва маънавий камолот мартабасини Боязид Бистомийнинг "Ориф Ҳақдан бошқани кўрмас, ундан ўзгани муваффақат (мувофиқлик) айламас, ўз сирини Аллоҳдан ўзгага сўзламас"[414] деган ҳикматининг мазмунидан англаса бўлади.

---

[411] Саъдий Шерозий. Маърифат ёғдуси. – Тошкент: Hilol nashr, 2015. – Б. 68.

[412] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ишонарли тўплам. Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – Б. 156.

[413] Бу ҳақда қаранг: Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби (араб тилидан таржима). Таржимон Ғиёсиддин Жалол. – Тошкент: Моварооуннаҳр, 2005. – Б. 148.

[414] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 39.

Ориф ва валийлар итоатлари туфайли Аллоҳга яқин бўлган, мақомоти юксак даражага кўтарилган, Аллоҳга ихлос билан боғланиб, Аллоҳнинг шавқи ва муҳаббати билан яшашган. Ориф ва валийнинг юксак маънавий даражалари "Сод" сурасининг 47-оятидаги "Ҳақиқатан, улар бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир" сўзларда ўз ифодасини топган.

Абу Али ибн Сино "Донишнома" (Ҳикматнома) асарининг бешинчи қисмида орифлик мақоми ҳақида алоҳида тўхталган: "Ахлоқ камолотга етганда илоҳий нур хафиф ва яширин ҳолда порлай бошлайди ва сўнгра вусул (илоҳий робита) келади. Бу мақомда солик ҳар нарсада Ҳақни кўра бошлайди. Бу орифнинг юксак мақомидир"[415]. Бундан англашиладики, ориф шариатга риоя қилиб, диний талабларини бажарган ҳолда динни ўзгармас ва қотиб қолган (догма) деб тушунмаган, шариатни расм-русумдан иборат қоидалар мажмуи деб билмаган. Ориф эгаллаган маърифат шариат илмини ўз ичига олади ва унга таянади. Ориф яна жаҳд қилиб, бу илмни тўлдиради, уни илоҳий кашф билан ривожлантиради. Маърифат қалб кўзи билан англанмагунча, моҳиятга етиш мушкул. Абу Али Усмон Ҳужвирий дейди: "Қайси нарсанинг вужудини идрок этиб бўлмаса, уни талаб қилиш умрни зоеъ қилиш билан баробар. Илм-маърифатни ўзингдан изла ва амал ва ҳақиқатни ўзингдан иста"[416].

Маърифат ҳақидаги юқоридаги фикрлар жамланса, илоҳий маърифат модели юзага келади: қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг тутуми ўзгаргач, аъзонинг амал ҳам ўзгаради, яъни амаллар "ҳол"га, "ҳол"лар "илм"га, "илм" эса "тафаккур"га боғлиқ бўлиб

---

[415] Абу Али ибн Сина. Даниш-намэ / Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980. – С. 19.

[416] Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махджуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 131.

қолади[417]. Демак, маърифат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан озод бўлган ва Аллоҳга юзланган инсонларга насиб этадики, қалби соғлом ва мусулмонларга хайрихоҳ бўлган кишилар халқнинг яхшироғидир.

Маърифат ва илм, ориф ва олим, "қол" ва "ҳол" илми ўзаро уйғун бўлиб, инсон тасаввури ва тафаккурининг "фоний" ва "боқий" дунё ҳақидаги тушунчаларини синтезлаштиради, яъни ориф Аллоҳдан Аллоҳга боқса, олим Аллоҳга далил юзасидан қарайди. Важд соҳиби учун далил-исбот аҳамиятсиз. Шу тариқа олим ва ориф ўртасидаги яна бир фарқ англашилади: орифнинг фикрлари шубҳадан холи бўлса, олим борлиқни билишни шубҳадан бошлайди.

Илоҳий маърифатга эришиш учун қалбни "тасфия" (ёмон ахлоқ ва ҳис-туйғулардан тозалаш) ва "тазкия" (гўзал ахлоқ ва ҳис-туйғулар билан безаш) лозим. Маънавий юксалмаган, жаҳолат ва разолатдан тозаланмаган қалбда маърифат юзага келмайди: чин ихлос ва мушоҳада билан ботинини тузатган кишини Аллоҳ мужоҳада ва суннатга тобе қилиш билан зоҳирини ҳам гўзал қилади.

Маърифатга берилган ҳар бир таъриф ўзига хос бўлиб, Абдураҳмон Жомий талқинига кўра, "маърифат мухтасар илмларни тафсилот суратида танимоқдир. Илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатни аҳвол ва ҳодиса тафсили ва нузул (тушиш) бўлган амр суратида танишдир"[418]. Бу фикр "ваҳдат ул-вужуд" таълимотидан келиб чиқадиган қарашлар натижаси бўлиб, борлиқ беҳисоб шакл, атрибут (хосса), ранг, ҳаракат, қиёс, сурат ва ҳодисаларни қамраб олади. Бу ҳисобсиз шаклу шамойил Худо яратган борлиқ хусусиятини белгилайди ва барчаси Аллоҳнинг "тажалли"си туфайли қойим, мавжуддир. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ягоналиги ва Мутлақ вужуд

[417] Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. I китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 189.
[418] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс / Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кутубхонаси фонди. № 15-қўлёзма нусхаси. – Б. 7.

эканини исботлайди, яъни Аллоҳ “ижмол” (мухтасар) бўлса, борлиқ шу ижмолнинг тафсили (ёйилгани). Демак, борлиқнинг аввали ва охири бўлмаганидек, илоҳий тажаллининг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ, яъни беҳудуддир. Ориф тафсилотнинг ҳар бирида Аллоҳнинг қудратини ҳис этади, англайди, умумлаштиради, жамлайди, хулосалайди (“жузъ”дан “кулл”га, “тафриқа”дан “жамъ”га қараб боради), ҳар бир воқеа-ҳодисада Аллоҳнинг нафосати, гўзаллиги, борлиқдаги уйғунликни кўради, “ҳақиқий мавжудлик”, яъни асарнинг таъсир этувчиси Аллоҳнинг Ўзи эканини англаб етади.

Маърифат мақоми орифга нафсида (руҳида) “яқин” (иймон) берилиши ва у билан тана аъзоларини тартибга солиб, улар орқали дунё эҳтиёжларини қондиришда таваккул қилиши, қалбида уни охиратда нажотга элтувчи “ҳайрат” ҳосил бўлиши[419]да акс этади. “Яқин” Аллоҳнинг орифнинг қалбига солувчи нур бўлиб, бу нурнинг қуввати кучлилигидан ориф ва охират ўртасидаги “парда”лар кўтарилиб, маърифатнинг Аллоҳнинг зотини Унинг сифатлари, “тажалли”си орқали таниш илми экани аён бўлади.

Илоҳий маърифат (ирфон)дан баҳраманд бўлиш мартабалари қуйидагича: дунёдаги барча мавжудотнинг Аллоҳ томонидан яратилганига иймон келтириш, ҳар бир нарсани “Мутлақ фоил”нинг (Аллоҳ) асари деб билиш, Аллоҳнинг сифатларини англаш, бу сифатнинг олам ўзгаришлари, воқеа-ҳодисалар, нарсаларда зуҳур этишини билиш, Аллоҳнинг мурод-мақсадини ҳар бир сифат “тажалли”сида кўриб, таниш, илоҳий илм суратини ўзининг маърифати суратида таниш ва ўзини илм-маърифат, шунингдек, вужуддан соқит этиш, тавҳид ва “фано” мартабасига эришишдир.

---

[419] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 118.

Боязид Бистомий орифнинг маънавий-ботиний мартабасига ишора қилиб, маърифатга эришган орифнинг аломатини “ориф Аллоҳни зикр этиб чарчамайди, ундан ўзга билан суҳбатдош бўлмайди”[420] деб таърифлаган.

Орифнинг қалби кўзгуга ўхшайди: Аллоҳ “орифқа сирида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон у кўзгуга боқса, ани кўргай”[421]. Бундан кўзгуда акс этган ҳар бир нарса илоҳий маърифат кашфи экани, орифнинг аломати унинг қалбининг Аллоҳдан узилмаслиги ҳақидаги хулосалар келиб чиқади.

Тасаввуф маърифати ва маънавиятининг мезонлари, ҳадисда таъкидлаганидек, гўзал хулқ ва пок ахлоқдир. Ҳорис Муҳосибий гўзал хулқни “тарозини босувчи энг оғир нарса”[422] деб таърифлаган. Инсонда юксак даражадаги пок ахлоқ ва соғлом эътиқодни шакллантириш учун илм ва касб-ҳунар ўргатиш муҳим, чунки илм инсонда эзгу ният ва соғлом фикрни уйғотса, касб инсоннинг ниятларига етишишида восита бўлади.

Ирфон аҳлининг Аллоҳ маърифатига етиши, яъни Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланишга уриниши мазмунида илоҳий лутф билан Аллоҳни танишга эришиш мужассамдирки, ирфоний маърифат ирфон аҳлига Аллоҳнинг “тажалли”сини қалб кўзи билан идрок этиш имконини беради. Бундан кўзланган асосий мақсад “мен”ликни йўқотиб, фақат Аллоҳ дейишдирки, ориф Аллоҳни Аллоҳ билан, Аллоҳдан ўзга нарсаларни Аллоҳнинг нури билан танишида намоён бўлади.

Ориф маърифат орқали инсон вужудининг таркибий қисмлари бўлган жисм, жон, руҳнинг вазифалари, асл моҳияти, сифатлари ҳақидаги изланишлари, кашфиётлари билан кишиларни эзгуликка, руҳий етукликка, кучли иродага

---

[420] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 24.
[421] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 69.
[422] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 24.

эга бўлишга чорлаган. Бу вазифа орифлар томонидан тўла-тўкис адо этилгани ирфон аҳли қолдирган маънавий мерос ҳозирга қадар катта аҳамиятга эгалиги билан тасдиқланади. Ҳозирги замон илм-фанида инсон қобилиятининг чексизлиги ҳам ўз исботини топмоқда[423].

Ориф, ирфон ва маърифатнинг диалектик алоқадорлиги жамланса, қуйидаги хулоса келиб чиқади: "Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланинг" ҳадисига амал қилган ориф нафақат ирфонга эришган, балки маърифатнинг юқори даражасини эгаллаган мақом ва мартабаси юксак инсондир. Аммо, бу маърифат фақат унинг ўзи учун эмас, балки жамият учун ҳам фойдали. Чунки ҳосил қилинган илм, маърифат халққа етказилиши, кишиларни гўзал феъл-атвор, эзгу ишларга чорлаши ҳамда миллатнинг ахлоқий-маънавий камолоти учун хизмат қилиши керак. Бу масъулият ирфон илмининг нафақат ориф ва валий зотлар, шунингдек, ижтимоий ҳаётда ҳам аҳамиятини кўрсатадики, ирфон аҳли асрлар оша инсонийликнинг, шу жумладан, комилликнинг идеали бўлиб қолади.

## 3.3-§. Ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси

Ҳар қандай янги тушунча, тамойил, назария, нуқтаи назарнинг шаклланиши муайян даврнинг маданий ва маърифий тамаддуни билан боғлиқдир. Шарқда тафаккур услуби, билимларни ифодалаш, талқин этиш ва ўзлаштиришнинг нозик томонлари ва шакллари, илм ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи аниқ стратегияси мавжудки, шарқона амалиёт ва тажрибадан олинган шарқона усул ёрдамида тушунилади ва ич(қалб кўзи)дан англанади.

Ҳақиқат тафаккурнинг бирор нарса ёки ҳодисага нисбатан фалсафий-гноссеологик тавсифидирки, ҳақиқат фикр,

---

[423] Тихоплав В., Тихоплав Т. Физика веры. – Санкт-Петербург, 2003. – С. 112.

билимнинг объектив реаллик (воқелик)ка мос келиши билан белгиланади. Ҳақиқат икки усул, инсоннинг рационал ва иррационал билими орқали ҳамда ботиний билиш, яъни Ҳақни англаш ва Аллоҳ "тажалли"сига етиш усули орқали ўрганилади. Аллоҳни билиш учун иккинчи усул муҳим ва бу йўлда шавқ, жазба, илҳом, ишқ-муҳаббат асосий фундаментал тамойиллар бўлиб хизмат қилади.

Борлиқдаги нарсалар муайян системадан ташкил топгани учун уларни билиш ҳам муайян система шаклида бўлади. Системани билиш учун унинг элементи ва улар ўртасидаги боғланишларнинг интровертив хусусиятини детерминик аниқлаш шарт. Инсон билиш пиллапоясидан юқорига кўтарилар экан, ҳар бир янги поғонада "Борлиқ қандай билинади", "Билишнинг чегараси борми?" каби саволларга жавоб топишга интилади. Инсон жараённинг мураккаблиги ва ақли ҳар доим ҳам ғолиб келмаслигини тан олган ҳолда ўзининг боқий дунёда ўзининг фонийлиги муаммосини ақл билан боғлаб, ўзига хос интровертив фалсафий ечим ясайди: ақл инсоннинг фонийдан боқийга рихлат қиладиган аъзосидир.

Қадимги юнон файласуфи Арасту илк бор ҳақиқат концепциясини илгари суриб, уни "мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат, яъни борни бор ва йўқни йўқ дейиш ўртасидаги мувофиқлик[424] деб таърифлаган. Афлотун ҳақиқатни "ғоялар дунёси"га мос келувчи ғайритабиий мустақил идеал моҳият сифатида тушуниб, инсоннинг билими жоннинг шу ғоялар дунёси билан муштараклиги даражасидагина ҳақиқий деб ҳисоблаган.

Ф.Аквинский ҳақиқатнинг ақлда мавжуд бўлиши, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасида ҳақиқий деб номланишини эътироф этган бўлса, В.Ф.Гегель "ҳақиқий нарсани тафаккур фаолияти сифатида тушуниш ва

[424] Аристотель. Метафизика. Соч. в 4-х т. Т. I. – Москва: Мысль, 1976. – С. 141.

ифодалаш[425] деб билиб, ҳақиқатни соф тафаккур соҳасида билимнинг диалектик шаклланиш жараёни сифатида англаган.

Буддавийликда ҳақиқат уни англаш ҳолатига амалда эришиш (нирвана) билан боғланса, даосизмда ифода этилган ҳақиқат йўқ, у ҳаққоният лаҳзаси билан алоқани узган. Ҳиндуийликда ҳақиқат кўпқиррали, уни яхлит ифодалаб бўлмайди. Ҳақиқат "англаш"нинг бутун, яхлит тажрибаси орқали юзага чиқади. Насронийликда ҳақиқат ва у орқали эришиладиган абадий бахт-саодат (гедонизм), фароғат (эвдемонизм), ёлғон ва у орқали бориладиган абадий уқубат йўли мавжуд. Исломда ҳақиқат Аллоҳ бўлса, оят ва ҳадисга мувофиқ яшаш инсонни камолотга олиб борувчи ягона йўлдир.

Абу Райҳон Беруний ҳақиқатни "билимларнинг воқеликка мувофиқлиги" деб ҳисоблаган. Абу Наср Форобийнинг фикрича, ҳақиқатни билиш ақлнинг етуклигига боғлиқ. Ақл инсоннинг қалбида бўлиб, унинг камолотига "фаол ақл"га синкретлашуви (қўшилиши) орқали эришилади. "Фаол ақл"да борлиқнинг энг олий даражаси, яъни Биринчи сабаб (Аллоҳ)дан бошлаб ҳақиқатнинг барча шакллари мавжуд. Ҳақиқат битта, шу боис фалсафа ҳам бир нечта бўлишининг имкони йўқ[426]. Абу Наср Форобий ҳақиқатнинг бирлигига ишонган ва фалсафани ҳақиқатнинг бирдан бир идентификацияси деб ҳисоблаган. Бу жиҳатдан олиб қаралса, мутафаккирнинг қарашлари билан тасаввуф ўртасида боғлиқлик мавжуд.

Тасаввуф таълимотида мисрлик мутасаввиф Зуннун Мисрий биринчилардан бўлиб ҳақиқат ҳақида сўз айтган: "аввал кишиким, "ишорат"ни "иборат"қа келтурди ва тарийқдин сўз айтди, ул эрди"[427]. Унинг шариат илми ҳақидаги

[425] Гегель В.Ф. Феноменология духа. – Москва, 1994. – С. 196.
[426] Ҳотамий С. Ислом тафаккур тарихидан. – Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 126.
[427] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 29.

сўзларини “хос” ва “авом” бирдай қабул қилган бўлса, унинг ҳақиқат (таваккул, муомалат ва муҳаббат илми) илми ҳақидаги сўзларини фақат “хос”лар қабул қилган. Зуннун Мисрийнинг ҳақиқат илми ҳақидаги сўзларини “хос”лар ҳам англамай инкор қилишган, чунки бу илм “элнинг илму ақли тоқатидан ташқари” бўлган. Тасаввуфда “хос” дейилганда тасаввуф илмидан хабардор киши, “авом” деганда нафсининг қули бўлган, қалб кўзи кўр, худобехабар кишилар назарда тутилган. Бугунги кунда кенг тарқалган “омма” сўзи барча кишиларни англатса, “авом” сўзини барча кишиларга нисбатан ишлатиш тўғри бўлмайди.

Абусаид Абулхайр назарида ҳақиқат барча нарсанинг илмда зоҳир бўлиши, илм барча нарсанинг ҳақиқатга айланиши бўлса, Абдуллоҳ Ансорий билишнинг бир неча тури, жумладан, оддий кишиларга хос бўлган, исботлашга асосланган; илм аҳлига хос бўлган далилга асосланган; ҳар икки билишнинг оралиқ босқичи бўлган ақлий-ҳиссий билишни кўрсатган[428]. Фикримизча, ҳиссий билиш тўлиқ билиш эмас, шунинг учун нарсаларнинг моҳияти ҳақида беқарор, ёлғон ва сохта билимлар ҳосил қилади.

Илм ўрганишнинг систематик иерархияси бўлиб, биринчиси, инсоннинг ақл-идроки билан ўзлаштириладиган билимлар. Оқил мантиқдан ташқари фикр, воқелик (объектив реаллик) ва ҳодисага шубҳа билан қарайди. Бу умум (омма)га хосдир. Бу илм шариат ҳам дейилади. Иккинчиси, инсоннинг қалби билан ўзлаштириладиган илм бўлиб, Аллоҳнинг ўзи танлаган бандаларига лутф-инъомидир. Ориф шубҳадан холи бўлиб, ҳар бир воқеа-ҳодисани Аллоҳнинг муруввати (инояти) сифатида қабул қилади[429]. Бу маърифат илмидир. Учинчиси, ориф ва Аллоҳ орасидаги илм бўлиб, уларнинг сири башарий

---

[428] Бу ҳақда қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Главная ред. восточной литературы, 1991. – С. 21.

[429] Радтке Б. Теологи и мистики в Хорасане и Трансоксании. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – Санкт-Петербург, 2001. – С. 13.

идрокдан устун бўлгани учун инсонларга ошкор этилмаган, фақат набийлар, расулларнинг хабари бўлган. Бу ҳақиқат илмидир. Ирфонда илм деганда Ҳақ, ҳақиқат деганда Аллоҳ тушунилади, чунки Ҳақ Аллоҳнинг исмларидан биридир. Бунинг далили "Ҳаж" сурасининг 6-оятида мужассамдир: "Бунга сабаб Аллоҳ Ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир".

Ҳақиқатнинг аввали шундай илмки, уни идрок қилиб бўлмайди, охири ҳам илмки, тамом бўлмайди. Ирфон аҳлининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилига кўра, ҳақиқат ҳақида ўзининг тажрибасига эга бўлган ва ўз феълидан келиб чиққан ҳолда сўзлаган ориф ҳақлироқдир. Бу ерда яна бир муаммо пайдо бўлади. Ҳақиқат ҳақида ирфон аҳли ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда сўз айтса ҳам, ҳар бир орифнинг ҳақиқатни билиши ўзига хос ва такрорланмас. Ҳаттоки айнан бир масала юзасидан изотроп (бир хил) эътиқодга эга бўлган, ҳар бир орифнинг мақом ва даражаси, маслаги ноёб, ўзига хос дунёқарашининг инъикосидир. Улар орасида оддий инсонлар тафаккур даражасидан ташқарида бўлган, фақат орифлар англай оладиган илоҳий илм эгалари бўлиб, нарсаларнинг моҳиятини "қалб кўзи" билан кўра оладилар, ҳеч ким илғай олмаган товушларни эшита оладилар, инсоннинг кўнглида кечаётган изтироб, ғалаён, воқеа-ҳодисаларни худди ўнгиларида содир бўлгандек сўзлайдилар. Бунинг сабаби орифларнинг сўзлари оят ва ҳадиснинг шарҳи эканлигидаки, шунинг учун улар "ҳақиқат кўзгуси" деб улуғланган. Бу каби ҳолатлар халқ назарида ақл бовар қилмайдиган ғайритабиий ҳодиса сифатида, айрим кишилар томонидан куфр, диндан чиқиш деб қабул қилинган. Балки шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий юқоридаги ҳолатлардан

келиб чиққан ҳолда "ишқ дардини бедардларга айтиб бўлмас"[430] деб уқтирган бўлса керак.

Ҳақиқатга олиб борувчи билишнинг "такрорий" хоссаси сифатий ва миқдорий билиш бўлиб, сўзлар ва фикрлар орқали ифодаланади. Инсон ўсиш (ақл)нинг реал динамикасини йўқотмагунича турли мантиқий асослар тўпланмаси бўлган маъносиз эътиқод ва маросимларга амал қилади, Аллоҳга тилида иймон келтирган ҳолда қалбида Аллоҳга исён қилади, тақдиридан норози бўлади, ҳар сафар намоз ўқиганида Аллоҳга ваъда бергани ҳолда ваъдасига хилоф иш қилади, жисм рўзасини тутади, қалб рўзасини тутмайди, закотини Аллоҳ йўлида беришни ният қилгани ҳолда, халқдан миннат қилади, ҳажни савдога айлантиради ва ҳ.к. Шунинг учун Яратувчи, борлиқдаги ягона илоҳий куч илм ва тафаккур орқали билинса ҳам, эътиқод орқали ҳис этилади. Ҳақиқатнинг барчаси илм бўлса, илмнинг барчаси ҳақиқат, ҳақиқатнинг ҳақиқати эса Аллоҳдир. Шунинг учун Аллоҳни фақат юксак мақомга кўтарилган кўнгил ҳоли билан англанади. Асл ҳақиқат шундаки, унинг (Аллоҳ) назаридан осмонда бўлса ҳам, ерда бўлса ҳам, ҳеч бир нарса, у чанг даражасидан кичик бўлса ҳам четда қолмайди[431].

Оғишларга сабаб бўладиган яна бир дилемма шундаки, Ҳақнинг ҳақиқати ва банданинг ҳақиқати деярли айричадир. Яратганнинг ҳақиқати мутлақ ҳақиқат ва яратилганнинг ҳақиқати нисбийдир. Ақл ва сезги фалсафий ҳақиқатни билишга қаратилган ва унга олиб борувчи йўл бўлса, қалб илоҳий ҳақиқатларни билишда воситадир. Аллоҳни ақл билан танилса ҳам, қалб орқали эришилади. Назарий билимлар илоҳий ҳақиқатни оча олмайди. Нисбий ва мутлақ ҳақиқат диалектикаси билимларнинг борлиқни ҳар томонлама ва аниқ

---

[430] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 80.

[431] Аль-Газали. Избавляющий от заблуждения (Аль-мункиз мин ад-далал) / В книге Степанянц М. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – Москва, 2001. – С. 437.

қамраб олган ҳолда қарама-қаршиликларни бартараф этиб, объектив борлиқни теран ва мукаммал акс эттиришини кўрсатади[432].

Ҳақиқатнинг икки даражаси бўлиб, биринчи даражаси, Ҳақни билиш (Аллоҳни кўринган сифатлар орқали билиш), иккинчи даражаси Ҳақни англаш (Аллоҳнинг ягоналигини англаш)[433]дирки, унда инсоннинг Ҳақ таолога яқинлик манзилига келиши, қалбининг барча носозликлардан покланиши (танзиҳ) рўй беради. Ҳақни (ҳақиқатни) талаб қилиш осон, аммо уни топиш учун икки дунёдан кечиш керак, яъни дунё ноз-неъматлари ва орзу-ҳавас ҳамда жаннат даъвоси билан ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Ҳақиқатни тўла англаш учун "мен"ликдан кечиш даркор. Боязид бистомий айтганидек, "Худди илон пўст ташлагандек, Мен ҳам ўзимни ўзимдан озод қилдим, ўз моҳиятимга назар солсам, Унга айланибман"[434]. Демак, ориф Аллоҳнинг Зотини англаш ва Унга етишиш йўлида ўткинчи лаззат, дунё ғам-ташвиши, зиддият ва тортишув, манфаатпарастлик ва шаклпарастликдан озод бўлиши, ўзлигини маҳв этиши, қалбини Аллоҳга боғлаши шарт.

Инсоннинг ўз борлиғини билиши орқали олам борлиғининг моҳияти аён бўлади. Инсон илоҳий ҳақиқатни адекват ва такрорланмас мақом ва манзилда фақат ўзидан топа оладики, ҳақиқатга теран илм ва ақл-идрок билан эмас, балки Аллоҳ уларга ато этган илоҳий қувват воситасида эришади. Бунинг учун инсон борлиқни бирлаштирувчи, аммо унинг кўзига кўринмайдиган илоҳий кучни ўз қалбида кашф этиши керакки, илм ишонч-эътиқодда, билиш объекти Аллоҳдир, илм қалбдадир.

---

432 Шермуҳамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти, 2011. – Б. 208.

433 Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 112.

434 Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – С. 33.

Ҳақиқатнинг сирли жиҳати шундаки, Аллоҳ Қуръонда ҳамманинг (ҳақиқатни) била олмаслигини рўй-рост айтган: "Аллоҳ хоҳлаган кишисини адаштирур, хоҳлаган кишисини тўғри йўлда барқарор қилур"[435], яъни оқил диннинг зоҳири ва суратини кўрса, унинг мағзи ва ҳақиқатига етиш "хос ул-хос" мартабасидаги орифга насиб этади. Ҳақиқат кўнгил (сир) билан амал қилиш, яъни ҳақиқат қалб кўзи, "нурланиш", маънавий тафаккур орқали топилса, қалб асосий билиш қуроли бўлади. Ориф "ҳикматли сўзлари билан ўлик қалбларни тирилтиради"[436]. Демак, қалб бирлик (руҳ) ва кўплик (нафс) ўртасидаги чегарани белгилайди. Нафс "мен"лик, ҳар қандай ёвузлик манбаи бўлса, қалб руҳ ва нафс ўртасидаги нур кўринишидаги субстанция бўлиб, "нафси комила" ҳолатидаги қалбга айланади. Қалбда руҳнинг барча тушунчалари ва мукаммалликлари мужассам бўлиб, қалб ҳақидаги илм қалб билан англанади. Бу илм қидириб топилмайди, аксинча, олий даргоҳдан туҳфа этилади. Қалб билан эришиладиган илмни башорат, сирли, амалий ёки телепатик куч билан боғлаш мантиқан тўғри эмас. Илоҳий олам билан боғланиш орифдан юксак маънавий етукликни талаб этади. Холбуки, маънавий баркамол бўлмаган инсон, ҳар қанча уринмасин, илоҳий ҳақиқатдан баҳраманд бўла олмайди. Илоҳий кучнинг манбаи "перманент" муҳаббат оқими ва Аллоҳга садоқат бўлиб, бунда интеллектуал тажриба билан боғлиқ бўлмаган онгнинг олий даражаси ҳамда ҳақиқатга эришишнинг ностандарт усули, яъни фаҳм-фаросат, зикр, ҳол, самоъ, чилла назарда тутилади.

Ҳақиқатни англашнинг илк босқичи ёришиш, нурланиш сифатида намоён бўлади. Ирфон илми ориф учун

---

[435] Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Анъом сураси, 39-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 132.

[436] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 75.

параметрлари табиий ва реал илоҳий импульсдир. Ориф нарсаларнинг моҳиятига ўзгаларнинг назари билан қарай олади, яъни билимларнинг субъектлараро эканини таъминлаш, нарсаларнинг яширин моҳиятини англаш, бирлик аро кўплик, "жузъ"да "кулл"ни кўра олищдек универсал ва трансцендентал билимларни шакллантиради.

Ҳақиқат шариатнинг ботини ва асл моҳиятидир, шунга кўра, ҳадисда "Шариат сўзларим, тариқат амалларим, ҳақиқат ҳолимдир"[437] дейилган. Тасаввуф аҳли шариатни маънавий камолотнинг тамал тоши[438] деб билишган. Шайх Нажмиддин Кубро шариатни кемага, тариқатни денгизга, ҳақиқатни денгиздаги дур-гавҳарга ўхшатган[439]. Бундан англашиладики, шариат билан ҳақиқат ўзаро муштарак, шариат ҳақиқатнинг зоҳири бўлса, ҳақиқат шариатнинг ботинидир. Бу мақомда ягоналик, яъни Ваҳдат бор, иккилик йўқ. Ҳақиқат мақомига нафс мартабаларини босиб ўтган, қалбини салим (шабҳадан саломат қалб) ҳолатига келтирган, ҳаётини тақво асосига қурган, сирларини ошкор этмаган, "каррамно"[440] тожини кийган валий зотлар лойиқ бўлади. Салим қалб эгаси Аллоҳнинг азиматини олгани учун илоҳий сезгилар кучайиб, "басират" соҳиби бўлади. Бу улуғликни борлиқдаги ҳеч қандай улуғлик билан тавсиф этиб бўлмайди. Бундай қалб соҳибининг афзаллиги яхшилик, иноят ва илоҳий раҳматнинг ўз-ўзидан келиши билан изоҳланади.

Аллоҳга яқинлашишни осонлаштирадиган амаллар зикр, хилват (эътикоф, чилла, арбаъин), робита (боғланиш), сайру сулук бўлиб, ҳақиқатнинг охирига етган орифнинг ботини (ички олами)ни шариатнинг зоҳирига мувофиқ эканини топади.

---

437 Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар. Нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққул. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 148.
438 Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 54.
439 Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 254.
440 Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Тошкент, 2000. – Б. 21-22.

Ориф Аллоҳ исмлари ва оятларни зикр қилиш жараёнида жазба ҳолатига тушиш орқали ташқи, "эмпирик" оламдан ажралиб, ботиний олам, "илоҳий яқинлик"ка эришади. Жазбанинг яна бир жиҳати, унинг ишқ аҳлига Аллоҳ томонидан неъмат сифатида ато этилишидадир. Имом Аҳмад Ҳанбалдан шогирдлари Бишри Хофийни ҳаддан зиёд эъзозлаши ва унинг зиёратига тез-тез боришининг сабабини сўраганларида, Имом Аҳмад Ҳанбал: "Мен илмни ундан кўп биламан, аммо у Аллоҳни мендан кўп билади"[441] деб жавоб берган.

Илоҳий маърифат "гавҳар"га ташбеҳ этилади. Илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлган Ҳақ йўлчиси илоҳий маърифат уммонининг ғаввосига айланади. Бу маърифатдан бахабар ва бегона кишилар учун "гавҳар"нинг аҳамияти йўқ. Бу борада Машраб айтган сўзларни аслаш кифоя: "Маърифатдан бехабарсан, гавҳаримни кавлама"[442].

Балх подшолигини ташлаб, ҳақиқат йўлига кирган Иброҳим Адҳамнинг ҳақиқатнинг қайси мақомига етганини имтиҳон қилиш мақсадида ундан мол-дунё талаб қиладилар. Иброҳим Адҳам "Сиз истаган нарса Балхда қолиб кетган" деб жавоб қайтаради. Жавобдан хафсалалари пир бўлган сўфийлар уни уриб-сўкадилар ва "Ҳали Балх эсидан чиқмабди, ҳақиқат сирига етмабди" деб, қўл силташади. Бир неча йилдан сўнг синов яна такрорланади. Иброҳим Адҳамни қанча калтаклаб, ҳақорат қилсалар ҳам ундан садо чиқмайди. "Ана энди камолга етибди, Ҳақ сиридан огоҳ бўлибди" деб, унинг "сулук ичра иши ниҳоясига етганлигига тан берадилар"[443] ва унинг ортидан эргашадилар.

---

[441] Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 1997. – Б. 27.

[442] Машраб. Девон / Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбалардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи Жалолиддин Юсуфий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 133.

[443] Жумаев Р. Мавлоно Жалолиддин Румий. Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи И. Ҳаққул. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 59.

Ҳақиқатни англашнинг усулларидан бири "ҳайрат" бўлиб, бу усулнинг  қадимги фалсафий қарашларда акс этган апориялар билан боғлиқ бўлган "чалкашлик"ка алоқаси йўқ. Чалкашлик тартибсизлик бўлиб, "чалкашлик"да кашф этилган қарама-қарши томоннинг умумлашган шакли нарсаларнинг бир-бирига нисбатан зиддиятини инкор қилган ҳолда диалектик алоқадорлик контекстини акс эттиради. Уларнинг мавқеи ёки ўзаро устунлиги модус (вақтинчалик мавжудлиги)да абадий мавжудлигидан олиб ташланадики, ҳар қандай нарса бошқа нарсага нисбатан турли муносабатда бўлади. "Чалкаш" билим дискурсив шаклда ифода этилса ҳам, тўғридан тўғри билиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ҳақиқатга зид бўлмайди. Шу маънода, тасаввуф эпистемологияси ва "ҳайрат" орқали олинган билимлар Шарқ фалсафасида якдил тан олинган тўғридан-тўғри ва дискурсив билимлар ўртасидаги тафовутларни бартараф этишга хизмат қилади. Ҳақиқатнинг ўзини топиш мушкул, топиш имкони бўлса ҳам, унга ҳеч ким тўлиқ эриша олмайди. Аммо ҳар бир инсон ҳақиқатни англаш учун оз бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшади, бу хиссалар ассоциацияси натижасида улуғвор манзара пайдо бўлади. Фикримизча, Ҳақни таниш икки йўл орқали амалга ошади: биринчиси, асардан муассир (таъсир ўтказувчи)га, феълдан сифатга ва сифатдан Зотга (Ҳақ зотига) истидлол қилиш орқали. Бу йўл олимларга хосдир. Иккинчиси, кўнгилни поклаб тафаккурни (ақлни, фикрни) ва, шунингдек, руҳни, Ҳақдан бошқа барча нарсалардан ажратиш орқали. Бу йўл пайғамбарлар, набийлар, авлиёлар ва орифларга хосдир.

Орифнинг "кашф" орқали ҳис ва ақл-идрок орқали англамаган ҳақиқатни, яъни инсоннинг Ҳақ таолога "унс" ҳолига келиши, қалбининг барча носозликлардан покланиши натижасида эришилган даражани қалб кўзи билан кўради[444].

---

[444] Хожа Ориф Ревгарий. Орифнома / Форс-тожик тилидан С.С.Бухорий ва И.Субҳоний таржимаси. – Тошкент: Наврўз, 1994. – Б. 5.

Бу мартаба воситасида Аллоҳнинг сифатлари, моддий оламнинг асл моҳияти ва инсоннинг сийрати очиб берилади.

Кашф ва мукошафа орифнинг илоҳий сирлардан огоҳлик даражасига кўра фарқланади, яъни Жабарут оламига борган ориф, малакут оламига ҳам етиб бориши унинг ҳолига кўра белгиланади. "Аллоҳ авлиё қалбига илм нурини сочади"[445]. Шунинг учун ҳар бир Ҳақ аҳлини маърифат оламидаги бир "уммон" деб атаса бўлади. Дунё ва унинг ранг-баранг жилосига алданган кишилар ўз ақлий имкониятлари, интеллектлари даражасида идрок эта олган нарсалар билан чекланадилар ва мулк оламида қолишни афзал биладилар. Ҳақиқатда эса борлиқнинг ҳақиқатини била олмайдилар.

Дунёнинг яралишидан мақсад ҳам шуҳудий маърифат (Ҳақни таниб олиш ва уни кўра билиш)дир[446]. Ҳақиқатнинг замири инсон қалбидаги илоҳий нурдадир. Нур эса инсоннинг фикрлари, сўзлари, хаёллари орқали эмас, балки руҳий қуввати асосида қилаётган хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. "Анкабут" сурасининг 69-оятида "Бизнинг йўлимизда жиҳод қилган, курашган зотларни албатта Ўз йўлимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир" дейилган. Демак, ирфон йўли инсоннинг ўз нафсини покизалаш, риёзат чекиш, сиғиниш, зикр қилиш, хилватда ўтириш, жазбага берилиш орқали сайру сулук босқичидан ўтиб, қалби илҳом ва "ишроқ" манбаига айлангандан кейин қатъий ҳақиқатга эришишидан иборат. Ҳақиқатга эришиш қуйидаги босқичларга бўлинади:

Инсон туғилганидан то ҳақиқат йўлига киришгача бўлган йўлни қамраб олган исломий аҳкомларни адо этиш, чин мусулмон бўлиш (шариат) йўли. Аллоҳга сафар (сайриллоҳ)нинг биринчи босқичи. Шайхга боғланиш, тавба қилиш, ҳол ва мақомларни босиб ўтиш (тариқат) йўли.

---

[445] Имом Абу Абдураҳмон Сулламий. Табақоти суфиййа. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 29.

[446] Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 12.

Аллоҳга сафар (фанофиллоҳ)нинг иккинчи босқичи. Ирфоний билишнинг юқори чўққиси, ориф умрининг охиригача давом этадиган (ҳақиқат) йўли. Аллоҳга сафар (бақофиллоҳ)нинг учинчи босқичи. Ирфоний билишнинг кейинги босқичлари илоҳий оламни англашда маънавий-руҳий камолотга эришиш ҳамда илоҳийлик сари қадам қўйиш, илмни бевосита Аллоҳдан олишда акс этади. Бу ҳақиқатнинг мушоҳада илми экани билан изоҳланади.

Ҳақиқатни англаш ва идрок этишига кўра, ирфон аҳлини икки гуруҳга ажратса бўлади. Биринчи гуруҳ вакиллари (Жўнайд Бағдодий, Ибн Арабий, Ибн Форид) ҳақиқатни илоҳий гўзаллик зуҳур этган "тажалли" деб талқин этсалар, иккинчиси гуруҳ вакиллари (Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро) ҳақиқатни руҳиятларидаги ҳиссиёт, кечинмалар орқали мушоҳада қилишган. Биринчи гуруҳга Аллоҳнинг жамоли Мутлақ бўлиб намоён бўлса, иккинчи гуруҳ вакилларининг мушоҳадасида руҳий тамойил устун бўлганлиги боис, уларда руҳий салоҳият ва фасоҳат юксак тараққий топган. Уларнинг кўнглида дард, изтироб, шавқ, ишқ нашъаси ҳукмронлик қилиш билан бир қаторда, қалбларида доимий азоб, ҳол ва туйғусида тўхтовсиз ўзгариш рўй берган. Бу илоҳий сирлар мушоҳадаси, яъни уларнинг ўз ботинларида юз очган илоҳий гўзалликдан завқланиши ва ҳақиқат сирлари моҳиятига етгани сари илоҳий ишққа таслим бўлишида акс этган. С.М.Хотамий бу каби қарашларнинг, ўз навбатида, кейинги давр мутасаввифларининг дунёқарашлари шаклланишига катта таъсир кучига эга бўлганини эътироф этган[447].

Шундай қилиб, Ҳақ йўлчисининг руҳи тараққий этиб, покланиб, илоҳиёт оламига яқинлашади. Мутлақ руҳ билан синкретлашиб, Мутлақиятнинг ўзига айланади, яъни Ҳақни

---

[447] Бу ҳақда яна қаранг: Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. Таржимон Н.Қодирзода. – Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 23.

топган ҳам ҳақиқат бўлади. Бу масалада тасаввуфнинг йирик намояндаси, Боязид Бистомийнинг шогирди ва маслакдоши Мансур Ҳаллож ҳақиқатини четлаб ўтиб бўлмайди.

“Ал-Ҳақ” – борлиғи доим мавжуд ва борлиғи ҳақиқий деган маънони англатадиган илоҳий тажаллийни ифодалайдиган Аллоҳнинг исмларидан бири. Мансур Ҳаллож кўтарилган мақомда Аллоҳдан бошқа барча нарсалар, ҳаттоки ўзининг исми ҳам фоний бўлган, “Ҳақ”, яъни мавжуд деган сўз қолган. Валоятнинг юксак мақомида бўлган Мансур Ҳаллож фақат “Анал Ҳақ” деб бир сўзни такрорлаган. У бандаларни рўзи маҳшарда жазоловчи, ёққани, тоат қилганига неъмату мағфират ато этиб, ёқмагани, итоатсизини дўзах азоби билан жазоловчи Худони эмас, балки Олий бир ҳақиқатни, моҳиятлар моҳияти бўлган жавҳар, буюк Зотни назарда тутган. Аллоҳни “оламнинг асоси ва инсон қалбининг эгаси” деб ҳисоблаб, инсонни Мутлақ руҳнинг бир бўлаги экани, тана жисм билан курашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, ориф билан Аллоҳ ўртасида “парда” қолмайди, улар бирлашади, яъни инсон ҳам Худодир (Ҳақ), деган фикрга келиб, “Анал Ҳақ” (мен Ҳақман) деган қарашни баён этган. Унинг назарида, илоҳиёт олами чексиз бўлганидай, ишқ ҳам интиҳосиз, унинг ўтмиши йўқ, у ҳар доим истиқболдир.

Мансур Ҳаллож Худони Мутлақ реаллик, ҳақиқий мавжудлик деб қараб, қатра уммонга қўшилганда уммон сифатини олганидек, ориф руҳи ҳам ўз асли билан бирлашганда ҳақиқатга айлана олади, деб эътироф этган. Аслида инсон Аллоҳ билан бирлашмайди, аксинча, тажаллиёт нури билан тўлган қалб Аллоҳга маънавий яқинлашади. Бу яқинлашиш валоят белгиси. Зоҳирбин уламолар Мансур Ҳалложнинг шавққа тўлиқ сўзларининг асл маъносини англамай, уни куфрда айблаб қатл этганлар. Хожа Аҳмад Яссавийнинг Мансур Ҳаллож ҳақида айтган ҳикмати фикримиз далилидир:

Билмадилар муллолар “Анал Ҳақни маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб”[448].

Ҳақиқат ориф қалбидаги туйғулар воситасида тавҳид сирини англашдирки, Аллоҳ Ўзининг буюклиги “парда”сига ўраниб олгани учун кўзлар уни кўра олмайди. Буни англаган ориф борлиқдаги илоҳий ҳақиқатдан бошқаси ўткинчи эканини англайди. Ирфон аҳлининг ҳақиқатни билишга доир қарашлари бир-биридан фарқланса ҳам, уларни бирлаштириб турган ягона мақсад илоҳий ҳақиқатнинг инсоннинг ўзлигини англаши орқали англашилишидир. Орифнинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш илоҳий ҳақиқатни билиш. Бу тушунарли. Мақсад қандай амалга ошади? Фикримизча, ориф бу мақсадга ўзини ўзи билиш, англаш йўли билан эришади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида ориф ўзида илоҳий унсурлар мавжудлиги, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзликни англаш эканини билади. Ориф учун илоҳий дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган “Ўлмасдан бурун ўлинг” (“Муту қабла ан тамуту”) ҳадиси ҳақиқатни англашнинг негизини ташкил этадики, ўлмасдан аввал ўлишнинг сифати ва ҳолини камолга етказмасдан ирфоний ҳаёт ва ахлоқда ҳам, ишқу ошиқликда ҳам олий мақомга юксалиб бўлмайди. Аслида ўлим ҳаётнинг интиҳоси эмас. Ўлим абадий ҳаётнинг ибтидоси, “жуз”нинг “кулл”га, “зарра”нинг “нур”га етишидир.

“Ўлмасдан бурун ўлиш” руҳий покланиш жараёни бўлиб, муроқабага берилган ориф ҳар қандай инсоний истаклардан кечади, ақлига келган нарсаларни бир ёнга суриб, фикрлар оламидан узоқлашади ёхуд фикрлашдан тўхтайди. Шу “ҳол” ичида ўлим ҳукми келган ва фоний дунёни тарк қилган вужуд аъзоларини жонсиз ҳисоблаб, кўзини юмади. Ўзини қабрда тасаввур этади. Қабр ҳаёти ҳақида мушоҳада қилади. Жасади чириб, вужуди тупроққа қоришгани, ундан ном-нишон

[448] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 228.

қолмагани, фақат руҳи билан ҳисоб-китоб бўлишини тафаккур қилиб, муроқабага берилади. Шу орқали унга "Ўлмасдан бурун ўлинг" ҳадисининг сири ошкор бўлади, яъни ориф учун ҳақиқат "фано"нинг ибтидосидаёқ мужассам бўлган, Ҳақ эса Аллоҳдир. Яратганга рост сўзлаган ҳамда унга қатъий амал қилиб яшаган ҳолда қайтиш ва боқийликка қовушиш ориф орзусидаги олий манзилдир. Ориф бу йўлда жидду жаҳд билан ҳаракат қилиб, мақсад сари интилади. Бу йўлда орифнинг ўзи учун кашф қилган ҳақиқати Мутлақ ҳақиқат йўлидаги нисбий ҳақиқат бўлиб, Жўнайд Бағдодий "бу йўл Ҳақнинг сени сенда ўлдириши ва Ўзига боғлашидир"[449] деб изоҳлаган.

Ҳар бир нарсанинг ички хусусиятлари ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги муқобил йўлларни танлаш имконияти мужассам. Рационал турмуш тарзида яшайдиган бугунги кун кишиси ҳаётининг ҳар бир жараёнини назорат қилишни ва келажакни олдиндан кўришни истайди. Мантиқийлик, аниқлик, олдиндан режалаштиришга одатланган замонавий инсон учун барча нарса-ҳодиса тушунарли ва хавфдан холи бўлиб кўринади. Хавфдан холилик эса инсон имкониятларининг чекланишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарсани назорат қиладиган, ҳар бир тийинини ҳисоб-китоб қиладиган, олдиндан зарур тадбирларни кўриб, келажакка замин яратиб қўядиган инсон Аллоҳнинг унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб тургани ва унинг эртаси учун қандай режа тузиб қўйганини билмайди. Инсон ҳақиқатни англаши учун рационал тузилган режалар иш бермайди[450], яъни инсоннинг худбинлиги, кибри, ўз-ўзига махлиёлиги унинг ҳақиқат йўлидан анча тубанда эканини кўришга имкон бермайди.

---

[449] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 263.
[450] Эдвард де Боно. Параллельное мышление. Пер. с английского П. Самсонов. – Москва: Попурри, 2007. – С. 312.

Ҳақиқатнинг ирфоний интерпретациясидан англашиладиган якуний мақсад барқарор онгдан бошланган ва онгнинг энг олий сарҳадини қамраб олган онгнинг инсон ва унинг Аллоҳ ва "мен"лиги билан боғлиқ моҳиятни трансмутациялаш (бошқа тўзон энергиясига айлантириш)дир. Мушоҳада орқали англашиладиган ҳақиқатнинг тавсифига кўра, орифнинг нафсдан озод бўлган қалби ишқ билан тозаради, яъни "Агар нафсингдан озод бўлсанг, Аллоҳдан ўзга ҳамма нарсадан озод бўласан"[451]. Демак, орифнинг юксак руҳоний, акмеологик даражага кўтарилиши натижасида илоҳий оламни билиш дарчаси очилиб, унинг кўз ўнгида ўн саккиз минг олам намоён бўлади.

Орифнинг ҳақиқат ҳақидаги қарашларини унинг концептуал яхлитлиги ва аниқ тўлиқлигига юклашга ўрин йўқ. Шу билан бирга, бу қарашлар орифнинг ҳақиқат ҳақидаги илмларини инкор қилмайди, аксинча, мураккабликдаги соддаликни, хаос (тартибсизлик)даги тартибни, тасодифдаги заруриятни, ўтмишдаги келажакни ўзаро алоқадорликда аниқлаш орқали ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси янги ва юқори босқичларда илмий-назарий тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## III боб юзасидан хулосалар

Ирфоний билиш ва унда набийлик ва валийлик ҳақидаги қарашлар қуйидагича изоҳланади. Набий" соф диний тушунча бўлса, "валий" диний-тасаввуфий тушунчадир. Аммо "валий" тушунчасининг пайдо бўлиши ва қарор топишида "набий" тушунчасининг таъсири ва аҳамияти бор, яъни набийдан кейин валийнинг бўлиши диний, ижтимоий, маънавий-мафкуравий зарурият эди. Набий ва валий орасида қуйидагича генезис бор:

[451] Абдулқодир Гийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 112.

илоҳий оламга ошнолик, Худо билан бандалари орасида воситачилик, муқаддаслик, илоҳий сифатлар эгаси бўлиш, руҳоний раҳнамо ва ибрат бўлишлик, илоҳий қудратга сазоворлик. Набий ва валий орасида қуйидаги фарқлар мавжуд: пайғамбар "ваҳий" қабул қилади, валий эса "илҳом" орқали Аллоҳ билдирган нарсаларни билади, ундан бошқасини тилга олмайди. Набийда валийлик хислати бор, аммо валийда набийлик хислати йўқ. Пайғамбар ваҳий қабул қилиб, уни шариат кўринишида ҳаётга жорий этади. Валийда бу сифат йўқ, валий шариатни мустаҳкам тутқич деб билади. Валий Аллоҳ Расулининг ишларини давом эттиради. Набийнинг фавқулоддаги ишлари "мўъжиза" дейилса, валийнинг ғайритабиий ишлари "кашф" дейилган. Мўъжиза ва кашфнинг ўзига хос ва фарқли жиҳатлари бўлиб, мўъжиза халқ кўз ўнгида рўй берса, кашф кўпроқ махфий содир бўлган.

Набийлик ва валийлик мақоми ҳақида биринчи бўлиб тадқиқот олиб борган, валоят тушунчасини шарҳлаган тасаввуфнинг йирик вакили Ҳаким Термизий бўлса, Абу Бакр Колободий, Абу Ҳомид Ғаззолий набийликни оят ва ҳадис асосида далиллашган. Шайх Нажмиддин Кубро набийликни Аллоҳ ва бандалар ўртасидаги восита ҳамда фаришталар орқали эришиладиган илоҳий илм соҳиби[452] деб талқин этган. Бу каби қарашлар Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг "Кашф ул-маҳжуб" асарининг "Набийнинг валийдан устунлиги ҳақида"ги фаслда алоҳида, дискректив тарзда таҳлил этилган.

Ҳол мартабалари инсоннинг Ҳақ васлига интилиши, завқу шавқини ифодалайдиган бир-бирига боғлиқ руҳоний ўзгаришлар, қалбнинг ёришиши, "нурланиши" бўлиб, валий "тафриқа"дан "жамъ"га, "жузъ"дан "кулл"га, "касрат"дан "ваҳдат"га кўтарилади, "таскин" ва "тамкин" мақомида бўлади.

[452] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул., А.Бектош. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 231.

Мақомотнинг туб моҳиятини ворисийлик принципи асосида тизимли кўриб чиқиш асосида қуйидаги хулосага келинди: мақомот одоб ва аркон жиҳатидан фарқланса ҳам, туб моҳияти Аллоҳ ризолигига эришишдир. Руҳий-маънавий юксалган орифда маънавий сифатлар жамланиб, мақомотдаги коэволюцион (тадрижий) жараён тавҳидни чуқур идрок этиш, ўзи ҳам тавҳиднинг бир қисмига айланиш (субъектнинг объектга қўшилиб, борлиқ ичра йўқлиги), "фано"дан "бақо" ("ўлмасдан бурун ўлиш")га ўтиш ҳолатини ифодалаб, руҳий камолот диалектикасини намоён этган.

Аллоҳ вақт ва замон, моддий оламдан ташқарида, яъни трансцендентал мавжудликдир. Ҳақиқий борлиқ, Мутлақ ҳақиқат Унинг Ўзи. Моддий дунё ўткинчи, фоний, Ваҳдат олами абадий, ўзгармасдир. Набийлар ва валийлар ана шу ҳақиқатга интилган, "Ақли куллга" етишган зотлар бўлиб, қолган инсонлар уларга эргашиш орқали Ҳақ йўлни топадилар, яъни "жузъ" "кулл"га интилиб, "кулл" бўлади, универсалликка эришади.

Ориф, ирфон ва маърифат ҳақидаги билимлар идрок, илм, ахлоқ, қалб, ҳикмат билан изоҳланади, яъни Аллоҳ омма учун илм (шариат ва дунёвий илмлар)ни, валий учун маърифат (қалб илми)ни хос қилган. Ақлий маърифат оммага тушунарли бўлса, назарий маърифат шариат аҳли учун хос эди. Шуҳудий маърифат мушоҳада, кашф, илҳом орқали намоён бўлган. Ҳақиқатга шуҳуд, кўнгил ва ботиний нигоҳ билан кўриш орқали эришилган.

Ҳақиқат кенг қамровли истилоҳ бўлгани учун, уни фалсафий-ирфоний талқин этишда интерпретацияни қўллаш, яъни нуқтаи назар, мақсад, вазифа, босқич, даража, шакл, восита, йўл, усул, услуб, таҳлил, тасниф, бутун, қисм нуқтаи назаридан ҳақиқатни идрок этиш; ҳақиқатни англаш усулларидан фойдаланиш, яъни "маърифат", "эътиқод", "сезги", "ваҳий", "ижодкорлик"да фикрлар хилма-хиллигини

